

24/01
с. 35

Саъдий Шерозий



ГУЛИСТОН
БЎСТОН

САЪДИЙ

ГУЛИСТОН
БЎСТОН

Nizomiy nomli
T D P U
kutubxonasi

Фафур Гулом номидаги
нашриёт-матбаа ижодий уйи
Тошкент – 2021

УЎК 821.512.133-1

КБК 84(0)9

С-12

Нашрга тайёрловчи
Ҳамиджон ҲОМИДИЙ

ISBN 978-9943-03-572-0

© Фафур Фулом номидаги
нашриёт-матбаа ижодий уйи,
2014, 2021

БИР ДАСТА ГУЛ

Шарку Фарбда Саъдий, Шайх Саъдий номи билан шуҳрат қозонган, кўп халқларнинг улкан шоирлари ўзларига устоз деб билган мутафаккир санъаткорнинг асл номи Мушаррафиддин ибни Муслиҳиддин Абдуллоҳдир. У 1184 йили Эроннинг қадимий тамаддуни ўчоғи Шерозда давлат хизматчиси оиласида дунёга келади. Саъдийнинг отаси Шероз ҳокими Саъд бинни Занжи саройида хизмат қилган. Отаси Саъдийни ўқитиш билан жиддий машғул бўлади, лекин кўкқисдан вафот этади. Етим қолган Саъдий ва укасига оз миқдорда бўлса ҳам давлат нафақа тайинлайди. Шерозда тахт-тож учун кураш авж олган бир пайтда 1226 йили Саъдий Бағдодга бориб, «Низомия» мадрасасида таҳсил кўради. Бу ерда у ўша даврнинг машҳур олими Абдулфароҳ Абдурахмон ибни Жавзий (1186–1257)дан дарс олади. Мадраса таҳсилидан сўнг адиб Эрон, Жанубий Оврупа, Кичик Осиё, Араб ҳамда Ўрта Осиё, Ҳиндистон ва Хитой мамлакатлари бўйлаб сафарга чиқади. Ўттиз йил давомида турли юртларни кезади, ҳар хил халқлар орасида бўлади, баъзан мусофирларни, савдо қарвонларини ҳимоя қилиб, қароқчилар билан бўлган жангларда иштирок этади, салбчилар қуршовида қолиб, асир тушади, бир дўсти уни қутқариб олади. Умрининг охириги йилларини Саъдий замонасининг мунофиқ ва разил кишиларидан йироқда – гўшанишинликда ўтказган, ижодий ишлар билан машғул бўлган. Саъдий узоқ яшаб, 1292 йили вафот этади. У дафн этилган боғ ва мақбара ғоятда кўркем бўлиб, ҳамиша Шероз меҳнатқашлари ҳамда дунё сайёҳларининг севимли қадамжоларидан бирига айланган.

Саъдий Шарқнинг даҳо ижодкорлари орасида энг заҳматқаш, сермаҳсул ва жаҳонгаштасидир. У 30 йил илм ўрганди, 30 йил саёҳат қилди, 30 йил бадиий ижод билан шуғулланди.

Адиб Машриқзамин адабиётида биринчи бўлиб туркум девон тузиш анъанасини бошлаб берган. У қасида, ғазал, рубоий, китъа ва бошқа жанрлардаги шеърлардан таркиб топган «Таййибот», «Бадоеъ», «Хавотим», «Ғазалиёти қадима» деб номланган тўртта девон тузган. Уларда Саъдий буюк шоир, форсий тилдаги шеъриятда ғазал асосчиси, гуманизм куйчиси сифатида юксак ғояларни янги босқичга кўтарган; замонасидаги шеъриятнинг барча жанрларида устоз санъаткор мақомига эришган; кўплаб рисолалар битган.

Беназир шоир ва мутафаккир Саъдий бадий ижодда ўз мактабини ярата олган адибдир. Юз йилдан ортиқ умр кўрган Саъдий даврнинг барча билимларини чуқур эгаллаб, юрт кўриб, халқ орасида юриб, чинакам олим, мураббий, инсонпарвар адиб бўлиб етишди. Шеърин, насрий хикоя ва масаллардан ташкил топган «Ғулистон» ва «Бўстон», «Сохибнома» асарлари унга жахоншумул шуҳрат келтирди. Саъдий ўз хикояларида бошқа Шарқ мутафаккирлари сингари халқ фаровонлиги, юрт тинчлигига ободонлигини одил подшо шарофатидан, деб билади. Унинг ақидасича, подшо илм-маърифатли, одил бўлса, мамлакатини илмга, донишманцларга суяниб бошқарса, зулм-зўрлик, жаҳолат ва разолатни ер юзидан йўқотса, давлат мустаҳкам, юрт обод, фуқаро тўқ ва тинч бўлади. «Ғулистон»даги ҳар бир хикоя киссадан ҳисса шаклидаги шеър – пандлар билан яқунланади. Баъзан, байтлар наср таркибида ҳам келади. Ёзувчи уларда илм ўрганиш, меҳнатсеварлик, таъзим-тавозе, катталарга хурмат, кичикларга иззат, ота-онага эътибор, тил ва муомала, сўзлаш одоби, ширинсуханлик ва бошқа жуда кўп масалаларда улкан мураббий, мутафаккир сифатида панд-насихат беради. Айни чоқда ёзувчи судхўрлик, товламачилик, тамагирлик, танбаллик, ёлғончилик, фирромлик, иккиюзламачилик, карокчилик, фирибгарлик сингари ғайриинсоний иллатларни аёвсиз лаънатлайди ва покиза кишиларни бундай ярамасликларга қарши курашишга чорлайди.

Бу таълимий асарда ёзувчи ўз давридаги энг муҳим ва катта-катта сиёсий, иқтисодий воқеаларни ақс эттирар, ахлоқий нормаларни талқин этар экан, ўша давр кишиларининг хилма-хил образларини яратадики, бу образларнинг умумлаштирувчи кучи ҳам, таъсир доираси ҳам

шоирнинг ўз юрти ва даври чегарасидан чикиб кетади. Унинг илғор орзулари умумбашарият орзулари билан ҳамоҳанг. Шунинг учун ҳам бу асар жаҳон адабиёти дурдоналари каторидан жой олган.

Саъдий ўз замонининг етук педагоги, доно, инсондўст, мураббий шоири, чуқур психолог олими бўлган.

Бу улуғ донишманднинг кенг ва ранго-ранг ижодида биз ёрқин мисралар билан бир каторда у яшаган даврнинг қора тамғаси тушган доғларни ҳам кўрамиз.

Саъдий кўп саёҳат қилиб, ҳаёт тажрибасини орттирган билимдон. У довдираб, йўл тополмай қолган кишиларни саргардонликдан қутқариш, уларга тўғри йўлни кўрсатиб беришни ўзининг бурчи ҳисоблайди. У бир шеърда:

Чу кўрдинг кўр киши йўлинда чоҳдир,
Индамай ўтирсанг катта гуноҳдир, –

дер экан, бошқаларга ҳам шу бурчни уқтиради. Саъдий назарида инсон фақат ўзи учун эмас, бошқалар тақдири учун ҳам, бутун башарият тақдири учун ҳам жавобгар.

Инсоннинг кўзини очишга, унга яшамок йўлларини ўргатишга умрини бағишлаган Саъдий ҳаётда инсонни пок, иродали, кучли ва мағрур кўришни истайди.

Инсоний кадр-қимматни у биринчи галда меҳнатда, ўз меҳнатига, билими ва ҳунарига таянишида, бировга хор бўлмасликда деб тушунади ва шундай таълим беради:

Ўз меҳнатидан нон еган киши
Хотам миннатидан озод ёз-қиши.

Ҳамма нарса фақат ҳаракат ва жасорат билан қўлга киритилиши мумкинлиги «Гулистон»нинг кўп ҳикояларида лўнда қилиб кўрсатиб берилган:

Ризкингдан ортикни еб бўлмаса ҳам,
Талабда бўлмағил дангаса, беғам.
Фаввос наханг оғзин ўйласа агар,
Қўлга киритолмас ҳеч дурру гавҳар.

Шер нима овлай олур токи инидан чикмай,
Чангалига не тушар ерда ётса карчигай.

Шунинг учун ҳам у киши кадрини, инсоннинг инсонлик шарафини ерга урадиган тама, хасад ва шунга ўхшаш паст одатларни қаттиқ қоралайди:

Олиб борма шоҳга таъмали сўзинг,
Таъмани йўқотганда шоҳсан ўзинг.

Жирканчдир хор бўлиб топилган овқат,
Қозон тўлур, аммо ор билан фақат.

Инсондаги ёмон хислатларни орттирадиган, уни ҳатто ёлғончилик, ўғрилиққа бошлайдиган, дағдаға, жанжал чиқариб, инсон шарафини пастга урадиган майхўрликни ҳам қаттиқ қоралаган.

Саъдий асарлари Фарбий Европада аллақачонлардан бери маълум бўлган. Машхур француз файласуфи ва ёзувчиси Вольтер «Гулистон»дан хабардор бўлган ва баъзи шеърларидан фойдаланган.

«Гулистон» XVII асрнинг биринчи ярмидаёқ Европа тилларига таржима қилиниб, тарқала бошлаган эди.

Саъдийнинг ўлмас асари биринчи бор француз тилига таржима қилиниб, 1634 йилда Парижда нашр этилган эди.

Сўнгра у французчадан немис тилига таржима қилиниб, 1636 йилда босилиб чиққан эди. Ундан кейин ҳам Европа ва бошқа бир қанча халқлар тилига таржима қилингандир.

«Гулистон» рус тилига кўп марта таржима қилинган. Булар орасида А. Козимбек (1829), С. Назарянц (1857), К. Ломбарс (1862), И. Холмогоров (1882), Е. Э. Бертельс (1922) таржималари бор.

Саъдий Шерозий асарлари ўзбек халқи орасида қадимдан машхур ва манзур бўлиб келган. Хусусан, унинг «Гулистон» ва «Бўстон» асарлари ўтмишда Ўрта Осиё мактаб, мадрасаларида асосий ўқув қўлланмаси сифатида ўқитилган. Сайфи Саройи (XIV аср), Муҳаммад Ризо Огахий (XVIII аср), Муродхўжа домла, Сидқий Хондойликий (XIX аср) бу китобларни ўзбек тилига таржима қилишган.

Алишер Навоийдан тортиб, барча ўзбек адиблари Саъдийни ўзларига устоз деб билган, унинг даҳосидан ижодий бахраманд бўлишган. Навоийнинг «Ҳайрат ул-аброр», «Маҳбуб ул-кулуб», Авлонийнинг «Туркий Гулистон» асарларида Саъдий ижодининг бевосита таъсири бор. Бизнинг замонамизда «Гулистон» яна бир неча бор таржима қилиниб нашр этилди. Мана ўшандай мўъжаз ҳикоятлардан бири:

Мисрда икки ака-ука яшар эдилар. Улардан бири султонга хизмат қилар, иккинчиси эса, ўз меҳнати билан кун кечирадиган бечора киши эди. Кунлардан бир куни акаси камбағал укасига қараб:

– Султон хизматида борсанг-чи, эртаю кеч меҳнат қилиш азобидан қутулардинг, – дебди.

Камбағал укаси унга шундай жавоб берибди:

– Сен нега меҳнат қилмайсан, миннатдан қутулар эдинг. «Амир хизматида олтин камар билан бел боғлаб тургандан кўра, арпа нон еб, куруқ ерда ўтирган яхши», деганлар.

Амир хизматида мунгли ва абгор,
Қўлларинг кўксингга қўйгунча хар гал.
Куйса ҳам қўлларинг майли, биродар,
Кафтингда оҳак тош олганинг афзал.

«Бўстон» тўла шеърда битилган бўлиб, китобнинг ёзилиш сабабидан ташқари «Мамлакатни идора қилиш тадбири», одиллик ҳамда тўғри фикрлаш ҳақида, «Эҳсон ҳақида», «Ишқ ҳақида», «Камтарлик ҳақида», «Ризолик ҳақида», «Қаноат ҳақида», «Тарбият ҳақида», «Шукр ва омонлик ҳақида» ҳамда «Тавба ҳақида» ўн бобдан ташкил топган. Ёзувчи бобларда қўйилган – тасвирланган муаммоларни назарий, амалий, ҳаётий, ижтимоий-сиёсий жиҳатдан далиллаш мақсадида тарихий, афсонавий, асотирий, диний, ахлокий мавзуларда ҳикоятлар, масаллар, мавъиза ва танбеҳлар келтиради. Улар мазмун, ғоявий йўналиш, тимсоллар силсиласи, тасвир усули, ибтидо ва интиҳоси жиҳатидан ғоятда ранг-барангдир. Кўпинча муаллиф ҳикоятдан ҳикоятга ўтиш ёки фикрни янада аниқ изҳор этиш мақсадида лирик чекиниш ёки қистирма тарзида алоҳида панднома – маърифий байт келтиради, ўзи кўрган, бошидан кечирган, билган, кузатган лавҳаларини ҳам қистириб ўтади. Кўп ҳолда улар тасдиқ ва уқтириш моҳиятига эга бўлиб, бобнинг хотимаси ҳисобланади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Саъдийнинг ҳикоятлари ижтимоий-сиёсий, ахлоқий-фалсафий, маърифий-гарбиявий, диний-тасаввуфий, ҳаётномалиги, дастурулмулуклиги ҳамда раҳнамои фукаролиги билан мана олти асрдирки башариятнинг буюк тафаккур неъматиде сифатида эътироф этилиб, эътибор берилиб келинмоқда. Бу ҳикоятларни ўқиган подшоҳ, амир, султон ва беклар юртни бошқариш, фукароларга раҳнамолик қилиш русумлари бўйича сабоқ олади, сулҳжўй бўлиб, ноҳақлик, зулм-зўрликдан қўл тортиб, раиятпарварлигу адолатпешаликка юз келтиради; зодагонлар ўқиса амал-мансабга, мартабаю унвонга эришиш расм-қоидаларини ўрганадилар, бу йўлда жасоратли, тадбиркор, ҳамжихат, етти ўлчаб бир кесадиған бўлишга тиришадилар; сарватманд, бойлар ўқиса феълӣ кенг, очикқўл, сахий-қалб, етим-есирлар, бева-бечоралар, номуродларга қарашадиған бўладилар; тошбағир, жохил, бадкирдор тоифалар ўқиса, меҳрли, халим, беозор бўлиб қолишса, ажаб эмас. Хуллас, Саъдий ҳикоятларидан жамиятнинг барча табака аъзолари наф кўрадилар, ўзларига керакли дарс оладилар. Ҳатто тамағир, йўқсил, беғайрат, танбал, ношуд, бировларнинг қўлига қараб юрадиған тиланчилар ҳам бу ҳикоятлар билан ошно бўлишса, таъсирланиб кетиб серғайрат бўлиб, текинтомоқликдан юз ўгирадиған, ўз кучи билан ризқ-рўз топиб ейдиган, илм ўрганишга, касб-хунар эгаллашга интиладиған бўлиб кетиши мумкин.

Атоқлиширинкалом шоиримиз Чустий домла ушбу беҳамто пандномалар мажмуи – «Бўстон»ни таржима қилишга киришар экан, унинг кўз олдида ўзбек китобхони турганлигини ҳисобга олиб, биртомондан, ўғирма жараёнида Саъдий ҳикоятларининг ана шу бош ғояси – ижтимоий-фалсафий, ахлоқий-таълимий йўналишни тугал бадий инъикос эттиришга интилган; таржимада ҳар бир ҳикоятдаги лўнда мазмуни, баржаста тузилиш, мўъжазбаён бадийликни сақлай билган; айна пайтда улардаги пандомуз, пурҳикмат сеҳрни эътибордан қочирмаган. Натижада бу таржимани ўқиган ҳар бир китобхон Саъдий асарининг асл моҳияти ҳақида яхлит тасаввурга эга бўлади, оламжаҳон илм ўрганади, маърифат эгаллайди. Иккинчи томондан эса, асл матннинг ифода меъёри ва услуб жилоларига ҳам алоҳида назар ташлаган. Маълумки, 30 йил дунё бўйлаб саёҳатда юрган Саъдий аксарият ҳикоятларни ўз кечмишлари, кўрганлари, билганлари, ўқиганлари, эшитганлари асосида

халкона бир услубда, илмий тил билан атайдиган бўлсак, «сахлу мумтанеъ—осону номумкин» усулида яратган, тасвирда халқ ҳикоятларининг хоссасини олган. Шунинг учун ҳам ҳар бир ҳикоят «Овардаанд», «Шунидаам», «Дар жос хонда будам», «Дар китобе навиштаанд», «Дида будам», «Ба назар афтода буд», «Подшоҳе буд», «Подшоҳе гуфта буд» сингари ўнлаб халқ жонли тилига хос бошланмалар – кириш сўзлар билан ибтидо топиб, киссадан ҳисса тарзидаги куйма ҳикмат – байт билан якунланади. Мугаржим ҳам аслиятнинг ушбу нозик бадийий сеҳрини идрок этган ҳолда ҳар бир ҳикоят, масал ёки тамсилнинг ўзбеккона моҳият касб этишига эришган. Бир канча ҳикоятлар «Эшитдимки», «Қайси бир китобда зикр этилган экан», «Шаҳаншоҳлар ахборида бор экан», «Сўзни Саъдийдан тинглагил», «Эшитдингми, Эрон шаҳаншоҳлари», «Бу ҳақда Саъдийдан эшит», «Бир донодан эшитгандим», «Ҳикоят килур», «Бировдан эшитган эдим», «Нақл килишларича», «Бир оқил деди», «Биров демиш», сингари «зачинлар» билан бошланади. Булар китобхонни воқеа тасвирига жалб этиш, унга эстетик завқ беришда муҳим омил ҳисобланади. Оқибатда Саъдийнинг шеърӣй ҳикоятлари ўзбек китобхонларининг таъбиға хос ва дидига мос моҳият касб этган, яъни аслиятнинг мазмуни ва хоссалари ўқувчиларга тўлақонли тарзда тақдим этилган. Уларнинг аксарияти ўзбекча ҳикоятдек равон ўқилади. Фақат аслият оҳангдорлиги бир оз камайган.

Таржимон форсий матннинг бадийий нафосатини таржимада ифодалаш давомида Саъдий қўллаган ҳикмат, ибора, бирикма, мақолларнинг иложи борица ўзбекча таносибларини топиб ишлатишга ҳаракат қилган. Баъзангина қофия тақозоси ўларок аслиятдаги сўзларни учратиш мумкин, холос.

Маълумки, Саъдийнинг кўпгина ҳикоятлари, юқорида уқтирганимиздек, боблар таркибидаги мавъиза – пандно-малардан ташқари алоҳида халқ донишмандлиги билан йўғрилган ҳикматлар билан тугайди. Уларда муаллиф буюк бир мутафаккир, катта ҳаёт тажрибасига эга бўлган мураббий сифатида намоён бўлади. Ана шу ҳаёт сабоғи билан омухта бўлган бетакрор байтлар Чустий қаламида ҳам жозибали, пурмаъно, сеҳрангез кўзга ташланади. Биз ортиқча қиёсий илмий таҳлилға берилмай, ушбу сермаъно ўғитномаларнинг бир неча ўзбекча намуналарини келтириш билан кифояланамиз:

Дарахт бўлса шох, халк илдиз эрур,
Бил, ўғлим, томир-ла дарахт улғаюр.
Ёмонлик билан умр ўтказмагил,
Сенга токи ёғдирмасин лаънат эл.
Муроса қиларкан агар ишни хал,
Ғазаб қилма, ўлдирма, бўлма дағал.
Ёвинг душмани бирла дўстлик зарур,
Ўшанда жахон унга зиндон бўлур.
Агар икки ёв ичра тушса нифок,
Яша дўст билан хурраму иттифок.
Кишиларга билдирмагин ниятнинг,
Қўпинча бўлур гапташар улфатинг.

Саъдийнинг «Ғулистон»и бизнинг замонимизда уч маротаба қайта-қайта кўп нусхада чоп этилди. Афсуски, Чустий домла таржимаси 1960 йили 35 минг нусхада нашр этилгани билан қолиб кетди. Асарнинг ёш авлодни адолат, меҳр-мурувват, камтарлик, дўстлик, ватанпарварлик, комил инсон қилиб тарбиялашдаги аҳамияти ғоятда бекиёсдир.

Саъдий асарларини тадқиқ ва таржима қилишда шоирлардан Чустий, Муинзода, Ғафур Ғулом, олимларимиздан профессор Шоислом Шомухамедов, Рустам Комилов ҳамда Ваҳоб Раҳмоновларнинг хизматлари катта. Саъдийдаги тинимсиз риёзат чекиш, юрт кўриш, дунё кезиш, муттасил сабот-матонат билан илм ўрганиш, бадий ижодда мўъжазбаёнлигу соҳирлик барча замонлар ахли учун юксак ибрат намунасидир.

*Шоислом Шомухамедов,
Ҳамиджон Ҳомидий*



ГУЛИСТОН

Форсчадан

*Ғафур Ғулом, Шоислом Шомухамедов,
Рустам Комилов таржимаси*

КИТОБНИНГ ЁЗИЛИШ САБАБИ

Бир кун кечаси ўтган кунларимни эслаб, беҳуда кетган умримга афсус-надоматлар чекар, кўнглим уйи тошини олмос янглиф кўз ёшларим билан тешар ва ўз ҳолатимга муносиб тушадирган ушбу байтларни ўқир эдим:

Хар дамда умрдан нафас ўтади,
 Бир киё бокқунча йитиб кетади!
 Уйкуда ўтгандай ўтди эллик йил,
 Қолган беш кун умр қайғусин қилгил.
 Ишни битирмаган уятда қолур,
 Карвон ногорасидан ортда қолур.
 Йўловчининг тонгги ширин уйқуси
 Манзилга етишга тўсик бўлғуси.
 Ким бу ерга келди, бир бино солди,
 Ўзи жўнаб кетди, ўзгага қолди.
 Бировлар қилса ҳам шунингдек ҳавас,
 Иморат битмади. битмади нафас.
 Вафосиз дунёга дил берма зинҳор,
 Ҳеч кимга дўст бўлмас чархи кажрафтор.
 Ўлади шубҳасиз, яхши ҳам ёмон,
 Бахтлидур яхши ном қолдирган инсон.
 Тириксан, гўрингга гуллар экиб қол,
 Кейин қўзғалмоққа қолмагай мажол.
 Даврон офтобу умр худди қор,
 Тириксан, мағрурлик қилмагил зинҳор.
 Пулинг йўқ, бозорда нима қиласан,
 Қўркаман саллангдан ажраб келасан.
 Кимки ўз ҳосилин хом еб тугатар,
 Куз кунни хирмондан машоқлар терар¹.

¹ «Гулистон»нинг кўпгина қўлёзма нусхалари ва тошбосма нашрларида ҳар бир шеъринг парчанинг устига «мисра», ё «байт», ё «маснавий», ё «қитъа» деб ёзилган. Лекин «Гулистон»нинг илмий-танкидий матнини тайёрлаган Озарбайжон олими Рустам Алиевнинг аниқлашича, шеъринг парчалар устидаги бу номлар кейинги асрларда ноширлар томонидан қўйилган экан (Р.Комилов).

Шундай хаёлларга бориб, ўйлаб кўрганимдан сўнг, охирида пушаймон қилмаслик ва келгусида ўз шаънимга қуйидаги байтни эп билмаслик учун хилватга чекинишим, дўстлар суҳбатини тарк қилишим, сийна дафтаридаги беҳуда сўзлардан қутулишим керак, деган қарорга келдим.

Бирор бурчакда тилсиз, гунгу лол ўтиргувчи одам
Тилин тиймокни билмовчи кишидан афзалу кўркам.

Шу вақт бир маҳаллар ғам кажавасида ҳамроҳим, хужрамда дилхоҳим бўлган дўстларимдан бири, эски одати бўйича, эшигимдан кириб келди. У қанчалар ҳазил-мутойибалар қилмасин ва хандон ташлаб кулмасин, мен унга жавоб бермадим, ибодатдан бош кўтармадим. Шунда унинг кўнгли ўксиди, менга қараб деди:

Буқун сўзламокка сенда имкон бор,
Хар қанча яхши сўз топсанг, айтиб қол.
Эртага ажалнинг элчиси келгач,
Тилинг кимирлашга топмагай мажол.

Якин дўстларимдан бири унга воқеани тушунтириб, дедики: «Саъдий қолган умрини тоат-ибодатда, хомушлик, суқунатда кечирмокка азм ва жазм этди. Агар қурбинг етса, сен ҳам шундай қилмоғинг маслаҳатдир».

Дўстим жавобида деди:

«Худонинг азимлиги ва орамиздаги дўстликнинг қадимийлигига қасамки, агар у мен билан аввалдаги янглиғ муомалалада бўлмаса, уни ташлаб кетолмайман, нафас олмайман, ташқарига йўл солмайман. Чунки дўстни ранжитган нодон, аммо қасамни бузмок осондир. Ичган қасамининг гуноҳини осонгина бартараф эта олади, бироқ унинг танлаган йўли нодурустдир. Оқиллар наздида Алининг қиличи ғилофида ва Саъдийнинг тили комида, ҳаракатсиз турмоғи мантиқдан хориждир».

Оғиз ичида тил недур, эй оқил?
Хунар хазинасин калидидур у.

Эшик ёпик экан билиб бўлмагай
У ерда нима бор, мунчокми, инжу.

Агарчи билимдонлар хузурида жим туриш
Одобдур. Аммо пайти келганида сўзлаб қол.
Икки ҳол ақлсизлик: гап келганда гапирмай,
Зарур чоғда жим турмай, бўлиб кетиш сўзамол.

Хулосаи калом, у билан сўзлашмасликнинг иложини
топа олмадим, шундай одам суҳбатидан юз ўгиришни
мурувватдан деб билмадим, зероки, у менинг самимий
ўртоғим, садоқатли дўстим эди.

Бирор киши билан килур бўлсанг жанг,
Боплаб туширгинки холи бўлсин танг.

Зарурат юзасидан гаплашмоққа бошладик-да, шавку
завққа тўлган ҳолда сайр этгали шаҳар ташқарисига
чиқдик. Фасли навбахор, қахратон совукнинг кучи кетган,
гулу чечаклар даврони етган эди.

Дарахтлар устида яшил кўйлаги
Байрамда бахтлилар кийгандай янги.

Жалолий ой-Урд-бихишт аввали –
Булбуллар сайрайди гул бутоғида:
Кизил гул баргида инжудай шабнам
Тер каби ғазабли ёр ёноғида.

Дўстларимиздан бирининг боғида тунаб қолишга тўғри
келди. Бу жуда ажойиб бир жой бўлиб, ғоятда сафобахш,
дилрабо, дарахтлари бир-бирига айқашиб кетган, ерига
ранго-ранг шиша парчалари тўшалганга ўхшар, тепадан
осилиб турган узум бошлари эса Сурайё юлдузлар турку-
мини эслатарди:

Ирмоқлар шилдироқ, жаннатдай боғлар,
Қушларнинг сайраши мукамал, мавзун.

Ўру кир лолалар билан ранго-ранг,
Мевали дарахтлар ажиб гуногун.

Дарахтдан куйига тушган қўланка
Ерларни гиламдай безар бус-бугун.

Эрта тонгда, шаҳарга қайтмоқ фикри боғда қолмоқ орзусидан голиб келган маҳалда, дўстим этагини атиргул, райхон, сунбул, нозбў ва бошқа гуллар билан тўлдириб, йўлга чиқмоқ тараддудида эканини кўрдим. Унга дедим: «Ўзингдан махфий эмаски, гулнинг бақоси ва гулистоннинг вафоси йўқдир. Донишмандлар: «Ҳар нимарсаки, бевафодир – мухаббат қўйишга нораводур!» деб жуда тўғри айтганлар. Дўстим деди: «Хўш, у ҳолда тадбир нимадир?» Мен унга жавоб бериб дедимки: «Мутолаа қилганларга сафо, тинглаганларга шифо бахш этадиган «Гулистон» номли китоб ёзишим мумкин, унинг япроқларига куз фаслининг шафқатсиз қўли етмайди ва замона ўзгаришлари унинг хурам баҳорини ҳазин кузга айлантира олмайди».

Ҳар нечук гул дилингни қилмас чоғ,
«Гулистон»имдан ол бирор япроғ.
Гул замони беш, олти кундур бас,
Бу «Гулистон» ҳамиша пок нафас.

Шу сўзлар оғзимдан чиқар-чиқмас дўстим этагидаги гулларни ерга тўкиб, менинг этагимга ёпишди-да, хитоб қилди: «Карам соҳиби бўлган одам ваъда бердими – ваъдасига вафо қилмоғи лозим!»

Ўша куннинг ўзидаёқ китобнинг нотикларга фасоҳат, адибларга маҳорат бахш этадиган «Муомала ва суҳбат қоидалари» деб аталмиш дастлабки икки фасли битди. Қисқаси, гулистонда гуллар тугамай ҳамон, битиб тайёр бўлди «Гулистон»...

* * *

...То шох салтанатининг тираги, ҳукумат ишларининг кенгашчиси, фақирларнинг паноҳи, мусофирларнинг такягоҳи, уламоларнинг мураббийси, тақводорларнинг

дўсти, форс халқининг ифтихори, салтанатнинг қуввати, сараланган аркони давлатнинг раиси, дину дунёнинг шаъну шавкати, султонлару подшоҳларнинг таянчи, оламдаги энг буюк одамларнинг тилларида дoston бўлган, барча фазилатларни ўзида мужассамлаштирган олим, одил ва ғолиб Абу Бакр ибн Абу Наср (Оллоҳ унинг умрини узун, мартабасини баланд, қалбини кенг, эзгу ишларига берадиган мукофотини фаровон айласин)нинг табаррук илтифоти зийнати билан безанмагунича фикримнинг келинчаги кўрксизликдан халос бўлиб, касби ҳусн этмайди, хижолатдан бош кўтариб, умидсизлик назарини ердан олмайди ва донишмандлар даврасида порламайди...

Тангри илтифоти менга бўлса ёр,
Китобни безаса нақши аржангий.
Умидим шудурки, тортмайин малол
«Гулистон» ўқиган чекмас дилтангий.
Хусусан, китобим тожин безатса
Муборак зот исми – Саъд бин Занги.
Кимга кўлка солса, килса иноят,
Душмани дўст бўлур, гуноҳи тоат.

Унинг барча қуллари ва мулозимларига маълум бир вазифа топширилгандир. Улардан қай биридир зиммасидаги мазкур вазифани адо этишда бепарволикка йўл қўйса ёхуд камхафсалалик қилса жавобгар бўлади, койиш эшитади...

Дарвешлар тоифаси эса, буюқларнинг неъматларига шукур қилиб, уларни дуода ёд этадилар. Бу ишни ошкора қилишдан кўра яширинча қилмоқ янада мувофикроқдир, зероки, биринчиси, яъни ошкора шукур этиб, дуода бўлмоқ хушомадга яқиндир, иккинчиси, яъни яширинча ҳамду сано ўкиб, дуода бўлмоқ такаллуфдан йироғ-у, ижобатга яқин бўлади:

Замонанинг онаси сендай ўғил кўраркан,
Қувончидан тикланди кўкнинг букри қомати.
Куйнинг эгилиги-чун бир бандани илғаманг,
Жаҳонлар яратгучи тангрининг чин ҳикмати.

Кимки эзгу ном билан абадий давлат топар
Ўлса ҳам яхшилиқ-ла эсга олингай оти.
Фазилат эгалари мактасин, мактамасин,
Гўзал кизга керакмас пардозчининг хизмати.

Сарой хизматини тарк этиб, гўшанишин бўлмоғимнинг сабаби куйидагичадир: хинд файласуфларидан бир гуруҳи бир жойга йиғилиб, Бузуржмеҳрнинг фазилатларидан баҳс этадилар, охирида унинг шошилмай, салмокланиб гапириб, тингловчиларни махтал қилиб қўйишидан бўлак нуқсонини топа олмайдилар. Бузуржмеҳр бу гапни эшитиб, шундай жавоб беради: «Нима десам экан?» деб ўйлаш, «Нега шундай деб қўйдим?» деб пушаймон бўлишдан яхшироқдир».

Дунёни хўп кўрган, сўз устаси чол,
Сўзлашдан илгари аниқлар ахвол.
Оғзингга келганини валақлай берма,
Кейинрок сўзлайсан, бундан ғам ема.
Ўйлаб кўр оғзингдан чиқаркан нафас,
Токи демасинлар: «Қил гапингни бас!»
Сўз билан хайвондан ажралур инсон,
Бемаъни гапирган хайвондан ёмон.

Хусусан, улуғ ҳукмдорнинг донишманд вазиру вазаролари олдида сўзлашга оғиз очмоққа журъат этсам, ҳузури муборакка ҳеч қандай қимматга эга бўлмаган, арзимас нарсани келтиргандай бўламан. Гавҳар бозорида мунчокнинг нархи бир арпа донача ҳам бўлмайди-ку, ахир! Қуёш олдида чироқ нурсизланади, Алванд тоғи ёнида юксак миноралар пастаккина кўриниб қолади.

Кимики мактаниб деса «манман»
Унга хужум айлар атрофдан душман.
Саъдий тушкундуру кўнгли озода,
Тушкун-ла жанг этмас ҳеч ким дунёда.
Сўзлашдан илгари ўйлаб ол бир бор,
Аввал тамал босиб, сўнгра қўй девор.
Гулчилик қиламан, бўстондан узок,
Гўзал инсонману Канъондан узок.

Мен сунъий гул ясай оламан, лекин гулзорда эмас,
гавҳарфурушлик қила оламан, аммо Канъон шаҳрида эмас.
Лукмони ҳакимдан: «Ҳикматни кимдан ўргангансан?»
деб сўрадилар. Лукмони ҳаким шундай жавоб берди:
«Кўрлардан, улар оёқлари остини яхшилаб текширмай
туриб, кадам босмайдилар». Арабларда: «Бир жойга
киришдан аввал у ердан чиқиш тадбирини кўр!» деган гап
бор.

Хўроз уришаркан жуда пахлавон,
Бургут чангалида ғоятда нимжон.
Сичқон қаршисида мушук арслон-у,
Арслон қаршисида мисоли сичқон.

Лекин улуғларнинг қўл остиларидаги кишиларнинг ай-
рим нуқсонларидан кўз юмиш ва кичикларнинг қусурларини
ошқор қилмасликдек олижаноб хусусиятларига амин бўл-
ганимдан, мухтасар қилиб, бир туркум нодир ҳикоялар,
масаллар, ҳикматлар, шеърлар, шунингдек, ўтмиш подшоҳ-
ларнинг ҳаёт ва одатлари ҳақида баҳс этадиган ривоятларни
ушбу китобимга тўпладим, азиз умримнинг бир қисмини
шу ишга сарфладим. Китоб ёзишимнинг сабаби шу эди.

Бу назму бу тартиб йиллар қолажак,
Биз эса заррадек тўзғиб кетамиз.
Биздан қолажаги нақшлардур, холос
Ва бу борлик эса йўқолур изсиз.
Эндиги яхшилар бизни эсларкан,
Эзгу сўзлар билан раҳмат кутамиз.

Китобни битириб, бобларга ажратар эканман, мақсадни
мухтасар равишда ифодаламакка алоҳида эътибор беришни
лозим кўрдим ва китобхонлар зеркиб қолмасинлар учун
жаннат боғларига ўхшаб кетадиган ушбу «Гулистон»ни
саккиз бобга тақсим қилдим:

Биринчи боб – Подшоҳлар одати баёни.

Иккинчи боб – Дарвешлар ахлоқи баёни.

Учинчи боб – Қаноатнинг фазилати баёни.
Тўртинчи боб – Сукут сақлашнинг фойдалари баёни.
Бешинчи боб – Ишқ ва ёшлик баёни.
Олтинчи боб – Заифлик ва кексалик баёни.
Еттинчи боб – Тарбиянинг таъсири баёни.
Саккизинчи боб – Сухбат қоидалари баёни.

Бу муддат жуда ҳам хушвақт эдик, бил,
Олти юзу эллик олти хижрий йил.
Ишимиз тўғри йўл кўрсатмоқ эди,
Тангрига топшириб, жўнаймиз энди.



БИРИНЧИ БОБ

ПОДШОҲЛАР ОДАТИ БАЁНИ

ХИКОЯТ

Эшитдимки, бир подшоҳ бир асирни ўлдиришга фармон берди. Шўрлик асир ҳаётдан умиди узилиб, подшоҳни бошлаб сўкишга бошлади. Зероки: «Киши жондан умид узгани замон, кўнглида борини этади баён» деган халқ мақоли бор.

Қочишнинг иложи бўлмаса агар,
Қўл билан ханжарнинг дамидан тутар.

Ночор қолган киши зўр берар тилга,
Мағлуб бўлган мушук ташланур итга.

Подшоҳ: «У нима деяпти?» деб сўради. Софдил вазирлардан бири: «Эй подшоҳи олам: «Ҳар кимки ғазабин ичига ютар, у гуноҳ қилганнинг гуноҳин ўтар», деяпти», деб жавоб берди. Подшоҳнинг раҳми келиб, асирни афв этди. Софдил вазирнинг пайини қирқиб юрадиган иккинчи вазир гапга аралашиб деди: «Бизнинг мавқеимизда бўлган одамлар подшоҳ ҳузурида фақат рост сўзлашлари лозим. Бу асир подшоҳни ҳақорат қилди ва шаънига ёмон гаплар айтди». Подшоҳ бу сўзни эшитиб, қош-қовоғини солиб деди: «Сен айтган рост гапдан кўра унинг ёлғони менга кўпроқ маъқул тушди, чунки унинг ёлғони хайрихоҳлик юзасидан айтилган эди, сеники эса, жиноятга бошлаш учун айтилди, донишмандлар: «Фитна қўзғатувчи ростдан, маслаҳатли ёлғон яхши», деганлар.

Шоҳларга ўз гапин ўтказган киши
Лозимдир яхши гап топиб айтиши.

Фаридун қасрининг пештоқига шу сўзлар ёзилган эди:

Бу жаҳон ҳеч кимга қолмас, биродар,
Дилингни тангрига топширсанг етар.
Таянч деб билмагил бу дунё молин,
Қўпларни ўстириб, берди заволин.
Жон берар экансан, фарқи йўқ сира,
Тахтда ўласанми ё тупрок узра.

ҲИКОЯТ

Хуросон подшоҳларидан бири тушида султон Махмуд Сабуктагинни кўрди, унинг бутун вужуди чириб, тупрокка айланиб кетган эди, лекин фақат кўзларигина худди тирик вақтидаги сингари ҳали ҳам кўз қосасида айланар ва атрофга боқар эди. Бир дарвешдан бўлак барча уламолар бу тушнинг таъбиридан ожиз қолдилар. Тушнинг маъносига тушунган дарвеш деди: «Кўрмоқдаки, ўзгалар бўлмиш унинг мулкига ҳукмрон, шу боисдан у беқарордир ҳамон».

Ер остига кўмилдилар талай ном чиқарганлар
Ва уларнинг борлигидан ерда нишон қолмади.
Ўлаксани тупроқларга топшириб кетгандан сўнг,
Тупрок уни еб битирди-ю, бир устухон қолмади.
Нўширвоннинг қутлуғ номи ҳалигача тирикдир,
Аммо қанча ўтиб кетиб Нўширвон қолмади.
Эй фалончи, яхшилик қил, умрингни бил ғанимат,
То кишилар айғунича, «фалон, фалон» қолмади.

ҲИКОЯТ

Эшитдимки, бир шаҳзода паканаю кўрксиз, биродарлари эса, баланд бўйли ва кўркам эдилар. Бир куни отаси унга менсимасдан таҳқир назари билан қаради. Шаҳзода бу ҳолатни фаросат билан пайқаб деди: «Эй ота, пакана донишманд нодон новчадан яхшироқдир. Ҳар ниманинг ҳам баланд бўлган билан қомати, баланд бўлавермас аммо қиймати. Қўй кичик бўлишига қарамай, ҳалол, фил катта бўлса-да, мурдордир».

Тур тоғи кўп тоғдан тубан, аслида,
Ҳурмати юксақдур тангри наздида.

Шуни эшитдингми, бир орик доно
Семиз бир аблахга айтгандай бир кун:
– Араб тупичоғи хипча бўлса ҳам,
Бир оғил эшакдан кимматда устун.

Отаси кулди, унинг сўзи аркони давлатга маъкул келди,
биродарлари эса, ўлгудай хафа бўлдилар.

Чурк этиб оғзини очмаса киши
Билинмас ундаги фазилат, нуқсон.
Бу ўрмон холи деб гумон қилмагил,
Балки ухлаб ётар шу ерда қоплон.

Эшитдимки, худди шу кунларда подшоҳнинг юртига
қаттол душман ҳужум қилди. Ҳар икки лашкар бир-бирига
рўбарў келган маҳалда, дастлаб уруш майдонига кирган
киши мазкур шахзода бўлди, у наъра тортиб деди:

Жанг кунидир, орт кўрсатиб қочувчидан эмасман,
Урушаман қон тупроққа беланиб оғиз, бурун.
Сен мен билан урушаркан жонинг-ла ўйнашасан,
Қочар бўлсанг, сендан олдин қочар қўшининг бутун.

Шу сўзларни дегач, ёв сафига ўзини урди ва душман-
нинг жангларда тобланган бир қанча баҳодирларини ўл-
дирди. Шундан сўнг отаси қошига қайтиб, ҳузурда ер
ўпди-да, деди:

Сен-ку мени ҳакир, озғин санадинг,
Баҳодирлик қўпол савлатда эмас.
Бу ўртада орик отлар иш берар,
Семиз хўкиз бу майдонга ярамас.

Дейдиларки, душман лашкари ниҳоятда кўп, булар эса,
оз эдилар, шу сабабдан буларнинг бир қисм жангчилари
уруш майдонини ташлаб қочмоққа тутинди. Шунда ҳалиги
шахзода наъра тортиб хитоб қилди: «Ҳой азаматлар,
аёллар либосин киймайлик десанглар, ғайрат-шижоат
кўрсатинглар». Унинг бу сўзлари суворийларга жасорат
бахш этди, улар жанг майдонига яна юзланиб, ҳаммалари

биргаликда душман кўшинига ҳамла қилдилар. Эшитдимки, ўша куни подшоҳ лашкари душман устидан ғалаба қозонди. Подшоҳ ўғлини бағрига босиб, бошу кўзидан ўпди. Шундан сўнг кундан-кун унга ишончи орта бориб, охирида тожу тахт вориси қилиб тайинлади. Биродарлари унга ғайирлик қилиб овқатига захар солдилар. Шаҳзоданинг синглиси бу ҳолни кўшкидан кўриб, даричани қаттиқ қоқди. Шаҳзода дарича тақирлаётганини эшитиб, воқеага тушунди, овқатдан кўлини тортиб деди: «Хунармандларнинг ўлмоғи, беҳунарлар эса уларнинг ўрнини олмоғи инсофдан эмасдир!»

Жахондан ҳумой куш йитиб кетса ҳам,
Бойкуш соясини истамас одам.

Бу хабар подшоҳ кулоғига етиб, ўғилларини ўз ҳузурига чақиртирди, қаттиқ койиб, уларга танбех берди, шундан кейин уларнинг ҳар қайсисига мамлакатнинг бир вилоятини ажратиб берди. Булар орасидаги фитна ва низо барҳам топди. Дейдиларки: «Ўнта дарвеш бир гиламда ухлайди, аммо икки подшоҳ бир ўлкага сиғмайди».

Ярим нони бўлган очиккўл киши
Ярмини гадойлар есин, деб бўлар.
Бир иклим эгаллаб тўймас подшоҳ,
Яна бир иклимни олмоқчи бўлар.

ҲИКОЯТ

Араб қароқчиларидан бир гуруҳи тоғ чўққисини ўзларига макон қилиб, қарвон йўлини тўсган эдилар. Улар тоғ чўққисидаги баланд, мустаҳкам жойларни эгаллаб олганлари сабабли, у ерларнинг аҳолиси қароқчилар чопқинидан ваҳимада, султон лашкарлари эса, улар билан жанг қилганда мағлуб бўларди.

Ўша атрофнинг тадбиркор кишилари бу фалокатни даф этиш фикрига тушдилар, чунки иш шундай давом этаверса, кейинчалик уларни енгиш мушкуллашиб кетган бўларди.

Кўчат эндигина томир қўйган он
Бир одам суғуриб олиши осон.
Вакт ўтиб илдинин отганида-чи,
Қупора олмайди бўронлар кучи.

Булокни тўсса бўлар бел билан,
Тўлса кечиб бўлмас ҳатто фил билан.

Тадбиркор кишилар қароқчилар сиридан хабардоғ бўлиб туриш учун одам юбориб, қулай фурсат келишини кутишга жазм қилдилар.

Кунлардан бир кун қароқчилар ов овлагани кетиб маконлари холи қолган вақтда у ерга жангларда чиникқан кўпни кўрган бир неча азаматларни юбордилар. Булар қароқчилар қароргоҳига яқин жойда пистирма куриб ётдилар. Қароқчилар кечаси эл-юрт молини талон-тарож қилиб топган ғаниматларини орқалаб келдилар. Улар қурол-аслаҳаю ўлжаларини ерга қўйдилар. Шунда қароқчиларга даставвал ҳужум қилган душман – ғафлат уйқу бўлди. Бир товук ўтган маҳалда:

Куёшнинг гардиши зулматда йитди,
Мисоли Юнусни зўр наҳанг ютди¹.

Довжорак баҳодирлар пистирмаларидан чиқиб, барча қароқчиларнинг қўлларини бирма-бир орқаларига боғлаб, тонг сахарда подшоҳ саройига ҳайдаб келдилар. Подшоҳ қароқчиларнинг ҳаммасини ўлимга буюрди. Иттифоқо, бандилар орасида ўн гулидан бир гули очилмаган, мўйлови ҳали сабза урмаган ўспирин бир бола бор эди. Вазирлардан бири унинг холига ачинди, подшоҳ тахти оёғини ўпиб, эҳтиром билан таъзим бажо келтириб деди: «Бу бола ҳали ҳаёт боғи мевасини тотиб кўрмаган ва ёшлик лаззатини сурмаган экан. Шу боисдан шоҳона лутфу қарамингизга сифинаман ва умид қиламанки, шаҳаншоҳим мен каминаи камтарин қулларига илтифот этиб, шу боланинг гунохидан

¹ Юнус – Қуръонда зикр этилган пайғамбарлардан бири. Гўё қирк кун балиқ қорнида яшаган экан (*Фафур Фулом изоҳи*).

кечгайлар». Подшоҳ бу сўзларни эшитиб, ройига хилоф ўларок юзини тескари буриб, деди:

Яхшилардан ибрат олмас, теги ярамас инсон,
Юм-юмалок гумбаз усти ёнғок турмагансимон.

Буларнинг насл-насабини кириб ташламоқ, тухумини тошлоқка ёймоқ лозим. Оловни ўчириб, учқунини колдирмоқ, илонни ўлдириб, боласини асрамоқ донишмандлар иши эмасдир.

Булутдан чин ҳаёт ёмғири ёғса,
Тол дарахт шохида мева пишмайди.
Уринма ёмонни яхши қилишга,
Бўйрабоп қамишдан шакар чикмайди.

Вазир подшоҳ айтган гапларни тилар-тиламас қабул этди ва унинг заковатига таҳсин-офаринлар ўқиб, деди: «Шаҳаншоҳим ҳар нимани деган бўлсалар, айна ҳақиқатдир. Башарти, шу бола манави мутгаҳам нобакорлар орасида узоқ қолганда эди, уларнинг ҳамма ёмон қилиқлари бунга сингиб кетган бўларди. Аммо камина қулингиз умидворки, агар у яхшилар тарбиясида бўлса, донишмандлар одатини ўрганади, чунки ҳали гўдак, кароқчиларнинг қабих одатлари бунга унчалик таъсир этмаган чиқар...»

Ёмонларга қўшилгандан сўнг Лутнинг хотини,
Йўқотди пайғамбарлик хонадони отини.
Ит эса асҳоби қаҳфга эргашиб ҳар доим,
Одам деб аталди, ўзгартирди зотини.

Подшоҳнинг яқин одамларидан бир нечалари ҳам болани химоя қилишди, вазирга қўмаклашдилар. Подшоҳ йигитчанинг гуноҳини бағишлаб деди: «Шундай қилишга рағбатим бўлмаса-да, гуноҳини кечдим».

Бир куни Зол дедн ўғли Рустамга:
«Душманни ўйлама кучсизу камтар.
Биргалай сув келиб кичик булоқдан
Юкли туяни ҳам оқизиб кетар».

Хулосаи калом, вазир болани нозу неъматлар билан парваришлагашга киришди ва подшоҳ саройида хизмат қилишга тайёрлаш мақсадида уни нотиклик, хозиржавоблик ҳамда бошқа одоб қоидаларини ўргансин, деб ниҳоятда билимдон бир муаллимга топширди. Бола олган одобу тарбия барча дарбор аҳли наздида мақбул бўлди.

Кунлардан бир кун подшоҳ ҳузуринида вазир боланинг илму одобда қозонган муваффақиятлари хусусида сўзларкан, деди: «Окилу донолар тарбиясини кўриш болага яхши таъсир кўрсатди, табиатидаги ярамас қилиқлардан ҳеч қандай асар ҳам қолгани йўқ». Подшоҳ вазирнинг бу сўзларини эшитгач, табассум қилиб деди:

Одамлар нечоғлик қилса тарбият:
Бурининг боласи – бури оқибат.

Орадан бир-икки йил ўтгач, шу маҳаллада истиқомат қиладиган ўғрилар бояги бола билан топишиб, апок-чапок бўлиб кетдилар. Бола қулай фурсат топиб, вазирни ҳамда унинг икки ўғлини ўлдирди-да, сон-саноксиз молу мулкани олиб, қароқчилар ғорига бориб жойлашди ва отасининг ўрнини эгаллаб, исёнчилик билан шуғуллана бошлади. Подшоҳ бу воқеадан хабар топгач, хайрат бармоғини тишлаб, деди:

Кескир ханжар бўлмас ёмон темирдан,
Одам қилиб бўлмас ким эса нокас.
Ўғул табииатли ёмғир минг ёғсин:
Боғдан лола унар, шўрхок ердан хас.

Шўра тупрок ердан гул униб чикмас,
Дон сочмоқ – овора бўлмоқ демақдир.
Яхшига ёмонлик қилмоқ мисоли
Ёмонга яхшилик қилмоқ демақдир.

ХИКОЯТ

Султон саройида ақл-заковат ва фаҳм-фаросатда ягона бир амирзодани кўрдим. Ҳали гўдаклик вақтларидаёқ пешанасида буюклик аломатлари намоён эди.

Ақлли манглайи устида сўзсиз
Порлаб турган каби бир ёруғ юлдуз.

Хулосаи калом, султоннинг наздида манзур бўлди,
чунки суратда сохибжамол, ақл-идроки баркамол эди.
Донишмандлар ҳақ гапни айтганлар: «Бойлик молда эмас,
камолда, ақл ёшда эмас, бошдадир». Кунлардан бир кун
амирзоданинг ҳамқатори бўлган бир гуруҳ мансабдорлар
амалига ҳасад қилиб, уни хоинликда айбладилар ва
ўлдиртириб юборишга беҳуда уриндилар.

Душман на килур, дўстинг агар бўлса меҳрибон.

Султон амирзодани ўз хузурига чорлаб, ундан: «Уларнинг
сенга бунчалик хусумат қилишларининг боиси нима?» деб
сўради. Амирзода шундай жавоб берди: «Шаҳаншоҳим-
нинг сояи давлатларида – илоҳим, давлатлари барқарор
бўлсин – ҳаммани ўзимдан рози ва мамнун қила олдим,
аммо ҳасадчиларни рози ва мамнун қилиш учун мен неъмату
давлатимдан маҳрум бўлмоғим керак».

Ҳеч кишининг ич хиссига озор бериш қасдим йўқ,
Нима қилди, ҳасадчининг ичини ўт ўртаса.
Ҳасад деган қийналишдан ўлиб қутулганинг ҳўб,
Машаққатдан қутқаради ўлим деган зўр нарса.

Қора бахт кишилар бахтиёрларнинг
Ҳамиша заволин орзу қилади.
Шабпарак кундузи кўра олмайди,
Хўш, бунда куёшнинг айби нимади?
Мингларча шабпарак кўр бўлса бўлсин,
Куёш порлай берсин кўкда абадий.

ҲИКОЯТ

Дейдиларки, Ажам подшоҳларидан бири фуқарола-
рининг бору йўғини тортиб олди ва зулмини ҳаддан
ошириб юборди. Бу жабр-зулмга бардош бера олмаган
халқ мамлакатдан бош олиб чиқиб кетишга мажбур бўлди.

Фукаро камайгандан кейин фаровонлик йўқолди, хазина бўшаб қолди. Бундан хабар топган душманлар чекка-чеккадан хужум қилишга бошладилар.

Додимга егсинлар десанг кийин кун,
Саломат кунларинг жувонмардлик қил.
Кочар силамасанг, халқали қулинг,
Лутф қилар бўлсанг, ёт ҳам бўлар қул.

Бир кун подшоҳ хузурида «Шоҳнома» китобидан Заҳҳок ҳокимиятининг инқирозга юз тутиши ва Фаридуннинг зафари ҳақидаги қиссани ўқидилар. Шунда вазир подшоҳдан сўради: «Фаридунда мулк ҳам, зар ҳам, зўр ҳам йўқ эди, бас, шундай экан, қай йўсинда у бутун мамлакатни ўз тасарруфига кирита олди?» Подшоҳ деди: «Ўз қулоғинг билан эшитдингки, халқ уни кўллаб-қувватлаганлиги сабабли тожу тахтга эга бўлди».

Вазир айтди: «Эй шаҳаншоҳим, халқнинг бирлиги ва садоқати шоҳликнинг негизи бўлса, нима сабабдан сен халқни тўзғитиб юборяпсан? Демак, подшоҳлик қилишга рағбатинг йўқ экан-да?»

Қўшинни хурматлаб боқкил ҳар замон,
Қўшинга суянар ҳар қандай султон.

Подшоҳ сўради: «Лашкар ва халойиқни атрофимизга тўплаш учун нима қилмоқ керак?»

Вазир жавоб берди: «Халойиқни атрофга тўпламоқ учун подшоҳ лутфу карамли ва сояи давлатида осойишта яшамоклари учун адолатли бўлиши керак, сенда на лутфу карам бор ва на адолат».

Жабрига тенг туриб қолмас султон
Бўла олмагандай бўридек чўпон.
Қайси бир подшоҳ зулм этса пеша
Ўз мулки тагига уради теша.

Доно вазирнинг оқилона маслаҳати подшоҳга ёкмади. У дарғазаб бўлиб, вазирни зиндонга ташлади. Орадан кўп вақт ўтмай, амакиваччалари подшоҳга қарши бош

кўтардилар ва оталарининг мулкини қайтариб олмоқ учун лашкар тортдилар. Жабр-зулм кўриб жонидан безган ва ҳар тарафга тарқаб кетган халойиқ подшоҳнинг исён кўтарган амакиваччалари атрофига тўпланиб, уларга сидкидилдан хизмат қилдилар, натижада мамлакат подшоҳнинг қўлидан кетиб, амакиваччалари тасарруфига ўтди.

Ўз халқига жабру зулм раво кўрган подшоҳнинг
Ўз дўстлари ёв бўлади қийин дам келган куни.
Фукарога шафқат қилсанг, душмандан омондасан,
Адолатли шаҳаншоҳнинг халқи – бу ўз қўшини.

ҲИКОЯТ

Бир подшоҳ ажамлик қули билан бирга кемага минди. Қул умрида денгизни кўрмаган ва кемада сафар қилиш машаққатини чекмаган эди. У кемага миниши биланок ваҳимага тушди, бутун вужудига қалтирок туриб, фарёд уриб йиғлай бошлади. Кемадагилар қанчалик илтифот кўрсатиб, тасалли бермасинлар, барибир уни овутишдан ожиз қолдилар. Қулнинг бу аҳволини кўриб подшоҳнинг кайфи бузилди. Бирок уни тинчителиш учун ҳеч қандай чора топиб бўлмади. Иттифоқо, кемада бир донишманд бор эди. У подшоҳга деди: «Агар ижозат этсангиз, мен уни тинчителишнинг чорасини қиламан». «Башарти шундай қилсанг, бизга ниҳоятда зўр лутфу марҳамат этган бўласан», деди подшоҳ.

Донишманд қулни денгизга ташлаб юборишни буюрди. Қул бир неча бор чўкиб, қалқди. Шундан кейин унинг сочидан тутиб, кемага яқин келтирдилар. Қул икки қули билан кема суконига (рулига) ёпишиб, жонхолотда кемага чикди-ю, миқ этмай кеманинг бир бурчида ўтирди. Подшоҳ бу ҳолдан таажжубда қолиб, донишманддан: «Бунда қандай ҳикмат бор?» деб сўради.

Донишманд жавоб берди: «Бу одам денгизда фарқ бўлиш машаққатини бошидан кечирмагани сабабли кемадаги тинчлик ва саломатликнинг кадрини билмади. Мусибатга гирифтор бўлмаган одам тинчлик-саломатликнинг кадрига етмайди».

Эй тўқ киши, сенинг учун арпа нони ёқимсиз.
Сенга хунук кўринганлар менга хуршид талъатдир.
Жаннатдаги хурлар учун аъроф бўлса жаҳаннам.
Дузахдаги кишиларга аъроф ўрни жаннатдир.
Фарқи шуки, биттасининг кучоғида гузал ёр,
Биттасининг икки кўзи ёр йўлида интизор.

ҲИКОЯТ

Хурмуздан: «Отангнинг вазирларидан қандай хатолик ўтганини кўрдингки, уларни занжирбанд килишга буюрдинг?» деб сўрадилар. Хурмуз жавоб берди: «Ҳеч қандай хатолик ўтганини кўрганим йўқ. Лекин улар менинг хайбат ва салобатимдан ниҳоят даражада кўркаётганлари ҳамда берган ваъдаларимга ишонмаётганларини пайқадим. Улар ўз ҳаётларини сақламоқ учун менинг жонимга қасд қилмасинлар, деб хавфсирадим. Шу сабабдан донишмандларнинг сўзларига амал қилдим».

Сендан кўркканлардан кўрккил, эй доно,
Агар юзтасини жангда енгсанг ҳам.
Мушукни кўргил-а, енгилиб қолса,
Йўлбарснинг кўзига чанг солур шул дам.
Илон нечун чўпон тобонин чақар?—
«Бошим янчилмасин», дебон чекар ғам.

ҲИКОЯТ

Араб подшоҳларидан бири кексайган чоғида каттик касал бўлиб, ҳаётидан умидини узган эди. Кўкқисдан бир отлик хушxabар келтириб қолди. У деди: «Сиз аъло хазратимнинг сояи давлатингизда фалон қалъани забт этдик, душманларингиз асир олинди ва у мамлакатнинг лашкарларию фуқаролари сизга итоат қилдилар». Подшоҳ бир совук оҳ тортиб деди: «Бу мен учун эмас, балки душманларим – яъни мамлакатимнинг ворислари учун хушxabардир».

Бир умидда бутун азиз умр хам ўтиб кетди,
Дилимдаги орзулар эшикдан киргайму деб.
Умид қилган нарсаларим қўлга кирди, не фойда,
Умидим йўқ ўтган умр қайтиб келгайму деб.

Ажал чалди жунамоқ ноғорасин,
Эй кўзларим, бошга айтинг, хайр энди.
Эй қўлларим, оёқларим, коматим,
Киприқларим, кошга айтинг, хайр энди.
Менга ёвуз душманним килди ҳужум,
Сиз ахир йўлдошга айтинг, хайр энди.
Умримни нодонлик ила тугатдим,
Мен борган бу йўлдан қайтинг, хайр энди.

ҲИКОЯТ

Бир йили Дамашқ шаҳрининг Жомеъ масжидида ҳазрати Яҳё пайғамбар алайҳиссаломнинг макбараи шарифлари ёнида ибодат қилмоқда эдим, иттифоқо, ўзининг адолатсизлиги билан донг чиқарган араб подшоҳларидан бири ўша ерга зиёратга келиб қолди. У намоз ўқиб бўлганидан кейин фотиҳага қўл очиб, Худодан мадад тилади:

Бой хам, камбағал хам Худога қулдур,
Ва лекин бойлари яна йўқсулдур.

Кейин у мен томонга боқиб деди: «Дарвешларга хос бўлган ҳиммат ва садоқат юзасидан мени дуода ёд айланг, зероки, зўр душмандан хавфим бор». Унга шундай жавоб бердим: «Заиф фуқарога шафқат этсанг, кучли душмандан захмат кўрмайсан».

Зўрмепу кучлиман, қувватим бор деб
Кучсизнинг панжасин сиңдирмок хато.
Биров йиқилганда суямаганнинг
Қўлтигин тутмаслар, йиқилса ҳатто.
Ёмон уруғ сочиб, яхши дон кутиш,
Бўлмағур хаёлдур, ботилдур – бежо.

Халқнинг арзи додин тингламас бўлсанг,
Ҳақ-ҳисоб кунлари келар мутлако.
Бир-бирин мучаси бор барча киши,
Битта гавҳардандир яратилиши.
Бирор муча бўлса оғрикка дучор,
Бошқа аъзоларда қолмагай қарор.
Ўзгалар ҳақида чекмағучи ғам,
Нечук саналади катори одам.

ҲИКОЯТ

Бағдод шаҳрида дуоси мақбул бўладиган бир дарвеш пайдо бўлди. Бу тўғрида Ҳажжож Юсуфга хабар бердилар. Ҳажжож дарвешни ўз хузурига чорлаб, деди: «Менинг ҳаққимга дуо қил!»

«Эй Худо, Ҳажжожнинг жонини ол!» деди дарвеш. Ҳажжож сўради: «Худо ҳаққи, тушунтириб бер, бу қандай дуо бўлди?» Дарвеш деди: «Бу дуо сенга ҳам ва барча мусулмонларга ҳам фойдали».

Ҳой зўравон, қачонгача берасан элга озор,
Токайгача кизгин қолар, деб ўйлайсан бу бозор.
Жаҳондорлик бир умрга сенинг учун қўл бермас,
Халққа озор берганингдан ўлганинг яхшидир – бас.

ҲИКОЯТ

Золим подшоҳлардан бири бир намозхондан сўради: «Ибодатларнинг энг яхшиси қайсиси?» Намозхон жавоб берди: «Сен учун пешиндаги уйқу яхши, чунки ҳеч бўлмаганда, ана шу вақт ичида халқ сенинг зулмингдан омонда бўлади».

Бир золимнинг кун ўртада ухлаб ётганин кўрдим,
Бу фитнанинг уйғоғидан уйқуси яхши – дедим.
Бировнинг ким бедорликдан ухлагани ҳўб бўлса,
Шу ярамас тирикликдан ўлганин маъқул билдим.

ҲИКОЯТ

Эшитдимки, подшоҳлардан бири туни билан ишрат килиб, тонготар чоғда сархушлик билан шундай деди:

Бизнинг учун бу дунёда бундан афзал дам йўқдир,
Яхши, ёмон ўйламоққа ўзгалардан ғам йўқдир.

Ташқарида, каттиқ совуқда яланғоч ётган бир дарвеш подшоҳнинг сўзини эшитиб айтди:

Бу оламда икболим бор дебон, эй чирангучи,
Сенинг кайғунг бўлса бўлмас, хўш, бизларнинг кайғу-чи?

Дарвешнинг гапи подшоҳга жуда хуш келди. Подшоҳ минг тилла солинган ҳамённи унга ҳадя қилмоқчи бўлиб, деразадан узатиб деди: «Этагингни оч, дарвеш!» «Эгнимда либосим бўлмагач, этакни каёқдан оламан?» деди дарвеш.

Дарвешнинг ночор аҳволига подшоҳнинг янада кўпроқ раҳми келди, ҳалиги минг тилла ёнига бир либос ҳам қўшиб ҳадя қилди.

Қўли очик кишиларнинг кафтида мол-ку турмас,
Севган дилда чидам турмас ва ғалвирда сув турмас.

Дарвеш киска муддат ичида тиллаларни харажат килиб, яна подшоҳ саройига келди.

Подшоҳнинг арз тинглашга ҳеч қандай фурсати бўлмаган бир маҳалда дарвешнинг келганини хабар қилдилар. Подшоҳ дарғазаб бўлиб юзини тескари ўгирди. Шу сабабдан ҳам аҳли донишлар дейдилар: «Подшоҳнинг қаҳру ғазабидан ҳазар қилмоқ лозим, зероки, аксар вақт улар муҳим давлат ишлари билан машғул бўлганлигидан авом халқ оломонини ёқтирмайдилар».

Фойдалана олмасанг кулай фурсатдан,
Кўз тутма подшоҳ берар неъматдан.
Ҳар битта гапнинг ҳам вақти етади,
Беҳуда гапирсанг кадринг кетади.

Подшоҳ шундай фармон берди: «Шунча маблағни қисқа муддатда кўкка совурган бундай исрофгар гадони қувиб юборинглар, чунки хазина моли шайтон лашкарининг лукмаси эмас, фақир фуқаронинг нон-насибасидир».

Аҳмоқ киши кундуз кунни кофури шам ёндирса,
Тез орада ёғ тополмас окшом кора чирокка.

Подшоҳнинг насиҳатгўй вазирларидан бири деди: «Эй шаҳаншоҳим, бундай одамларга тирикчилик харжини оз-оздан бериб турмоқ маслаҳатдир, зероки, бирданига исроф қилиб юбора олмасинлар. Уни жазолаш ва саройга яқин йўлатмаслик ҳақида берган фармонингиз масаласига келганда, шуни айтишим керакки, аввалда лутфу қарам билан кишини умидлантириб, кейин эса ноумид қилиб, кўнглини вайрон этмак – ҳиммат аҳли шаънига муносиб иш эмасдир.

Очкўз кишиларга эшигинг очма,
Очдингни, хайдама, қаҳрингни сочма:
Ҳеч киши кўрмади ҳижозли ташна
Шўр дарё лабида кезиб юрганин.
Қаерда тотли сув бир булок бўлса,
Кўрасиз қуш, одам маскан қурганин.

ХИКОЯТ

Аввалги подшоҳлардан бири давлатни идора қилишда нўноқлик кўрсатар ва лашкарнинг аҳволига яхши эътибор бермасди. Шу сабабдан мамлакатга қучли душман ҳужум қилган маҳалда барча лашкарлари жанг майдонидан тумтарақай бўлиб қочди.

Агар жангчилардан пул-мол аялса,
Жангчи қилич тутмас, бу турган нарса.

Кўрнамаклик қилган ўша лашкарнинг бир нафари менинг дўстим эди. Мен уни маломат қилиб дедим: «Валинеъматнинг аҳволи сал ўзгарган вақтда шунча йилги

лутфу карамини унутиб, ундан юз ўгирмак – муттаҳамлик, кўрнамаклик, қабихлик ва разилликдир».

Дўстим менга бундай жавоб берди: «Сўзларимни эшитгач, мени маъзур тутарсан, деган умиддаман, ўша жанг чоғида отим емсиз, эгар-жабдуғи гаровда эди. Лашкарга маош тўлашга бахиллик қилган подшоҳ учун лашкари ҳеч маҳал жонбозлик қилмаган».

Жангчига зар берсанг, бошни тикади,
Пулсиз боши оққан ёкка кетади.
Қорни тўқ аскарлар урушар чандон,
Қорни оч қолса-чи, тўзғир ҳар томон.

ҲИКОЯТ

Бир подшоҳнинг вазири амалдан олиниб, саройдан қувилди. У бориб дарвешлар даврасига қўшилди. Дарвешлар суҳбатининг файзу баракати унга таъсир этди, қалбида ҳузур пайдо бўлди, хотири жам бўлди. Подшоҳ яна унга илтифотлар кўрсатиб, аввалги амалини қайтариб беришга жазм қилди, лекин вазир бу таклифни қабул этмади. «Хизматдан кўра истеъфода юрган яхшироқ», деб жавоб берди.

Қаноат бурчида тинч олган киши,
Иту ғийбатчининг синдиран тишин.
Қаламин синдириб, қоғозин йиртиб
Бекорга чиқарар ифвогар ишин.

Подшоҳ деди: «Давлатни идора қилмоқ учун бизга тадбирли, донишманд вазир лозим». Вазир деди: «Шундай иш билан шуғулланишга розилик билдирмасликнинг ўзи донишмандлик аломатидир».

Шунинг-чун ҳам хумой куши кушлар ичра шарафдор,
Устухонлар чайнайди-ку, жонворга бермас озор.

ҲИКОЯТ

Бир тулкидан: «Нима учун арслон билан улфат бўлишни ихтиёр этдинг?» деб сўрадилар. Тулки жавоб берди: «Овининг ортгани билан тамадди киламан ва ҳимояси соясида ўзимни ёвлардан саклайман».

«Ҳимоясида юриб, берган неъматларидан миннатдор эсанг нима сабабдан арслонга яқинроқ бормайсан, токи у сени садокатли маҳрамлари қаторига киритсин?»

«Унинг қаҳру ғазабидан ҳам амин эмасман».

Гарчи юз йил ўтпараст ўтга хизмат этади,
Ўзи ёққан оловига тушса куйиб кетади.

Подшоҳ ҳузурида бўлган одамлар гоҳо олтин олсалар, баъзан бошлари танларидан жудо бўлади. Ҳукамолар бундай деганлар: «Подшоҳларнинг кайфиятида бўлиб турадиган ўзгаришлардан ҳазар қилмоқ керак. Зероки, подшоҳлар гоҳо оддий саломдан озор топадилар, гоҳо эса, ўзларини ҳақорат этган одамларга сарупо ҳадя қиладилар. Ортиқча ҳазилмандлик қилмоқ маҳрамлар учун ҳунар, аммо оқиллар учун нуқсондир».

Сен ўз кадрү кимматингга, виқорингга ҳурмат эт,
Ҳазил-мазах ишларини надимларга ташлаб кет.

ҲИКОЯТ

Бир кун дўстларимдан бири ёнимга келиб, тирикчилигининг оғирлигидан шикоят-шиқвалар килиб деди: «Даромадим рўзғоримга кифоя қилмайди, аҳли аёлим эса кўп, факирона ҳаёт кечиришга тобу токатим қолмади. Кўп вақтлардан буён бошқа юртларга бош олиб кетсам, менинг яхшими ёхуд ёмонми, тирикчилик ўтказаетганимни ҳеч кимса билмайди-ку, деган ҳаёлларга бораман.

Кўп оч киши бордирки, ҳеч ким ҳолини билмас,
Жон бергани вақтида кимса унга йиғламас.

Лекин душманларим шод бўлиб, таъна-маломатлар билан устимдан кулишларидан андиша қиламан, улар болачақамни ташлаб кетганим учун мени номард санаб, дейдилар:

Манов беҳамият кишига қара,
Унга қандай қилиб бахт қулиб боксин.
Ўзининг тинчлигин қўзлайди, холос.
Майли бола-чақа кийнаиб қолсин.

Маълумдирки, мен ҳисобчилик илмидан хабардорман. Башарти сизнинг нуфузингиз соясида бирор вазифага тайинлансам, хотирим жам бўлиб, қолган умрим сизга миннатдорлик изҳор этишга кифоя қилмайди.

Мен дедим: «Азиз дўстим, подшоҳга хизмат қилишнинг икки жиҳати бор: бири– нон топиш умиди, иккинчиси – жондан жудо бўлиш қўркуви. Нон умидида жонни хавфхатарга солмоқ ахли донишга муносиб эмасдир.

Ҳеч ким дарвешларнинг эшигин қокмас,
«Еринг ва боғинга тула, деб ўлпон».
Ё шу ғам ташвишга рози бўлгил-у,
Ё жигар-бағрингни итга қил талон».

Дўстим деди: «Бу сўзингни менинг ҳолимга мувофиқ айтмадинг ва саволимга жавоб бермадинг. Эшитмаганмисан, хиёнаткорларнинггина ҳисоб чоғида қўли қалтирайди, дейдилар.

Худонинг ризоси тўғрилиқ иши,
Адашмас тўғри йўлдан борган киши».

Донишмандлар бундай деганлар: «Тўрт одам тўрт одамдан ўлгудай қўрқади: қароқчи – султондан, ўғри – посбондан, қаллоб – чақимчидан ва фоҳиша – миршабдан. Ўзига тўғри одамнинг ҳеч нимадан хавотири бўлмайди.

Амалда вақтингда қалтис иш қилма,
Бўшасанг, душманинг айбинг тополмас.
Ўзинг тоза бўлгач кимдан қўрқасан,
Ифлос кийимни кирчи ишқалар, бас».

Мен дедим: «Сенинг бу сўзинг ўтакаси ёрилган холда гоҳ йикилиб, гоҳ туриб қочаётган тулкининг ҳикоясига ўхшайди. Бир одам ўша тулкини кўриб: «Қандай фалокатга дучор бўлдингки, бунчалик ваҳимага тушиб қолибсан?» деб сўраганида, тулки жавоб берди: «Оғир ишларда ишлатиш учун барча туяларни тутиб кетаётган эмишлар деб эшитдим». У одам деди: «Эй аҳмоқ, туянинг сенга нима алоқаси ва қанақанги ўхшашлиги бор?» Тулки деди: «Овозингни ўчир, агар хасадчилар галамислик қилиб «бу – туя» деб кўрсатишса борми, мени тутиб кетсалар, сўнгра ким мени халос этишга уринади-ю, ким ҳақиқий холни исботлашга ҳаракат қилади? Ироқдан тарёк келтирилгунча, илон чаққан киши ўлиб қолади».

Сен фозил, покиза, ҳалол ва садоқатли бўлсанг-да, лекин хасадчилар пистирмаларда ва душманлар эса орқаворатда пойлаб турадилар. Улар сенинг яхши сифатларингни подшоҳ хузурида нуқсон қилиб кўрсатмоқ учун қулай фурсат кўзлайдилар. Башарти улар ниятларига ета олсалар, сен подшоҳ олдида бадном бўласан, подшоҳ сенга ғазаб қилади. Шундай хол юз бергудай бўлса, подшоҳ олдида сени ёклаб гапиришга ким журъат эта олади? Ана шу сабабдан мен озга қаноат этиб, мансабдор бўлиш фикридан қайтишингни маслаҳат кўраман».

Дарёнинг ичида фойдалар-ку кўп,
Тинчликни истасанг, кирғоқ ўзи хўб.

Бу сўзларимни эшитиб, дўстим қаттиқ ўксинди ва мендан юзини ўгириб, таъна тошлари ирғитмоққа бошлади, у деди: «Бу қандай фаҳму фаросат-у, ақлу заковат бўлди?» Ҳукамолар тўғри айтганлар: «Зиндонга тушганингда дўстларинг иш беради, дастурхон устида барча душман дўстдай кўринади».

Кўлинг очик, дастурхонинг мўл куни,
Дўсту ёринг мана, менман деганмас.
Дўст ўшаки, қийин кунга тушганда,
Кўлтигингдан даст кўтариб қўйган кас.

Дўстимнинг қаттиқ хафа бўлгани ва насихатимга
ғазаб билан кулоқ солаётганини кўриб, сохибдевоннинг
ёнига жўнадим. У зот билан эскидан таниш эканимиздан
фойдаланиб, дўстимнинг ҳол-аҳволини унга гапириб
бердим, истеъдод ва садоқатли одам эканини айтдим.
Дўстимни кичик бир вазифага тайин этдилар. Орадан бир
неча вақт ўтгач, мулойим табиатли, фозил одам эканини
кўриб, дўстимни ёқтириб қолдилар ва уни юқорирок
вазифага кўтардилар. Шу йўсинда дўстимнинг толе юлдузи
порлаб юксала борди, ниҳоят юқори мартабага эришди.
Султоннинг энг яқин кишиларидан бирига айланди, унинг
кенгашчиси ва эътимодли кишиси бўлди. Унинг бунчалик
мўътабар одам бўлиб кетганини кўриб қувониб дедим:

Ишинг чаппа кетганида дилинг оғриб, чекма ғам,
Чунки зулмат ичидадир оби ҳаёт суви ҳам.

Ёмон кунга қолганинда, тутма дилингни ҳазин,
Тангри берар марҳамат кўп, лекин кўздан яширин.

Замонага ўпка қилиб юзингни буруштира,
Чидам-аччиқ келади-ю, меваси ғоят ширин.

Шу орада бир неча дўстларим билан сафарга жўнай-
диган бўлиб қолдим. Макка зиёратидан қайтарканман,
икки манзиллик йўл қолганда бояги дўстим мени кутиб
олгали чиқди. У паришонҳол ва либоси ҳам дарвешона эди.

Мен ундан: «Аҳволлар қалай?» деб сўрадим. «Худди
айтганингдай бўлди», деб жавоб берди у. «Баъзилар
ҳасад қилиб мени хиёнаткорликда айбладилар. Султон
ишнинг ҳақиқатини суриштиради, эски ошналарим ва
яқин дўстларим ҳақ сўзни айтишни истамадилар ва эски
дўстликни тамоман нутиб қўйдилар:

Кўрмадингми, бирор киши улуғ мартаба топса,
Хушомадга келадилар таъзим билан қошига.
Тойрилсаю иши чаппа кетар бўлса, қарабсиз,
Ҳеч тап тортмай оёқ қўйиб чиқадилар бошига.

Хулосаи калом, банди зиндон килиб, турли-туман азоб-укубатларга мубтало этдилар. Шу хафтада хожиларнинг соғ-саломат қайтиб келаётганлари тўғрисида хушxabар келгач, барча молу мулкимни тортиб олиб, мени хибсдан озод қилдилар».

Мен дедим: «Ўша вақтларда сенга: «Подшоҳ саройида хизмат қилмоқ – денгиз сафари сингаридир: ҳам нафи бор, ҳам хавфи бор, ё давлатга етасан, ё денгизга ботасан», деганимда, гапимга қулоқ солмадинг».

Ё дарёдан дур йиғасан сикканича кучокка,
Ё тўлкинлар ўлаксангни улоқтирар қирғокка.

Мен ортиқ унинг ярали кўнглига туз сепмокни, дардини янгиламокни ўзимга эп билмай, шу сўзларни айтиш билан кифояландим:

«Одамларнинг насихатин кулоғингга олмадинг,
Билмадингки, оёғингга кишан солинур – кийнок.
Оғу тўла нишларига тоқатинг етмас экан,
Нега чаён уясига тиқиб кўрасан бармоқ?»

ҲИКОЯТ

Бир неча дарвешлар билан суҳбатдош эдим. Улар кўринишда покиза одамлар эдилар. Катта мансабдорлардан бири уларга ниҳоятда ихлосманд бўлиб, маълум миқдорда маош тайинлаганди. Бир кун шулардан бири дарвешлар шаънига ярашмайдиган бир иш қилиб қўйди. Шундан кейин мансабдорнинг бу одамлар ҳақидаги фикри ўзгарди ва уларнинг бозори касод бўлиб қолди.

Мен бир илож қилиб, дўстларимнинг нафақаи аҳли аёлларини сақлаб қолиш мақсадида ҳалиги мансабдорнинг қасрига йўл олдим. Дарвозабон мени киритмади, қаттиқ таҳқирлади, лекин мен уни маъзур тутдим, чунки шундай бир масал бор:

Амиру вазиру подшоҳларнинг,
Ёнига бесабаб бормаслик керак.

Ит билан эшикчи ғарибни тутар,
Бириси ёқадап, бириси этак.

Мансабдорнинг яқин кишилари менинг аҳволимдан хабар топиб, эъзоз-икром билан унинг хузурига олиб кирдилар ва тўрға ўтказмоқчи бўлдилар, лекин мен тавозе билан куйирокқа ўтириб, дедим:

Қўяқол ҳолимга, мен камтар банда,
Бандалар ўрни, албатта, тубанда.

Мансабдор хайратга тушиб: «Худо сакласин, Худо сакласин, бу нима деганинг?» – деди.

Бошимиз, кўзимиз устига ўлтир,
Хар қанча ноз килсанг, малоли йўқдир.

Хулосаи калом, ўтириб хар борада суҳбатлашдим.
Ниҳоят, сўз дўстларимдан бири томонидан содир бўлган ноҳўя қилиқ устига етганда, дедим:

Аввал саховатли бўлган хўжамиз,
Не гуноҳ ўтдики, камситиб боқар.
Худога ярашар улугворликким,
Гуноҳқор бандасин нон бериб боқар.

Бу сўзлар мансабдорга ниҳоятда макбул бўлди, у қайтадан дўстларимга аввалгидай маош тўлаб туришни ва шу орада олинмай қолган маблағларини ҳам беришни буюрди. Мен мансабдорга лутфу карами учун миннатдорлик изҳор этдим, хузурида ер ўпдим-да, кимматли вақтини олишга журъат этганим учун узр айтиб, чиқиб кетарканман, дедим:

Қаъба – қадимлардан ҳожат қибласи,
Йирок-йироклардан халқ келар қатор.
Сен чидам кўрсатиб бизни қабул эт,
Мевасиз дарахтга ким ҳам тош отар?

ҲИКОЯТ

Бир шахзоданинг отасидан беҳаду ҳисоб молу мулк мерос қолди. Шахзода саховат қўлини очиб, мислсиз инъом-эҳсонлар билан лашкар ва фуқароларига совға-саломлар беришга бошлади.

Кутида турганда буркимайди уд,
Сен олов устига уни ташлагил.
Улуғлик ниятнинг бўлса сахий бўл,
Уруғ сочилмаса, унмайди ҳосил.

Кунлардан бир кун шахзоданинг тадбирсиз, нодон ошналаридан бири унга насихатга киришиб, деди: «Ўтган подшоҳлар бу мол-дунёни зўр урниниш ва ҳаракатлар билан қўлга киритиб, ёмон кунда ярар, деб тўплаганлар. Бундай сахийлигингни бас қил, чунки кўплаб ҳодисалар олдинда-ю, душманлар эса ортадирлар. Муҳтожликка тушган маҳалинда ночор қолиш дуруст эмасдир».

Ҳамма омборингни халққа улашсанг,
Ҳар бир оилага бир гуруч тегар.
Ҳаммага гуруч, кумуш ўлпон сол,
Ҳазинанг кундан-кун бой бўлиб кетар.

Бу сўз шахзодага ёқмади. у юзини тескари ўгириб, насихатгўйни танбехлашга буюриб деди: «Оллоҳи таоло бу молларни менга сақлаб қўйиш учун эмас, балки, ўзим ейишим ва бошқаларга беришим учун бахш этгандир».

Қирк хазина давлати бор Қорун ўлиб йўқолди,
Нўширвоннинг яхши номи дунёда мангу қолди.

ҲИКОЯТ

Дейдиларки, бир куни овда Нўширавони одилга кабоб килиб бермоқчи бўлдилар, лекин туз йўқ эди. Қулларидан бирини кишлокдан туз олиб келгани жўнатдилар. Нўширавон у қулга деди: «Тузни баҳосини тўлаб ол, токи

текинга олиш одат қаторига кириб, кишлок харобаликка юз тутмасин». Ундан сўрадилар: «Шу зиғирдай нарсадан кишлокқа қандай зарар етади?» Нўширавон жавоб берди: «Аввалда оламда зулм оз эди, кейинчалик ҳар бир келган одам бир оз-бир оз қўшди, натижада зулм ҳозирги даражасига келиб етди».

Фуқаронинг боғчасидан султон узса бир олма,
Навқарлари кўпоради дарахтларнинг илдин.
Зўрлик билан бешта тухум ола қолса подшоҳ,
Асқарлари сихга тортар товуклардан беш юзин.

ҲИКОЯТ

Эшитдимки, бир жоҳил вазир султон хазинасини тўлдиришга уриниб, фуқароларни хонавайрон қилди. У донишмандларнинг: «Ҳар кимики, бирор махлукнинг кўнглини овламоқ учун Оллоҳи таолони ранжитса, Оллоҳи таоло дарҳол ўша махлукни бояги дилозорга қарши қўзғатиб, кулини кўкка совуриб юборади», деганларини унутди.

Ўтда исириқдан ҳам зўрроқдир бутун
Шўрликлар қалбидан ўрлаган тутун.

Дейдиларки, ҳайвонот оламининг энг улуғи – шердир, энг пасти – эшакдир. Одамхўр шердан кўра юккаш эшак яхшироқ эканини ҳамма бир оғиздан тасдиқ этади.

Эшак бечора гарчанд бетамиздир,
Оғир юклар кўтарган-чун азиздир.
Эшаклар, ҳўкизлар юк кўтаради,
Дилозор шахслардан баланд туради.

Яна нодон вазир ҳикоятига қайтайлик. Султон иттифоқо вазирининг халққа зулму ситам этганидан хабар топиб, уни қаттиқ азоблаб ўлдирди.

Султоннинг ризосин топа олмайсан,
Токи фуқаронинг кўнглин топмасанг.
Худо бандасига яхшилик қилгил,
Худо гуноҳимни кечирсин десанг.

Дейдиларки, мазкур вазирдан зулм кўрганлардан бири унинг қандай жазолаётганларини мушоҳада қилиб, деди:

Хар кимнинг мансаби, қуввати бордир,
Халқ молин емоққа қудрати бордир.
Каттакон сўнгалар халқумдан ўтар,
Лекин пастга тушиб қоринни йиртар.
Халққа зулм этса ҳар бир ситамкор,
Унга қарғиш-лаънат қолур пойдор.

ҲИКОЯТ

Дейдиларки, бир дилозор аскар бир мўмин дарвешнинг бошига тош билан урди. Дарвеш ундан ўч олишга қодир эмасди, шу сабабдан тошни сақлаб қўйди. Бир куни подшоҳ дилозор аскардан дарғазаб бўлиб, уни зиндонга буюрди. Шунда дарвеш ҳалиги тошни келтириб, золимнинг бошига урди. Золим деди: «Сен кимдирсан ва не сабабдан бу тошни менинг бошимга отдинг?» Дарвеш деди: «Мен ўша дарвешман, бу эса фалон маҳалда бошимга отган тошинг». Аскар деди: «Шунча вақтдан бери қаерда эдинг?» Дарвеш деди: «Шу маҳалгача сенинг юксак мансабингдан кўрқардим, ҳозир сени чоҳда кўриб, фурсатни фанимат билдим».

Ярамас кишини кўргач бахтиёр,
Оқиллар таслимни қилур ихтиёр.
Бармоқда бўлмаса йиртар тирноғинг.
Маъқулдир олишмай жимиб турмоғинг.
Хар ким пулат тигга панжа солади,
Қўли яраланиб, мажруҳ қолади.
Замона қўлини боғлагунча тур,
Кейин дўстлар билан бошига тушур.

ҲИКОЯТ

Ўтмиш подшоҳлардан бири бир ёмон дардга мубтало эдики, касалининг номини атамаслик яхшироқдир. Бир гуруҳ юнон табиблари, бу дардга фалон сифат ва фалон хосиятга молик бўлган одамнинг ўтидан бўлак даво йўқдир, деган

қарорга келдилар. Подшоҳ шундай одамни топиб келишга фармон берди. Бир деҳқон ўғлини топдилар, унда табиблар айтган барча сифатлар мавжуд эди. Подшоҳ боланинг ота-онасини чакиртириб, уларга талай мол-дунё бериб рози қилди. Қози: «Подшоҳнинг саломатлигини сақламоқ учун фуқароларидан бирининг қонини тўқмақ раводир», деб фатво берди. Жаллод боланинг бошини кесишга ҳозирланди. Бола осмонга боқиб табассум қилди. Подшоҳ ундан сўради: «Шундай ҳолатда табассум қилишининг боиси нима?» Бола жавоб берди: «Фарзанднинг нозини ота-она кўтаради, даъво билан қозининг ҳузурига борадилар, подшоҳдан адолат тилайдилар. Ҳозир ота-онам дунё моли учун ўлимимга рози бўлдилар, қози фатво берди, подшоҳ бўлса, мени жондан жудо қилиб, ўзи шифо топмоқчи. Оллоҳи таолодан бўлак паноҳим йўқ экан, шу жиҳатдан кулдим».

Кимга ҳам қилардим дастингдан фарёд,
Ўзингга келибман, ўзгинангдан дод.

Бу сўзни эшитган подшоҳнинг кўнгли пора-пора бўлиб кетди, кўзларидан шашқатор ёш оқиб, деди: «Беғуноҳнинг қонини тўкиб, шифо топганимдан кўра ўлганим яхшироқ».

Кейин болани бағрига босиб, юз-кўзидан ўпди-да, беҳисоб совғалар бериб, озод қилиб юборди. Дейдиларки, ўша ҳафтада подшоҳнинг дарди шифо топди:

Ҳали ҳам эсимдан бир байт чикмайди,
Бир филбон айтганди Нил кирғоғида:
Оёғинг остида қумурска ҳоли –
Ўзинг босилгандай фил оёғида.

ҲИКОЯТ

Амир ибн Лайснинг қулларидан бири қочди. Бир неча одамлар қулни ахтариб топиб, тутиб келдилар. Вазир бу қулга қарши адоват сақларди, у бошқаларга ибрат бўлсин учун қулни ўлдиришни буюрди. Қул Амир ибн Лайснинг оёғига йиқилиб, деди:

«Бошимга нима келса, сенга ёкибдир, бажо.
Банданинг даъвоси йўқ, хўжанинг ҳукми раво.

Лекин мен шу хонадоннинг ноз-неъматини еб, нашъу
намо топганим сабабли тонг-ла қиёматда менинг қоним
гарданингизда қолишини истамайман. Рухсат этинг, мен
аввал бу вазирингизни ўлдирай, сўнгра унинг қасосини
олмоқ учун сиз мени ўлдирасиз. Шунда менинг қонимни
ноҳақ тўкмаган бўласиз».

Подшоҳ бу сўзни эшитиб, кулиб юборди-да, вазирга
боқиб: «Хўш, сен бу сўзга нима дейсан?» деб сўради. Вазир
деди: «Эй подшоҳи олам, отангизнинг қабри ҳурмати, бу
харомзодани озод этинг, акс ҳолда, у мени балога гирифтор
қилади. Менинг ўзим гуноҳқорманки, ҳукамоларнинг
қуйидаги сўзларини инобатга олмадим:

Тош отар киши-ла ўйнашган ўзинг,
Нодонлик қилдинг-у, бошинг ёрилди.
Душманинг томонга ўқ отаман деб,
Ўзинг нишон бўлиб қолмагил энди».

ҲИКОЯТ

Завзан ҳукмдорининг олижаноб ва хушфезъл бир амал-
дори бор эди. У ҳар кимни иззат-икром этарди ва ортидан
эса яхши сўзлар айтарди. Иттифоқо, унинг бир ҳаракати
подшоҳга манзур бўлмай қолди, молини мусодара қилиб,
ўзини жазолашга буюрди. Подшоҳнинг лашкарбошилари
амалдорнинг аввалги қилган яхшиликлари учун миннатдор
бўлишлари лозимлигини унутмаган эдилар, шу сабабдан
хибсда ётган маҳалда унга ёмонлик қилмадилар, иложи
борича яхши муомалада бўлдилар.

Агарда тотув бўлиб яшай десанг ёв билан,
Орқангдан сўкса-сўкар, кўрганда сен айт таҳсин.
Биласан-ку, сўз деган оғиздан чиқади-да,
Аччиқ сўз истамасанг ёв оғзини қил ширин.

Амалдор подшоҳ томонидан кўйилган айрим айбларни рад эта олди, қолганлари учун зиндонда қолди. Қўшни подшоҳлардан бири махфий равишда унга кўйидаги мазмунда мактуб юборди: «Мамлакатингиз подшоҳи сиздай бир олий зотнинг кадрига етмади, сизни беҳурмат қилди. Агар жаноблари (Оллоҳ яқин фурсатда сизни зиндондан халос айласин) лутф этиб, бизнинг тарафимизга ўтишга майл кўрсатсалар, ҳар ниманки ихтиёр этсалар мухайё қилинур. Юртимизнинг барча аъёнлари сизни кўрмоққа ва жавобингизга мушгоқдирлар».

Бу мактуб мазмунидан хабардор бўлган амалдор хавф-хатарни ўйлаб, дархол мактубнинг орқасига, башарти бировнинг қўлига тушса, ўзига зиён-заҳмат етказмайдиган қилиб, қисқагина жавоб ёзди-да, жўнатиб юборди.

Подшоҳнинг яқинларидан бири бундан хабар топиб, унга етказди: «Сен зиндонга ташлатганинг фалон одам кўшни мамлакатларнинг подшоҳлари билан хат ёзишиб турар экан», деди.

Подшоҳ дарғазаб бўлиб, бу хабарни текширишни буюрди. Чопарни тутиб, мактубни ўқидилар. Мактубда шундай деб ёзилган эди:

«Ҳазратларининг биз каминаи камтарин қуллари ҳақида ҳаёллари биздаги фазилатдан неча бор зиёдадир, таклифингизни қабул этиш масаласига келганда, уни қабулидан ожизман, зероки, шу хонадоннинг неъматидан баҳраманд бўлиб, тарбия топганман, валинеъматнинг сал майли ўзгаргани учун кўрнамаклик қилмоқ инсон шаънига ярашмас!»

Бир киши умр бўйи сенга қарам этибди,
Бир галгина гуноҳини сен кечирсанг нетибди!

Амалдорнинг олижаноблиги подшоҳга манзур бўлди, унга қимматбаҳо кийим-бош ва нозу неъматлар эҳсон қилди ва узр сўради: «Хато қилдим, сени ноҳақ хафа қилдим!»

Амалдор деди: «Эй подшоҳи олам, мен бу ишда сиз томондан содир бўлган ҳеч қандай хатони кўрмайман.

Афтидан, тақдири илоҳий билан бошимга шу ишлар келмоғи лозим экан, хайриятки, бу иш сизнинг қўлингиз билан бўлди, чунки менинг гарданимда қарзингиз бор, ҳукамолар шундай деганлар:

Оқил киши алам ўтса ўз халқидан ўпкаламас,
На азият, на роҳатга халойик сабаб эмас.
Бирни бирга дўсту душман қилмоқ Худонинг иши
Ва Худонинг измидадир ҳамма дилнинг ёзмиши.
Агарчи ўқ отилганда камондан отилади,
Бирор ўқчи отганини ақллилар билади».

ХИКОЯТ

Дейдиларки, бир золим одам камбағалларнинг ўтинларини арзонга олиб, бойларга қиммат баҳода сотар эди. Бир пок виждон одам уни кўриб деди:

Нима бало, илонмисан, кўрганингни чақасан,
Бойқушмисан, қайси ерга кўнсанг, уни йиқасан?
Сен-ку зулмингни бизга қиласан,
Шундай қилолмайсан қодир Худога.
Ерда-ку зулмингни элга қиласан,
Уларнинг қарғиши ўрлар самога.

Золим бу сўзга эътибор бермади, дарғазаб бўлиб, қошқовоғини уйди, қулоқ солмади. Бир куни кечаси ошхонасидан бир учкун чиқиб, ўтинхонасига тушди. Золимнинг бутун бор-бисоти ёниб кетди. Унинг роҳат тўшаги ўрнида култета пайдо бўлди. Иттифоқо, ҳалиги пок виждон одам золимнинг уйи ёнидан ўтиб борарди. Золимнинг ўз ошналарига: «Билмадим, бу ўт менинг саройимга қаердан тушди экан?» деган саволини эшитган бояги азиз киши: «Фақирлар қалбидан чиққан оҳнинг ўтидан», деди.

Дилни яралама оҳидан чўчи,
Бу яра бирор кун сиртга тепади.
Бирорта кўнгилга бермагил озор,
Жаҳонни ўрташга бир оҳ етади.

Кайхисравнинг тожига шу сўзлар ёзилган эди:

Узун-узун йиллар, узок умрлар
Халклар бошимиздан босиб ўтади.
Қўллардан қўлларга ўтган шунча мулк
Биздан навбатдаги қўлга ўтади.

ҲИКОЯТ

Бир одам кураш санъатида зўр маҳорат қозонди, у уч юз олтмиш хийлани билар ва ҳар куни бир хийлани ишлатиб, курашар эди. Шогирдларидан бирига майл кўрсатгани сабабли унга уч юз эллик тўққиз хийлани ўргатди. Аммо бир хийлани ўргатишни ҳар турли бахоналар билан пайсалга солиб юрди.

Хулосаи калом, шогирд қудрат ва санъатда камолотга эришди, у билан бел олишишга ҳеч кимсада қудрат ва журъат йўқ эди. Иш шу даражага бориб етдики, бир куни у подшоҳ хузурида деди: «Устозимнинг фақат биргина афзаллиги бор, у ҳам бўлса, унинг ёши улуғлиги ва менга тарбия берганлигидир. Йўкса, кучда ҳам, маҳоратда ҳам мен ундан қолишмайман!»

Бу сўз подшоҳга ёкмади. Устозу шогирднинг кураш тушмоқларини буюрди. Катта майдонни ҳозирладилар. Подшоҳ бошлиқ аркони давлат, аъёни мамлакат ҳамда ўша юртнинг барча паҳлавонлари ҳозир бўдилар. Шогирд бамисоли маст филдек жўшиб майдонга кирди, гўё қаршисида темир тоғ бўлса уни емириб ташлагудек эди. Устоз шогирди кучда ортиқ эканини англади. У пинҳон тутиб юрган мазкур нодир хийласини ишга солиб курашмоққа бошлади. Шогирд устознинг ҳамласини дафъ этишдан ожиз келди. Устоз ҳарифини икки қўли билан боши узра кўтариб, ерга урди. Халойикнинг ҳой-хув садолари кўкка ўрлади.

Подшоҳ устозга сарпо бермоқни буюрди, шогирдни эса, таъна-маломатлар қилиб, деди: «Ўз устозингга бевафолик қилиб, уни мағлуб этаман, деб мақтандинг, лекин айтган сўзингнинг урдасидан чиқа олмадинг!» Шогирд деди: «Эй

подшоҳи олам, устозим куч билан мендан устун келгани йўқ, балки, кўп вақтдан бери менга ўргатмай, яшириб юрган бир хийласи туфайли мени мағлуб эта олди».

Устоз деди: «Мазкур хийлани ана шундай бир кун учун сақлаб қўйиб эдим, чунки уламолар: «Дўстга, бир куни агар у душманчилик килса, ўзингни мағлуб эта олажак куч бермагил», деганлар. Шогирдидан жафо кўрган устоз нима деганини эшитмаганмисан?»

Ёки вафо ўзи йўқдир оламда,
Ё киши қўллагас уни бу замон.
Ўзимдан ўқ отиш ўрганган киши
Бу кун кўкрагимни килмоқчи нишон».

ҲИКОЯТ

Бир дарвеш саҳронинг хилват бир ерида ўтирган эди. Шу маҳал подшоҳ ўша ердан ўтиб қолди. Қаноат мулки ичра фароғатда бўлган дарвеш подшоҳга кайрилиб ҳам қарамади. Подшоҳ дарвешнинг бу ишини салтанат шаънига таҳқир билиб, деди: «Бу хирка (жанда) кийганлар бамисоли қорамолга ўхшайдилар, улар тавозени ҳам, одамгарчиликни ҳам билмайдилар». Шунда вазир дарвешга яқин бориб, деди: «Эй дарвеш, подшоҳи олам сенинг ёнингга келдилар, нима сабабдан иззат-икром қилмадинг, одоб қоидаларини бажо келтирмадинг?» Дарвеш айтди: «Подшоҳга дегилким, неъмат ва илтифотидан умидвор одамдан иззат ва хизмат кутсин. Яна шуни ҳам айтиб қўйилки, фуқаролар подшоҳларга итоат этмоқ учун эмас, балки, подшоҳлар фуқарога хизмат этиш учун яшайдилар».

Гарчи неъмат билан давлат уники,
Лекин дарвешларга шоҳдир посбон.
Қўйлар чўпон учун хизмат килмайди,
Балки, қўйлар учун керакдир чўпон.

Биттани тўку тинч кўрасан букун,
Биттаси уриниб бўлмиш дил яра.
Неча кун сабр этиб, ўзга мағрурнинг
Миясин тупроқлар еганин кара.

Тақдирнинг зур ҳукми ижро бўларкан,
Шоҳу гадолигин фарқи йўқ зарра.
Бирорта қабри очиб қарасанг,
Бой, фақир сўнгагин билмайсан сира.

Дарвешнинг сўзи подшоҳга қаттиқ таъсир қилиб, деди: «Тила тилагингни, берай муродингни». Дарвеш деди: «Бундан буён менга азият бермагил!» Подшоҳ: «Менга бир маслаҳат бергин!» деди. Дарвеш бу байтни ўқиди:

Ҳозир-ку қўлингда нсّمат, давлат бор,
Қўлдан қўлга қўчар, бергил эътибор.

ҲИКОЯТ

Бир подшоҳ бир бегуноҳ одамни қатл этишни буюрди. У одам деди: «Эй подшоҳ, менга қарши қўнглингдаги кекни деб ўзингни фалокатга дучор этма, чунки мени бир нафасда ўлдириб юборасан, лекин қоним бир умрга гарданингда қолади».

Қўлнинг шамолидек ўтажак даврон,
Ўтар аччиқ-чучук, яхшию ёмон.
Золим бизга ситам қилдим, деб ўйлар,
Билмайди, гуноҳи ўзида ҳамон.

Унинг насиҳати подшоҳга маъқул кўринди, қонидан кечиб, озод қилиб юборди.

ҲИКОЯТ

Бир кун Нўширавоннинг вазирлари бир муҳим давлат ишини муҳокама қилишар ва ҳар кимса ўз фикрини баён этарди. Подшоҳ ҳам бир фикр айтди. Бузуржмехр подшоҳнинг фикрига қўшилди. Бошқа вазирлар яширинча ундан сўрадилар: «Шоҳнинг фикрида қандай фазилат кўрдингки, уни барча аҳли донолар фикридан юқори қўйдинг?» Бузуржмехр деди: «Ишнинг оқибати маълум эмас, кимнинг фикри тўғри, кимнинг фикри нотўғри чиқажагини

ҳеч кимса билмайди, подшоҳ фикрини маъқуллаганимнинг сабаби шуки, унинг айтгани рост чиқмаган тақдирда ҳам газабидан омонда бўламан».

Султоннинг раъйига қарши сўз айтмоқ,
Ўз юрак қонингга қўл ювмоқ, демак.
Кундузни подшоҳ кеча деб айтса,
Хай-хай, ана Хулқар демаклик керак.

ҲИКОЯТ

Бир фирибгар, «мен Али наслиданман», деб сочларини ўриб, «ҳаждан келяпман», деб Ҳижоз қарвони билан бирга шаҳарга кирди. У подшоҳга қасида топшириб, «ўзим ёзганман», деди! Подшоҳ унга катта инъом-эхсонлар бериб, иззат-икром кўрсатди. Подшоҳга яқин кишилардан бири шу йили денгиз сафаридан қайтган эди, фирибгарни кўриб: «Мен қурбон ҳайитида уни Басрада кўрган эдим, бу қандай қилиб ҳожи бўлиб қолди», деди. Бошқа бир киши айтди: «Отаси малатиялик христианлардан-ку, канақасига у сайидзодалар қаторига қира олади?» Қасидасини эса Анварийнинг девонидан топдилар. Шу қадар ёлғончилик қилгани учун подшоҳ уни уриб ҳайдашни буюрди. Фирибгар деди: «Эй подшоҳи олам, яна бир сўзим бор, агар ўша ҳам рост бўлмаса, менга қандай жазони лойик кўрсангиз, сазоворман». «Қандай сўз экан у, айт?» деди подшоҳ. Фирибгар деди:

«Мусофир олдинга келтирса айрон,
Асли бир чўмич сув, бир қошиқча сут.
Дунёни кўп кезган кўп ёлғон сўзлар,
Биздан бирор ваҳма эшитсанг, унут».

Подшоҳнинг кулгиси қистаб, деди: «Умринг умр бўлиб бундан кўра тўғрироқ гап гапирмаган бўлсанг керак!» Кейин тилаган нарсасини бериб, рози қилиб юборишни буюрди.

ҲИКОЯТ

Бир неча амалдорлар билан бирга кемада эдим. Ортимизда бир қайиқ ғарқ бўлиб, икки оға-ини гирдобг: тушиб колди. Амалдорлардан бири кемачига деди: «Ҳа! иккаласини кутқар, ҳар бири учун эллик динордан бераман!» Кемачи дарҳол ўзини сувга ташлаб, оға-инилардан бирини кутқарди, иккинчиси ғарқ бўлди. Мен дедим: «Унинг кун битган эди, шу сабабдан уни халос этишга шошилмадинг буни кутқаришга шошилдинг». Кемачи кулиб дейди: «Айтган гапинг тўғри, лекин буни кутқаришга ўзимда истак бор эди, чунки бир маҳал биёбонда қолганимда бу мени туясига мингаштириб олган эди, у бирисидан эса болалигимда қамчи еган эдим».

Мен дедим: «Оллоҳи таолонинг айтгани айна ҳақиқатдир: «Ҳар кимса яхшилик қилса ҳам, ёмонлик қилс: ҳам ўзига қилади».

Бировни ранжитма қўлингдан келса,
Чунки йўл устида тикан-нишлар кўп.
Дарвеш кишиларнинг хожатин чикар,
Ҳали ўз олдингда қилар ишлар кўп.

ҲИКОЯТ

Икки ака-ука бор эди. Бири подшоҳ саройида хизмат қилар, иккинчиси эса, ўз қўл кучи билан тирикчилигини ўтказарди. Бир кун бой ака фақир укага деди: «Нега подшоҳ саройида хизмат қилмайсанки, машаққатли меҳнатдан халос бўлардинг?»

Укаси деди: «Хўш, ўзинг нега меҳнат қилмайсанки, шоҳ олдида хўрланишдан қутулардинг? Ахир ҳукамолар айтганлар-ку: «Олтин камар тақиб подшоҳ хизматида тургандан кўра, ўз нонингни еб, тинч ўтирганинг яхши!»

Қўлда элаб хамир қилмоқ сўнмаган оҳак тошни,
Осон ишдир, амирга эгишдан азиз бошни.

Кимматли умримиз кўп исроф бўлди,
Ёзу қиш нима еб, не кияман, деб.
Сен, корин курғур, ҳам битта нонга кўнгил,
Икки букилишни ўзинга кўрма эп.

ҲИКОЯТ

Бир неча олимлар Нуширавон ҳузурда бир муҳим масалани муҳокама қилмоқда эдилар. Улар орасида энг мўътабари бўлган Бузуржмеҳр сукут қиларди. Ундан: «Нима учун бу мубоҳасага иштирок этмаётибсан?» деб сўрадилар. Бузуржмеҳр жавоб берди: «Вазирлар бамисоли табибларга ўхшайдилар, табиб эса, беморга доридан бошқа нарса бермайди. Фикрларингиз тўғри эканини кўриб турганим ҳолда гапга аралашмоғим ҳикматдан эмасдир».

Бирор иш менсиз ҳам битажак экан,
Нега шу тўғрида мен валақлайман.
Кўрдимки, битта кўр чуқур лабида
Хай-хайлаб қўймасам, бу гуноҳ манда.

ҲИКОЯТ

Ҳорун ар-Рашид Мисрни эгаллаганда, деди: «Миср салтанатига мағрурланиб, Худолик даъво қилган нобакорнинг қасдига ўлароқ, бу мамлакатни ўзимнинг энг манфур қулимга топшираман». Ҳорун ар-Рашиднинг бир занжи қули бўлиб, номи Ҳусайб эди. Миср мамлакатини ўшанга топширди. У қулнинг фаҳм-фаросати шу даражада эдики, бир қанча Миср дехконлари унинг ёнига шикоятга келиб: «Пахта эккан эдик, бевакт ёмғир ёғиб, пахтамиз нобуд бўлди», деганларида, у: «Жун экиш керак эди, нобуд бўлмасди»,– деб жавоб берди.

Агар билим тўқ яшашга важ бўлса,
Ажабмасди нодонлар очдан ўлса.
Лекин нодон шунча келим олади,
Кўп донолар бунга хайрон қолади.

Бахтли ва давлатли бўлмас билимдон,
Бунинг барчасига сабаб осмон.
Жахонда учрайди такрору такрор,
Аҳмоқлар хурматда, ақллилар хор.
Кимёгар кийналиб ўлиб кетади,
Аблаҳга хазина насиб этади.

ҲИКОЯТ

Искандари Румийдан сўрадилар: «Ғарбу Шаркдаги мамлакатларни нима билан забт этдинг? Аввалги подшоҳларнинг хазинаси, ёши ва лашкари сеникидан ортиқ бўлса-да, бундай фотиҳлик уларга насиб бўлмаганди». Искандар деди: «Забт этган мамлакатим фуқароларига озор бермадим ва подшоҳларининг номларини фақат яхшилик билан ёд этдим».

Ақллилар улуғламас шундайлар зотин,
Улуғларнинг ёмонлик-ла ёдласа отин.
Тахту бахт, фармонлар, тақиқ ва зўрлик,
Барчаси бекорчи: утиб кетади.
Сийласанг ўтганлар азиз номини,
Сенинг номингга ҳам хурмат этади.

ИККИНЧИ БОБ

ДАРВЕШЛАР АХЛОҚИ БАЁНИ

ҲИКОЯТ

Катта мансабдорлардан бири шайхдан сўради: «Баъзи одамлар фалон шайхни таъна-маломат билан тилга оладилар, шу киши ҳақида сен қандай фикрдасан?»

Шайх жавоб берди: «Ташқи қиёфасида ҳеч қандай айб кўрмайман, кўнглидан эса хабардор эмасман».

Рухоний либосида кимники кўрсанг,
Яхши одам экан, дейиб билавер.
Кишининг ич сирин билишинг қийин,
Уй ичини текширмас миршаблар ҳеч бир.

ҲИКОЯТ

Бир куни бир шайхнинг уйига ўғри тушди, у қанча ахгарса ҳам ҳеч нарса топа олмай хафа бўлди. Буни кўрган шайх ўғрининг кўнгли ўксимасин, деб ўз остидаги кўҳна гиламни унинг оёғи остига элтиб ташлади.

Эшитдимки, тангри ёзган тўғри йўлдан тойганлар,
Душман дилин ҳам хафа қилмас экан ҳеч қачон.
Сенга қачон шу ўқтамлик муяссар бўлар экан?
Дўстинг билан келишмайсан, уришасан ҳар замон.

Садоқатли кишиларнинг самимияти кишининг олдида ҳам, ортида ҳам бир хилда бўлади: улар олдинда сенга жон фидо қилишга тайёр эканларини эълон этиб, орқангдан гийбат қилиб юрмайдилар.

Юзма-юз келганда қўй каби ювош,
Орқадан бўридай одамхўр, бебош.

Кимки бировлар айбин келиб айтаркан сенга,
Сенинг айбларингни ҳам айтади бировларга.

ҲИКОЯТ

Бир гуруҳ сайёҳлар ҳамроҳ бўлишиб, саёҳатнинг лаззатини ҳам, машаққатини ҳам бирга баҳам кўрар эдилар. Мен ҳам уларга йўлдош бўлсам деган эдим, қабул этмадилар. Мен дедим: «Фақирлар суҳбатидан юз ўгириб, уларга яхшилик қилишдан бўйин товламоқ саховат аҳлларига муносиб эмасдир. Мен ўзимда шундай қудрат ва журъат сезаманки, сафарда кишилар юрагини эзадиган тош эмас, балки, қулфи дилини очадиган йўлдош бўлишга қодирман».

Киши танилмайди кийган жомада,
Ёзганга маълумдир, не бор номада.

Улардан бири деди: «Сен бизларнинг сўзимиздан хафа бўлмагин, чунки бундан бир неча кун муқаддам бир ўғри дарвеш киёфасида бизга қўшилган эди. Биз дарвешлар

кўнгли очик кишилар бўлганлигимиздан ҳеч нарсадан шубҳаланмай, уни ҳамроҳликка қабул этган эдик.

Эски кийимда ҳам орифдир аён,
Чунки унинг юзи доим халқ томон.
Гап кийим-бошдамас, иш бўлсин кўркам,
Тож кийиб, елканга байроқ қўйсанг ҳам.
Ёлғиз кийим эмас, дунё ва шахват,
Барчасин тарк этган орифдир факат.
Мард олсин қуролни, кўрсатсин кучин,
Хунаса кўрқокқа қурол нима-чун?

Кунлардан бир кун эртадан кечгача йўл юрдик, тунда бир қалъа олдида ётадиган бўлдик. Бояги бетавфик ўғри «тахорат қиламан», деб бир дўстимизнинг кўзчасини ўғирлаб қочди.

Қара, шу эски тунда кетиб боргучи дарвеш,
Қаъбанинг ёпуғини эшакка тўким қилмиш.

У бизларнинг кўзимиздан ғойиб бўлгач, қалъага кирибди-да, қимматбаҳо гавҳарлар солинган қутичани ўғирлаб кетибди. Тонг отгунча у анча олис ерга кетиб қолибди. Биз бўлсак ҳеч нарсадан беҳабар ухлайверибмиз. Тонг отгач, ҳаммамизни тутиб, қалъага ҳайдаб кириб, зиндонга қамадилар. Ўшандан буён бегоналар билан ошналикни тарк этиб, улардан олисроқ юрамиз, чунки саломатлик ёлғизликдадир».

Элатдан биттаси аҳмоқлик қилса
Қишлоқнинг обрўсин қулдай тўзғитар.
Ушбу мақолни ҳам эшитгандирсан,
Ярамас бир бузук пода булғатар.

Дарвешнинг бу гапини тинглагач, дедим: «Худога шукру санолар бўлғайким, ташки киёфамдан дарвешлардан узоқдай кўринсам-да, уларнинг дуоларидан беҳабарлардан эмасман. Сизнинг бу хикоянгиздан жуда катта манфаат олдим, мен янглиғ одамларга бу насиҳат бир умрга кифоядир».

Дилни оғритар бир кўпол киши,
Билимдон даврада ножўя иши.
Каттакон кудукда лиммо-лим гулоб
Битта ўлакса ит қилгандай хароб.

ҲИКОЯТ

Бир шайх бир подшоҳнинг касрида меҳмон бўлди. Подшоҳ мени жуда такводор одам экан. деб ўйласин деган муддаода, одатдаги ейдиган овқатидан кам еди, намозни эса, одатдагидан ортиқ ўқиди.

Каъбага етмайсан, деб қўрқаман, эй аъроби,
Сен кетаётган бу йўл Туркистонга боради.

Уйига қайтиб келганидан кейин овқат талаб қилди. Унинг фаросатли бир ўғли бор эди, у деди: «Ота, нима учун подшоҳнинг зиёфатида ҳеч нима емадингиз?» «Подшоҳ хузурида тўйиб овқатлана олмадим». Ўғли деди: «Ундай бўлса, намозингизни ҳам қайта бошдан ўқинг, чунки Худонинг даргоҳида қабул бўладиган намозни ҳам ўқий олмагансиз».

Бор хунарин кўз-кўз қилиб, қўлларида ардоқлаб,
Айбларини элу юртдан қўлтиғига яширган,
Хой кеккайма, бирор оғир кунга қолсанг, қани айт,
Шу калбаки, ўтмас пулга нима олмоқ бўласан?

ҲИКОЯТ

Болалик кунларимда жуда ибодатга берилиб кетиб, кечалари тинмай намоз-ниёз билан машғул бўлганлигим ёдимда. Бир кеча отам хузурида ўтириб Қуръонни бағримга босиб, тиловат қилиш билан машғул бўлдим. Атрофимизда бир неча одам ухлаб ётарди. Шунда мен отамга дедим: «Булардан бирортаси лоақал икки ракаат намоз ўқигали бошини кўтармайди-я, шу қадар ғафлат уйқусига ботибдиларки, ухлагандан кўра кўпроқ ўлганга ўхшайдилар!»

Отам деди: «Эй жоним ўғлим, сен ҳам одамларни маломат килгандан кўра ухлаб кўяколсанг яхшироқ бўларди».

Кўз олдини парда босган, манман деган кеккайма
Бу дунёда ўзидан ҳам стук кишини кўрмас.
Сиз мабодо ўз-ўзини кўрарлик ойнак топиб
Берсайдингиз, кўрар эди ўзини ҳаммадан паст.

ҲИКОЯТ

Бир мажлисда бир мўътабар одамни тавсиф қилишар, олижаноб сифатларини кўкларга кўтариб макташарди. Нихоят, мазкур одам бошини кўтариб деди: «Қандай одам эканим фақат ўзимгагина маълум!»

Сиртимни мактай бериб мени уялтирмагил,
Ичимда не нуқсон бор, уни ўзим биламан.

Сиртдан қарасангиз яхши кишиман,
Ички ёмонликдан бошимдир қуйи.
Товусни гўзал деб дунё мактайди,
Оёғидан уялар у умр бўйи.

ҲИКОЯТ

Бир куни кечаси Макка биёбонида уйқусизликдан тинка-мадорим қуриб, ерга узала тушиб ётдим-у, туякашга дедим: «Мени ўз ҳолимга ташлаб кет!»

Шўрлик яёв киши юролмас энди
Туя ҳам бу йўлдан толикқан дамда.
Ориклар албатта ўлган бўлади
Семиз кишиларки шунча озганда.

Туякаш деди: «Эй биродар, Макка-Ҳарам олдингда-ю, қароқчи-ҳаромий ортингда, олға юрсанг, бир нарсалик бўласан, бунда қолсанг шак-шубҳасиз ўласан».

Йўлда бирор қўлкада ухлаб олиш яхши-ку,
Сенсиз қарвон жўнаса, тирикликдан қўлни юв.

ҲИКОЯТ

Бир денгиз соҳилида бир шайхни кўрдим, уни йўлбарс ярадор қилган бўлиб, ҳеч бир дори-дармон қор қилмасди. Кўп вақтдан бери баданидаги жароҳатлар уни азобларди-ю, у бўлса Худога шуқур қиларди. Ундан сўрадилар: «Шуқур қилишингнинг боиси нима?» У жавоб берди: «Шуқур этишимнинг боиси шуки, яхшиямки, хаста бўлиб ётибман-у, аммо гуноҳга ботганим йўқ».

Гар мени ўлдирмокни чоғласа севгили ёр,
Сен хаёл қила кўрма, чекар деб жон ғамини.
«Мен шўрликда не гуноҳ?» сўрашга ийманаман,
Дилини оғритмай, деб тортиб жонон ғамини.

ҲИКОЯТ

Бир дарвеш қаттиқ муҳтожликка тушиб қолди. У қалин дўстининг гиламини ўғирлади. Ҳоким унинг қўлини кесишни буюрди. Гидамнинг эгаси дарвешга раҳми келиб: «Мен унинг гуноҳини кечирдим», деди. Ҳоким деди: «Сен кечирганинг билан шариат қонуни кечирмайди!» Гидам эгаси деди: «Тўғри айтасиз, лекин вақф молини ўғирлаган одамнинг қўлини кесмайдилар. Дарвешлардаги ҳамма нарса муҳтожларнинг вақфидир». Ҳоким ўғрини афв этиб, маломат қилишга бошлади: «Сенга олам торлик қилдимики, бориб-бориб ўз яқин дўстингнинг уйига ўғирликка тушибсан?» Дарвеш деди: «Эй ҳоким, эшитмаганмисанки: «Душман эшигини қоққандан кўра дўст уйини қоқлаган яхши, дейдилар».

Қийин кунга қолган чоғда руҳинг бўлмасин тушқун,
Душманларнинг терисидан дўстингга бичгил пўстун.

ҲИКОЯТ

Бошланг ва оёқланг бир пиёда мусофир Хижоз қарвони билан Куфадан келиб бизга қўшилди. Унинг ҳеч нарсаси йўқ эди, лекин виқор билан қадам ташлаб дерди:

Хачир миниб бормайман, на туяда юким бор,
На султоннинг кулиман, на кулларга шахриёр.
Дунёда ҳеч қайғум йўқ, дилим қўркувдан озод,
Хотиржамман бус-бутун, кўнглим эса доим шод.

Туя минган бойлардан бири унга деди: «Эй дарвеш,
қайёққа борасан, йўл оғир, йўл машаққатига бардош бера
олмай ўлиб кетасан, қайт орқангга». Дарвеш унинг гапига
кулоқ солмай, йўлида давом этаверди. Карвонимиз Нахлаи
Маҳмудга етганида бояги туя минган бой оламдан ўтди.
Дарвеш унинг ўлиги тепасига келиб, деди: «Мен пиёда юриш
машаққатидан ўлмадим-у, сен нортуяда юриш роҳатидан
ўлдинг!»

Бир киши касал узра тун бўйи йиғлади зор,
Тонгда йиғлаган ўлди, соғайиб турди бемор.

Бирталай арғумок йўлларда қолди,
Манзилга оқсаган эшак етолди.
Ярали йигитлар соғайиб кетди,
Не-не соғломларни қора ер ютди.

ҲИКОЯТ

Юнон тупроғида қароқчилар карвонни таладилар ва
сон-саноксиз ўлжани қўлга киритдилар. Савдогарлар зор-
зор йиғлашиб, Худо ва пайғамбардан мадад тиладилар,
лекин фойдаси бўлмади.

Гар бўлса бир ғаддор ўғри комрон,
Ғам емас, йиғласа бутун карвон.

Лукмони ҳақим ҳамана шу карвонда эди. Савдогарлардан
бири унга мурожаат қилди: «Буларга насиҳат қилиб,
ҳикматли сўз айт, зора талаган молларимиздан бироз
қисмини қайтариб беришса, ахир, шунча мол-дунёнинг
талон-тарож бўлиши увол-ку!» Лукмони ҳақим деди:
«Буларга ҳикматли сўз айтиш ҳайфдир».

Занглаган темирни минг ишков бериб,
Кўзгудай сайқаллаб, бокиб бўлмайди.
Кора кўнгулларга ўгит фойдасиз,
Тошга темир михни қокиб бўлмайди.

Шод кунларинг ғамгинларнинг кўнглин топ,
Дил оғритган балоларга қолади.
Бўла туриб тиланчига бермасанг,
Бирор золим сендан юлқиб олади.

ҲИКОЯТ

Буюк шайх, марҳум Абулфараж ибн Жўвзий менга мусиқа, кўшиқ тинглашни манъ қиларди ва танҳоликда яшашга ундарди. Лекин бошимда ёшлик, қалбимда айш-ишрат ҳавоси туғён урганидан, кекса устозимнинг гапига кулоқ солмай, мусиқа мажлисларига иштирок этишдан лаззатланардим. Шайхнинг насиҳатини эслаганимда ўз-ўзимга дердим:

Қози бизнинг даврада ўйнаб кетар баякбор
Ўзи май ичган миршаб бизни қилмас гуноҳкор.

Бир окшом бир кайф-сафо мажлисига бордим, у ерда шундай бир хонандага дуч келдим:

Жон томирин узгандай чалади носоз созин,
Отаси ўлганларнинг доди, дердинг овозин.

Мажлисдагилар унинг овозини эшитмаслик учун гоҳ кулоқларини бармоқлари билан бекитишар, гоҳ «овозингни ўчир», деб пичирлашарди.

Хушовоз хонанданинг кўшиғи истироҳат,
Сен қандай хонандасан, жим турсанг жонга роҳат.
Сенинг кўшиғингдан илимас кўнгул,
Йўқол, даминг ўчиб кетгани маъқул.

У куйлай бошлади, чалиб арғунун,
Мен дедим мезбонга: «Худо ҳаққи-чун,
Қулоққа симоб куй, шуни эшитмай,
Ёки эшикни оч, нарирок кетай».

Дўстларимнинг рўй-хотирларини қилиб, ўша куни кечаси азоб-укубатда тонг оттирдим.

Суфи бемахалда бўкириб колди,
Кечадан қанча вақт ўтганин билмай.
Кеча узунлигин кипригимдан сўр,
Сурунка тонг отди кўзим илинмай.

Эрталаб барвақт бошимдан саллани олиб ва ёнимдан бир динор чиқариб, ҳар иккаласини хонанданинг олдига қўйдим-да, уни бағримга босиб миннатдорлик билдирдим. Дўстларим менинг хонандага кўрсатган эхтиромимни ғайритабиий билиб, бу ғоятда енгилтаклик, дедилар. Дўстларимдан бири эса, тилини бир қарич қилиб мени койимокка бошлади: «Сенинг қилган бу ишинг оқилларга ярашмайди. Эгни дуруст кийим, чилдирмаси бир тийинни кўрмаган хонандага дарвешлик кийимини бериб яхши иш қилмадинг».

Бунингдек созандалар бу уйдан кетса, яхши,
Қайтадан кўринмасин қадамларининг нақши.

Ўз оғзини очди-ю, бўкириб бошлади куй,
Тикандай тикка бўлди бадандаги ҳар бир мўй.

Қўрқканидан тўзғиди ховлида товук, хўроз,
Миямизни ачитди, кекирдак йиртган овоз.

Мен дедим: «Яхшиси шуки, менга эътироз билдирмагин, чунки бу одамнинг қаромати менга аён бўлди». Дўстим деди: «Ундай бўлса, нега сен бунинг сабабини менга тушунтирмайсан, токи мен ҳам хонандани эхтиром этиб, ҳазил-мутойиба қилиб айтган гапларимга узр сўрай».

Мен дедим: «Сабаби шуки, мухтарам устозим мусиқа мажлисига бормагин, деб менга кўп ўғит-насиҳат қиларди. Мен бўлсам унинг гапига кирмасдим. Бугун кечаси мени бахтли бир тасодиф бу мажлисга олиб келди. Бу хонанда тавба қилиб, то умримнинг охиригача бундай мажлисларга қадам босмасликка онт ичишга мажбур қилди».

Гўзал оғиз, ширин бўғиз ва лабдан чиққан овоз,
Куй айтса ҳам, айтмаса ҳам дил эркалар, жуда соз,
Аммо нунок кўшиқчининг кекирдагин безолмас
Кўп ажойиб мақомлар ҳам: «Ушшоқ», «Хуросон», «Ҳижоз».

ҲИКОЯТ

Лукмони ҳақимдан: «Одобни кимдан ўргандинг?» деб сўрадилар. Лукмон жавоб берди: «Одобни беодоблардан ўргандим, уларнинг ҳаракатларидаги менга мақбул бўлмаган нарсалардан ўзимни сақладим!»

Бирор эсли кишига ҳатто ҳазил сўз айтсанг
У шундан ҳам ўзига чиқаради хулоса.
Аммо аҳмок кишига юзлаб ҳикмат ўргатсанг
Барчаси унинг учун туюлар ҳазил нарса.

ҲИКОЯТ

Шайхлардан бирига шикоят қилиб дедим: «Фалон киши мени бузук одам деяпти». Шайх менга деди: «Сен уни яхшилик билан уялтир!»

Ўзинг яхши бўлсанг юриш-туришда,
Сендан айб тополмас ҳеч бир ярамас.
Танбурнинг ўз сози жойида бўлса,
Созанда кулоғин бураб ўлтирмас.

ҲИКОЯТ

Ҳижоз сафарига чиққан маҳалимда бир неча софдил ёшлар менга ҳамроҳ бўлдилар. Улар гоҳо аскиябозлик

килишар ва гоҳо ҳикматли шеърлар ўқишарди. Дар-вешларнинг ички дунёсидан воқиф бўлмаган ва уларнинг дарди дилларидан беҳабар бир обид то Бани Ҳилол работига етгунча бизга ҳамроҳ бўлиб борди. Бани Ҳилол работида араблар қароргоҳидан буғдой рангли бир бола чиқиб, шу қадар ёқимли овоз билан қўшиқ айтишга киришдики, самодаги қушлар ерга тушдилар. Обиднинг туяси уни ағдариб ташлаб, сахрога қараб кочди. Мен дедим: «Эй шайх, боланинг қўшиғи ҳатто ҳайвонга таъсир этди-ю, лекин сенга таъсир этмади».

Билдингми, тонг чоғида нима дер менга булбул:
«Нечук одам саналғай севгидан беҳабар дил?
Араб шеърин эшитган туя завқидан ўйнар,
Сенда завқдан асар йўқ, ҳайвон экансан буткул».

Богда тонг ели эсса, мажнунтол тебранади,
Чақиртош тебранмайди, котиб қолган абадий.

Дикқат билан боқолсанг, барча нарса зикр этар,
Буни тинглай олади, ким маънидан боҳабар.
Гулга ёлғиз булбулмас куйловчи кўнгил билан,
Гул ҳам уни улуғлар тикансимон тил билан.

ҲИКОЯТ

Бир подшоҳнинг умри тугади, унинг ўрнига қоладиган валиаҳди йўқ эди. Подшоҳ васият қилдики, эрталаб азонда шаҳарга биринчи бўлиб кирган одамга тож кийгизинг ва мамлакатни унинг ихтиёрига топширинг. Иттифоқо, ўша куни эрталаб шаҳарга бир гадой кирди. Бу гадойнинг умри бурда нон йиғишу эғнидаги жулдур кийими ямоғи устига ямоқ солиш билан ўтарди. Давлат аъёнлари ва мамлакатнинг мўътабар зотлари подшоҳнинг васиятини бажо келтирдилар. Салтанат ва хазиналарнинг қалитларини гадойга топширдилар ва у бир қанча маҳал ҳукмронлик қилди. Лекин орадан кўп вақт ўтмай давлат аъёнларидан баъзилари унга итоат этишдан бўйин товладилар. Қўшни мамлакатларнинг подшоҳлари ҳар томондан унга қарши

қўшин торта бошладилар. Хулласи калом, аҳоли билан душман қўшини бирлашиб, мамлакатнинг айрим шаҳарлари унинг қўл остидан ажралиб чикди.

Гадой-подшоҳ бу воқеалардан каттик қайғуга ботиб ўтирганида – гадойчилик қилиб юрган маҳалида кадрдон бўлган бир дўсти узок сафардан қайтди. У дўстининг бу қадар юксак мансаб эгаси бўлганини кўриб деди: «Худои таолога шукурлар бўлғайким, гулингдан тикан ажраб чиқибди, қашшоқлик тикани эса оёғингдан суғурилибди. Бахтинг ёр, толеинг мададкор бўлиб, шундай мартабага етибсан. Ҳақиқатан ҳам, машаққатнинг охири роҳатдир».

Гуллар баъзан очилади, баъзан бўлади хазон,
Дарахтлар ҳам гоҳ яланғоч, гоҳ кияр яшил чопон.

Гадой-подшоҳ деди: «Эй азиз дўстим, сен мени қутлама, балки таъзия билдир, чунки сен кўрган маҳалда нон ғамини еган бўлсам, ҳозир жаҳон ғамини емоқдаман!»

Мол, дунё бўлмаса-чи, қайғумиз юрак доғлар,
Агар бўла қолса-чи, меҳри оёқни боғлар.

Жаҳон ташвишидир энг оғир бало,
Бўлса ҳам, бўлмаса ҳам қийин можаро.
Агар сен истасанг бойлик ва давлат,
Энг катта бойликка тенгдир қаноат.
Этагинг тўлдирса бир бой зар билан,
Сен унга қарама шод назар билан.
Катта кишилардан эшитдим ҳар гал,
Дарवेशлар чидами бойликдан афзал.

ҲИКОЯТ

Бир одамнинг дўсти подшоҳ хизматида эди. Улар узок муддат бир-бирлари билан кўришмадилар. Бир киши ундан сўради: «Дўстингни кўрганингга кўп вақт бўлдими?» У жаъоб берди: «Уни кўриш орзуим ҳам йўқ». Тасодифан дўстининг яқинларидан бири шу ерда эди, унинг жавобини эшитиб, ҳайрон бўлиб сўради: «Сенга қандай ёмонлик

қилдики, уни кўргинг келмай қолди?» У жавоб берди: «У ҳеч қандай ёмонлик қилгани йўқ, лекин подшоҳ хизматида бўлган одамни амалдан бўшагандан кейин кўриш керак, мен ўз роҳатим учун дўстимнинг фалокатга дучор бўлишини истамайман».

Мулу кўл, каттакон амалга мингач,
Дўстини танимас, кўзин босиб ёғ.

Ошнолар ёнига ҳасрат-ла борур
Амалдан хайдалиб, ожиз қолган чоғ.

ҲИКОЯТ

Бир соҳибдилга дедилар: «Офтоб ғоятда гўзал бўлганига қарамай, ҳеч кимса уни севгани ва ошиқи шайдоси бўлганини эшитмадик». Соҳибдил жавоб берди:

«Бунинг сабаби шуки, у ҳар куни кўринади, лекин қишда кўздан пинҳон бўлгани учун ҳамма уни яхши кўради».

Дўстни-ку йўқламоқ зарра айб эмас,
Аммо «Бас!» дегунча боравермагил.
Бошқалар тергашин ёқтирмас бўлсанг,
Ўзингни аввало ўзинг тергагил.

ҲИКОЯТ

Дамашқдаги дўстларимнинг суҳбати жонимга тегиб, шаҳардан бош олиб Қуддуси шариф биёбонига жўнадим-да, ҳайвонлар билан улфатлашиб, то фаранглар кўлига асир тушгунимча ўша ерда яшадим. Мени яҳудийлар билан бирга қўшиб Тароблис хандақини казишга олиб бориб ишлатдилар. Ҳалаблик сардорлардан бири мен билан ошна эди, ёнимиздан ўта туриб, мени таниб қолди-да, хитоб қилди: «Ие, бу қандай ҳол!» Мен унга: «Нима ҳам дейман?» деб жавоб бердим.

Одамлардан қочиб тоғу тош кетдим,
Худо деб узилдим инсонлар билан.

Бу соат ҳолимни ўзинг киёс эт,
Ҳозир оғилдаман ох-фигонлар билан.

Ётлар билан биргалашиб кезгандан кўра гулшан,
Дўстлар ичра майли эди бўлса оёқда кишан.

Аҳволимга ачиниб, ўн динор тўлаб, асирликдан халос
этди ва ўзи билан Ҳалабга олиб кетди. У ерда юз динорлик
қалин пули билан қизини менга никоҳлаб берди. Орадан
сал вақт ўтгач билсам, қизи бадфеъл, шаллақи ва ўжар экан,
тилини захар қилиб, жонимдан безор эта бошлади:

Яхши эркак уйдаги ёмон хотин, мисоли –
Бу дунёда эркак учун жаҳаннамнинг тимсоли.
Ёмон хотин суҳбатидан қочиб, қидир паноҳи,
Жаҳаннамнинг оловидан ўзинг сақла, илохий.

Охири бир кун башарамга тик боқиб, таъна-маломатлар
билан деди: «Сен, отам ўн динор баробарига фаранглардан
халос этган одам эмасмисан?» Мен жавоб бердим: «Ҳа, отанг
ўн динор баробарига фаранглардан озод этиб, юз динор
баробарига чангалингга топширган одам мен бўламан!»

Эшитдим бир сипоҳ кунлардан бир кун
Бўри чангалидан қутқарди қўйни.
Окшом қўй бўғзига пичоқ ишқади,
Шунда қўй ялиниб унга йиғлади:
«Аввали бўридан қутқарган сенсан,
Билсам, ўша бўри ўзинг экансан».

ҲИКОЯТ

Бир подшоҳ бола-чақаси кўп бир художўйдан сўради:
«Азиз вақтингни қандай ўтказасан?»

Художўй жавоб берди: «Кечаси сахаргача яратганга
муножот қиламан, сахарларда эҳтиёждан чиқиш учун
дуо ўқийман, кун бўйи эса нафақаи аҳли аёл учун елиб-
югурман».

Подшоҳ обиднинг муддаосини англади, унга маош тайинлаб, уни тирикчилик ташвишидан қутқаришни буюрди.

Бола-чака кайғусида банд бўлган киши
Жуда кийин тинч турмушни хаёл қилиши.
Фарзандлар кайғуси: кийими, нони
Эсингдан чиқарар сайри самони.
Кундузи кўнглимда қиламан қарор,
Бу кеча тангрини топай, деб бир бор.
Қачонки хуфтоннинг вақти келади –
Рўзгорим ташвиши кела туради.

ҲИКОЯТ

Шом (Сурия) обидларидан бири ўрмонда истикомат қилар ва овқат ўрнига дарахтларнинг япроқларини ерди. Бир подшоҳ уни зиёрат қилгани келиб деди: «Агар маслаҳат кўрсангиз, шаҳарда сиз учун бир қаср қурдириб берай, токим ўзингиз осуда ибодат билан шуғуллана олинг, ўзгалар ҳам сизнинг муборак нафасингиздан баҳраманд бўлсинлар ва улар ҳам сиздан эзгу одатларни ўргансинлар». Обид подшоҳнинг таклифини рад этди. Вазирлардан бири унга деди: «Подшоҳнинг кўнгли учун бир неча кун шаҳарга боришингиз, у айтган қасрда яшаб туришингиз керак эди. Башарти, бегона одамлар қимматли вақтингизни олиб, кўнглингизни озурда қилгудек бўлса, яна ихтиёр ўзингизда бўларди».

Обид таклифни қабул қилиб, шаҳарга борди. Подшоҳнинг дилкушо ва руҳафзо боғидан унга жой бердилар.

Кип-кизил гуллари гўзаллар юзи,
Сунбули жингалак сочининг ўзи.

Подшоҳ дарҳол унинг ҳузурига гўзал бир канизакни юборди.

Бу малак сурат, товус рафтор,
Ойжамолни кўргач такводор
Ошиқи шайдо бўлиб қолар,
Кўлидан кетар сабру қарор.

Кейин подшоҳ унга соҳибжамол – хуснда бемисол бир кулни ҳам бағишлади.

Кўз ҳар қанча бокса ҳам тўймасди жамолидан,
Худди чанқок кишики Фиротнинг зилолидан.

Обид лаззатли таомлар емоққа ва башанг либослар киймоққа бошлади, тотли меваларнинг хуш бўйидан кайф килиб, қул ва канизакнинг ҳусну жамоли томошаси билан банд бўлди. Донишмандлар: «Гўзаллар зулфи ақл оёғига кишану зийрак қушларга тузоқдир», дейдилар.

Дунёда бор билганимни, ишончимни бой бериб,
Зийраккина қуш эдим-у, тузоғингга илиндим.

Хулласи калом, обиднинг тақвосига завол етди. Ахир, дейдилар-ку:

Майли ким бўлмасин: пирми, муридми,
Пок нафас ёки зўр донишманд,
Бу дунёга қадам қўйиши биланок
Пашшадек оёғи бўлур болга банд.

Бир кун подшоҳ обидни кўргиси келди. Қарасаки, шайхнинг қиёфаси тамоман ўзгарибди; тани оқариб, ранги қизариб, ўзи семириб кетибди. У шоҳи ёстиққа ястанган бўлиб, гўзал қул товус патидан ясалган елпиғич билан унинг бош томонида турарди... Подшоҳ унинг сихат-саломатлигидан мамнун бўлиб, ҳар борада суҳбатлашиб ўтирди. Суҳбат охирида шоҳ деди: «Оламда мен икки тоифа одамни яхши кўраман: олимлару шайхларни. Уларни мендек яхши кўрадиган одам йўқ!» Подшоҳнинг кўпни кўрган файласуф вазири ҳам шу ерда эди, у деди: «Эй ҳукмдор, дўстликнинг шарти будирки, ҳар иккала тоифага ҳам яхшилик қилмоқ лозим: олимларга олтин бергинки, улар илмларини такомиллаштирсинлар, шайхларга ҳеч нарса берма, улар обидликларича қолсин».

Гўзал чирой, тоза юзли хотинга
Упа-элик, зебу зийнат керакмас.
Эркин-озод, стук ақл дарвешлар
Нон кидириб кўча-кўйни изғимас.

ҲИКОЯТ

Бир подшоҳнинг бошига мушкул иш тушди. У: «Агарда шу иш кўнглимдагидай анжом топса, обидларга бунча дирхам (пул) бераман», деб аҳд қилди. Орзуси ушалиб, кўнгли хотиржам бўлгач, аҳдини амалга оширмоқчи бўлди. Ўзининг якин қулларидан бирига бир хамён пул бериб, обидларга улашишни тайинлади.

Қул оқил ва хушёр эди, кун бўйи шаҳарни кезиб, қош қорайганда подшоҳнинг хузурига қайтди, хамённи ўпиб подшоҳнинг олдига қўйиб деди:

«Қанча ахтармайин бирорта ҳам обидни топа олмадим». Подшоҳ деди: «Бу қандай гап ўзи, билишимча, мамлакатда тўрт юз нафар шайх-обид бор». Қул деди: «Эй подшоҳи олам, обид бўлган одам пулни олмайди, пулни олган одам эса, обид бўлолмайди». Подшоҳ қулиб юборди-да, суҳбатдошларига деди: «Художўйларни қанчалик севсам, эҳтиром этсам-у бу, беорга қарши қанча адоват сақласам-да, эътироф этишга мажбурманки, унинг (яъни қулнинг) гапи ҳақ».

ҲИКОЯТ

Муътабар олимларнинг биридан сўрадилар: «Сиз қандай ўйлайсиз, вақф нони ҳалолми ёки йўқми?»

Олим жавоб берди: «Жамият учун олинса, ҳалол. майшат учун олинса, харомдир».

Нон ейилар бурчакда ибодат қилмоқ учун,
Мардлар ибодат қилмас текин нон емоқ учун.

ХИКОЯТ

Бир дарвеш бир хонадонда меҳмон бўлди. Уй эгаси ниҳоятда кўли очик – сахий эди. Бир неча фозил ва ақли расолар шу хонадонга йиғилишган бўлиб, фазл ахлларининг одатича ҳазил-мутойиба қилиб, ёқимли латифалар айтишиб ўтиришарди. Дарвеш сахро кезиб, тинкаси қуриган ва ниҳоятда оч эди. Мажлис аҳлидан бири ҳазиллашиб деди: «Сен ҳам бирор нарса айтиб берсанг бўларди». Дарвеш айтди: «Менинг бошқалар янглиғ фазлу камолим йўқ, бир нарса ўқиган ҳам эмасман, бир байт ўқиб бераман, шу билан қаноатланиб қўя қолинглар». Мажлис аҳли бир оғиздан: «Хўп, ўқигин!» дедилар. Дарвеш ўқиди:

Мен очман-у, рўпарамда даста нон, каймоқ каби,
Хотин ҳаммом эшигида ўтирган бўйдоқ каби.

Ҳамма кулиб юборди ва унинг ҳазилини мақбул топиб, олдида дастурхон ёздилар. Уй эгаси дарвешга деди: «Азизим, сал сабр қилгил, хизматкорлар сенга қийма қабоб тайёрлаб чиқадилар». Дарвеш бошини кўтариб кулди-да, деди:

Мен ўтирган дастурхонда қийма бўлмаса бўлмас,
Оч кишига қок нон ўзи қийма гўштдан кам эмас.

ХИКОЯТ

Бир мурид ўз пирига деди: «Нима қилсам экан, халойиқдан жуда озурдаман, улар ҳадеб келавергани сабабли азиз вақтим бекорга талаф бўлади, ташвишда ўтади». Пир деди: «Уларнинг камбағалларига бирор нарса қарз бер, бойларидан эса, бирор нарса қарз сўра, шунда улар уйингга сира келмайдиган бўладилар».

Мусулмон қўшинига гадо саркарда бўлса,
Тиланиб қолмасин, деб кофир Чинга қочарди.

ҲИКОЯТ

Бир фақих (хуқуқшунос) отасига деди: «Воизларнинг дабдабали ва безакли сўзлари менга сира таъсир этмайди, чунки уларнинг гапирган гаплари қилган ишларига мос келмайди».

Таркидунё қилмокни халққа ўргатар,
Ўзи-чи, йиғади кумуш, ғалла, зар.

Хар олим айтганин ўзи қилмаса,
Не ажаб, халқ унинг сўзин илмаса?!

Олим ўша киши – ёмонлик қилмас,
Ўз сўзин аксини қилғучи эмас.

Танпарварлик, тўйин ҳаёт пайдан бўлган олим
Йўлбошчилик қила олмас, ўз-ўзидан бўлар гум.

Отаси деди: «Эй ўғлим, шундай бир асоссиз мулоҳаза билан насиҳатгўйлардан юз ўгириб, барча олимларни коралаш, айбсиз олим ахтараман, дея илм ўрганишдан бебаҳра қолмок оқилларга муносиб иш эмасдир. Бу ишинг бир кўрнинг холига ўхшайди. Кўр бир куни кечаси лойга ботиб қолиб: «Эй мусулмонлар, менга чирок тутсанглар-чи, ахир» деганида, бир ҳазилкаш аёл: «Ўзинг чирокни кўрмайсан-у, чирок ёруғида нима кўрардинг!» деб хитоб қилган. Шунга ўхшаш, воизлар (насиҳатгўйлар) мажлиси ҳам чопонфурушлар дўкони кабидир. Нақд пулинг бўлмаса, чопонфурушлик дўконидан мол ололмайсан, воизлар мажлисида ихлос қилмасанг, кўнглингда хотиржамлик пайдо бўлмайди».

Олим айтганига жон қулоғин тут маҳкам,
Ўз сўзи ишига тенг бўлмаган чоғида ҳам.
Мақтанчок кишиларнинг гаплари эрур бекор,
Ухлаган ухлаганни уйғотганми бирор дам?

Деворга ёзилган бўлса ҳам ўғит,
Унга амал қилгай эси бор одам.

Хонақоҳдан мадрасага келди юракли киши
Ва тариқат аҳли билан улфатчиликни узди.
Мен сўрадим: «Олим билан художўйнинг фаркин айт,
Нима учун олимларга тортимингни кўргуздинг?»
Деди: «Обид тўфон қўпса шолчасин ахтаради,
Олим эса сув фарқ қилган кишини кутқаради».

ҲИКОЯТ

Бир неча чапани безорилар бир дарвешни бўралаб сўкдилар, каттик ҳақорат қилдилар. Дарвеш шикоят қилиб ўз пири олдига бориб, бошига тушган савдоларни гапириб берди. Пири деди: «Эй кўзим, дарвеш хирқаси каноат ва чидам либосидир. Буни кийган одам ҳар бир зулмга сабр-тоқат этмоғи керак, акс холда, дарвеш либосини ечиб ташлашга тўғри келади».

Катта дарё бир тош билан лойқаланиб колмайди,
Ранжийдиган билимдонни жилдираган ариқ, де.

ҲИКОЯТ

Маст бир йигит йўл чеккасида узала тушиб, оламдаги ўтган-кетгандан беҳабар ётарди. Бир художўй ўша ердан ўтаркан, бу жирканч манзарага боқди. Йигит мастлик уйқусидан бош кўтариб, шу оятни ўкиди. «Мўъминлар жирканч нарсалар ёнидан ўтарканлар қарам юзасидан ўзларини уни кўрмаганга солишлари лозим».

Бир гуноҳкор учратдингми, шафқат қил, айбин яшир,
Гуноҳидан жиркансанг ҳам, кўриб-кўрмай ўта бер.
Гуноҳқордан юз ўгириб кета берма, ҳой, йигит,
Унга айбин кечирганлар кўзи билан қарагил.
Мен-ку, ушбу қилиқ билан бир номардлик қилибман,
Сен-чи, менга жувонмардлик қилмоқликка ярагил.

ҲИКОЯТ (Манзума)

Бағдоддан бир эртақ тинглангиз энди:
Байроғу Дарпарда сўз талашарди.
Жанговар юришдан чанг босган Байрок
Пардага дўқ билан айтар: «Менга боқ,
Иккимиз бир хожа даргоҳидамиз,
Сену мен султоннинг боргоҳидамиз;
Мен бир дам юмушдан бўшаганим йўқ,
Эрта-кеч сафарда, билмайман ҳордик.
Сен эса билмайсан кўрғон нимади,
Чангу шамол нима, ёбон нимади.
Мен илдам, ғайратим чўнгдир, албатта,
Хўш, сенинг иззатинг нимай-чун катта?
Доим тўлин ойдек юзлар билан сен,
Сочи райхон дилбар қизлар билан сен.
Мен эса. отбоқар қўлида сарсон,
Сафардан бўшамай доим саргардон».
Парда дер: «Бошимни тутаман қуйи,
Сенинг мағрур бошинг осмон бўйи,
Ҳар ким кеккайганча гарданин чўзса,
Ажабмас, ўз-ўзи бўйинини узса».

ҲИКОЯТ

Бир донишманд бир пахлавонни кўрди, у дарғазаб бўлиб, оғзидан оқ кўпиклар сочмоқда эди. Донишманд одамлардан: «Бунга нима бўлди?» деб сўради. «Фалончи ҳақорат қилди», деб жавоб бердилар. Донишманд деди: «Бу разил одам минг ботмон тошни кўтаришга кодир-у, нега бир оғиз гапни кўтара олмайди?»

Муштим зўр, деб лоф уриб, эркакман, деб кеккайма,
Сен каби хеббимларга на эркак, на хотинлик.
Бировларнинг оғзига мушт туширган мард эмас,
Қўлдан келса, ўзгалар оғзин қилгил тотимлик.

ҲИКОЯТ

Бир муътабар одамдан ихвонуссафо (беғараз дўстлар) хакида сўрадим. У шундай жавоб берди: «Улар, энг камида, дўстлар хоҳишини ўз манфаатларидан юқори қўядилар. Донолар: «Ўзи билан ўзи овора бўлган биродар – биродар ҳам, қариндош ҳам эмасдир», деганлар».

Йўл йўлдошинг қистаб турса, йўлдошим, деб чоғлама,
Кўнгли сенда бўлмаганга сен ҳам кўнгил боғлама?

Қариндошинг бўла қолса диёнатсиз, беадаб,
Сен ҳам ундан қариндошлик ипин узсанг, яхши гап.

Ёдимда, мухолифларимдан бири менинг бу байтимга эътироз билдириб дедик: «Оллоҳи таоло ўз каломида раҳмсизликни манъ этган, қавм-қариндошларни севишни буюрган, сенинг айтганларинг эса бунга тамомила зиддир». Мен унга дедим: «Нотўғри гапиряпсан, Қуръонда бундай дейилган: «Агар ота-онанг саъй ғайрат кўрсатиб, менга шерик бўлишга ундасалар уларга итоат этма».

Худодан қайтган мингта уруғдан
Битта ёт ошнога берсанг арзир тан.

ҲИКОЯТ

Бир фақиҳ (хуқуқшунос)нинг ниҳоятда хунук бир қизи бор эди. У қиз бўйга етганида шунча сепу бойлигига қарамасдан ҳеч кимса унга уйланишни истамади.

Хунук келин эғнида
Нафис либос кўркисиздир.

Ниҳоят, фақиҳ қизини бир кўрга эрга беришга мажбур бўлди. Дейдиларки, ўша маҳалда Сарандиб (Цейлон)дан кўр кўзини оча оладиган бир табиб келди. Фақиҳдан: «Нега кўёвингнинг кўзини даволатмайсан?» деб сўрадилар.

Факих жавоб берди: «Кўзи очилгач, қизимни талок килади деб кўркаман».

Бадбашара хотинга кўзи кўр эр яхшидир.

ҲИКОЯТ

Бир донишманддан: «Саховат яхшими ёки шижоат яхшими?» деб сўрадилар. Донишманд жавоб берди: «Саховат бўлгач, шижоатнинг нима ҳожати бор?»

Кулон тутар Баҳром гўрнинг кудрати эмас унча,
Бир чигиртка оёғини судраган кумурскача.

УЧИНЧИ БОБ

КАНОАТНИНГ ФАЗИЛАТИ БАЁНИ

ҲИКОЯТ

Бир мағрибий гадоё Ҳалабдаги баззозлик растасида дерди: «Эй давлатмандлар! Башарти сизларда инсоф-у, менда қаноат бўлганда эди, оламда тиланчилик деган гап қолмасди».

Давлатманд қилғил, эй қаноат, мени,
Чунки йўқдир сендан яхшироқ неъмат.
Луқмоннинг муроди – сабр бурчаги,
Сабрсиз кишида бўлмайди ҳикмат.

ҲИКОЯТ

Мисрда икки амирзода бор эди. Улардан бири илм ўрганиш билан, иккинчиси эса, мол-дунё тўплаш билан шуғулланди. Оқибатда, бири ўз асрининг бемисл олими, иккинчиси эса, Миср подшоҳи бўлди. Шундан кейин давлатманд амирзода олим амирзодага таҳқир назари билан боқиб деди: «Мен салтанатга эга бўлдим-у, сен ҳамон хор-

зор бўлиб юрибсан». Шунда олим амирзода деди: «Эй биродар, мен парвардигорга кўпроқ шукур айтмоғим керак, зероки, мен пайғамбарлар меросига эга бўлдим, яъни илм-фанни эгалладим, сен бўлсанг, Фиръавн ҳамда Ҳомоннинг меросига эга бўлдинг, яъни Миср мамлакатига подшоҳ бўлдинг».

Эзилган бир чумолиман оёқ остда жим,
Аримасман ва дастимдан нолимас ҳеч ким.
Одамларга озор бермоқ учун йўқ кучим,
Шукрим қандай изхор этай бу неъмат учун.

ҲИКОЯТ

Эшитдимки, бир дарвеш фақирлик ўтида куяр, жанда-сидаги ямоқ устига ямоқ уяр ва ўз кўнглига тасалли бериш учун ушбу байтни такрорларди:

Биз розимиз бўлса агар оддий чакмон, қотган нон,
Бизга меҳнат заҳматидан ўзга миннати ёмон.

Бир одам унга деди: «Нега бу ерда ўтирибсан, шу шаҳарда яшайдиган фалончи ниҳоятда лутфу карамли ва саховатлидир, у дарвешлар хизматига бел боғлаган ва уларнинг дилини овлашга ўзини чоғлагандир. Агар у сенинг шу ҳолингдан хабар топса, зўр мамнуният билан лутфу эҳсон қилади».

Дарвеш деди: «Жим бўл, эҳсон сўраб бировга хор бўлгандан кўра, муҳтожлик, очликда ўлган яхшидир».

Кийим сўраб бадавлатга парча қоғоз ёзгандан
Парча-парча ямоқ тикиб, сабр қилган яхшироқ.
Қўшнинг соясида агар борар бўлсанг жаннатга,
Худо ҳаққи, дўзахга тенг, укубати бесанок.

ҲИКОЯТ

Ардашер Бобокон ҳақида шундай бир нақл бор. Ардашер Бобокон бир араб ҳакимидан: «Бир кунда қанча овқат ейиш керак?» деб сўрабди. Ҳаким жавоб берибди: «Юз дирам оғирлигича ейиш кифоя!» «Бу овқат қанча қувват беради?» деб сўрабди Ардашер. Ҳаким жавоб берибди: «Шу миқдор овқат есанг, у сени оёқда кўтаради, ортик есанг, сен у овқатни кўтарасан».

Емак лозим яшамоқ, сўйламакка,
Сен ўйлайсан, ҳаёт керак емакка.

ҲИКОЯТ

Хуросонлик икки дарвеш биргаликда сафар қилишарди. Улардан бири заиф эди, чунки кун оралатиб кечкурун ифтор қиларди. Иккинчиси бақувват эди, чунки кунда уч маҳал овқатланарди. Тасодифан уларни бир шаҳарда жосусликда айбдор қилдилар, ҳар иккаларини бир хонага қамаб, эшикни лой билан суваб ташладилар. Орадан икки ҳафта ўтгач, уларнинг гуноҳсиз эканликлари маълум бўлиб, эшикни очганларида бақувват одам ўлиб, заифи тирик қолганини кўрдилар. Бу ҳол ҳаммани ҳайратга солди. Бир донишманд деди: «Агар аксинча бўлганида таажжубланишга арзирди, зероки, улардан бири кўп овқат ейишга одатланган эди, очликка бардош бера олмай ўлди. Буниси, овқатни жуда оз ейишга одатланган эди, ночор сабр этиб, ҳалокатдан ҳалос бўлди».

Одам оз емокни одат айласа,
Бошга очлик тушса чидай билади.
Фаровонлик ичра кўпга ўрганган,
Тангликда қолганда очдан ўлади.

ҲИКОЯТ

Олимлардан бири ўз ўғлини кўп овқат емакдан тийиб: «Кўп емак танга зарар», деди. Ўғли унга айтди: «Эй ота,

одамни очлик ўлдиради. Эшитмаганмисиз, зарифлар (аскиячилар): «Очлик азобини чеккандан кўра тўкликдан ўлган яхшироқ», дейдилар.

Кўп ема, оғзингдан чикиб кетмасин,
Оч юрма, заифлик жондан ўтмасин.
Овқатдан танага келади лаззат,
Аммо ортиқчаси келтирар захмат.
Гулшакар зарардир кўп есанг агар,
Меъёрида есанг, нон ҳам гулшакар.
Меъда тўлиб кетиб, оғриси корин,
Нафи бўлмас дори-дармонлар барин.

ҲИКОЯТ

Восит шахрида сўфийлар бир бакқолдан бир неча дирхам қарздор бўлиб қолган эдилар. Бакқол ҳар куни пулини кистаб, оғзига келган сўзни қайтармай уларни ҳақорат қиларди. Сўфийлар унинг маломатидан қаттиқ изтироб чекардилар-у, лекин чидашдан бўлак чоралари йўқ эди. Улар орасидаги бир донишманд деди: «Бакқолга дирхам ваъда қилгандан, нафсга таом ваъда қилиш осонроқ».

Агар бўлса дарвозабон жафоси,
У неъматдан узоқ бўлган яхшироқ.
Кассобларнинг хунук талабларидан
Гўштга етолмасдан ўлган яхшироқ.

ҲИКОЯТ

Бир диловар йигит татарлар билан бўлган жангда оғир ярадор бўлди. Бир одам унга: «Фалон савдогарда шифобахш дори бор, сўрагин, балки берар», деди. Дейдиларки, ўша савдогар ўзининг бахиллиги билан машҳур эди.

Бўлса дастурхонида нон ўрнида гар офтоб,
Рўшинолик кўрмас эрди то киёмат ҳеч киши.

Диловар йигит деди: «Дори сўрасам, ё берар, ё бермас, берган тақдирда ҳам даво бўлиш-бўлмаслиги маълум эмас.

Хулосаи калом, ундан дори сӯраш – захри қотил сӯраш билан баробардир».

Аччиқ ковул олиб есанг хуштабиат кишидан,
Ширинроқдир бадфеълнинг шакари, кишмишидан.

Ҳукамолар демишлар: «Агарда обрӯни олиб, оби хаёт сотсалар, оқил одам уни олмайди, чунки миннат билан тирик юргандан иззат билан ўлмоқ аъло».

Жирканчдир хор бўлиб топилган овқат,
Қозон тўлар, аммо ор билан фақат.

ҲИКОЯТ

Олимлардан бирининг бола-чакаси кўп эди-ю, топиш-тутиши оз эди. Ўзига мухлис бўлган бир мансабдорга аҳволини сўзлади. Мансабдор унинг шикоятини эшитиб, кош-қовоғини солди, олим одамнинг тамаланиши унга жирканч кўринди.

Бахтсизликда қовоқ уйиб кирма дўстинг ёнига,
Талх айлама дўстингни ҳам роҳату ишратини.
Бирор ҳожат бўлганда ҳам очик чехра, хандон кир,
Ҳожатингни чиқаргучин бузмай кайфиятини.

Дейдиларки, мансабдор олимнинг маошини бироз оширди-ю, лекин ихлосини анча камайтирди. Олим бир неча кундан кейин мансабдорнинг одатдаги дўстона муомаласидан асар кўрмай, деди:

Ноним ошди, обрӯ камайди, бироқ,
Хорликдан кўра йўқчилик яхшироқ.

ҲИКОЯТ

Бир дарвеш бир нарсага жуда мухтож бўлиб қолди. Бир одам унга: «Фалон кишининг мол-давлати ниҳоятда кўп. Агар эҳтиёжингдан хабар топса, албатта, сенга ёрдам

беради», деди. «Ахир, мен у одамни танитайман-ку», деди дарвеш. «Мен сени таништириб қўяман», деб дарвешнинг қўлидан етаклаб, бойнинг уйига бошлаб борди. Дарвеш лабини чўччайтириб, кибр билан керилиб ўтирган одамни кўриб, оркасига қайтди. Бошлаб келган киши деди: «Бу нима қилганинг?» Дарвеш жавоб берди: «Унинг бахшишини кибр билан ўтиришига бағишладим».

Агар бўлса қовок уйган, бадбуруш,
Кайфинг бузар, ҳеч айтма ҳожатингни.
Бориб айт истагинг хушрў кишига,
Топарсан чехрасидан роҳатингни.

ҲИКОЯТ

Ҳотами Тоийдан: «Ўзингдан кўра сахийроқ бирор одамни ҳеч кўрганмисан ёхуд эшитганмисан?» деб сўрадилар. Ҳотами Тоий жавоб берди: «Ҳа, кўрганман, бир кун араб амирларини зиёфат қилиш учун қирк туя сўйгандим. Иттифоқо, бир зарурат билан сахрога чиқишимга тўғри келди. У ерда чўп-чумак териб дасталаётган ўтинчини кўрдим. Мен унга дедим: «Нечун Ҳотамнинг уйига бормайсан, ахир, ҳозир бирталай одам унинг зиёфат дастурхони атрофида». У деди:

Ўз меҳнатидан нон еган киши
Ҳотам миннатидан озод ёз-киши.

Ҳотам деди: «Ана шу ўтинчини мен ўзимдан кўра саховатлироқ деб билдим».

ҲИКОЯТ

Басра гавхарфурушлари орасида бир бадавий (сахройи) арабни кўрдим. У шундай ҳикоя қиларди: «Бир куни сахрода адашиб қолдим. Ёйишга ҳеч қандай овқатим йўқ эди. Ўлишимга кўзим етди. Шу маҳал бир ҳамён топиб олдим: ичи тўла марварид эди. Мен уни қовурмоч деб

ўйлаб, жуда кувониб кетдим. Ўша пайтдаги севинчим хали-хали эсимдан чиқмайди. Кейин ҳамёндаги нарса марварид бўлиб чиқди, шу қадар хафа бўлдимки, у аянчли аҳволимни бир умрга унутмайман».

Қурук, кум изғиган чўл-биёбонда,
Ташнанинг оғзига садаф ёки дур,
Очликдан йиқилган кимса белида
Сополакми ёки олтин, барибир.

ҲИКОЯТ

Шунга ўхшаш, бир кенг саҳрода бир мусофир йўлини йўқотиб қўйди, озуқаси тугаб, тинка-мадори қуриди. Белига тугиб олган бир неча дирҳам пулидан бўлак ҳеч нимаси йўқ эди. У қанчалик жаҳду жадал қилиб ахтармасин, йўл тополмади, кейин очлик ва ташналиқдан қаттиқ азоб чекиб, ҳалок бўлди. Ўша жойдан ўтиб бораётган бир жамоа келиб кўрсаларки, мусофир дирҳамларни олдига қўйиб, тупрокка қуйидаги сўзларни ёзиб қолдирибди:

«Ҳамёни соф тилла тўла бўлса ҳам,
Оч киши саҳрода қўёлмас кадам.
Биёбонда қолган оч бечорага
Кумушдан яхшидир қайнаган шолғам».

ҲИКОЯТ

Мен ҳеч маҳал давр жабр-жафосию фалакнинг каж-рафторлигидан шикоят қилмаган эдим, лекин бир марта нолидим. Ўшанда оёқяланг қолган эдим ва кафш сотиб олишга қодир эмасдим. Қаттиқ ўксиниб, Куфа шаҳридаги жомеъ масжидига кирганимда, оёксиз бир одамга кўзим тушди. Шунда шукур қилиб, кафшсизлигимга сабр этдим.

Қоврилган қуш қадри тўқлар олдида
Дастурхонда пиёз, кашнич, ўтдан кам.
Оч олдида ўтар товуқ ўрнига
Қурук сувда қайнаб пишган бир шолғам.

ҲИКОЯТ

Бир савдогарни кўрдим, юз эллик туя моли, киркта кул ва хизматкори бор эди. Бир куни кечаси Кеш оролида у мени ўз хужрасига олиб кирди-да, кечаси билан бўлар-бўлмас гапларни гапириб чикди: «Фалон омборим Туркистонда, фалон молим Ҳиндистонда, манави, фалон ернинг васиқаси ва фалон жойдаги молларимга фалончи кафил». Гох дерди: «Искандарияга бормокчиман, у ернинг хавоси менга ёқиб қолган». Яна дерди: «Мағриб денгизи жуда нотинч! Эй Саъдий, олдимда яна бир сафар бор, агар ўша сафарга ҳам эсон-омон бориб келсам, қолган умримни бир гўшада ўтириб осойишта ўтказаман».

Мен: «У қандай сафар экан?» деб сўрадим. Савдогар жавоб берди: «Эрондан Хитойга гугурт олиб бораман, чунки у ерда гугурт қиммат эмиш. Хитойдан чинни косаларни Румга элтаман. Рум ипак-шоҳиларини Ҳиндистонга олиб бораман, хинд пулатларини Ҳалабга олиб келаман ва Ҳалаб шишаларини Яманга олиб бораман. Яманнинг ок матоларини Эронга элтиб сотаман. Шундан кейин савдогарликни тарк этиб, бир дўкончада ўтираман». Шу тахлитда у ўзининг хом хаёлларини гапиравериш, охири хориб, гапиришга мадори қолмади.

Кейин менга деди: «Саъдий, энди сен ҳам кўрганинг ёки эшитганларингдан бирор нарса айтиб бер!» Мен дедим:

Эшитдингми, узок Ғурда бир савдогар,
Ўлаётиб, отдан тушиб, бир сўз демиш:
«Кўз оч экан ё қаноат билан тўяр.
Ёки мазор тупроғисиз тўлмас эмиш».

ҲИКОЯТ

Бир бой хақида эшитдим, Ҳотами Тоий сахийликда қандай донг таратган бўлса, бу бой ҳам бахилликда шундай ном чиқарган эди. У сиртини дунё моли билан безаган, лекин қалбига бахиллик шу қадар мустаҳкам уя қурган эдики, на Абу Хурайранинг мушугига бир лўқма гўшт берар

ва на «Асҳоби қаҳф»нинг итига бирорта суяк ташларди.
Узун сўзнинг кискаси, ҳеч кимса унинг эшигини очик ва
дастурхонини ёзик ҳолда кўрмаган эди.

Камбағалдан таомининг исин ҳам тутар йирок,
У нон еган дастурхондан куш тополмас бир увок.

Эшитдимки, ўша киши кунлардан бир кун Мағриб
денгизи орқали Мисрга сафарга чиқди, муддаоси давлатини
янада зиёда қилиш эди... Қаршидан шамол эса бошлади.

Дил на қилсин наст табиат бўлса тан,
Ҳар маҳал эсмас шамол хошиш билан.

Дуога қўл кўтариб, бекордан-бекорга дод-фарёд қила
бошлади...

Муҳтож банда илтижода Худога қўлин очар,
Тўқлигида қўлларини қўлтиққа уриб қочар.

Олтин-кумуш бўлса, едир барчага,
Ўзинг ҳам роҳат қил, еб-ичиб қолгин.

Сендан қолажақдир бу иморатлар,
Фишлар бўлганда ҳам кумуш ё олтин.

Дейдиларки, Мисрда қариндошлари бор эди, ундан
қолган моллар ўшаларни бадавлат қилди, улар эски
кийимларини унинг ўлимига йиртиб, мўйна ва харир
матолардан тикилган янги кийимлар кийдилар. Ўша ҳафта
мен бойнинг қариндошларидан бирига дуч келдим, у тулпор
отга минган бўлиб, ортида қул югуриб борарди.

Ўлган агар тирилиб келса,
Уруғлари билан бўлса жам.
Оғир эди мерос қайтармок,
Қариндошин ўлимидан ҳам.

У билан эскидан ошна бўлганимиз учун этагидан тутиб,
дедим:

Е, эй хушбахт, ҳеч нима аямасдан,
Бадбахт ўлди йиққанини емасдан.

ҲИКОЯТ

Бир семиз аблахни кўрдим, эғнида башанг либос, остида тулпор от, бошига эса Миср шоҳисидан салла ўраган эди. Биров менга деди: «Саъдий, бу бефаҳм ҳайвоннинг эғнидаги гулдор шоҳи либосга нима дейсан?»

Мен шундай жавоб бердим: «Олтин суви билан ёзилган хунук хатдир».

Яхши хулқ минг яхши либосдин аъло,
Одамга ўхшамас, бу ҳайвон асло.
Магарким, демасанг тўну салласин,
Синаб кўр борлигин: тан, қалб, калласин,
Ҳеч ҳалол жойи йўқ қонидан ўзга.

ҲИКОЯТ

Бир ўғри гадога деди: «Қора чақа учун ҳар бир хасисга қўл чўзишга уялмайсанми?»

Бир қора чақага чўзилса агар қўлим,
Бир ярим тангага кесилгани яхши.

ҲИКОЯТ

Дейдиларки, бир полвон толесизликдан додга келиб, фақирликдан афтодаҳол бўлиб қолган эди. У отасининг хузурида шикоятга оғиз очиб: «Сафарга чикмоқчиман, зора қўлимнинг қуввати билан бахт этагидан тутиш насиб бўлар», деди.

Агар иш кўрсатмаса, бекордир фазлу хунар,
Уд оловга тушмаса, уйни қилмас муаттар.

Отаси деди: «Эй фарзанд, бу хомхаёлни миянгдан чиқар, қаноат оёғини саломатлик этаги остида тут, зероки, донолар: «Давлатни саъйи ҳаракат билангина эмас, қийинчиликка бардош бериш билан ҳам қўлга киритса бўлади», деганлар.

Куч била туга билмас давлат этагин киши,
Кўр кўйса кошга ўсма, фойдасиздир бу иши.

Полвон на қила билур, бахти агар бўлса йирок,
Кудратли қўлдан кўра, бахтнинг қўли яхширок.

Ўғил деди: «Эй ота, сафарнинг фойдаси кўпдир: бахри дилинг очилади, фойда топасан, ажойиботларни кўрасан, фаройиботларни эшитасан, шаҳарларни томоша қиласан, дўстлар билан суҳбатда бўласан, билим орттирасан, молмулку давлатингни кўпайтирасан, дўстларингни яқиндан таниб, тақдирни имтиҳон қиласан. Тариқат аҳли бундай дейдилар:

Дўкону уйингдан чиқолмай бир он,
Харгиз, эй хом одам, бўлмадинг инсон.
Чиқиб энди сен ҳам кезгил жаҳонни,
Бўшаб қолмасидан сендан бу жаҳон».

Отаси деди: «Эй фарзанд, сен айтганингдек, сафарнинг манфаати кўп ва лекин у беш тоифа одам учун махсусдир. Биринчидан, бадавлат, қулу чўрилари, эпчил хизматкорлари бўлган савдогар учун, чунки у хар қуни бошқа бир шаҳарда, хар кеча бошқа бир ерда тунаб, хар онда бир сайргоҳда томоша қилиб, оламнинг неъматларидан баҳраманд бўлиб, роҳат-фароғатда яшайди.

Бадавлат ғарибмас тоғу чўлда ҳам,
Қайга борса қураб ётоғу чодир.
Ўз кулбасида ҳам ғарибу забун
Орзуга етмаган бечора фақир.

Иккинчидан, фасохат, камолот ҳамда ширинсўзлиги билан элни оғзига қаратиб, иззат-икромга сазовор бўладиган олим учун.

Эрур олтин каби доно вужуди,
Каерга борса топгай хурмат, иззат.
Қоғоз пулдек эрур бойвачча нодон,
Қилишмас ўзга юртда қадру қиммат.

Учинчидан, ошиқлар кўнглини ўзига мафтун этадиган соҳибжамол дилбар учун, чунки улуғлар деганлар: «Бир чимдим ҳусн-у жамол бир дунё мулк-у молдан яхшироқдир! Гўзаллик – дардманд кўнгилларнинг малҳамию кулф эшиқларнинг калитидир. Табиийдирки, кишилар унинг суҳбатини орзуи диллари деб биладилар ва унга хизмат этмакни фахр ҳисоблайдилар».

Қаҳр бирла қувилса ҳам уйндан
Чиройлик кайга борса ҳурмати бор.
Кўриб Қуръонда бир товус патини,
Дедим: «Бу иззат ортиқ сенга бисёр».
Деди: «Жим бўлки, ким эрса чиройлик,
Қаён борса, тўсилмас йўли зинҳор».

Тўртинчидан, Довуд янглиғ ҳушовозлиги билан сувни оқишдан, қушларни учишдан тўхтатишга кодир бўлган ашулачилар учун. Ўзининг шу фазилати билан кишилар кўнглини овлайди, фаросат аҳли унга ҳар қандай хизматни бажо келтиришга тайёр.

Сабух аҳли кулоғига на ҳушдир
Майин ҳамда хазин овоз ғоят.

Гўзал юздин ҳушовоз яхшироқдир,
У нафс озукаси, бу дилга роҳат.

Бешинчидан, қўл кучи билан рўзғорини тебратувчи, нон таманда обрўсини тўкмайдиган ҳунармандлар учун. Булар ҳақида донишмандлар шундай деганлар:

Агар косиб мусофирликка чиқса,
Қийинлик бетини кўрмайди асло.
Кечин оч ухламоққа мажбур ўлғай,
Гар ўз юртинда тахтдан тушса подшо.

Эй фарзанд, мен баён этиб ўтган бу сифатлар сафар асносида хотиржамликнинг сабаби ва ҳузур-ҳаловатда яшашнинг манбаидир. Бу сифатлардан бебаҳра одам хом-хаёл билан сафарга чиқса, кейин ҳеч кимса унинг дому дарагини эшитмайди».

Адоватли қарар кимга бу фалак,
Не истаса, шунинг аксин кўради.
Кабутар бенасиб бўлса инидан,
Қазо уни тузук томон суради.

Ўғил деди: «Эй ота, ҳукамолар сўзига қарши қандай
борайки, улар демишлар: «Кишининг ризки рўзи азалдан
тайин этиб қўйилган бўлса ҳам, аммо уни қозонмоқ учун
одам бақадриҳол саъйи ҳаракатда бўлмоғи шартдир. Гарчи
фалокат тақдирда ёзилган бўлса ҳам, лекин унинг келар
эшигини бекитмоқ чорасини ахтармоқ зарур».

Ризқ агар ҳар кимга келур бегумон,
Акл дер: «Кидиргил уни сен ўзинг!»
Ҳеч киши ажалсиз ўлмади, аммо —
Ким аждар оғзига уради ўзин?

Мен шундай жусса ва кучга эгаманки, қутурган филни
ағдаришга ва дарғазаб шер билан олишишга қодирман.
Хулласи калом, яхшиси, сафарга чиқай, чунки ортиқ фақир-
ликда яшашга тобу токатим қолмади».

Одам агар ажраса ўз уйи, диёридан,
Ғам емагай ортиқ ул, тўрт тарафинда жойи.
Бўлса бадавлат киши уйга кетар ҳар окшом,
Камбағал қайда қўнса, шунда унинг саройи.

Шундай деди-ю, йигит отасидан оқ фотиҳа олди,
видолашиб сафарга чиқаркан, йўл-йўлакай ўз-ўзига дерди:

Хунар ахли агар бебахт бўлса,
Қаён борса, киши билмайди номин.

У бир дарёнинг лабига етди. Дарё шу қадар шиддатли
эдики, катта-катта тошларни бир-бирига қарсиллатиб урар-
ди, бу гулдураган овоз бир фарсанг (етти-саккиз чақирим)
ерга эшитиларди.

Қўрқинч эди сув, ҳатто хавфлидир сув қушига,
Ози ҳам етар тегирмон тошининг оқишига.

Унинг кемага юкларини жойлаб, дарёдан ўтишга тайёрланаётган бир неча одамга кўзи тушди. Ночору ноиложликдан йигит садақа сўраб, қўл очишга мажбур бўлди. Лекин ҳеч кимса унинг ёлвориш-илтижоларига кулок солмади, ёрдам бермади.

Пул бўлмаса, килмағил ҳеч кимга зўрлик,
Бўлса пулинг қолмағай зўрликка ҳожат.

Мурувватсиз кемачи истехзо билан қулиб, юз ўгириб деди:

«Бўлмаса пул, куч билан ўтиб бўлмас дарёдан,
Ўн мард кучидан кўра бир мард пули ярайди».

Кемачининг таънаю маломатидан йигитнинг ғазаби жўшиб, ундан ўч олгиси келди. Лекин шу аснода кема йўлга тушди. Йигит кичкириб деди: «Агар рози бўлсанг, мана шу эгнимдаги либосимни берай!» Кемачи тамакорлик қилиб, кемасини қайтарди.

Ақлнинг кўзи ҳам тамаъдан боғлик,
Тамаъдан илингай домга қуш, балиқ.

Йигит кемачининг соқолу ёқасидан тутиб, ўзига тортди-да, аямасдан дўппослашга бошлади. Кемачининг шериги ёрдам бергани келди, лекин у ҳам калтак еб, қочишга мажбур бўлди. Шундан сўнг маслаҳатлашиб, йигитни текинга олиб кетишдан бўлак чора топмадилар.

Зулм кўрсанг кийгил чидам этигин,
Юмшоклик ёпади уриш эшигин.
Юмшоқ муомала, ширинсўз одам
Бир қил билан тортиб кетар филни ҳам.
Юмшоқ бўлгил, юмшоқ ипакни ҳатто
Ўткир қиличлар ҳам кесолмас асло.

Бўлиб ўтган воқеа учун узр сўрашиб, кемачилар йигитнинг оёғига йиқилдилар ва бошу кўзидан ўпиб, кемага миндирдилар-да, йўлга равона бўлдилар. Юнон

иморатларидан қолган бир устунга рост келдилар, устун сувдан чиқиб турарди. Шунда кемачи деди: «Кема тешилганга ўхшайди, ораларингизда бир довюррак полвон одам кеманинг арконидан ушлаб туриши керак, биз кемани тузатиб оламиз». Ўзининг мардлиги билан ғурурланган йигит душманлар кўнглидаги интиқомни унутди ва ҳукамо-ларнинг хикматли сўзларини эсламади. Ҳукамолар: «Кимнинг кўнглига озор берган бўлсанг, ундан кейин юз маротаба уни хурсанд қилганингда ҳам аввалги қилган ёмонлигинг интиқомидан амин бўлма, чунки ўк жароҳати битади-ю, лекин кўнгил яраси битмайди», деганлар.

Бектош ўз ўртоғига деди ҳўп доно:
«Ғанимни ранжитибсан, бўлма бепарво».
Бепарво бўлмағил, дилинг бўлур танг,
Биров дилини сен танг қилган бўлсанг.
Қалъа деворига тош отма бебош,
Девордан ҳам кўчар баъзан оғир тош.

Йигит арқонни билагига ўраб, устунга чиқиши биланок, кемачи арқонни тортиб олиб кемани ҳайдаб кетди. Шўрлик йигит хайрон бўлиб қолаверди. Йигит шу тахлитда сув ўртасида устунга ёпишганича икки кечаю икки кундуз қолиб кетди, учинчи куни уйқу гирибонидан тутиб, сувга ағдарди. Бир кечаю кундуздан кейин сув уни қирғоққа чиқариб ташлади. Шунда унинг жони бўғзига келиб қолган эди. Дарахтларнинг барги ва кўкатларнинг илдизини еб, танига бироз қувват кирди. Шундан сўнг биёбонга кириб кетди. Узоқ вақт очлик ва ташналик азобини чекиб, бир қудук бошига етди. Қудук атрофини бир гуруҳ одамлар ўраб олган бўлиб, ҳар бири бир қора пул бериб сув ичмоқда эди. Йигитнинг бирон чақа пули йўқ эди, у илтимос қилди, ялиниб-ёлворди, лекин ҳеч кимнинг раҳми келмади, шунда у сувни зўр билан олмоқчи бўлди — эплолмади. Одамлар устига ёпирилишиб, аямасдан уриб, мажруҳ қилдилар.

Пашша ёпирилса зўр филни енгар,
Салобатли полвон жохилни енгар.
Чумоли бирлашса иттифок бўлиб,
Арслон терисин олажак шилиб.

Йигит ночор колиб бир карвон ортидан йўлга тушди. Кечаси бир манзилга етиб бордиларки, у ерда ҳар лаҳзада қароқчиларнинг ҳужум хавфи бор эди. У ерда ваҳимадан карвон ахлининг вужудига калтироқ туриб, хавфдан ўлар ҳолатга етди. Йигит уларга деди: «Қўркманглар, мен борман, бир ўзим эллик қароқчига бас келаман, бошка ёшлар ҳам кўмаклашадилар!» У шундай дегач, карвон ахли дадиллашди, у билан ҳамроҳ бўлганларига қувониб, уни егулик ва ичкилик билан таъмин этдилар. Йигитнинг иштаҳаси очилиб, сабру қаноати қўлидан кетди. Улар берган овқатни очкўзлик билан еб, устидан тўйиб сув ичиб нафсини қондирди-да, уйкуга кетди. Карвонлар орасида кўпни кўрган бир мўйсафид бор эди, у деди: «Эй дўстлар, мен қароқчилардан кўра кўпроқ сизларнинг ана шу пойлоқчиларингиздан кўрқаман. Шундай бир накл бор: бир араб бир неча дирҳам пул тўплаган эди. У ўғрилардан кўрққанидан кечаси уйида ёлғиз ёта олмасди, шунинг учун юрагимга далда бўлсин деб дўстларидан бирини уйига айтиб келиб ётадиган бўлди. Дўсти бир неча кун бирга тургандан сўнг пулларнинг қаерда эканидан хабар топди ва уларни ўғирлаб, шаҳардан кочди. Эртаси куни халойиқ арабнинг кўзида ёш ва киссасини бўш кўриб, сўрадилар: «Ҳа, аҳвол қалай? Пулларингни ўғрилар ўғирлаб кетдиларми?» Араб жавобида деди: «Йўқ, Худо номига қасамки, пойлоқчи ўғирлаб кетди!»

Билдимки, одати захар сочмоқдир,
Илондан бўлмадим бир он хотиржам.
Ўзни дўст кўрсатган душман тишласа,
Унинг тиш захрига топилмас малҳам.

Ким билади, балки, бу йигит қароқчиларнинг биридир, қулай фурсат топиб карвон тўғрисида шерикларига хабар бермоқчидир. Энди маслаҳат шуки, у уйкуда эканида йўлга тушайлик».

Карвондаги ёшларга мўйсафиднинг гапи маъқул бўлди, улар полвондан ваҳимага тушиб, дарҳол юқларини танғиб, йўлга чикдилар. Йигит эртасига офтоб ёйилиб

кетганда уйғонди, карвондан ному нишон йўқ эди. Шўрлик қанча югуриб-елиб ахтарса ҳам йўл топа олмади, очлик ва ташналиқдан муккасидан тушиб ётди-да, ўлимга рози бўлиб, ўз-ўзига деди:

«Мусофирга дағаллик кўргазур тик,
Ўзи ҳеч кўрмаган бўлса ғариблик».

Йигит шу сўзларни айтаётганда, овнинг кетидан қувиб, лашкаридан ажралган бир шахзода унинг ёнига келиб қолди. Шахзода йигитга диққат билан боқиб, сиртқи кийёфасини покиза, ахволини эса, паришон кўрди. Шахзода йигитдан сўради: «Қаерликсан ва қандай қилиб бу жойларга келиб қолдинг?»

Йигит ўз саргузаштининг айрим қисмини шахзодага ҳикоя қилиб берди. Унинг ахволига шахзоданинг раҳми келди. Унга кийим-бош ва озиқ-овқат инъом қилиб, бир эътимодли одамни ёнига қўшиб ўз шахрига қайтариб юборди.

Отаси уни кўриб ниҳоятда хурсанд бўлди, омон-эсон қайтгани учун Худога ҳамду санолар айтди. Кечкурун йигит бошидан ўтган воқеаларни: кемачининг золимлиги, қудук бошида кечирган машаққатлари ва саҳрода карвон ахлининг хиёнатини отасига бирма-бир ҳикоя қилиб берди. Отаси деди: «Эй ўғлим, кетаётганингда мен сенга фақирларнинг шижоат қўллари боғланган, пахлавонлик беллари синдирилган, демабмидим?»

Пулсиз ул сипоҳи ажаб сўз демиш,
Ботмон кучдан мошдек зар яхши эмиш.

Ўғли деди: «Эй ота, ҳар нима бўлганида ҳам меҳнат қилмасдан зар-зевар топмайсан, ҳаётингни хатар остига қўймагунча душман устидан зафар топмайсан, уруғ сочмасанг, ҳосил ўрмайсан. Кўрмаяпсанми, озгина захмат чекканим эвазига қандай фароғат топдим, жиндай нишга бардош берганим учун қанча асал олиб келдим».

Ризкингдан ортикни еб бўлмаса ҳам,
Талабда бўлмағил дангаса, беғам.

Фаввос наханг оғзин ўйласа ағар,
Қўлга киритолмас ҳеч дурру гавхар.

Тегирмоннинг остки тоши ҳаракатсиз бўлгани сабабли
ҳамиша оғир юк остидадир.

Шер нима овлай олар токи инидан чикмай,
Чангалига не тушар ерда ётса қарчиғай.

Ов қилмокни истасанг ўз уйингдан чикмаёк,
Ўргимчак оёғидек нозик бўлар қўл-оёқ.

Отаси деди: «Эй фарзанд, бу сафар фалак сенга кўмак
этиб, бахтинг кулиб боқибди. Давлатманд бир одам дуч
келиб, саховат кўрсатиб, сенга раҳму шафқат этибди. Бу
жуда ҳам камдан-кам содир бўладиган ходисадир. Бундай
тасодифларга умид боғлаб бўлмайди. Бундан буён хушёр
бўл, бунақанги хомтама бўлма!»

Илвосин келтирмас овчи ҳам хар кун,
Бир кун йўлбарс йиртиб ташлаши мумкин.

ҲИКОЯТ

Дейдиларки, форс подшоҳларидан бирининг қиммат-
баҳо кошли узуги бор экан. Бир куни подшоҳ ўзига
яқин кишилардан бир нечасини олиб Шероз шаҳридан
Мусаллода сайр этгани чиқибди-да, узугини Азуд
гунбазига ўрнатишни буюрибди ва кимки ўқини узукнинг
ҳалқасидан ўтказса, узук ўша одамники бўлади, деб шарт
қўйибди. Иттифоқо, подшоҳ саройидаги тўрт юз мерган
камонандозларнинг ўқлари хато кетибди. Тасодифан,
работнинг томида дуч келган томонга қараб камон отиб
ўйнаб юрган боланинг ўқини шамол учириб бориб, узукнинг
ҳалқасидан ўтказибди. Подшоҳ унга талай нозу неъмат,
либослар берибди ва узукни ҳам ҳадя қилибди. Бола шў
оңдаёқ камон ва ўқларини ёқиб юборибди. Одамлар ундан:
«Бу нима қилганинг?» деб сўрашибди. «Дастлабки қозонган
шухратим ўзимда қолсин учун шундай қилдим», деб жавоб
берибди бола.

Гоҳида равшанфикр донолардан ҳам
Чикмаслиги мумкин дурустрок тадбир.
Гоҳида ақлсиз гудак бир бола
Янглишиб, нишонга ўк урар мохир.

ҲИКОЯТ

Эшитдимки, бир дарвеш бир ғорда яшаб, эшигини жаҳон халқи юзига бекитган эди ва унинг ҳиммати олдида подшоҳлар ва давлатмандлар ҳеч қандай ҳурмат ва шавкатга эга эмас эдилар.

Тиланчилик эшигин очса ҳар киши,
То умри битгунча бўлади мухтож.
Тамасизлар боши ҳеч эгилмайди,
Хирсингдан кечгил-у, бошингга қўй тож.

Уша томон подшоҳларидан бири хабар юбордики, азизларнинг марҳаматидан умидвормиз, бугун бизда меҳмон бўлиб, нону намакни баҳам кўргайсиз. Шайх ризолик билдирди, чунки таклифни қабул этмак суннатдир. Эртаси кун подшоҳ дарвешнинг ғорига бориб, қасрига таклиф этиб, азият чектиргани учун узр сўради. Дарвеш подшоҳни кўргач, ўрнидан туриб, уни бағрига босди, миннатдорлик билдириб мадҳ этмакка бошлади.

Подшоҳ кетганидан кейин мажлис аҳлидан бир киши дарвешдан сўради: «Бугунги подшоҳга кўрсатган илтифотингиз одатдан ташқари бўлди, илгари ҳеч бундай қилмас эдингиз, бунинг сабаби нима?» Дарвеш жавобида деди: «Эшитмаганмисанки, донишмандлар демишлар:

Кимнинг дастурхонидан нон еяр эсанг,
Бўлмас хизматига ҳозир турмасанг.
Кулоқлар умр бўйи эшитмаса ҳам бўлғай,
На чилдирма овозин, на чангу, на танбур, най.
Кўз тияди ўзини кўрмаса боғ-бўстонлар,
Димоғ чидар искамай гулу жамбул, райхонлар.

Булмаса ҳам ёстиклар ичи тула момик пар,
Тош кўйиб бош остига уйқуга тўйса булар.
Булмаса кучоғингда ёстикдош бир нозанин,
Тиззанг кучиб уйқуда билмайсан тун ўтганин.
Аммо бу ҳунари йўқ, ярамас қорин қурғур,
Сабр нима сезмайди, чидам нима билмайдир».

ТЎРТИНЧИ БОБ

СУКУТ ҚИЛИШНИНГ ФОЙДАЛАРИ БАЁНИ

ҲИКОЯТ

Дўстларимдан бирига дедим: «Гапиришдан ўзимни тийишимнинг сабаби шуки, кўпинча гапнинг яхши ва ёмон томонлари бўлади, душманларнинг кўзи эса, ёмондан бошқа нарсага тушмайди». Дўстим деди: «Яхшини пайқамаган душман — дуруст».

Яхшилар ёнидан ўтмас ҳеч қачон,
Душмани тақимамай анга бир бўҳтон.

Ҳунардин катта айб йўқдир адоват кўзига ҳар дам,
Ўзи гул бўлса ҳам душман кўзинда бир тикан Саъдий.

Жаҳон равшанлигининг чашмасидир офтобу нур
Вале кўршабпаракнинг кўзлари ундан ҳамиша кўр.

ҲИКОЯТ

Бир савдогар минг динор (тилла) зарар кўрди ва ўғлига деди: «Бу ҳақда ҳеч кимсага лом-мим деб оғиз очмагин». Ўғли деди: «Эй ота, сиз айтма дер экансиз, ҳеч кимсага айтмайман. Лекин хоҳиш этар эдимки, бунини махфий тутишнинг сабаби нима эканини айтиб берсангиз». Ота деди: «Сабаби шуки, мусибат икки ҳисса бўлмасин: бири сармоянинг кетиши, иккинчиси эса, кўни-қўшниларнинг маломат этиши».

Душманга аламинг сўзлама асло,
Қувониб демасин «Алҳамдулилло!»

ҲИКОЯТ

Бир доно йигит илм-фанда ягона бўлиб, табиатан кўп гапиришни ёқтирмагани учун олимлар даврасида чурк этиб оғиз очмас эди.

Биркунотаси унга деди: «Ўғлим, сен ҳам билганларингдан гапирсанг-чи!» Ўғил жавобда деди: «Билмаганларимдан савол қилишса, уялиб қоламан, деб кўрқаман!»

Эшитмаганмисан, этик наълига
Бир сўфий бир неча миҳ урар экан.
Бир сипоҳий келиб енгидан судраб
«Отимни тақалаб берасан!» деган.

Сўз демасанг сенда қимнинг иши бор,
Дедингми, далил айт, исботла такрор.

ҲИКОЯТ

Жолинус ҳаким бир жоҳил одам бир донишманднинг ёқасидан бўғиб турганини кўрди. У деди: «Агар бу одам донишманд бўлганида эди, унинг иши жоҳил билан бу даражага етмаган бўларди!»

Қилишмас икки оқил жангу жанжал,
Пучак бошни ақлик босса ҳар гал.
Жаҳолат бирла нодон сўзлагай ҳам,
Ақлик лутф ила қилгай дилин ром.
Узишмас икки оқил қилни ҳам гар,
Бири саркаш, бири сулҳ изласалар.
Туришса икки жоҳил можарода,
Узарлар бўлса занжир ҳам арода.
Бир оқилни бир аҳмоқ сўқди, ул дам
Деди оқил анга: «Эй яхши одам,
Сен айтгандан баттаррокман, билурман,
Менинг айбимни мендек билмагайсан».

ҲИКОЯТ

Саҳбони Воилни фасоҳатда тенги йўк деб ҳисоблар эдилар, чунки у бир мажлисда бир йил давомида сўзласа ҳам бир ишлатган сўзини такрорламасди. Бир фикрни иккинчи марта айтишга мажбур бўлган тақдирда ҳам бошқа иборалар билан ифода этарди. Бу сарой аъёнларига хос хусусиятлардан биридир.

Сўзинг гарчи дилкаш ва ширин бўлур,
Мукофоти тасдиқу таҳсин бўлур.
Бир айтдингми, айтма уни ўзга дам,
Тўйиб бир едингми, етар ҳолва ҳам.

ҲИКОЯТ

Эшитдимки, донишмандлардан бири дер экан: «Биров гапани тугатмасидан бурун гапга аралашадиган кишидан кўра ортиқроқ ўз нодонлигини ошкор қиладиган одам бўлмайди».

Эй оқил, сўзнинг ҳам бош-оёғи бор,
Ўзга сўзга сўзинг қистирма, зинҳор.
Ақлу хуш эгаси тадбирли инсон
Сўз бошлар суҳбатдош жим бўлган замон.

ҲИКОЯТ

Султон Маҳмуднинг кулларидан бир нечаси Ҳасан Маймандийдан: «Султон бугун сен билан қайси масала ҳақида кенгашди?» деб сўрадилар. Ҳасан Маймандий деди: «Бу масала сизлар учун ҳам сир бўлиб қолмайди!» Улар дедиларки: «Султон сенга айтадиган гапларини биз кабиларга айтмайди!» Ҳасан Маймандий деди: «Сирини бошқаларга очмаслигимга Султоннинг имони комил бўлгани учун менга айтади, бас, шундай экан, мендан нега сўрайсизлар!»

Барча билганин демас фаросат аҳли ҳар он,
Подшоҳлар сири деб, бошдан айрилиш осон.

ҲИКОЯТ

Бир шоир ўғрилар бошлиғи олдига бориб, унга мадҳия ўқиди. Ўғрилар бошлиғи шоирнинг кийим-бошини ечиб олиб, қишлоқдан қувғин қилишни буюрди. Шўрлик шоир изғирин совуқда яланғоч кетди. Уни қишлоқ итлари талади, у итларни қувлаш учун тош олмоқчи бўлди, ер музлаган эди, тошни кўчиролмади. Шунда шоир деди: «Булар қандай харомзода одамларки, итларни ечиб, тошларни боғлаб кўйибдилар!»

Ўғрилар бошлиғи даричадан қараб турган эди, бу воқеани кўрди ва шоирнинг гапини эшитиб қулди-да: «Эй доно, тила тилагингни!» деди. Шоир шундай жавоб берди: «Агар илтифот этмоқчи бўлсанг, ўз либосимни қайтариб бер».

Бошқалар хайрига умидвор банда,
Сендан умид йўғ-у, қилма шарманда.

Ўғри сардори унга раҳм қилиб, энгил-бошини қайтарди, яна бир пўстин билан бир неча дирхам пул ҳам қўшиб берди.

ҲИКОЯТ

Бир мунажжим уйига келиб, хотинининг бегона бир эркак билан ўтирганини кўрди. Мунажжим ҳалиги одамни таҳқирлашга, сўқишга бошлади, жанжал-сурон кўтарилди. Бу воқеанинг гувоҳи бўлган бир донишманд деди:

«Ўз уйингдагини билолмай, зинҳор,
Қайдан билдинг фалак авжида не бор?»

ҲИКОЯТ

Овози хунук бир хатиб ўзини жуда хушовоз деб ҳисоблар ва бўлар-бўлмасга овозини баралла қўйиб кичкираверар эди...

Кишлоқахлибуазобга чидар, лекин баланд мартабасидан чўчиб, уни хафа қилишга юраклари дов бермасди. Кунлардан бир куни ўша юртда яшовчи, мазкур хатибга пинҳоний адовати бўлган бошқа бир хатиб уни кўргани келди. Учрашган вақтда келган хатиб деди: «Сени тушимда кўрдим, яхшиликка ёйилсин!» «Нима кўрдинг?» деб суради ёкимсиз овозли хатиб. «Тушимда кўрсам, сенинг овозинг ниҳоятда ёкимли эмиш, одамлар хойишингни эшитиб хузур қилишаётганмиш!» Хатиб андак ўйлаб тургач, деди: «Сен жуда яхши туш кўрибсан, чунки менинг нуқсонимни кўрсатиб бердинг, овозим ёкимсиз экани ва халойиқ менинг бақариб кироат қилишимдан азоб чеккани аён бўлди, тавба қилдим, энди хутба ўқисам ҳам паст овозда ўқийман».

Ханграр эрса Абулхатиб Фаворис,
Истахрни бузар овози олис.

* * *

Дўстлар суҳбатидан дилим сиқилди,
Ёмон феълимни ҳам яхши деюрлар.

Айбимни хунару камол деб англаб,
Тиканимни гулу суман билурлар.

Ох, кайда у, хаёни билмаган ёв,
Айбими ўзимга фан қилурлар.

ҲИКОЯТ

Бир одам Санжар масжидида савоб учун муаззинлик қилар, лекин азонни шу қадар бемаза айтардики, эшитганлар кўнгли беҳузур бўларди. Масжиднинг эгаси одил, очикчеҳра бир амир бўлиб, қаттиқ сўз айтиб, муаззинни хафа қилишни истамасди. Амир муаззинга деди: «Эй йигит, бу масжиднинг аввалдан азон айтиб келган муаззинлари бор, мен уларнинг ҳаммасига беш динордан ойлик белгилаганман, агар сен бошқа ёққа кетишга ваъда берсанг, сенга ўн динор тўлар эдим!»

Улар шундай келишишди, муаззин жўнаб кетди. Орадан сал вақт ўтгандан кейин муаззиннинг йўли амир

томонига тушиб, у билан учрашиб деди: «Эй хукмдор, ўн динор эвазига мени масжиддан жўнатиб, менинг ҳаққимга инсофсизлик қилибсан. Чунки менинг ҳозирги борган масжидимда бошқа жойга кетсанг, йигирма динор берамиз, деб ваъда қилишяпти-ю, мен рози бўлмаяпман». Амир хахолаб кулиб юборди-да, деди: «Зинҳор рози бўлма, улар эллик динор беришга ҳам рози бўлишади».

Киши теша бирла харсанг тошдан лой тарашлаб ололмас,
Аммо сенинг купол овозинг дилни тарашлар-у бас.

ҲИКОЯТ

Овози ёқимсиз бир одам шанғиллаб Қуръон ўқирди. Унинг ёнидан ўтиб бораётган бир соҳибдил ундан: «Сен ойига қанча маош оласан?» деб сўради. «Ҳеч нима», деб жавоб берди Қуръон ўқиётган одам. Соҳибдил деди: «Ундай бўлса, нега ўзингни шунчалик қийнайсан?» «Худо йўлига ўқияпман». Соҳибдил деди: «Худо йўлига ўқима!»

Шул йўсунда ўқир эсанг Қуръонни ҳам,
Мусулмонлик равнакига бергинг барҳам.

БЕШИНЧИ БОБ

ИШҚ ВА ЁШЛИК БАЁНИ

ҲИКОЯТ

Ҳасан Маймандийдан сўрадилар: «Султон Маҳмуднинг ҳар бири жаҳоннинг зийнати бўла оладиган қанчадан-қанча соҳибжамол қуллари бўлгани ҳолда нима учун у ҳаммадан кўпроқ Аёзни яхши кўради, ваҳоланки, Аёз унчалик хусндор ҳам эмас?» Ҳасан Маймандий деди: «Кўнгилга марғуб бўлган кўзга ҳам маҳбуб бўлади».

Агар бўлса кимнинг муриди султон,
Ёмони ҳам яхши бўлур бегумон.

Кимни подшо тутса ўзидан йирок,
Ҳатто хонадони килади мазок.

Инкор кўзи-ла қараган кишига
Юсуфнинг юзи кўринар хунук.
Агар муҳаббат-ла қараса девга,
Дев кўринар фариштадек туп-тузук.

ХИКОЯТ

Дейдиларки, бир бойнинг чиройли бир кули бўлиб, бой унга муҳаббат ва иштиёқ назари билан қарар эди. Бир кун бой дўстларидан бирига деди: «Эвоҳ, шундай ҳусну жамол ва қадди камолга эга бўлган бу қулимнинг тили узун бўлмаса, айти муддао бўларди!»

Дўсти деди: «Эй биродар, агар муҳаббат изҳор этган бўлсанг, ортиқ ундан хизмат умид қилма, зероки, ошиқ-маъшуклик орага киргач, ҳокимлик ва тобелик деган тушунчалар орадан кўтарилади».

Парирухсор кули бирлан хўжаси
Ўйин-кулги қилиб, бўлишса хандон,
Ажабмас, хўжадек буюрса кули,
Хўжаси кўтарса нозин бегумон.
Фулом сув ташисин ва қуёлсин фишт,
Нозанин бўлмасин ўқталгувчи мушт.

ХИКОЯТ

Бир кун бир тақводор кишини кўрдим, у муҳаббат ўтида ўртанарди, на кўнглида сабр-тоқати ва на сўз айтарга қуввати бор эди. У жуда кўп таъна-маломат эшитар, азият чекарди-ю, лекин ишкибозликни тарк этмай, дерди:

«Чиқармасман этагинг ҳеч қўлимдан,
Агар ўткир тиг урсанг чиқмас оҳим.
Агар қочсам яна сенга келурман,
Менинг йўқ сендин ўзга пушт-паноҳим».

Бир кун уни маломат қилиб дедим: «Нозик ақлингга нима бўлдики, ҳайвоний нафсинг ундан устун келибди?» У бироз ўйлаб, деди:

«Қайга келмиш ишқ султони магар,
Қолмағай такво қулининг қуввати.
Пок яшай олсин у бечора нечук
Лойга ботган бўлса юз-кўз суврати».

ҲИКОЯТ

Ёдимда, бир кеча севикли дилбарим эшикдан кириб келди. Мен шундай жадаллик билан ўрнимдан ирғиб турдимки, беихтиёр енгим билан шамни ўчирдим:

Кўринмоқ бўлдим-у, менга қаро тунни қувар чехра,
Шошиб қолдим, нечук келди менга бу бахт, саодат ҳам.

Ёрим ўтиргач, итоб қилиб деди: «Мени кўришинг билан чирокни ўчирганингнинг маъноси нима?» Мен дедим: «Бунда икки маъно бор: биринчидан, сени кўрдим-у, куёш чикди, деб ўйладим, иккинчидан, шундай бир шеър хаёлимга келди:

Гар бегона келса шаминг ёнига,
Соя қилса ўлдир ундай одамни.
Лаби ширин, шакарханда ёр келса,
Енгинг билан шу он ўчиргил шамни».

ҲИКОЯТ

Бир одам узоқ вақтдан бери кўрмаган дўстига деди: «Қаёқларда юрибсан, сени кўришга муштокман!» Дўсти жавобида деди: «Дўстнинг дийдорига мушток бўлиш — унинг суҳбатидан зерикишдан яхшироқдир».

Мунча кеч келибсан кайфим боиси
Қўлдан тез чикмағай этагинг учи.
Маъшук висоли бўларкан йирок,
Лозим дийдорига яхшироқ тўймоқ.

Маъшуқа ҳамроҳлари билан бирга келса, у жафо қилгани келгандир, зероки, висол рашк ва зиддиятдан холи бўлмайди:

Зиёратимга келсанг, агар ўртоғинг билан
Сулх истаб келсанг ҳам жанжал қўзғайсан.

Оз қолдиким, ғашлик мени хароб этмади,
Бир зумгина ўлтирганда ёр билан ағёр,
Кулиб деди, Саъдий шамман анжуман аро,
Парвона гар куяр экан нима ишим бор?

ҲИКОЯТ

Эсимда бор, бир вақтларда бир дўстим билан бамисоли бир данак ичидаги ялакат мағиздай яшар эдик. Иттифоқо, орамизга хижрон тушди, дўстим бошқа бир юртга кетадиган бўлиб қолди. Орадан бир қанча вақт ўтгандан кейин қайтиб, мендан шикоятланиб деди: «Орадан шунча вақт ўтди-ю, менга бирорта ҳам хабарчи юбормадинг!» Мен унга дедим: «Хабарчининг кўзи сенинг жамолинг нуридан равшанлашиб, ўзим эса маҳрум қолишимни раво кўрмадим!»

Қадим дўстим, кел сен менга ўз оғзингдан тавба берма,
Ўткир килич кучи билан менга тавба бериб бўлмас.
Рашким келур бирор кимса жамолингга тўйиб бокса,
Яна айтай юзларингга боккан билан тўйиб бўлмас.

ҲИКОЯТ

Тўтини қарға билан бир қафасга қамадилар. Тўти қарғанинг ёқимсиз башарасини кўришдан додга келиб, ўз-ўзига дерди: «Бу қандай жирканч қиёфа, қандай баднамо башара, нақадар ёқимсиз шаклу шамойил ва нақадар бесўнақай жасад? Кошки эди иккаламизнинг орамизда мағриб билан машриқча масофа бўлса-ю, сенинг тасқара башарангни кўриб бунчалик азоб чекмасам!

Ким эрта турибоқ бокса юзингга,
Унинг ёруғ куни бўлур мисли шом.

Сенга рафик лозим ўзингдек расво,
Аммо тополурми сендекни айём?»

Қизиғи шундаки, қарға ҳам тўти билан бирга яшашдан каттик азобланиб, афсус-надоматлар чекиб, тақдирдан шикваю шикоятлар қилиб дерди: «Нақадар бахтиқаролик бу, толеим паст, фалак бевафо экан! Менга муносиби улки, бошқа бир қарға билан бирга боғнинг деворида савлат тўкиб юрсам!

Ринд билан порсо ўтирган макон
Порсога бўлур мисоли зиндон.

Не гуноҳим бор эканки, тақдир мени жазолаб, ўзига бино қўйган шундай аҳмоқ ва бемаъни, аблаҳ ва ножинс билан бирга банди-балога гирифтор қилиб қўйди?

Бўлса деворда унинг сурати,
У девор ёнига ҳеч ким келмагай.
Агар унинг жойи жаннатда бўлса,
У жаннатни ҳеч ким орзу қилмагай».

Бу масални шунинг учун келтирдимки, билиб қўйгайсан: олим жоҳилдан қандай нафратланса, жоҳил олимдан ҳам юз чандон ортиқроқ нафрат қилади.

Риндлар мажлисида ўтириб зоҳид,
Безовта бўларди сиқилиб обдон.
Бир ринд деди: «Афтинг буруштирама кўп,
Сен ҳам биз учун нордонсан, нордон.

Жам бўлмиш гул, лола тўлмиш ҳар тараф,
Орада гўдайган сен бир қурук шох.
Қордек чўкибсан-у яҳдек қотибсан,
Совуқдек ноҳушу шамолдек ноҳоҳ.

ҲИКОЯТ

Бир дўстим бор эди. Биз у билан кўп йиллар давомида ҳамсафар бўлгандик, талай нону намакни баҳам кўргандик, орамизда мустаҳкам, самимий дўстлик вужудга келганди.

Кунлардан бир куни у арзимайдиган манфаатни кўзлаб, кўнглимни қаттиқ ўкситиб қўйди, дўстлигимизга путур етди. Бироқ шунга қарамай дилимиздаги мухаббат иплари бағамом узилиб кетмаган эди. Эшитдимки, бир куни бир мажлисда менинг қуйидаги:

Ярамга туз сепилгай ҳаддан ортик,
Ширип кулгу билан кирса нигорим.
Сахийлар енги теккандек гадоға.
Қўлимга зулфи тегса шул мадорим,—

деган икки байтим ўқилганида, дўстларимдан бир нечаси бу шеърнинг маҳорат билан ёзилганига гувоҳлик беришибди ва менга таҳсин-офаринлар айтишибди, мактагувчилар орасида мазкур дўстим ҳам бор экан, у мени кўкларга кўтариб мактаб, аввалги дўстлик иплари узилганига пушаймонлар қилиб, ўз хатосига иқрор бўлибди. Унинг дўстлигимизни давом эттиришга толиб эканини англаб, қуйидаги байтларни юбордим ва орамизда яраш пайдо бўлди:

Меҳрсизлик билан қўйдинг жафога,
Орада йўқмиди ҳеч аҳду паймон.
Сени деб бир йўла кечдим жаҳондин,
Сен эрсанг, юз ўтирдинг мендан, эй жон.
Агар қайтсанг яраш бирла ёнимга,
Севимлироқ бўлурсан, кўз нигорон.

ҲИКОЯТ

Бир кишининг гўзал ёш хотини ўлди, мункиллаб қолган қайнанаси маҳр юзасидан унинг уйида яшаб қолди. У одам қайнанасининг вайсашидан жуда безор бўлган эди, лекин маҳрни топиб беришга дасти қисқалик қилгани сабабли, у билан бир ҳовлида яшашдан бўлак чораси йўқ эди. Бир кун бир неча ошна-орайнилари уни кўргани келдилар. Улардан бири деди: «Азиз ёрингнинг фироқида ахволинг нечук кечяпти?» У киши жавобида деди: «Қайнанамнинг башарасини кўриш менинг учун хотинимнинг дийдорини кўрмасликдан кўра оғирроқдир».

Гуллар тўкилди, тикони қолди,
Хазина кетди, илони қолди.
Кўзингни найза учида кўрмоқ
Ёв дийдоридан минг бор яхшироқ.
Кўрмаслик учун бир ёвни кўзинг,
Арзир ажрасанг минг дўстанг ўзинг.

ҲИКОЯТ

Бир дарвеш Ҳижозга кетаётган қарвонда бизга ҳамроҳ бўлди. Араб амирларидан бири сен ҳам шуни садака қилгин, деб унинг қўлига юз динар тутқизди. Йўлда Хуфже қароқчилари қарвонга ҳужум қилиб, бор буду шудимизни қокмалаб олдилар. Савдогарлар дод-фарёд қилмоққа, беҳудага оламини бошларига кўтармоққа бошладилар.

Хох фарёд айлаю хохи илтижо,
Қароқчи қайтариб бермагай асло.

Пинагини бузмай, бепарво ўтирган бирдан-бир одам бор эса, у ҳам бояги дарвеш эди. Мен дедим: «Қароқчилар сенинг динарларингни олиб кетмадиларми?» У деди: «Ҳа, олиб кетдилар, лекин мен ўша пуллар борида уларга унчалик боғланиб қолмаган эдимки, қўлдан кетганида қайғуриб йиғласам».

Ҳар нарсага боғлама кўнгил,
Кўнгил узмоқ жуда ҳам мушқил.

Мен дедим: «Сенинг айтган гапинг менинг аҳволимга мос келади, чунки ёшлигимда бир нозанинни севардим, унга шу қадар ошиқи шайдо эдимки, жамоли кўзимнинг қибласи, висоли эса умримнинг сармояси эди.

Фаришта осмонда хуснингга тенг келмаса, ҳеч бир
Одам фарзанди ерда тенглашолмас сенга суратда.

Анинг суҳбатларидан сўнг керакмас ўзга ҳеч улфат,
Анингдек келмади ҳам келмагай дунёга албатт.

Бирдан у ўлим тўшагига ётди ва борлиқ оёғи ажал лойига ботди. Уйидан кўтарилган фироқ тутуни кўкка ўрлади, жудолик ўтлари бағримни ўртади. Бир неча кун қабри устидан жилмай, фироқи ҳақида жумладан шундай байтлар ёздим:

Оёғига санчилганча ажалнинг тиканаги,
Қилич билан бошим узса бўлмасмиди бу фалак.
То кўзларим кўрмасайди сендан холи дунёни,
Бошга тупроқ сочиб келдим, кабрингга мен қонюрак.

Ётоғин гул-насрин қилмаса кўркам,
Ётганда уйқуси келмаган одам.
Чехраси гулини сўлдирди фалак,
Мозори устида ўсди тиканак.

Дилбаримдан жудо бўлганимдан сўнг онт ичдимки, энди қолган умримда ҳавас тўшагини йиғиштирай ва сира айш-ишрат мажлисига кадам босмай».

Денгиз фойдаси яхши, тўлқин солмаса даҳшат,
Гул суҳбати хуш эди санчилмаганда тикон.
Висол боғида товус каби қилардим хиром,
Буқун ёр хижронида тўлғандим мисли илон.

ҲИКОЯТ

Араб подшоҳларидан бирига «Лайли ва Мажнун» қиссасини ҳикоя қилиб дедиларки, шунчалик етук фазлу камол эгаси бўлишига карамай, саҳрога чиқиб кетган ва ақл жировини қўлдан берган. Подшоҳ Мажнунни топиб келишни буюрди. Мажнунни топиб, ҳузурига келтиришгач, подшоҳ уни маломат қила бошлади: «Шарафли инсон руҳида қандай нуқсон кўрдингки, ҳайвонлар хусусиятини қабул қилиб, инсонлар суҳбатини тарк этдинг?» Мажнун деди:

«Дўстларим этди маломат ишқида чандон мени,
Боқмайин бир бора унга, топгали менга нажот.

Кошки дўстлар менга айб кўйганида,
Боксалар бир бор юзингга, дилситон,
Кесгай эди сенга бўлиб махлиё,
Нок ўрнига қўлларини бегумон.

Сенинг хусну жамолинг менинг даъвойи мухаббатимга гувоҳлик берган бўларди...» Подшоҳ кўнглида Лайлининг шунчалик шўришу ғавғоларга сабаб бўлган жамолини томоша қилиш иштиёқи туғилди. Подшоҳ Лайлини келтиришга буюрди. Барча араб қабилаларини кезиб, Лайлини топиб, подшоҳнинг қасрига олиб келдилар. Подшоҳ Лайлига боқди, кўзига қорачадан келган, ориққина бир киз кўринди, ҳарамдаги энг хуснсиз канизини ҳам Лайлидан юз чандон гўзалроқ эди, шу сабабдан Лайлини назарига илмади. Мажнун бу ҳолатни пайқаб, деди: «Лайлининг хусни жамолидан баҳраманд бўлиш нақадар ҳузур бахш этишини пайқамок учун унга Мажнуннинг кўзи билан бокмок керак!»

Тансихатлар билмас яра дардини,
Эшитмасин дардимизни бегона.
Асал демек бирла оғиз чучимас,
Ари нишин синаб кўрмай бир бора.
Токи ҳолинг бизникича бўлмаса,
Ахволимиз кўринади афсона.
Тенглаштирма ўзга биланким, унинг
Қўлида туз, менинг ярам сўзона.

ОЛТИНЧИ БОБ

ЗАИФЛИК ВА КЕКСАЛИК БАЁНИДА

ҲИКОЯТ

Дамашқнинг масжиди Жомеъида бир неча донишмандлар билан мубоҳаса қилур эдим, бир йигит кириб: «Ораларингизда форс тилини биладиган одам борми?» деб сўради. Кўпчилик менга ишора қилди. Мен йигитга дедим: «Хўш, нима ишинг бор?» Йигит деди: «Бир юзу эллик ёшга кирган бир чол жон талвасасида ётибди. У форсчалаб алланималар деяпти, лекин бизлар тушунмаяпмиз, агар

лутфан мўсафиднинг хузурига қадамранжида қилсангиз,
савоб топардингиз, эҳтимол, у васият қилмоқчи».

Ёстиғи тепасига етиб борганимда бемор бу шеърни ўқир
эди:

Дедим олай яна бир неча бор дам,
Орзуга етолмай бўғилди нафас.
Умр дастурхони устида афсус,
Бирпас ўлтирмасдан дедиларки, бас.

Шеърнинг маъносини шомликларга таржима қилиб
бердим. Улар чолнинг шунчалар узок умр кўрганига, шун-
да ҳам ҳаётнинг бевафолигидан афсусланганига хайрон
колдилар. Мен чолдан сўрадим: «Шу ҳолатингда қалайсан?»
У айтди: «Нима десам экан?»

Кўрибмидинг бирор кимса тишин суғурган чоғи,
Не азобда чиқар кўкка унинг оху фиғони.

Кўз олдинга келтир энди нима бўлар ахволи,
Агар азиз вужудидан чиқар эса пок жони.

Унга дедим: «Ўлим фикрини ҳаёлингдан чиқар. Ўзингни
ўзинг ваҳимага солма, чунки Юнон файласуфлари: «Бадан
қанчалик соғлом бўлса ҳам, лекин соғломликнинг доимий
эканига ишониб бўлмайди, касал нақадар оғир бўлмасин,
бу албатта, ҳалокат нишонаси бўлавермайди», деганлар.
Агар хоҳишинг бўлса, табиб чақирамиз, сени даволасин!»
Чол кўзини очиб кулди-да, деди:

Хушёр табиб чўлин қўлга уришни —
Бошлар касал киши йўқотгач хушни.

Бино негизидан бошлаб вайрондир,
Эгасин ташвиши нақши айвондир.

Ўлим талвасада чол инграр оғир,
Сандал кириб дори ҳозирлар кампир.

Мувозанат кетиб, бузилса мизож,
Топилмас дорию дармондан илож.

ҲИКОЯТ

Бир чол шундай ҳикоя қиларди: «Бир қизга уйланган эдим. Уйни гулу чечаклар билан беагандим, жойни холи қилиб, у билан бирга ўтирардим ва кўнглимни унга тонширган эдим. Тун кечалар бедор, унга ҳазиломуз гаплар ва ширин латифалар айтардимки, шояд кизнинг кўрслиги кетиб, менга майл пайдо қилгай. Кунлардан бир куни кечаси унга шундай дедим: «Бахтинг ёр, давлатинг кўзи бедор экан, мендай тажрибали, илмли, жаҳон кўрган, каминаи камтарин, иссиқ-совуқни тотиган, яхши-ёмонни билган, кадрдон, хушфёъл, ширинсуз бир чолнинг суҳбатига мушарраф бўлдинг.

Кўнглинг олурман борича қудрат,
Заҳмат етурмам, чексам-да заҳмат.
Тутидек бўлсанг ширинлик емиш,
Ширин жон билан этай парвариш.

Хайриятки, ҳар дамда янги ҳавас топадиган, ҳар лаҳзада фикридан айнийдиган, ҳар кеча бошқа жойда тунайдиган ва ҳар куни янги ёр этагини тутадиган худбин, беандиша, енгилтак бир йигитнинг чангалига тушмадинг.

Ёшларда ҳеч вафо бўлмас, бўлсалар ҳам шод
Чехралари гўзалликда ўтса ҳам гулдан.
Вафодорлик шевасини эшитолмайсан,
Ҳар дам ўзга гулга кўшиқ айтар булбулдан.

Кексалар ақлу одоб билан ҳаёт кечирадилар, йигитлар эса ёшликка хос тентаклик билан яшайдилар.

Ўзингдан яхшироқни изла, фурсатни ғанимат бил,
Ўзингдеклар билан мумкин қадар камроқ суҳбат қил».

Мен бир неча бор шу тарзда гапирдим, — деб сўзини давом эттирди чол. — «Кўнгли менга ром, ўзи менга дило-

ром бўлди», — деб гумон қилдим. Бироқ хотиним жигардан ох тортиб, деди: «Бир кун энагамдан эшитганим: ёш хотиннинг ёнида қари киши ётганидан биқинига ўк ботгани яхши. Сенинг ҳамма гапларинг ақлим тарозусида ўша энага сўзининг вазнича эмас».

Эр кучоғидан хотин турса хар субх норизо,
Бундай уйда дам-бадам кўзғар жанжал, можаро.
Чол ўзи туrolмаса ўрнидан ҳеч беасо,
Нечук тургай ҳассаси, топилурми бир даво?

Хулосаи калом, орада тотувлик йўқлигидан айрилишадиган бўлдик. Идда¹ муддати ўтгач, уни жиззаки, бадбашара, тили захар, камбағал бир йигитга эрга бердилар. Хотин янги эридан жабру жафолар чекарди-ю, лекин шукур қиларди: «Худога ҳамду санолар бўлғайким, азоб-укубатдан халос бўлдим ва нашъу намоли кунларга етишдим».

Бу зулму кўполлик, бад феълинг билан
Нозинг кўтараман, чунки гўзалсан.

Ўзга билан жаннат сайридан кўра,
Сен билан азобда ёнганим маъкул.
Гўзал даханидан пиёзнинг иси —
Яхшидир хунуқлар тутганидан гул.

ҲИКОЯТ

Диёрибакрда бир чолнинг уйида меҳмон бўлдим. У жуда бадавлат одам бўлиб, чиройли ўғли бор эди. Бир куни кечаси чол шундай ҳикоя қилди: «Умримда шундан бўлак фарзанд кўрган эмасман. Шу ердаги водийда бир дарахт бор, у катта зиёратгоҳдир, халойиқ ўша дарахт атрофига бориб, мурод тиладилар, хожатлари раво бўлади. Мен ҳам шу дарахт остига бориб, узун кечалар тангрига нолиш қилдим, ниҳоят Оллоҳи таоло менга шу фарзандни ато қилди!»

¹ Уч ой муддат-шариат бўйича талоқ қилинган хотин уч ой ўтмасдан эрга чиқа олмайди (P.K)

Шу маҳал ўғлон ошноларига оҳистагина: «Кошки эди ўша дарахт қаерда эканини билсам, у ерга бориб, отам ўлсин, деб дуо қилган бўлардим!» деганини эшитиб қолдим.

Ота, ўғлим оқил, деб қувонарди, ўғил эса, отам алжираб қолган чол, деб маломат қилар ва унга ўлим тиларди.

Йиллар ўтиб кетди тепангдан ғир-ғир,
Отанг мозорига бордингми бир дам?
Отанг хотирига нима эзгулик
Қилдингки, ўғлингдан кутасан сен ҳам?

ХИКОЯТ

Бир кун ёшлик гурури билан кун бўйи елдай югуриб, кечга томон тинка-мадорим куриб, бир тепа остига бориб йиқилдим. Карвоннинг ортидан судралиб келаётган, мункиллаб қолган бир чол мени кўриб, хитоб қилди: «Нега ётибсан, бу ер ётадиган жой эмас-ку?» Мен дедим: «Осғимда мадор қолмаган бўлса, қандай юрай?»

Чол деди: «Эшитмаганмисанки, донишмандлар демишлар: «Юриб дам олмоқ — югуриб силласи куриб йиқилгандан яхшироқдир!»

Эй манзилга муштоқ йўлчи, кўп шошмагил,
Чопкир отлар кўпи йўлда қолиб кетди.
Пандим эшит, сабр қилиш бўлсин ишинг,
Оқсоқ эшак манзилига бориб етди.

ХИКОЯТ

Бизнинг даврамизда эпчил, тийрак, қувноқ ва ширинзабон бир йигит бор эди. У ҳеч маҳал қайғурмас, лабидан бир он ҳам кулги аримасди. Орадан анча вақт ўтиб, бир-биримиз билан учраша олмадик. Бир сафар унга дуч келдим. Уйланибди, жойланибди, бола-чақали бўлибди, шодлигининг гули сўлибди. Ундан сўрадим: «Хўш, ахволинг нечук, қандай яшаяпсан?» У деди: «Болали бўлганимдан кейин ўзим болалиқ қилиқларини ташладим».

Сочларимга оқ тушибдир, қайда қолди болалик?
Замон ўтди, кўп ўзгартди, замон — бало нолалик.

Қаригач ташлагил ёшликни тамом,
Ўйинқароқликни ёшга қил инъом.

Кексадан истама қувноқлик, хавас,
Ёшлик ўтмиш оқар сув — ортга қайтмас.
Экинга етаркан ўроқ замони,
Сабзадек мавж урмас, тинар жавлони.

Кетди қўлимдан мени ёшлик ҳамон,
Оҳ ураин, қайда у дилкаш замон.

Шердек эдим, кетди қўлим қуввати,
Пишлоқ ўлиб ризқима ов итсимон.

Кампир сочларин бўяр бирма-бир,
Дедим: эй кўп замон яшаган кампир,
Найранг билан сочинг қиласан қора,
Аммо букчайган бел рост бўлмас сира.

ҲИКОЯТ

Бир кун болалик нодонлиги билан онамга бакирдим.
Онам қаттиқ хафа бўлиб, бир бурчакка ўтирди-да, йиғлаб
деди: «Болалигингни унутдингмики, менга бунчалик
кўрслик қилипсан?»

Йулбарспанжа, филтан ўғлига кампир,
Не хуш сўзлар айтиб, ташлади савол:
«Эсингда бўлсайди гўдақлик чоғинг,
Бағримда ётганинг мурғак, бемажол.
Қилармидинг менга бул куни жафо,
Сен шердек йигит-у, мен кекса, беҳол?»

ҲИКОЯТ

Бир қари кишидан: «Нега уйланмайсан?» деб сўрадилар.
«Кампирлар суҳбатидан ҳузур қила олмайман», деб жавоб

берди чол. Унга дедилар: «Давлатинг бор, ёш хотинга уйлан!» Чол жавоб берди: «Мен чол бўла туриб кампирни ёқтирмаганимдан кейин, ёш хотин мен кексани қандай яхши кўрсин?»

Ибодат бирла бир кимга десанг чўзгил ёрдам кўлин,
Тутмасдилар ул замонда асти ибодатнинг йўлин.

Бир динорга эшак каби лойга ботмоқ ҳеч гап эмас,
«Алхамду»ни сўрасангиз юз бор ўқиб бергай абас.

Етмиш ёшли кекса бўлса яшармоқ,
Кўр кори тилин кўй, кўзларига боқ.
Хотин мизожига ўн қадок гўштан,
Билиб кўй, бир дона сабзи яхшироқ.

ХИКОЯТ (Манзума)

Эшитдимки, шу кунларда кўп яшаган қари чол
Кекса боши билан ўйлаб, бўлибди бир қиз олмоқ.
Бир гўзалга совчи қўймиш, оти экан Марварид,
Кутичага яширмоқчи эл кўзидан кўп йироқ.
Тўй-маросим кунларида ҳамма нарса жо-бажо,
Аммо синмиш чол ҳассаси биринчи ҳамладаёқ.
Қалин мато тикмак учун пўлат игна керақдир,
Чол камонин тортган билан мўлжалга бормас яроқ.
Дўстларига ҳасрат қилиб, зорланибди келиндан,
«Хонумоним торож этди шўх кўзли бу гулёнок».
Эру хотин орасида шундай жанжал кўпибди,
Қози, ҳоким аралашгач, Саъдий очибди дудок:
«Бу можаро, жанжалларда йўқдир қизнинг гуноҳи,
Марваридни қандай тешар қўли бўлса калтироқ».

ЕТТИНЧИ БОБ

ТАРБИЯНИНГ ТАЪСИРИ БАЁНИ

ХИКОЯТ

Бир вазирнинг такасалтанг ўғли бор эди. Вазир ўғлини бир донишманд хузурига элтиб: «Шуни тарбия қил, шояд, акли кириб, одам бўлса», деди. Донишманд вазирзодани узок муддат тарбия қилди, фойдаси бўлмади. Боланинг отасига бир одам оркали: «Ўғлинг одам бўлмади, мени ҳам ақлдан оздирди», деб хабар қилди.

Қобилият бўлса аслида,
Тарбият унга қилади асар.
Қанча уринма бўлмас сайкали,
Темир аслида бўлмаса жавхар.
Шундайча колур Исо эшаги,
Маккага бориб келса ҳам агар.

ҲИКОЯТ

Бир донишманд фарзандларига шундай панду насихат киларди: «Азиз ўғлонларим, хунар ўрганинглар, зероки, моли дунёга эътимод йўқ ва олтин-кумуш сафарда хатарлидир. Қарокчи ўғирлаб кетади ёки эгаси еб-ичиб тамомлайди. Аммо хунар қайнарбулок, туганмас давлатдир, агар хунарманд молидан махрум бўлса, қайғуси йўқдир, чунки хунарнинг ўзи давлатдир. Хунарманд қаерга борса, кадрланади ва уйнинг тўридан жой олади. Хунарсиз одам эса, ҳамиша машаққат чекади, тиланчилик қилади».

Ўзи буюрмоққа ўрганган киши
Қийин бошқаларга кулок солиши.
Ким агар ўсибди нозу неъматда,
Ҳоли оғир бўлар қолса кулфатда.

Бир маҳал Шомда қўзғалди фитна,
Ҳар ким уйдан зада югуришди зир.

Кишлоклардан келган ақлли ёшлар,
Янги подшоҳга бўлишди вазир.
Шаҳарлик калтафаҳм вазирзодалар,
Гадо бўлиб, кишлок кетишди охир.

Истар эсанг отангдан мерос
Боғла отанг илмига ихлос.
Не нафи бор отанг бойлигин,
Бир кун тугатарсан неча ойлигин.

ҲИКОЯТ

Бир олим шаҳзодага таълим берар, лекин уни калтаклаб, қаттиқ азобларди. Бир вақт шаҳзода тоқат қила олмай шикоят қилгани отаси ҳузурига борди ва кўйлагини кўтариб, мажруҳ баданини кўрсатди. Отасининг юраги ачиди, муаллимни чақириб унга деди:

«Менинг ўғлимга берган бу азиятингни бирор фуқаро фарзандига раво кўрмайсан, бунинг сабаби нима?» Муаллим деди: «Бунинг сабаби шуки, андиша билан гапирмоқ ва макбул ҳаракат қилмоқ лозимдир. Бу қоида барчага баробар, хусусан, подшоҳларга алоқадордир, чунки уларнинг қилган ишлари ва гапирган гаплари тилларда дoston бўлиб кетади, лекин авомнинг гапирган гапу хатти-ҳаракати бундай аҳамиятга молик эмас.

Дарвеш агар юз номаъкул иш қилса,
Бирига ҳам дўстлар қилмас эътибор.
Аммо подшоҳ бирор ҳазил сўз деса,
Иқлимдан иқлимга ўтади тақрор.

Шунинг учун шаҳзодаларнинг устозлари подшоҳ фарзандларининг ахлоқини тарбиялашда янада зиёдрок саъйи ҳаракат кўрсатмоқлари вожибдир».

Кимга ёшлигидан берилмас одоб,
Улғайгач бўлади бахтсиз, дили ғаш.
Хўл новда эгилар қай хилда эгсанг,
Курукни тўғрилар фақат ўт-оташ.

Устоднинг тутган тадбири ва окилона жавоблари подшоҳга маъкул тушди. Подшоҳ унга либос ва бошқа инъомлар берди ҳамда мартабасини оширди.

ХИКОЯТ

Мағриб диёрида қош-қовоғи осилган, тили аччиқ, бадфеъл, дилозор, гадойтибиат ва фосиқ бир муаллимни учратдим, уни кўрган маҳалда мусулмонларнинг таъби тирриқ бўлар, Куръон ўқиганини эшитганда кишиларнинг диллари сиёҳ бўларди. Барча покиза ўғлонлар ва қизлар унинг жафосига гирифтор, на кулишга журъат ва на сўзлашга жасорат этардилар. Муаллим гоҳ бирининг нукрадай юзига тарсаки туширар, гоҳ бошқасининг биллурдай оёғига исканжа соларди. Хулосаи калом, бир кун эшитдимки, ота-оналар муаллимнинг разиллигини пайқаб, уни мадрасадан уриб ҳайдадилар. Шундан кейин мактабни софдил, намозхон, содда ва мулойим табиатли бир кишига топширдилар. Бу муаллим зарурат бўлмаса лом-мим демас ва ҳеч кимсага озор бермас эди. Болалар янги муаллимнинг фариштадай мулойимлигини кўргач, аввалги муаллимнинг қаттиққўл ва золимлигини унутдилар, девтабиат бўлиб кетдилар ва илм ўрганишни тарк этдилар. Улар кўп вақтларини ўйин-кулги билан ўтказар ва савод тахталарини бир-бирларининг бошларига уриб синдираар эдилар.

Агарда муаллим бўлса беозор,
Болалар синфни қилишар бозор.

Орадан икки ҳафта ўтгач, бояги масжидга бордим. Кўрдимки, аввалги муаллимнинг кўнглини овлаб келтириб, яна ўз ўрнига тайинлаб қўйибдилар. Бу ҳолатдан ранжидим, беихтиёр: «Нега яна ўша иблисни бу фаришталарга муаллим қилибдилар?» дедим. Кўпни кўрган, заккитаъб бир мўйсафид деди:

«Юборди ўғлини мактабга подшо,
Қилиб қўйнига нукра тахтача жо.

Кумуш ул тахтага зардин битиб ёд:
Ота мэхридан афзал жабри устод».

ХИКОЯТ

Бир шайхнинг ўғлига амакиларидан хисобсиз мол-дунё мерос қолди. У бу маблағларни айш-ишратга харжлаб, исроф қила бошлади. Қилмаган ярамас иши, ичмаган ичкилиги қолмади. Бир кун унга насихат қилиб дедим: «Эй ўғлим, даромад — оқар сув, маишат эса тегирмондир, яъни катта харжлаш доимий даромадни бор одамга ярашади.

Кириминг бўлмаса, чикимни тўхтат,
Қайиқчилар куйлар шундай бир қўшиқ:
«Агар тоққа ёмғир ёғиб турмаса,
Бир йилда Дажла ҳам бўлар қуп-қурук».

Ақл-хушингни йиғиштириб, айш-ишратни бас қил, чунки пулинг тугагач, мушкул ахволга тушиб, пушаймон қилиб юрасан!» Бироқ айш-ишрат, мусиқадан кайфланиб юрган ўғлон насихатимга қулоқ солмади ва менга эътироз билдириб, деди: «Эртаги ғам-ташвиш қайғуси учун бугунги кайф-сафони барбод бермоқ донишмандлар раъйига хилофдир.

Орзуга етишган бахтиёр нечун
Қаро кун ғамида чекади алам?
Шодлик-ла еб-ичиб, яша, эй дилкаш,
Эртанги кунни деб, бугун чекма ғам.

Бунинг устига мен саховат тахтида ўлтириб, лутфу эҳсон камарини белимга боғлаганман, қўли очиқ одамлигим овозаси авом халқ тилида дoston бўлган».

Кимни машхур этмиш сахийлик, карам,
Кулфга тушмасин динору дирам.

Яхши номни чиққан бўлса кўчага,
Одамлардан эшик ёполмас ҳечам.

Насихатимни қабул этмаётгани ва иссиқ нафасим унинг совуқ темирдай худбин қалбига таъсир этмаётганини

кўриб, насихатгўйликни йиғиштириб, доноларнинг: «Сен билганингни гапир, агар айтганингга қулоқ солмасалар, ўзлари айбдордирлар», деган сўзларига амал қилдим.

Яхши кишилар сўзини сўзлагил,
Гарчи сенга солмасалар ҳам қулоқ.
Тинглагучи қанча ўжар бўлса ҳам
Бандга тушар икки қўл-икки оёқ.
Сўнгра чапак чалар-у, айтар ўзи:
«Тингламай доно сўзин ҳолим чатоқ!»

Орадан сал вақт ўтгач, кўрсам, худди мен тусмол қилганимдай, оғир аҳволга тушибди. Кийим-бошлари жулдур-жулдур, ямоқ-ямоқ ҳолда тиланчилик қилиб юрибди. Унинг аянчли аҳволини кўриб, юрагим ачиди, лекин шу ҳолатида уни таъна-маломат қилиб, ярасига туз сепишни эп кўрмадим. Кейин ўз-ўзимга дедим:

«Паст-нодон мастликда ўйламас асло
Не кечар аҳволи йўқлик кунда.
Баҳорда барги мўл дарахтлар ночор
Яланғоч колар қиш изғиринида».

ҲИКОЯТ

Бир подшоҳ ўғлини бир мураббийга топшириб, деди: «Бу сенинг фарзандинг, ўз фарзандларингнинг биридай билиб тарбияла». Мураббий таъзим бажо келтириб, болани қабул қилди. Бир неча йил зўр тиришқоклик билан ўқитди, ўргатди, лекин шаҳзода одам бўлмади, мураббийнинг ўз фарзандлари эса, илм-фан ва фазлу одобда баркамол бўлиб етишдилар. Подшоҳ мураббийни қойиб, деди: «Сен аҳдингни буздинг, ваъдага вафо қилмадинг!» Мураббий деди: «Подшоҳимнинг азиз хотираларидан пинҳон қолмағайким, тарбиялари бир хил эди-ю, лекин табиатлари ҳар хил экан!»

Тилла-кумуш бари чикса ҳам тошдан,
Барча тошда олтин бўлмоғи гумон.
Сухайл нур сочади ҳар ёққа бирдан,
Бир ерда чарму бир ерда сахтиён.

ҲИКОЯТ

Кўрдимки, бир бадавий (сахройи араб) ўғлига шундай дерди: «Эй ўғлим, киёмат куни сендан: «Отанг ким?» деб эмас, «Қандай хунаринг бор?» деб сўрайдилар».

Каъба ёпқичини ўпишар экан,
Ипак курт туфайли бўлмади улуг.
Бир неча кун бўлди азиз эғнида,
Шунинг билан бўлди ўзи ҳам кутлуғ.

ҲИКОЯТ

Донишмандларнинг ёзишларига қараганда, чаён барча жониворлардан бошқача туғилар экан, онасининг ичак-чавоқларини еб, қорнини тешиб чиқаркан-у, сахрога қараб кочаркан. Инидаги пўстлар она чаённинг қолдиқлари экан. Бир куни бир валий одамнинг хузурида шу хусусда гапирдим. У зот деди: «Менинг кўнглим шу гапларнинг ростлигига гувоҳлик беради, чунки бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас, болаликда оналарига шундай муомалада бўлганлари учун катта бўлганларида уларни ҳамма «яхши кўради» ва «хурмат қилади».

Ўғлига отаси қилди васият:
«Бахтиёр болам, куй қулоғингга панд —
Ўз элига вафо қилмаган киши,
На севимли бўлур ва на донишманд».

МАСАЛ

Чаёндан сўрадилар: «Нима учун қишда инингдан чиқмайсан?» Чаён жавоб берди: «Ёзда чиқиб нима обрў кўрдимки, яна қишда чиқсам!»

ҲИКОЯТ

Бир дарвешнинг хотини хомиладор эди, ой-куни яқинлашиб қолганди. Дарвеш умрида фарзанд кўрмаган

эди. «Башарти, Оллоҳи таоло менга бир ўғил ато қилса, эгнимдаги хиркамдан бошқа барча молимни фақирларга инъом қиламан», деди. Иттифоқо, ўғил кўрди ва аҳди бўйича бору йўғини фақирларга берди.

Бир неча йил Шом сафарида юриб қайтгач, бояги дарвешнинг маҳалласига бориб, унинг хол-аҳволини сўрадим. Одамлар унинг шаҳар зиндонидида ётганини айтдилар. Мен зиндонга тушишининг сабабини сўрадим. Бир киши деди: «Ўғли ичиб маст бўлиб, бир одамни ўлдириб қочди. Ўғлининг жинояти учун отанинг бўйнига занжир, оёғига кишан солдилар». Мен дедим: «Бу кулфатни унинг ўзи Худодан тилаб олган эди!»

Хушёр киши хотинин бўйида бўлиб,
Ярамас бир бола туғилса ҳамон —
Оқил наздида у боладан кўра
Туғилгани яхши захарли илон.

ҲИКОЯТ

Ёш болалигимда бир катта ёшли одамдан балоғатга етиш нишонасини сўрадим. У шундай жавоб берди: «Китобларда уч белгиси бор деб ёздилар: биринчиси, ўн беш ёшга кириш, иккинчиси, эҳтилом бўлиш, учинчиси эса, олдида тук пайдо бўлмоқ. Аммо ҳақиқатда фақат биргина белгиси бор, у ҳам бўлса: ўз нафси қайдида хизмат қилгандан кўра кўпроқ Худо йўлида хизмат қилишдир. Кимда-ким шу сифатдан бебаҳра экан, уни балоғатга етган, деб бўлмайди».

Катра одам суратига киради буткул,
Қирк кун она қорнида топса оромин.
Агар қирқ ёшлиқнинг бўлмаса ақли,
Унга бериб бўлмас инсонлик номин.

Жавонмардлик, карамдир одамийлик,
Дема одам агар бир сурати бор.
Хунар лозим, накшни чизса бўлғай
Деворларга бўёқлар пушти, зангор.

Агар бўлмас экан фазлу хунар ҳеч
Билиб бўлмас одамми, нақши девор.
Бисот, мол қўлга киргизмоқ хунармас,
Қўлингдан келса бир дил овла, э ёр.

ҲИКОЯТ

Бир сафар зиёратга кетаётган пиёда одамлар орасига низо тушди. Шу сафар асносида камина ҳам пиёда эдим. Ростини айтсам, биз жуда жиддий муштлашар, бир-биримизнинг юз-кўзимизга аямай мушт туширар эдик. Шунда кажавода зиёратга кетаётган бир кишининг ўз ҳамроҳига айтган гапини эшитдим: «Ажабо, шахмат пиёдаси хоналардан ўтиб, бошдаги маррага етса, фарзин яна аввалгидан яхши бўлади, бу ҳажга кетаётган пиёдалар эса саҳрони кесиб ўтгандан кейин, аввалгидан кўра бешбаттарок бўлдилар!»

Зулм ила халқ терисин шилган ўшал ҳожига
Менинг номимдан бориб икки оғиз сўз дегин:
«Сен ҳожи эмас, балки, ҳожи эрур бу туянг,
Чунки тикан овқати, кўтарар одам юкин».

ҲИКОЯТ

Бир хинди нефть ёқиб отишни машқ қиларди. Бир доно уни кўриб, деди: «Уйинг ясалгандир қамишлар босиб, бу ўйин эмасдир сенга муносиб».

Сўз айни савоблигин билмагунча гапирма,
Унга саз жавоблигин билмагунча гапирма.

ҲИКОЯТ

Бир кишининг кўзи оғриб колди, у байтор (мол доктори) нинг олдига бориб: «Кўзимни давола», деди. Байтор қорамолларнинг кўзига қуядиган доридан қуйди. Беморнинг

кўзи кўр бўлиб қолди. Улар жанжаллашиб қозининг олдига бордилар. Қози деди: «Байторда айб йўқ. Агар бу бемор эшак бўлмасайди, байторнинг олдига бормасди».

Ушбу ҳикоятдан мақсадим шуки, ҳар кимса билимсиз одамга катта ишни топширса, охирида пушаймон бўлади ва донолар наздида тентак саналади.

Буюрмас ақллик киши ҳеч маҳал
Тамизсиз кишига муҳимроқ бир иш.
Бўйра тўқиган ҳам тўқувчи, лекин
Кўлидан келарми ипак иш тўқиш.

ХИКОЯТ

Бир йили Балхдан Бомийён сафарига чиқдим. Йўлларда кароқчилар кўп бўлиб, жуда хатарли эди. Бир йигит йўл-бошловчи тариқасида бизга ҳамроҳ бўлди. У қиличбоз, камонандоз йигит шу қадар зўру забардаст эдики, ўн киши бир бўлиб унинг камонини торта олмасди, энг зўр паҳлавонлар унинг елкасини ерга тегизишдан ожиз эдилар. Лекин шундай бўлишига карамай, у ноз-неъматлар орасида ўсган, сояпарвар, умрида ҳеч нимани кўрмаган, сафар машаққатини чекмаган, баҳодирларнинг жангу жадал асносида чалинадиган ноғоралари садосини эшитмаган ва суворийлар қиличининг чакмоқдай яраклашини кўрмаган эди.

Ғанимлар кўлида асир бўлмаган,
Атрофида ўқлар ёмғир бўлмаган.

Иттифоқо, у йигит билан иккаламиз кетма-кет борардик. У кучини намойиш қилиш учун рўпара келган қадимий деворларни уриб ағдарар ва азим туп дарахтларни илдизи билан кўпориб ташлаб ғурур билан дерди:

Фил қани, паҳлавон қўлларга бокса,
Шер қани, бу мардон қўлларга бокса?

Биз шундай кетаётган маҳалимизда икки ҳинди биз билан жанг қилиш ниятида тош ортидан бошларини чиқардилар.

Улардан бирининг кўлида сўйил ва иккинчисининг кўлтигида эса тўқмоқ бор эди. Йигитга дедим: «Нимага караб турибсан?»

Мардлигу кучингни кўрсатгил, душман —
Ажал келур ўзи оёғи билан.

Кўрдим, камон йигитнинг кўлидан тушди ва аъзойи бадани калтирай бошлади.

Қалқонгешар ўқ ила қилни бўлган ҳар ким ҳам
Жангчилар ҳамласига эта олмайди чидам.

Молимиз, қурол-яроғимиз ва кийим-кечагимизни кароқчиларга топшириб, жонимизни халос этишдан ўзга чора топмадик.

Қийин ишга кўпни кўрган одамни юбор,
Ташлай олсин кутурган шер бўйнига аркон.
Тажрибасиз ёш, бўлса ҳам қудратли, филтан
Қирғин жангда кўркувидан чиқиб кетар жон.
Жангда пишган уруш йўлини биллади аниқ,
Доно киши қонунларни билгандек осон.

ҲИКОЯТ

Бир бойваччани кўрдим, отасининг қабри устида ўтириб бир камбағалнинг ўғли билан мунозара қилиб, дерди: «Отаннинг қабри тошдан, ёзувлари заррин, устига мрамартош қўйилган ва фируза билан кошин қилинган. Сенинг отангнинг қабрига сира ўхшашлик жойи борми? Отангнинг қабрига бир неча дона фишт қўйиб, бир-икки ҳовуч тупроқ ташланган, холос». Камбағалнинг ўғли унинг бу сўзларини эшитиб, деди: «Сенинг отанг бу оғир тошлар остида қимирлагунча, менинг дадам жаннатга етиб борган бўлади».

Юки қанчаларки оз бўлса эшак
Юриши енгилроқ бўлади бешак.

Факирлик юкини кўтарган одам
Улим эшигига боради енгил.
Неъматга фарк бўлиб яшаган киши —
Улими барчадан оғир бўлур, бил.
Банддан озод бўлган асир холидан
Бандга тушган амир ахволи мушкул.

ҲИКОЯТ

Мен бир донишманддан: «Энг ашаддий душманинг — икки кифтинг орасида жой олган нафсингдир», деган ҳадиснинг маъноси нима?» деб сўрадим. Донишманд шундай жавоб берди: «Маъноси шуки, ҳар бир душманга эҳсон қилсанг, у сенга дўст бўлади, илло нафс деган нарсага қанча илтифот қилсанг, адоватини шунча ошираверади».

Маромида овқат еган фаришта бўлур,
Хайвон каби еса тушар оғир тош мисол.
Ким истагин бажо қилсанг амрингга тобе,
Нафс айтганин қилдингми, бўйсундирмок махол.

САККИЗИНЧИ БОБ

СУҲБАТ ҚОИДАЛАРИ БАЁНИ

Умр мол-мулк тўплаш учун эмас, балки, мол-мулк осуда хаёт кечириш учундир!

Бир оқилдан сўрадиларки: «Ким бахтиёру ким бахтсиз?»
Оқил деди: «Бахтиёр — еб-ичади, экади; бахтсиз — йиғиб-йиғиб ўлиб кетади».

Ҳеч кимга ҳеч иш қилмаган нокасни этма ҳеч дуо,
Мол йиғиш бирла овора бўлди-ю, кетди емай.

* * *

...Икки тоифа одам беҳуда ишлаб, беҳуда ҳаракат қилган бўлади: бири мол-мулк йиғиб, фойдаланмаган ва иккинчиси эса, илм олиб унга амал қилмаган одам.

Ҳарчанд ўқибсан, билимдонсан,
Агар амал қилмадинг, нодонсан.
Устига китоб ортилган эшак,
На олим ва на донодир бешак.

Бу миясиз қайдан топади хабар,
Устида ўтинми ё китоб-дафтар?

* * *

Илмига амал қилмаган олим машъала кўтарган кўрга
ўхшайди!

Кимки, бекфойда умрин ўтказди,
Ҳеч нарса олмасдан, олтин кетказди.

* * *

Уч нарса мангу бўлмайди: «Мол — савдосиз, илм —
бахсиз ва давлат — сиёсатсиз».

Ёмонларга шафқат қилиш — яхшиларга зулмдир,
золимлар зулмини афв этиш — факир-фуқарони эзишдир.

Ярамасга раҳм этиб, эркаласанг ногаҳон,
Мамлакатинг ичра у жиноят қилур ёмон.

* * *

Подшоҳларнинг дўстлиги ва боланинг хушовозлигига
ишониб бўлмайди. Чунки подшоҳнинг дўстлиги бир
шубҳада, боланинг хушовози эса бир кечада ўзгаради.

Минг ошиқли маъшуқага берма кўнгил,
Дилинг берсанг, таги билан узиб бергил.

* * *

Ҳар бир сирингни дўстингга айтаверма. Ажаб эмаски,
бир вақт келиб сенга душман бўлиб қолар, душманингга
ҳар қандай ёмонликни раво кўраверма, ажабмас, бир кун
сен билан дўстлашса. Яширмоқчи бўлган сирингни энг яқин
дўстингга ҳам айтма, чунки ҳар бир дўстингнинг дўсти ва
дўстининг ҳам дўсти бордир.

Бировга сир айтиб, сакла дегандан,
Дил сириг хеч кимга айтмаган маъкул.
Ариқ тошиб кетса, боғлаб бўлмайди,
Сувни энг бошидан қайтарган маъкул.
Бекитикча сўзни айтиб бўлмайди,
Ҳар мажлисда айтиб, қайтиб бўлмайди.

* * *

Заиф душман итоат изҳор этса, буни зўр душманга айланиб олиш мақсадида қилади. «Дўстларнинг дўстлигига эътимод йўқ», дейдилар, бас, шундай экан, душманнинг хушомад қилишининг қандай эътибори бор?! Заиф душманни назар-писанд қилмаган киши озроқ оловни бепарволик билан ташлаб кетган одамга ўхшайди.

* * *

Икки душман орасида шундай сўзлагинки, башарти, улар дўстлашиб кетган тақдирларида шарманда бўлиб қолмагaysан.

Икки киши адоватин ўт десак агар,
Ўтин гашиб турувчидир бадбахт ифвогар.
Қайта тотув бўлишганда бу икки кўнгил,
У бўлади бахтиқаро, шарманда, хижил.
Ким бошқалар орасига ташласа олов,
Ақлсиздир, фақат ўзи ёнади лов-лов.

Дўст-ла сўзлашсанг ҳам бўлгил эҳтиёт,
Душман қулоғига етишмасин, боқ.
Девор ичра ҳар не десанг, ҳушёр бўл,
Девор орқасида бўлмасин қулоқ.

Ҳар кимки душманлари билан ярашса, дўстларига ранж-аламни раво кўрган бўлади.

Агар душман билан бирга ўтирса, дўст эмасдир у,
Унингдек дўстдин, эй оқил одам, тезроқ қўлингни юв.

* * *

Бир ишни бошлашга киришар экансан, озорсизрок тарафини танла.

Хушхулқ кишига қаттиқ гапирма,
Сулх истаб келса, жангга чакирма.

* * *

Модомики, иш пул билан анжомига етар экан, жонни хавф остида қолдирмоқ ақлдан эмасдир. Араблар дейдилар: «Қилич — энг сўнгги ҳийладир».

Қўлдан келган ҳамма чорадан кейин,
Қўлга қилич олсанг раво бўлади.

* * *

Заиф душманга раҳминг келмасин, чунки курби етса, у сенга раҳм қилмайди.

Ёвни заиф кўрганда гурурланма ҳеч қачон,
Ҳар данакнинг мағзи бор, ҳар либосда бир инсон.

* * *

Кимки ёвуз одамни ўлдирса, халқни унинг балосидан, уни эса Худонинг жазосидан халос этган бўлади.

Раҳмдиллик одамга олий хулқ, аммо —
Дилозор ярасига қўймагил мархам.
Айлама раҳм-шафқат илон-чаёнга,
Бундан озор топар фарзанди одам.

* * *

Душман насиҳатини қабул этмак хато бўлса-да, лекин насиҳатига қулоқ солмоқ раводир, чунки унинг айтганининг аксини қилсанг, тўғри иш тутган бўласан!

Душманинг кўрсатган йўлига юрма,
Сўнг пушаймон бўлиб, тиззангга урма.
Сенга ўқдек тўғри йўл кўрсатган он,
Сен ундан бурилиб, юргил чап томон.

* * *

Ҳаддан зиёда ғазаб ваҳимага солади ва ўринсиз қилинган меҳрибонлик иззатингга нуқсон етказди. Кишилар юз ўгириб кетадиган даражада қаттиққўл ҳам, оёқости қилиб юборадиган даражада мулойим ҳам бўлма!

Бўлсин қаттиқлигу юмшоқлик боҳам,
Табиб ҳам кесару ҳам қўяр малҳам.
Доно киши қаттиқ бўлмайди доим,
Қадри кетар бўлса ҳамон мулойим.
Кибру димоғдорлик қилмас ихтиёр,
Аммо ўзини ҳам ҳеч айламас хор.

Чўпон дер отасига: «Эй хирадманд,
Дегил таълимима пирона бир панд».
Дедиким: «Хушфёъллик қилма чандон,
Бўрилар бўлмасинлар тез дандон».

* * *

Бадфёъл одам шундай бир душман қўлига гирифторки,
қаерга бормасин унинг чангалидан халос бўла олмайди.

Бадфёъл одам балодан қочиб, учса осмона,
Халос бўлмас, ўз фёъли чангалида гирёна.

* * *

Душман сафи пароканда бўлса хотиржам бўл, улар
бирлашса, ўз сафингда паришонлик юз беришидан эҳтиёт
бўл!

Агар душман аро бўлса низо, жанг,
Бориб дўстлар билан хотиржам ўлтир.
Магар кўрдингки, ёвларнинг тили бир,
Камон торт, қалъага фишт-тош келтир.

* * *

Барча ҳийлалари барбод бўлган душман ўзини дўст
қилиб кўрсатишга чалишади, дўст бўлиб олгач, шундай
ишлар қиладики, буни ҳеч қандай душман ҳам қилолмайди.

* * *

Илоннинг бошини душман қўли билан янчишга ҳаракат қил, шунда икки нафдан бирига эга бўласан. Агар душман ёлиб чиқса, илонни ўлдирган бўласан, башарти, илон ёлиб чиқса, душманингдан қутуласан!

Маърака кун гафлатда қолма заиф душмандан,
Шер миясин кокадир, ким узса умид жондан.

* * *

Бировнинг кўнглини ранжитадиган хабарни эшитган бўлсанг, сукут қил, токи бошқа одам айтсин!

Булбуло, кетир баҳор хабарин,
Бойкушга қўйгил ёмон сўз барин.

* * *

Худбинга насиҳат киладиган одамнинг ўзи насиҳатга муҳтождир!

* * *

Душманнинг хийласига алданма ва маддохнинг мактовини бир пулга олма, чунки бири, макр тузоғини қўйган ва иккинчиси, тамаъ этагини очган бўлади.

Сўйилган хайвоннинг почасидан пуфласа шишганидай, аҳмоққа ҳам мактов хуш ёқиб, семиради.

Ишонмагил маддох, сўзамолларга,
Заррача наф учун сени мадх этар.

Бир куни муродин ҳосил этмасанг,
Икки юздан ортик айб санаб кетар.

* * *

Сўзлаётган киши сўзидаги нуксонни бошқа бир киши кўрсатмагунича сўзи хатодан холи бўлмайди.

Мактов нодонлардан, гумон ўзингдан
Бўлур, фурурланма гўзал сўзингдан,

Жухуд ва мусулмон киларди жанжал,
Сўзларидан кулгим кистади чунон:
«Жухуд бўлай агар, эй худовандо,
Аҳдим чин бўлмаса», дерди мусулмон.
Жухуд дер: «Тавротга ичайин касам,
Сендек муслим бўлай, аҳдим бузган он».
Ер юзидан ақл ўчиб кетса ҳам,
Хеч ким билмас экан ўзини подон.

* * *

Ўн одам бир дастурхон устида таом ейди, лекин икки
ит бир ўлимса устида чикиша олмайди. Очкўз одам бутун
жаҳон молига ҳам тўймайди, қаноатли одам эса бир нон
билан ҳам тўқдир. Донишмандлар демишлар: «Мол-мулк
тўплаб бой бўлгандан кўра, қаноатда бой бўлган яхшидир».

Одамнинг тор ичагин битта нон тўлдирар, бас,
Бутун олам неъматини оч кўзни тўйдиролмас.

* * *

Кимки кудратли бўлган даврида яхшилик қилмаса,
Бошига иш тушганида машаққат кўради.

Мардумозордан бадбахтрок ким бор?
Мусибатда қолса ким бўлади ёр?

* * *

Тез битган ишнинг бақоси бўлмас.

Эшитдим, Машриқда бир чинни коса,
Қирк кунлик меҳнатда очилур нақши.
Мардошда ясашар кунда юз дона,
Қийматини ўзинг биласан яхши.

Тухумдан чикибок излайди ризкин кушнинг боласи,
Одамнинг боласи туғилганида беақлу тамиз.
Ул бирдан ақли кўринган билан топмади камол,
Бу эса фазлда ҳамма нарсани чўқтиролди тиз.
Ҳар жойдан топасан ойна синиғин, шунинг-чун бекадр,
Лаълни-чи, қўлга киритмоқ душвор, шунинг-чун азиз.

* * *

Ҳар иш сабр билан қилинади, шошилган одам пушаймон бўлади.

Чўлда ўз кўзларим билан кўрганман,
Йўлда қолиб кетар шошқалок одам.
Шамолдек саманлар чопиб толади,
Сорбон бир меъёрда ташлайди қадам.

* * *

Нодон учун сукут сақлашдан яхши нарса йўқ, агар у шу маслаҳатни қулоғига олганда эди, нодон бўлмаган бўларди.

Камолу фазлдан бебаҳра бўлсанг,
Оғзинг оча кўрмай тилингни тийгил.
Одамнинг ўз тили килур шарманда,
Пуч ёнғокнинг вазни келгандек енгил.

Бир аҳмоқ эшакни сўзга ўргатмоқ
Бўлиб, сарф айларди кўп вақту кўп куч.
Бир донишманд деди: «Таънага қолма,
Эй аҳмоқ, беҳуда уринишдан кеч.
Яхшиси, сен ундан сукутни ўрган,
Ҳайвон гапиришга ўрганарми ҳеч?»

Кимки, андишасиз сўзласа жавоб,
Сўзи эътиборсиз, чекар изтироб.

Ё ўйлаб сўзлагил инсон мисоли,
Ё жим туравер хайвон мисоли.

* * *

Ҳар кимики, мени билимдон экан, деб ўйласинлар деган мақсадда ўзидан донороқ одам билан баҳслашса, ўз нодонлигини намойиш қилган бўлади.

Сўзлар эрса сендан каттароқ бироз,
Яхшироқ билсанг-да, қилма эътироз.

* * *

Ёмон билан юрган яхшилик кўрмайди.

Фаришта ўлтирса дев билан агар,
Ўрганар ваҳшату найранг, хиёнат.
Ёмондан яхшилик ўрганиб бўлмас,
Бури пўстиндўзлик килурми одат?
Чодирда қомати ажиб жонона,
Очиб боксанг унда кекса бир она.

* * *

Илм олиб амал қилмаган одам — ерни шудгорлаб уруғ
сочмаган дехқонга ўхшайди.

* * *

Сурати гўзал бўлган одамнинг ахлоқи ҳам гўзал
булавермайди. Иш суратда эмас, кўнгилдадир.

Одамнинг устига қараб бир кунда,
Илму даражасин билса бўлади.
Ва лекин дилидан бўлма хотиржам,
Йиллар ўтиб бир кун ошкор қилади.

* * *

Арслон билан панжалашмоқ ва қилични мушт билан
рад этишга уринмоқ — оқилларнинг иши эмас.

Шерга айламагил гушналик жанжал,
Қўлинг қўлтиққа ур, шер чиккан маҳал.

* * *

Зўр одам билан олишган заиф киши ўз халокати йўлида
душманга кўмаклашган бўлади.

Сояпарвар кучни қайдан олади,
Баходирлар билан уришмоқ учун.
Суст панжа олишар нодонлигидан,
Буқолмас у темир панжалар кучин.

* * *

Саёқ итларнинг овчи итларни кўришга кўзи бўлмагани сингари, хунарсизлар ҳам истеъдодли одамларни ёмон кўрадилар. Саёқ итлар овчи итларни кўрганларида акиллаб, гавго кўпорадилару, лекин олдига боришга юраклари дов бермайди, шунга ўхшаш, разил одамлар ҳам яхшилик қилишда бирор киши билан беллаша олмаганларидан кейин, ғийбат, бўҳтон қилишга киришадилар.

Кўли киска ҳасадчи қилур ғийбат, қилу қол,
Чунки келса рўбарў, тили бўлур гунгу лол.

* * *

Олдидаги душманни ўлдирмаган киши ўзига душ-
мандир.

Кўлда тош бўлса-ю, тош узра илон.
Жиноят бўлади урмасанг шу он.

Баъзилар эса бу фикрнинг аксини айтадилар. Улар дей-
дилар: «Асирларни ўлдиришда сабр қилмоқ дурустроқдир,
чунки ихтиёр қўлингда, истасанг ўлдирасан, истасанг афв
этасан, лекин ўйламасдан, шошилишча равишда ўлдириб
юборсанг, эҳтимолки, бир эзгу иш хароб бўлган бўлар-у, уни
кайтаришнинг иложи бўлмас, пушаймон қилишга тўғри келар.

Тирик жонин олиш осон бўлар ҳал,
Ўлик тирилмайди қайта ҳеч маҳал.
Ўқчида сабр ўлса, ақлдан нишон,
Камонга қайтмайди учган ўқ ҳеч он.

* * *

Жохил билан баҳслашган олим иззат умид қилмай кўя-
қолсин. Башарти, жохил баҳслашувда олимдан устун чикса,
ажабланарлик ери йўқдир, чунки ҳамиша тош гавҳарни
синдиради.

Зоғ билан бир бўлса булбул қафаси,
Не ажаб, ичига тушса нафаси?

Оқилга паст киши кўргузса жафо,
Кўп алам чекмасин бўлиб дилсиё.
Арзон тош синдирса зар косани гар,
Тош нархи ошмайди, пастга тушмас зар.

* * *

Дононинг ахлоқлар даврасида сукут этишга мажбур бўлиши ажабланарли эмасдир, чунки хамиша ноғора овози танбур овозини эшиттирмай кўяди ва сассиқ саримсоқ хиди анбар исини босиб кетади.

Донони шарманда қилдим-ку, дея
Фурурга берилмиш мактанчоқ нодон.
Билмаски, ноғора овози доим
«Ҳижоз» куйин босиб кетади осон.

* * *

Гавҳар лойга тушса ҳам аввалгидек қимматбаҳо, чанг осмонга кўтарилганида ҳам кадрсиздир.

* * *

Аттор мактаган нарса мушк эмас, балки, хушбўй таркатадиган нарса мушқдир. Доно атторнинг дўконига ўхшайди. Сукут қилиб ўз билимини намойиш қилади, жоҳил эса ноғора кабидир, гумбурлайди-ю, лекин ичи бўшдир.

* * *

Бир умрга эга бўлинадиган дўстни бир лаҳзада хафа қилиш ярамайди.

Тошдан кичик лаъл бўлурга лозим неча йил,
Тошга уриб бир нафасда синдирма чил-чил.

* * *

Оз-оз йиғилиб кўп бўлур, тома-тома кўл бўлур, яъни заиф одамлар майда тошларни йиғиб сақлайдилар ва фурсат келди дегунча золимнинг бошини мажаклайдилар.

Қатра-қатра устиға жам бўлса, у бўлғай наҳр,
Наҳр устиға наҳр келса бўлур денгиз ахир.

Оз-оздан йиғилиб бўлади бисёр,
Дона-дона ғалла тўлдирур анбор.

* * *

Олим авомнинг саҳву хатоси ёнидан мулојимлик билан
ўтиб кетмаслиги лозим, чунки бу ҳар икки тараф учун
зарарлидир: олимнинг иззатиға путур етади, авомнинг
жаҳолати чуқурлашиб кетади.

Паст одамға муомаланг бўлса бўш,
Манманлиги ортиб, учар ақлу хуш.

* * *

Шайтонға мансуб бўлган гуноҳ ким томонидан содир
бўлса-да, номақбулдир! Чунки илм шайтонға қарши бир
қуролдир ва қурол соҳиби бўлган одам душманға асир
тушса, шармандалик янада бешбаттар ортган бўлади.

Бўлса жохил маҳруму калта ақл,
Яхшироқдир беамал олимдан ул.

Тойди йўлдан, чунки у кўзсиз сўқир,
Бул йиқилмиш чоҳ аро кўзларда нур.

* * *

Кимнингки тириклигида нонини емаган бўлсалар,
ўлганидан сўнг номини тилға олмайдилар.

* * *

Узумнинг лаззатини боғбон эмас, балки, фақир бева
хотин билади.

* * *

Юсуф пайғамбар Мисрда қаҳатчилик бўлган йили
очларни унутмаслик учун тўйғунича овқат емаганди.

Кимки, неъмат ичра айлайди умр,
Ундай одам очлар холин не билур?
Ожиз ахволип тушунгай шул одам,
Гар ўзи ҳам бўлса хайрон дам-бадам.

Чэпкир от устида ўлтирган киши, хушёр бок,
Хас-тикан ортган эшак ботқокка ботмишдир шу чок.

Кирма кашшок қўшнинг уйига олов-оташ учун,
Мўридан чиккан каро дуд охи зоридин тутун.

* * *

Қаҳатчилик йилида қийналиб қолган фақирнинг ярасига
малхам ва қўлига бироз пул бера оладиган бўлсанггина
ундан «ҳолинг қалай?» деб сўрагин.

Кўриб ботқокка ботган жониворни,
Юракдан раҳм эту бошига борма.
Агар борсангу ахволини сўрсанг,
Белинг боғлаб, думин торт, дам чикорма.

* * *

Ибдат қилувчи авом — йўл юрган пиёдага ва сусткаш
олим эса йўлда уйқуга кетган отликка ўхшайди.

* * *

Афъ сўровчи гуноҳкор гурурланиб кетган такводордан
яхшироқдир.

Уламо, эшонлар бўлса дилозор,
Хушхулк аскар ундан яхшидир юз бор.

* * *

Бир одамдан: «Илмига амал қилмаган олим нимага
ўхшайди?» деб сўрадилар. У жавобида: «Болсиз асаларига
ўхшайди!» деди.

* * *

Бемурувват, хунук арига айтғил:
«Асал бермасанг ҳам нишингни санчма».

* * *

Султон инъом қилган либос иззатли бўлса-да, лекин ўзингнинг нимдош кийиминг ундан кўра иззатлироқдир. Улуғларнинг дастурхони лазиз бўлса-да, лекин кишининг ўз тўрвасидаги нони ундан кўра лазизроқдир.

Ўзинг топиб еган сиркаю пиёз
Оқсоқолнинг нону баррасидан соз.

* * *

Тусмол билан дори ичмоқ ва карвонсиз нотаниш йўлга чиқмоқ — оқиллар раъйига хилоф ишдир.

* * *

Имом Ғаззолийдан: «Илмда бундай юксак даражага қандай етишдинг?» деб сўрадилар. У: «Билмаган нарсамни сўраб ўрганишдан уялмадим», деди.

Табибга кўрсатмай касал томирин,
Тузалмоқ хаёли хомдир, хушёр бўл.
Билмаганинг сўра, сўраш номуси
Билки, билимдонлик ва хурматга йўл.

* * *

Ҳар кимки ёмонлар билан ошначилик қилса, агар уларнинг ёмонликлари унга таъсир этмаса-да, ёмонлар сингари шубҳа остида қолади, намоз ўқигани вайронага кирса, ичкилик ичишда айбдор қилинади.

Нодон қаторига қўшасан ўзинг,
Агар бўлсанг нодон улфатга ҳамдам.
Донодан бир панду насихат сўрдим,
Дедики: «Нодонга қўшилма ҳечам.
Агар доно бўлсанг, аҳмоқ бўласан,
Йўкса нодонлигинг ортар яна ҳам».

* * *

Туянинг ювошлиги ҳаммага маълум ва машҳурдир. У шу қадар ювошки, агар бир бола тизгинидан тутиб юз

фарсанг йўл юрса ҳам итоатдан чикмайди. Лекин тахликали дарага рўпара келиб, бола нодонлик билан ўша томонга юрмоқчи бўлса, унинг кўлидан тизгинини шартта юлқиб олади-ю, ортиқ унга итоат этмай қўяди, чунки қаттиққўллик қилиш лозим бўлган маҳалда кўнгилчанлик қилиш дуруст эмасдир. Шундай бир макол бор: «Илтифот билан душман дўст бўлмайди, балки, тамаъси янада ортади».

Лутф этган кишининг хоки пойи бўл,
Дағаллик қилса соч кўзига тупрок.
Дағал кишиларга юмшоқ гапирма,
Занг арчолмас эгов бўлганда юмшоқ.

* * *

Кимки ўз билимдонлигини кўрсатмоқ учун бошқа одамнинг сўзини кесса, ўзининг ўта нодон эканини намоиш қилган бўлади.

Ақллик бўлса гар жавоб беради,
Факат ундан савол сўралган замон.
Гарчи ҳақ бўлса ҳам сергапнинг сўзи,
Гапларин ёлғонга жўйишар осон.

* * *

Либосим остида бир ярам бор эди. Ҳар куни устозим: «Яранг қалай?» деб сўради, лекин ҳеч маҳал «Яранг қаерда?» деб сўрамасди. Шунда устозим атайлаб шундай савол беришдан ўзини олиб қочаётганини англадим, чунки одоб қоидасида киши вужудидаги ҳамма аъзонинг номини ҳам тилга олинавермайди. Донишмандлар дейдилар: «Мулоҳаза қилмай савол берган одам таҳқирли жавоб олади».

Гапинг чинлигини яхши билмасдан,
Оғзинг очиб асло сўзга урма дам.
Ёлғон сени банддан қилса ҳам халос,
Рост гапиргил, агар бандда қолсанг ҳам.

Ёлгон гапирмоқ ҳам ханжар зарби кабидир: жароҳат тузалса-да, изи қолади. Юсуфнинг акалари ёлгончиликда шуҳрат топганларидан кейин, уларнинг рост сўзларига ҳам ишонч қолмади...

Кимга одат бўлса рост гапиришлик,
Барча ишонади килса ҳам хато.
Ёлгончилик билан номи чиқса-чи?
Ҳеч ким ишонмас рост гапига ҳатто.

Коинотнинг энг буюги зоҳиран инсон ва мавжудотлар орасида энг хор ва пасти итдир. Лекин барча донишмандлар бир оғиздан: «Қадр билмас одамдан вафодор ит яхшидир», дейдилар.

Кейин урсанг ҳамки тош билан юз бор,
Ит унутмас берган овқатинг асло.
Пастларни бир умр эркаласанг-у,
Сал каттиқ гапирсанг, бошлар можаро.

Нафс овораси бўлган одамда хунар бўлмайди, хунарсиз одам раҳбар бўлишга ярамайди.

Раҳм килма ҳўкиз бўлса сертомоқ,
Ётоғон бўлади кўп еган юток.
Магарки, ҳўкиздеқ гўштдорлик керақ,
Инсон юкин тортмас мисоли эшак.

Бахтиёр кишилар ўз эзгу ишлари ибрат тариқасида насллар оғзида зикр этилганига қадар ўзларидан аввал ўтганларнинг яхши ишларидан ибрат оладилар. Ўғрилар эса то қўлларини кесмагунларича ўғирлик қилишдан қўл тортмайдилар.

Қуш тушмас пастдаги дона устига,
Тузоқ узра кўрса ўзга бир қушни.
Бошқаларга ибрат бўлмайин десанг,
Ўзинг ибрат олиб юритгил ишни.

Оқибати вой бўладиган шоҳ бўлишдан келажаги порлок гадо бўлган яхши.

Шодлик охирида ғам бўлса инок,
Кети шодлик андух ундан яхширок.

* * *

Осмондан ерга неъмат ёғади, ердан осмонга губор кўтарилади. Идишда нима бўлса, шу сизиб чиқади.

Менинг феълим агар бўлса ярамас,
Сен ўз феълинг кўдан чиқармасанг бас.

* * *

Олтин кондан қазиб олинади-ю, лекин бахилдан жони билан кўшиб олинади.

Хасислар на емай, на ичмай деяро:
«Еб-ичмақдан орзу яхши дунёда!»
Бир кун душманларин орзуси билан
Ўлиб кетар, бойлик қолар зиёда.

* * *

Ўзидан заифларга шафқат қилмаган одам ўзидан куч-лининг зулмига дучор бўлади!

Куч-қувватга эга ҳар қандай билак,
Ожиз қўлин шартта узмас қиличдак.

Солмагил заифлар дилига алам,
Зўррокнинг жабрига йўликма сен ҳам.

* * *

Оламда биринчи марта бармоғига узук такқан одам Жамшиддир. Ундан сўрадилар: «Нега ҳамма зебу зийнатни чап қўлингга бердинг, ваҳоланки, фазилат ўнг тарафдадир». Жамшид жавоб берди: «Ўнг қўлинг — ўнг қўл эканининг ўзи буюк зийнатдир».

Фаридун фармон этмиш хитой наққошлариға,
Тикинг деб чодиримга ипак ила бир шior:
«Хушёр эсанг ёмонга яхшилиқ кил доимо,
Фақат яхши кишилар улугвору бахтиёр!»

* * *

Подшоҳ — золимлар зулмини даф этиш учундир, миршаб каллақесарлар учун, қози эса ўғриларнинг кенгашичидир. Шунинг учун ҳақ ишга ризо бўлган икки даъвогар қозининг хузурига бормайди.

Яхши билсанг бериш керак нарсани,
Жаҳл қилмай бергил лутф ила хуррам.
Ким хоҳиши билан хирож бермаса,
Куч билан олишар миршаб ҳақин ҳам.

* * *

Ҳамманинг тиши нордон нарса ейишдан қамашади, аммо қозиларнинг тишлари ширин нарса ейишдан қамашади.

Қози беш бодиринг еса гар пора,
Юз полиз ҳукмига топади чора.

* * *

Икки тоифа одам бу дунёдан ҳасрат билан ўтади бири, йиғиб-йиғиб емаган, иккинчиси, илм олиб, илмига амал қилмаган!

Фозил агар бўлса бахиллик иши,
Эртаю кеч таъна қилур ҳар киши.
Юз гуноҳи бўлса қарам соҳибин,
Айби ёпилгайдир шу эҳсонидин.

* * *

Оллоҳи таолонинг мадақкорлиги билан «Гулистон» китоби битди. Жумладан, аксар муаллифларда бўлган одатга хилоф ўлароқ бу китобни безаш учун ўзимдан аввал ўтган шоирларнинг шеърларидан қарз олиб кўшмадим.

Ўз тўнингга солсанг агар юз ямоқ,
Ўзга тўнин сўрагандан яхшироқ.

Саъдий сўзларининг аксарияти қувончбахш ва ҳазил-оумуздор, шу сабабдан калтабин одамлар тилларини бир қарич қилиб, шу китобни ўқийман, деб беҳуда мияни оғритмоқ ва шамъ дудини ютмоқ оқил кишиларга муносиб эмасдир, деб таъна-маломат қиладилар. Лекин аҳли донишларга аёндирки (бу сўзлар ҳам ўшаларга қарата айтилгандир), шифобахш насихат инжулари нозик иборалар ипагига тизилмиш ва аччиқ маслаҳат дорилари ширин ҳазил-мутойибалар боли билан қориштирилмиш, токим инсоннинг ҳорғинликқа мойил таъби уни қабул айламоқдан маҳрум қолмагай.

Жойида насихат қилдик ҳар ишда,
Бир қанча умримиз ўтди бу ишда.
Биров қулоғига ёкмаса тамом,
Хабарчидан хабар, хулласи калом.

Бу китобга назар ташлаган одам,
Раҳмат тила менга, кечир ўзинг ҳам.
Нимани фойдали топсанг танлаб ол,
Сўнгра котибни ҳам дуо қил бир дам.



БЎСТОН

Чустий Форсчадан
таржимаси



КИТОБНИНГ ЁЗИЛИШ САБАБИ

Кезиб қанча вақт юрдим олам аро,
Умр ўтди ҳар турли одам аро.
Неча баҳра топдим жаҳонни кезиб,
Юриб қанча хирмондан олдим насиб.
Бу Шероз элидек киши кўрмадим,
Бу покиза юртимга раҳмат дедим.
Бу пок ўлканинг халқи меҳри билан,
Дилимни узиб Шом ҳам Румдан,
Илиндим у бўстонлар ичра кезиб,
Қурук бормайин дўстлар олдиға деб.
Мисрдан келувчида қанди бўлур,
Севиқли кишисига совға қилур.
Қўлимда агар бўлмаса қанд ҳам,
Сўзим бор, шакардан эмас таъми кам.
Бу ул қанд эмас, ким сўриб эл егай.
Киши қоғоз ичра ўраб бормагай.
Бино қилдим иқбол қасрини ман,
Ўн эшик очиб тарбият бобидан.
Бири, фикру тадбир, адолат учун,
Худо йўлида элга шафқат учун.
Очиқ, элга эҳсондан иккинчи боб,
Сахи қилса деб, шукру топса савоб.
Учинчиси, чин ишқу чин завқ эрур.
У хил ишқ эмас ўзни боғлар базўр.
Бешинчиси ризо, хулқ тўртинчиси,
Қаноатли мард зикри – олтинчиси.
Эрур тарбият боби – еттинчи боб,
Берур саккизи тинчликдан жавоб.

Эрур тўққизинчиси тавба, савоб,
Ўнинчи, муножоту¹ – охирги боб.
Эди ёзганимда саодатли йил,
Ҳар икки ҳайит ўртаси эрди, бил.
Сана олти юз эллигу беш аниқ,
Бу машҳур хазинамга дур тўлди лик.

* * *

Эшит, э хунарманд – доно киши
Эмас айб излаш хунарманд иши.
Тўнинг хохи шохи ва ё беқасам,
Тушар пахта гар нархи кам бўлса ҳам.
Сўзимда агар тонмасанг тозалик,
Карам айла, айбимни ёп шохидек.
Бу фазлим учун йўқ дилимда ғурур,
Тилак бирла илгим узалган эрур.
Бирор байт қабул бўлса гар мингтадан,
Тилинг таънадан торт мардлик билан.
Билурманки, шеърим эрур форсаро
Хўтонда Хўтан мушқидек кам баҳо.
Узоқдан садойим бўлиб найсимон,
Эди айбларим парда ичра ниҳон.
Олиб келди Саъдий гулистонга гул
Ва ё Ҳинд сори мурч келтирди ул,
Унинг хурмодек гўшти юмшоқ, ширин,
Чиқар донаги ёрганингда ичин.
Хушомад менга ҳеч ёқмас эди,
Дилим шох мадҳига боқмас эди.
Бағишлаб сохибдилга, ёздим атай,
Тушунган киши токи бундай дегай:
«Зафар топди Саъдий бу майдон аро,
Ки Саъд уғли Бўбакр эди подшоҳ².
Бирор ғам билан дард чекиб толмади,
Бирор дард келиб ноилож қолмади.

¹ Замон тақозоси туфайли ўнинчи боб таржима қилинмаган.
(Ҳ.Ҳ.)

² Абу Бакр ибн Саъд – форс ва озарбайжон отабекларидан.
1231 й.да тахтга ўтирган. 1260 й.да. вафот этган.

Аё, Саъдий, мактовга берма давом,
Садокатни хизматда кўрсат мудом.
Йўловчи шаҳу йўлни билгучи сен,
Агар уқса чин сўзни қилгучи сен.
Кизил Арслонга демак не керак –
Оёгингни остида туккиз фалак.
Демаким фалак бошига қўй оёқ,
Юзинг ерга сургил десанг яхшироқ».

БИРИНЧИ БОБ

*МАМЛАКАТНИ ИДОРА ҚИЛИШ ТАДБИРИ,
ОДИЛЛИК ҲАМДА ТЎҒРИ
ФИКРЛАШ ҲАҚИДА*

Жаҳондан кетар пайтда Нўширавон
Бу сўзларни Ҳурмузга этмиш баён:
«Ҳамиша ғариблар дилин овлагил,
Сен ўз роҳатинг кўзлаган бўлмагин.
Агар роҳатингни киларсан ҳавас,
Кўл остингдагилар сира тинчимас.
Ақликка маъқул эмас ҳеч қачон
Еса қўйни бўри, ётиб қўйчивон.
Чиқор ҳожатин ҳамма муҳтожни,
Шулар қўйди шоҳ бошига тожни.
Дарахт бўлса шоҳ, халқ илдиз эрур,
Бил, ўғлим, томир-ла дарахт улғаюр.
Элинг қалбин оғритма, берма зарар,
Қурур илдизинг ранжиса эл агар.
Агар истасанг яхши йўл, пок бўл,
Умид ила хавф йўлидир пок йўл.
Агар бўлса ҳар кимда тадбиру дид,
Бўлур унда, албатта, хавфу умид.
Бу феъл иккисин шоҳда топсанг агар,
Паноҳида мумкин яшаш бехатар.
Зарар бермагай элга, қилмас зиён,
Зулмда келур юртга офат дебон.
Агар бўлмаса бу ики хислати,

У юрт ичра йўқ кимсанинг роҳати.
Кетиш чораси бўлмагай, сабр қил,
Агар ташвишинг бўлмаси турмагил.
У юртда тополмайсан ободлик,
Агар элда йўқ шохидан шодлик.
Тушида қурар юрт ободлигин,
Хароб айлагач юрту элнинг дилин.
Ёмонлик, хароблик зулмдан келур,
Улуғлар бунинг маънисин ҳўб билур.
Ситам бирла катл этмок элни зиён,
Шулар мамлакатда мадор, соябон.
Кўмак айла дехқонга фойданг учун,
Агар мардикор тўйса иш соз у кун.
Эмас мардлик – берсанг унга зарар,
Сенга яхшилик қилган эрса агар».

* * *

Эшитдимки Шеруяга ушбу хил,
Ўлим вақти Хисрав деди: «Яхши бил.
Нечук ишни қилмокка этсанг ният,
Мудом эл ишин яхшилашга қарат.
Адолатли тадбирдан қочмагил,
Элинг сендан, ўғлим, узолмайди дил.
Ситамгардан эллар ҳамиша қочар,
Ёмонликларин элга якқол очар.
Ўзин тиклаёлмайди, вайрон бўлур,
Агар элга ҳар ким ёмонлик қилур.
Агар бўлса ўтқир тиғинг қанчалик,
Эмас тул хотиннинг дилин охидек.
Чирок пилигидай ёнса тул хотин,
Кўрарсан ўт олгай шаҳарни бутун.
Жаҳон роҳатида ким унга етар,
Агар адлу инсоф-ла шохлик этар.
Жаҳондан ўтаркан етиб навбати,
Уни эл дегайлар Худо раҳмати.
Ёмон ҳам ўтар, яхши ҳам, яхши бил,
Сени яхши ном бирла ёд этсин эл.

Сенга дўст бўлолмас агар қон ялаб
Хазинангни тўлдирса элни талаб.
Агар бўлса бошлиқдан элга азоб,
Йиғиш мақсади молу мулк беҳисоб.
Ёмонлик қилувчи ситамгар ўтар,
Уни доимо халқ лаънат этар.
Сила яхши бошини, бермас зиён,
Ёмонга тараххум – ўзингга ёмон.
Сира сийламай, қир ситамгар изин,
Унинг тоза юлмоқ керак илдин.
Зулм этгувчиларга берма омон,
Шилиб пустини айлагил бенишон.
Сен аввал кес ул бўрилар қалласин,
Улар ёрмай эл қўйларин ҳаммасин.
Қадам қўймас ул жойга хушёрлар,
Ёмон деб эшитса у жойни агар.
Мусофирни хурматла, яхши қараб.
Диёрида сўзлар сени яхшилаб.
Улуғлар мусофирни севса агар,
Улуғ номларига бу олам тўлар.
Агар қайси ерда ғариб хўрланур,
У хил мамлакат тезда вайрон бўлур.
Ғариб дўсти бўл ҳамда сайёҳсевар,
Ташир яхши номингни сайёҳлар.
Мусофир-ла мехмонга сен ёр бўл,
Бирок бўлмасин макри, хушёр бўл.
Таниш бўлмагандан ҳазар яхшидир,
Ки дўстлик ниқобида ёв ҳам бўлур.
Ошир кадрини бўлса ким кадрдон,
Фириб бермагай кадрдон ҳеч қачон.
Узоқ хизмат этса ошир қимматин,
Унутма ҳамиша узоқ хизматин.
Қариллик етиб қолса ишда агар,
Мурувват қилиб ҳолига сол назар,
Эшитдимки, Шопурга Хисров ситам,
Қилиб эрмишу сабр қилмиш у ҳам.

Тушиб нотавонликка ҳоли нукул,
Деди бу хикоятни Хисровга ул:
Адолатли шох! Қолмасам гарчи ман
Жаҳонда қолурсан фазилат билан.
Йигитликни сарф айладим сен учун,
Қариликда ҳолимни қилма забун.
Ғариб бошида бўлса фитна катор,
Уни қийнама, балки, хайдаб юбор.
Сен унга азоб бермасанг ҳам бўлур,
Ёмон феъли унга жазосин берур.
Ҳазиначи қилса хиёнат агар,
Буюрғил назоратчига, текширар.
Агар тил бириктирсалар ҳар икков,
Баробар бўшат иккисин беаёв.
Ҳар иккини бир жойда қўймоқ хато,
Бирикмоқ билан бошлагай юз бало.
Билиб қўй, улар қўлни қўлга берур,
Бирин айбини биттаси беркитур.
Ғар ўғри биридан бири хавф этар,
Мудом ўртада тинч қарвон ўтар.
Дадиллик қилур ёв, бўшашсанг агар,
Ғазаб одатинг бўлса, сандин безар.
Ғазаб-ла мурувват – иков ҳам керак,
Табибларча наштар ва малҳам керак.
Сахий бўлу хушхулку мардона бўл,
Ғарибларга бокқилки, ҳақ йўли шул.
Қололмас жаҳон ичра мангу киши,
Фақат қолгуси яхши ному иши.
Тирик улки ундан кейин қолса жой,
Ғовуз, қўлу қўприк-ла қарвонсарой.
Агар қолмаса ҳар кишидан нишон,
Удир меваси йўқ дарахт бегумон.
Агар қолмаса сўнгида яхши иш,
Сира арзимас унга раҳмат дейиш.
Десангким жаҳонда отим ўчмасин,
Унутма улуғларнинг яхши отин».

* * *

Ўтарсен ҳам, ўтмишга солгил назар,
Ўтиб кетганидек неча шоҳлар.
Ўтиб кетдилар – қолди у эски соз.
Шу хил базму айшу, шу хил ғамза, ноз.
Биридан қолиб тоабад яхши ном,
Ўмонлик-ла ўтди бири, вассалом.

* * *

Фаразғу сўзига қулоқ солмагил,
Агар сўзласа кўп, чуқур ўйлагил.
Биринчи гуноҳ балки, билмай бўлур,
Кечиргил, омон бергил этса узр.
Гуноҳкор паноҳ тортиб узр этса бас,
Биринчисида ўлдириш шарт эмас.
Агар қор қилмас насиҳат – ўгут,
Жазоси учун они зиндонда тут.
Бу бирлан тузалмас эса қир изин,
У безот дарахтнинг курут илдизин.
Бошин кесмай, аввал ўзин банди қил,
Кесик бош жасадга уланмайди, бил.
Гуноҳқордан келса жаҳлинг агар,
Жазолашда сабр эт – бу яхши ҳунар.
Бадахшонни лаълин ушатмоқ осон,
Ушалгач, бутун бўлмагай ҳеч қачон.

ҲИКОЯТ

Чиқиб келди Уммон сувидан биров,
Кезиб ҳам эди қанча чўлни яёв.
Араб, турку тожику Румни кўриб,
Топиб турли-турли илмлар юриб.
У кўпни билиб, кўпни кўрган ҳам,
Сафарларда суҳбатда юрган ҳам.
Бир улкан дарахтдек тўлуғ гавдаси,
Бироқ йўқ эди унда бахт меваси.
Чиқиб дарёдан кирди бир шаҳраро,
У юрт шоҳи эрди адолатли шоҳ.

Дили поку андишаси соф эди,
Ғарибларга ёру баинсоф эди.
Уни келтириб яхши хаммом сари,
Ювинтирдилар шоҳ ходимлари.
Қўйиб бош шоҳ остонасига шу дам,
Дуо қилди, қўл кўксига, қадди хам.
Кириб шоҳ саройига қилди салом,
Деди бахтлисан, сенга давлат ғулом!
Унга шоҳ: «Қаердан келурсан, деди,
На бор сенда айт, на билурсан, деди.
Не кўрдинг, азизим, бу юртим аро,
Ёмон, яхшисин, сен дегил беибо».
У дедик: э шоҳ, бўлиб пойдор,
Мадаккор Худо бўлсину бахт – ёр.
Қаю жойдаким бунда мен юрмадим,
Бирор қайғули, ғамли дил кўрмадим.
Сира кўрмадим масту девонани,
Фақат кўз хароб кўрди майхонани,
Бу хил яхши покиза хулқ, шоҳга бас,
Кўнгил ранжитишга у рози эмас.
Дебон ҳар сўзида у сочди зар.
Унинг сўзларин шоҳ мақбул билиб,
Ёнидан ўрин берди хурмат қилиб.
Ташаккур этиб, қилди эҳсон анга,
Деди наслу юртингни билдир манга.
Дегач саргузаштини бошдан-оёқ,
Яна хурмату кадри ошди шу чок.
Ўзича шоҳ ўйлар эдиким шу дам,
Вазирлик ишини сен олгил шу чок.
Қиларди ўзи-ла ўзи маслаҳат,
Вазирлик шу одамга лойиқ фақат.
Ва лекин бу мансабга аста-секин –
Кўтармоқ керак, токи эл кулмасин.
Керақдир синаш аввал аклин, ишин.
Улуғлаш керак қадрин ундан кейин.
Солур ғам юкин дилга кўп вақтлар,
Фириб кўрсатиб нотаниш хийлагар,

Камондан нишонга ўқ отмай туриб,
Жуда яхши мулжалга олгил кўриб.
Узоқ вақт ўтмай билишлик қийин,
Киши ақлини унинг кимлигин.
Синаб кўрди шох они ҳар бобдан,
Ишондики, ҳўб яхши одам экан.
Фаросатлию нотику покдил,
Ёмон-яхшини билгувчию асил.
Фикрда улуғлардан аъло билиб,
Тайин этди ўнг кўл вазири қилиб.
Ҳамеша қилиб ҳиммату маърифат,
Унинг ҳукми олдин юрарди фақат.
Бутун мамлакат юрди фикри билан,
Ситам кўрмади ҳеч киши дастидан.
Фаразгўй сўзига ўрин қолмади,
Тили боғланиб ҳеч сўз айтолмади.
Ёруғ калбидан нурлар олди у юрт,
Бурунги вазир бағрига тушди курт.

Ўзининг ақлу дониши билан вазирлик мансабига эриша олган бу вазирга аввалги вазир бахиллик қилиб, подшоҳ хузуридаги муваффақиятларини кўра олмасдан, унга душманлик қила бошлади. Лекин янги вазирнинг ишидан бирор нуксон тополмагач, ночор унга тухмат қилиб, қилинмаган гуноҳларни унга тўнкай бошлади. Подшоҳга унинг устидан чақимчилик қилди.

«Ибосиз яшарлар жаҳонгашталар,
Эмас мулку давлатга лойиқ улар.
Бу фикри бузуқлар яроксиз эрур,
Ки шох қасрига таъналар еткурур.
Унутсам эдим шох тузин мен ўзим,
Хиёнатни кўрсам юмардим кўзим.
Гумон бирла сўзлашни эп билмадим,
Аникланмагунча баён қилмадим.
Қулимдан бири кўрган эрмиш уни,
Қучармиш улардин бирин қай куни.

Дедим чин сўзу шахддадур ихтиёр
Ўзинг имтиҳон қил, асос менда бор».
Унинг шаънини булғади бу ёмон,
Ёмон яхшилик кўрмасин ҳеч қачон.
Кичик бир хато кўрса душман агар,
Чақиб шоҳга, қаттиқ ғазаблантирар.
Бир учқун билан мумкин ўтлар ёқиш,
Сунг эски дарахтларни ҳам ёндириш.
Тутоқтирди шоҳни бу сўз ончунон,
Тошиб кетди, қайнаб, қозондек шу он.
Ғазаб, ўлдиришга чўзарди қўлин,
Вале сабру бардош тўсарди йўлин.
Эмас мардлик ўз одамин қатл этиш,
Керак ушбу хил вақтда ўзни тутиш.
Керак эрмас эрди қилиш тарбият,
Агар қатл этаркан уни оқибат.
Унинг фазлини билмаганда эдинг,
Саройингда юрмоққа қўйгаймидинг.
Унинг айбини билмагунча аён,
Чақув бирла зулм этмагил ҳеч қачон.

Подшоҳ шахсан ўзи янги вазирни кузатиб бориб,
унинг ҳаракатларини кўз остига олади. Янги вазир кекса
бўлишига қарамай, ёш йигитлар бирла ҳамсухбат ва улфат
бўлишини кўрган подшоҳ шубҳалана бошлайди.

Кейин яхши бир фикру тадбир билан
Деди, э азизим, хижолатдаман.
Сени мен деб эрдим хўб оқил киши,
Деб эрдим сени зийраку хушёр,
Валекин дилингда бор экан ғубор.
Бу жой сенга лойиқ эмас, энди бас,
Хато мендан ўтмиш, бу сендан эмас.
Разилни ўзим айлагач тарбият,
Хиёнатни кўрдим ўзим оқибат.
Жаҳонгашта мард кўзин очди шу он
Деди, э адолатли шоҳи жаҳон,

Дилим пок эрур, менда йўқдир хато,
Эмасман разил, токи этсам ибо.
Дилимда йўк эрди бу янглиғ гумон,
На этдим, на қилдимки кўрсам зиён.
Шаҳаншоҳ деди ҳар наким мен дедим,
Ғанимлар сўзин сенга айтган эдим.
Шу хил сўз деди менга эски вазир,
Унинг устида ҳар на билсанг гапир.
Табассум қилиб бармоғин тишлади,
Таажжуб эмас у на дебдир, деди.
Ҳасадчи ўз ўрнида кўргач мени,
Ёмонлаб мени, алдаш истар сени.
Шоҳ этгач, тубанроқ унинг мансабин,
Сезиб эрдим ул кунда душманлигин.
Бировга агар шоҳ мансаб берур,
У билмайди, ким унга душман эрур.
У дўст бўлмагай ҳеч қачон менга чин,
Менинг иззатимда кўрар хорлигин.
Бу ҳақда дейин рост сўз мўътабар,
Кулингга қулоғингни тутсанг агар:
Мисол тариқасида ҳикоят
Унутдимки қайси китобда экан,
Йўлуқмиш биров тушда шайтон билан.
Қади сарву шамшод экан, чеҳра хур,
Юзида қуёш нурлари товланур.
Якин борди-ю, деди шайтонмисан,
Фаришта бу хилда гўзал бўлмаган.
Шу хил тўлган ойдек юзинг, суратинг,
Жаҳонда нега энг ёмон шуҳратинг?
Оёғ остида суратинг не учун,
Чизилмиш баҳайбат, ёмону забун?
Бу сўзни эшитгач, у бахтиқаро,
Келиб аччиғи чекди оҳу наво.
Деди: «Шаклим эрмас, у янглиғ хунук,
Қалам душман илгидадир эй буюк.
Биҳиштданки юлдим мен илдизларин
Чизар суратим мисли деви лаин.

Бу янглиғ гүзалман ва лекин ҳамон,
Менинг суратимни чизарлар ёмон».
Вазир хурматини тўқди мартабам,
Керак макридан чекланиш менга ҳам.
Шохим қахридан менда хавф йўқ эрур,
Гуноҳсиз киши сўзга ботир бўлур.
Назоратчидан кўрқадир дам-бадам,
Тарозусининг тоши гар бўлса кам.
Хатим бегалат, тўғри юргач қалам,
Хатом излагандан недир менга ғам.
Буни шоҳ эшитти-ю, бурди юзин,
Кўлин силкиди рад этиб бул сўзин.
Деди: Қанча ишлатса ҳам ўз сўзин,
Сира оклаёлмас гуноҳкор ўзин.
Агар душманнинг сўзи ёлғон экан,
Буни ўз кўзим бирла кўрдим-ку ман!
Гүзаллар жуда кўп бу даргоҳ аро,
Шуларга боқар кўзларинг доимо.
Шу дам кулди-ю, марди нотик, деди:
Тан олмоқ ҳақиқатни лойик деди.
Валекин эрур бунда бир сир ниҳон,
Ошиб давлатинг, элга бўл ҳукмрон.
Кўрарсан-биларсанки, ҳар камбағал
Боқар бойга ҳасрат билан ҳар маҳал.
Ўтиб кетди-ку ёшлигим давлати,
Ўтиб кетди афсус умр лаззати.
Уларга боқиш бирла сабрим кетар,
Чирою безак бойларидир шулар.
Юзим тоза гулдек муаттар эди,
Таним худди оқ гулга ўхшар эди.
Бу ҳолатда қандай бўларди кафан,
Соқол оқ ипу эгри дук бўлса тан.
Сочим жингалак қоп-қора кечаранг,
Кийим эрди нозиклигимдан тажанг.
Дур оғзимда икки чизим бор эди,
У худди кумуш ғиштли девор эди.

Қара менга сўзлар чоғимда ахир,
Йиқилди у кўрғон тушиб бирма-бир.
Уларга нечун бокмайин зорланиб,
Бекор ўтган умримни эсга олиб.
Азиз ёшлигим кетди, келмас хабар,
Буқун ҳам тугаб охирига етар.
Бу хил тизгач ул мард сўз гавхарин,
Деди шоҳ бу хил сўзни топмоқ қийин.
Ўз арбобларига қараб шул нафас,
Дедиким бўлак сўзни дил хоҳламас.
Бу ҳақда ақл бирла иш қилмасам,
Курук тухмат ила қилардим ситам.
Шошиб ҳар кишики қилич ушлагай,
Пушаймон била ўз кўлин тишлагай.
Фаразлик киши сўзини сўз дема,
Ишониб анга сўнгра афсус ема.
Ошиб яхшига мансабу молу пул,
Фаразғу учун ҳам жазо бўлди мўл.
У доно вазир, топди шуҳрат ва шон,
Қилиб яхшиликларни элга аён.
Қилиб адлу эҳсону даврон суриб,
Ўтиб кетди хўб яхши ном қолдириб.
Билимдону қудратли шоҳ ҳеч нафас,
Фанимларнинг иғвосидан ғам емас.
Жаҳолатлининг сабри йўқ, фикри хом,
Шаҳаншоҳлик тожи унга ҳаром.
Ақлли киши сабр этар ҳар нафас,
Жаҳолатга енгилган – оқил эмас.
Демасман: Мудом айла жанг ихтиёр!
Ғазаб келса ақлингни тут барқарор.

* * *

Эрур лашкаринг кўп, ўзинг пахлавон,
Хужум қилма душмангаю тўкма қон.
Фаним кўрғон ичра кириб беркинур,
Гуноҳсиз элу юрт вайрон бўлур.

* * *

Назар ташла зиндонга, қил эътибор,
Ки зиндон аро қанча беайб бор.
Азоб тортса эллик йилу олса ном,
Эсиз, бир хато-ла йўқолса тамом.
Азиз номи қолган етук яхшилар,
Киши молига бермадилар зарар.
Агар оч қолиб берса ҳам мард жон,
Етимлар ҳақин емагай ҳеч қачон.

ҲИКОЯТ

Эшитдим, адолатли бир шоҳ тўни,
Экан бўзу, дойим кияркан уни.
Биров дебди: «Э бахтли шоҳ, тиктириб,
Кийинг тоза шоҳона тўн келтириб».
Деди: «Шу кийим ҳам кифоят эрур,
Агар бундан ортар, у зийнат эрур.
Бошимга келур неча турли ҳавас,
Валекин хазина ўзимдан эмас.
Хазина бутунлай қўшинлар учун,
Эмас у безак ҳам ўйинлар учун».

* * *

Қўшин шоҳидан шод бўлмас агар,
Қўриқловчидан мамлакат бўш қолар.
Агар олса ёв деҳқоннинг эшагин,
Нечун шоҳ солиғ олгай ундан тагин.
Эшакни ёв олса, шаҳи олса бож,
Тополмайди равнақ у хил тахту тож.
Дарахтдир эл-у, ўстириб саклагил,
У бергай сенга мевалар хилма-хил.
Юлиб олмагил илдизу мевасин,
Бу ишдан пушаймон бўлурсан кейин.
Чумолидан олса товук, донини,
Мурувватдан эрмас – олур жонини.

Ул одам кўрар роҳат ўз бахтидан,
Кўл остидагин эзмаса зулм илан.
Элинг нотавонликка тушгандаёк,
Улар охидан кўрққанинг яхшироқ.
Ширин сўз билан кўлга киргай диёр,
Уруш қилма, кон тўкма, э бахтиёр.
Қасам мардлик ҳақки, буткул жаҳон,
Сира арзимас томса ер узра кон.

* * *

Эшиттимки, Доро чикиб ов учун,
Узоқлашди ўз лашкаридан шу кун.
Югурганча келди етиб йилқибон,
Гумон килди Доро ўзича шу он:
Бу душман урушмоққа келди, нетай?
Узоқдан бир ўқ бирла нобуд этай.
Шу дам тўғрилаб унга тортди камон,
Деди бир нафасда қилай бенишон.
У дедик: «Э шоҳи олампадох,
Замонангга кўз тегмасин, қил нигоҳ,
Ман – ўз илкичинг, бунда қанча замон
Кўп йилкиларингни боқарман ҳамон.
Тушиб ўрнига шоҳ дили, ушбу дам,
Кулиб деди, э соддадил, акли кам:
Малаклар кўмак берди сенга бу он,
Камон тортган эрдим, отардим шу он
Кулиб йилкичи деди: бўлгай ёмон,
Насихатни тутсам шоҳимдан ниҳон.
Бу донолик эрмас – билиб етмаса,
Кўриб дўсту душманни фарқ этмаса.
Улуғлар учун энг муҳим шарт эрур:
Кичик кимлигин билмоғи зарур.
Мени доимо бунда кўрган эдинг,
Қалай деб бу яйловни сўрган эдинг.
Букун меҳр илан келдим олдингга мен,
Таний олмадинг юз гумон бирла сен.
Керак бўлганида менга қайси от,
Танийман уни мингга от ичра бот.

Ўз йилқиларимни танийман шу хил,
 Ўз йилқингни сен ҳам, шоҳо, менча бил!
 У марддан насихатни Доро укуб,
 Уни яхши кўрди, деди яхши, хўб.
 Хижолат чекиб дер эди подшо,
 Буни дилда сақлаш керак доимо.
 Қолур тахти хавф остида дам-бадам,
 Агар шоҳ йилқичидан билса кам.
 Жафокашни додин эшитгунг қачон?
 Хавода юурсан ҳамоно-хамон.
 Кўзинг очгилу ғафлатинг таркин эт,
 Мудом мазлум аҳлини додин эшит.
 Зулм кўрса даврингда золимдан эл,
 Ўша зулм сендан эрур, яхши бил.
 Йўловчини йўлда қачон ит қопар»,
 Кутуртирмаса итни деҳкон агар.
 Сен, э Саъдий, сўз ботири, пур хунар,
 Қалам тиғи илгингда топгай зафар.
 Дегил қанча билсанг-у, ҳақ сўз дегил,
 Ема пора, найрангдан боғла тил.
 Сўзингда тамаъ бўлса бемаънидир,
 Тамаъдан кечиб, қанча билсанг гапир.
 Ирокда эшитти биров бир куни
 Деди бир ғариб ток тагида буни:
 Бир остонадан сен ҳам умидвор,
 Эшигингга келганни сен этма хор.
 Агар истамассан дилинг ранжишин,
 Дили ранжиганларнинг овла дилин.
 Ғарибларга орттирса жавру жафо,
 Бўлур тахту ҳам тожидан шоҳ жудо.

ХИКОЯТ

Улуғлар аро бир улуғ аҳли фан,
 Деди қисса Абдулазиз¹ ўғлидан.

¹ *Абдулазиз* – арабларнинг умавий халифаларидан бири. У адолати, камтаринлиги билан ном чиқарган (форс-тожикча. «Мунтахаби куллиёти Саъдий». 174-бет).

Узугин кўзи бор экан бебаҳо,
Харидор кучи етмаган мутлако.
Ёрутгайди тунни ажойиб бу дур,
Қуёшдек сочарди жаҳон ичра нур.
Келиб элга очлик йили ногаҳон,
Қади янги ойдек эгилди шу он.
Элин кўрдиким, очу дармони йўк,
Мурувватдан эрмас ўзи бўлса тўк.
Киши кўрса халқ коми ичра захар,
Тамоғидан ўтмайди шарбат-шакар.
Буюрди, узук кўзини соттилар,
Етим, тулга раҳми келиб шул қадар.
У бир хафта бўйлаб улашди пулин,
Дилин овлади очу қашшок элин.
Бироқ унга дерди маломатчилар:
Тополмайсан энди бу янглиғ гуҳар.
Эшиттим, дер эрди у доно киши,
Юзига томиб шамъдек кўз ёши,
Ярашмайди зийнатланиш шоҳ учун,
Агар бўлса эл ҳоли очу забун.
Қўлимда бу кўзсиз узук безарар,
Зарар – эл дили ғамда бўлса агар.
Ўзидан бурун ҳар ким эл роҳатин,
Агар кўзласа, унга минг офарин.
Кишилар ғамини еган мардлар,
Бўлиб қайғули, роҳатидан кечар.
Агар ётса шоҳ тахтада беҳузур,
Ишонаманки, эл ухлаб ором олур.
Агар ухламас шоҳ бутун тун аро,
Эл ухлайди ором олиб доимо.
Жуда ёқди менга у беш байтким,
Йиғин ичра куйлардилар тингладим:
Ҳаётимда зўр роҳат эрди, у тун
Гўзал ёр ёнимда бўлган учун.
Ётар эрди, кўрдим, ширин уйқуда,
Дедим: сарв ҳечдир қадинг олдида.
Ширин уйқудан кўзни оч гул каби,

Кулиб боккилу сайра булбул каби.
Кўз оч, ухлама, э, жаҳон фитнаси,
Кетур бода, сун, э замон фитнаси!
Деди: фитна уйғонмаса яхшироқ,
Мени фитна дединг-ку, ўзинг шу чок.

ҲИКОЯТ

Шаҳаншаҳлар ахборида бор экан,
Миниб тахт уза Тукла¹ сардор экан.
Зулм кўрмади даврида ҳеч киши,
Бўлакка сабақ эрди тутган иши.
Бир оқилга дер эрди бир марта у,
Хаётим бутун беҳуда ўтди-ку,
Дил истар ибодатни хилват аро,
Тилакка етай, бўлмай умрим адо.
Қолур мансабу тахту мулку чаман,
Олиб кетмади гўрга ҳеч қайси тан.
Эшитди буни оқили покдил,
Чиқиб жаҳли, айтдики, э Тукла, бил,
Ибодат ўзи халққа хизмат қилиш,
На тасбеҳда, на жойнамозда бу иш,
Умр бўйи тахт узра сен шоҳ бўл,
Дили поку хушхулқу огоҳ бўл.
Садоқат, иродат билан боғла бел,
Ёмон лофу қофдан мудом сақла тил.
Улуғлар диликим, мусаффо эди,
Шу хислат уларда мухайё эди.
Сира ўлмасам деб ким айта олур,
У кимдирки дунёда ўлмай қолур.
Агар ҳар кишидан қолур мулку мол,
Ўзидан кейин бўлғуси поймол.
Агар ҳар киши элга эҳсон этар,
Элидин мудом унга раҳмат етар.
Улуғ бўлса-ю, қолмаса яхши ном,
Нишонсиз ўлиб кетди у, вассалом!

¹ Тукла – XI асрнинг иккинчи ярмида ҳукм сурган Шероз отабекларидан бири.

Сан эхсон дарахтин кукартсанг агар,
Терарсан унинг шохидан мевалар.
Уриб галлани, ерни куйма курук,
Бушашмай туриб тезда сепгил уруф.

ХИКОЯТ

Бир окил Шом атрофида доимо,
Яшар эрди хилват тутиб гор аро,
Коронгуда сохибканоат эди,
Унинг давлати сабру токат эди.
Худодуст экан номию покдил,
Фариштасифат одам эркан асл.
Эди эшигида улуғлар боши,
Эшикларга бош урмади ул киши.
У доно яшаб турган иклим аро,
Эди бир ситам қилғувчи подшо.
Кузига куринса ғариб-нотавон,
Эзарди уни қакшатиб беомон.
Узи жохилу золиму бадбуруш,
Кунгилга солур ғам, уни бир куруш.
Қочиб жабридан кўпчилик доимо,
Ёмон номи таркалди олам аро.
Қолиб эрди ёлғиз, тул ожиз киши,
Ҳақорат билан чарх йигирмоқ иши.
Қаерда зулм ҳаддан ошган экан,
Бирор лаб очилмайди кулку билан.
Келарди унинг ғорига гоҳи шох,
Худодуст сира қилмас эрди нигоҳ.
Деди унга шох: «Э, азиз бахтиёр,
Угирма юзинг мендану қилма ор.
Қилурман сенга дўстлик туну кун,
Эурсан менинг душманам не учун?
Агар бўлмаган чоғда ҳам шавкатим,
Кам ўлмасди дарвешдан хурматим.
Демасман бировдан улуғ бил мени,
Дегайман кишиларча билгил мени.

Эшитти бу сўзни, шоҳга деди: «Тут кулок,
Сен – элнинг азоби, ўзинга қара,
Мен эл ранжишин хоҳламасман сира.
Эрурсан азиз дўстларим душмани,
Нечук тил билан дўст, дегайман сани?
Қўлим ўпма дўстона, кетгил, йўқол,
Бориб дўстларим илгин ўп, кўнглин ол.
Таажжубдаман золим уйқусидан
Ки эл дод этаркан, у ухлар экан.
Кичикларни қақшатма, э подшо,
Жаҳон ўзгариб тургуси доимо.
Ғарибларга берма азобу алам,
Сени маҳв этар топса пайтин у ҳам.
Чумоли агар бирлашиб иш қилур.
Унинг зарбидан шер ҳам енгилур.
Дедим зулм илан элни қақшатмагил,
Ўзинг қийналурсан, буни яхши бил.
Зулм бирла йиккунча олтин, ахир,
Хазинангни бўш қолгани яхшидир.
Кишиларни сен айлама поймол,
Оёғости бўлғунг, етушса завол.
Чида зўр зулмига, э нотавон,
Бўлай десанг ундан кўра паҳлавон.
Ғанимларни ҳиммат-ла енгмоқ зарур,
Ки ҳиммат қўли барчадан зўр эрур.
Ғарибларни шод айла, кулдир чунон,
Ёмонларни тишини ушатгил ҳар он.
Довул бонгидан хожа-ку, уйғонур,
Бироқ сокчи аҳволини не билур.
Матоин ғамини еган карвон,
Толиққан эшакка ачинмас ҳамон.
Кўрарманки, ожиз эмассан бугун,
Ғарибни кўриб қўлламайсан нечун?
Бу ҳақда ҳидоят қилай ушбу дам,
Бўшанглик бўлур тортиниб айтмасам».

Дамашк ичра келди қаҳатлик йили,
 Унутди меҳрни кишилар дили.
 Бахил бўлди осмон чунон ер учун,
 Дарахту экин қақшади бус-бутун.
 Қадимий булоклар қолиб куп-курук,
 Етим кўз ёшидан бўлак томчи йўк.
 Фақат бевалар охи бирлан чиқар,
 Ҳар уй туйнугидан тутун чикса гар.
 Дарахтлар ғариб бир гадодек шу ҳол,
 Баҳодирлар аҳволи танг, бемажол.
 На боғу на саҳрода кўклам у йил
 Чигиртка экин еб, чигирткани эл.
 Шу он келди ёнимга бир эски дўст,
 Фақат унда қолмиш суяк бирла пўст.
 Таажжубда қолдим, бақувват эди,
 Жуда муътабар ҳам бадавлат эди.
 Дедим унга: «Э ёри покиза дил,
 Бошингга на иш тушганини дегил».
 Ғазаб бирла деди, ки: «Э ошно,
 Ўзинг хўб билурсан, саволинг хато.
 Кўрарсан машаққатли фурсат бу дам,
 Ниҳоятга етди мусибат бу дам.
 На ёмғир ёғар ерга кўкдан бу он,
 На ердан кўкка оҳу фиғон».
 Дедим: «Сенга йўқ хавф, бул сўзни ук:
 Заҳар қор этар, қайда тарёк йўк.
 Бу очлик бўлақларни гар маҳв этар,
 Бадавлатсан, ўрдақни тўфон нетар?»
 Қараб ранжиди мендан олим шу он,
 Дегайсанки нодонга доносимон.
 Деди четда ҳам бўлса мардоналар,
 Туролмас қараб, чўкса дўстлар агар.
 Юзим йўқчиликдан эмас заъфарон,
 Яланғочу очларга ўртанди жон.

Ақлли киши хоҳламас ҳеч қачон,
Элин ҳам ўзин жисмига бир зиён.
Шукурким, таним соғу қувватлиман,
Дилим титрагай ўзгалар дардидан.
Мажолсиз касал ёнида бўлса гар,
Киши соппа-соғ бўлса ҳам ғам босар.
Қуринганда очу ғариб нотавон,
Заҳар бўлгай оғзимда ҳар лукма ноп.
Агар банду зиндонда дўсти ётар,
Киши қайда гулзор сайрин ётар?

ХИКОЯТ

Тутаб турган эл қалби ёнди бугун,
Куйиб кетди Бағдод ярми шу тун.
Биров шукр этиб дерди ёнғин аро
Дуконим зарар кўрмамиш мутлако.
Деди бир киши э хасис – ақлсиз,
Фақат ўз ғамингни единг, бетамиз!
Сенингча дуконинг омон қолса бас,
Шаҳар куйса, сенга писанд ҳам эмас.
Бахилдан бўлак ким ўзин тўйғазар,
Кишилар ёмон ҳолда, очдир агар?
Кўрарким ғариблар ютар қон мудом,
Шу инсофми бойлар еса гар таом?
Касал боққан одамни сен дема соғ,
У ҳам қайғу бирлан касалдир шу чоқ.
Борур гарчи манзилга дўстлар етиб,
Ётолмас кейин қолғувчиларни деб.
Саодат уйида киши бўлса гар,
Унга Саъдийнинг битта сўзи етар.
Агар сан эшитсанг гўзал бир суҳан,
Гул узмайсан асло гар эксанг тикан.

* * *

Эшитдингми, Эрон шаҳаншоҳлари
Килибдир ситам элга қайси бири,

На у шоҳлик қолди, на шавкати,
На деҳқонга зулми-ю, на давлати.
Ситам айласанг шоҳлигингдир тамом,
Гадолик қилурсан кейин вассалом.
Ширин уйку шоҳларга бўлгай хато,
Агар этса кучсизга кучлик жафо.
Бекордан бекорга элинг эзмагил,
Эрур шоҳ чўпону қўй – оддий эл.
Гар ундан жафо кўрса эл ҳар қачон,
Ўзи бўридир, дод унинг дастидан.
Ёмон нияти бирла кетди ёмон,
Ўзин халқига зулм этиб беамон.
Эшитмай десанг охир эл қарғишин,
Мудом яхшилик айла, ол олқишин.

ХИКОЯТ

Эшитдимки, мағрибда бир шаҳраро
Бор эркан туғушган ини ҳам ағо.
Баҳодир, диловар мужассам экан,
Қиличбозу доно, гўзал ҳам экан.
Ота кўрди, ҳайбатлидир ҳар иков,
Урушда талабчан, жуда беаёв.
Ўзин мулкани икки тақсим қилиб,
У ҳар ўғлига берди ярмин, билиб.
Уруш этмасин деб улар, худди ёв,
Қилич тортмасин бир-бирига иков.
Кўриб ота шундан кейин оз хаёт,
Кўзин юмдию топди бирдан вафот.
Топиб мамлакат икки шоҳга қарор,
Ҳам олтин, саноксиз қўшин, ҳам диёр.
Юриб ҳар ким ўз ақли бирла у чоқ,
У йўлданки ўз фикрича яхшироқ.
Бири адл ила ном чиқарсам деди,
Бири зулм этиб пул ғамини еди.
Бири қалбин элга қилиб меҳрибон,
Ғарибларни сийлаб, бериб ошу нон,

Қўшинин ясантирди, курди бино,
Ғарибхоналар солди юртлар аро.
Бири тожу тахтин безашлик учун
Солиқ солди дехқонга ҳар туну кун.
На ёлғиз ғарибларга душман эди,
Ўзига ўзин душман этган эди.
Мудом йиғди зар, бермади, емади,
Ақл олдида яхши иш қилмади.
Унинг толеи қайтди-ю, келди ёв,
Босиб тору мор айлади беаёв.
Емирди фалак қаҳр этиб илдизин,
Ёв отин думи қувди унда чивин.
У алдовчига ким қилур яхшилик,
Қочиб кетди эл, ки солган солиқ.
Кутар яхшилик кимдан ул бевафо,
Унинг кетидан қарғар эл доимо.
Улуғлар демишларки ўстир, егил,
Ёмон синдириб шох еёлмайди бил.
Ёмон жинсидан қолмади яхши ном,
Ёмонлар ёмонлик-ла бўлғай тамом.

* * *

Кесарди биров шоху шохда ўзи,
Тушиб қолди боғбоннинг унга кўзи.
«Дедиким, бу одам ёмон иш қилур,
Ёмонлик на менга, ўзига эрур».
Насиҳат берур фойда, уққанга, бил,
Ғарибларни зўрлик қилиб эзмагил.
Кетиб қолса қўлдан агар тахту тож,
Ёқангдан олур кўп яланғочу оч.
Қўлинг торт, ғарибларга мушт урмагил,
Сени енгсалар ўзни шарманда бил.
Уятдир бу иш эр йигитлар учун,
Забунларни илгида бўлмоқ забун.
Улуғ покдил, бахтиёр мардлар
Ақл ишлатиб тахту тож олдилар.

* * *

Бу ҳақ сўзни сан Саъдийдан тинглагил,
Улуғларга эргаш, хато юрмагил.
Дема тахту тож ҳар ўриндан баланд,
Ғариблик мақоми бил ундан баланд.
Егай камбағал кунда бир нон ғамин,
Бирок, шоҳ егай мулку даврон ғамин.
Ғадо топса бир нон агар шомда,
Ўзини ўзи шоҳ дегай Шомда.
Ғаму шодликким бошингга етар,
Ўлим чоғида иккиси ҳам кетар.
Не бўлди, агар бўлса бошида тож,
Не бўлди агар эгса бўйнини бож?
Унинг боши гар кўкка етган эса,
Бунинг жисми зиндонда ётган эса.
Хужум қилса ҳар иккисига ажал,
Таниб бўлмагай иккисин ул маҳал.
Шаҳаншахлигу мулку давлат бало,
Ғадо шоҳ эрур, исми бўлмиш ғадо.

* * *

Эшитган эдим кўчада бир куни,
Бир оқилга дер эрди кимса буни:
«Эдим шоҳу ҳукмим эди хўб зўр,
Бошимда эди тожу кибру ғурур,
Қилиб бахту толе мадад яхшироқ,
Қул остимга зўр бирла тушди Ироқ.
Дилим хирси Кирмонга тушган эди,
Тамаъ куртлари бу бошимни еди».

* * *

Қулоғингни тут, ғафлатингни қочур,
Эшитгил, ўлиқлар насиҳат килур.
Ёмонликка юрмайди яхши киши,
Ўтар яхшилик бирла доим иши.
Ёмон йўлга боргай ёмон ҳар қачон,
Қўпинча ўлур йўлда мисли чаён.

Биров фойдасин кўзламайди агар,
Қаро тош билан тенг эрур ул башар.
Хато сўзладим ман аё яхши ёр,
Қаро тошу темирда ҳам фойда бор.
Ул одам уят бирла ўлса тузук,
Гар ундан қаро тош бўлса тузук.
Ва ҳар кимса йиртқичдан аъло бўлур,
Ёмон кимсадан йиртқич афзал эрур.
Ақлли кишини чин инсон дегил,
Агар қонхўр эрканми – хайвон дегил.
Гар инсон эса, ухласа доимо,
Не фарқи бўлур ваҳшийдан эл аро?
Агар яхшилиқ тухмини экмади,
Мурод хирманидан унга тегмади.
Эшитган эмасман бу ёшга кириб,
– Ёмоннинг жазоси бўлур яхши, – деб.

* * *

Бир аскарбоши чоҳга бўлди асир,
Унинг хайбатидан қочар эрди шер.
У золим эди, қилди эл ҳам итоб,
Амалдан тушиб, бўлди ҳоли хароб.
Сира ухламай нола айлар эди,
Бошига отиб тош, бир одам деди:
Киши додига етган эрдингму сан,
Надеб кўз тутарсан мадад кимсадан?
Зулмнинг уруғин экардинг бутун,
Не хил ҳосил олдинг, ўзинг бок бу кун.
Яранг узра ким энди марҳам қўяр,
Сенга қилмагач туллар оҳи асар.
Қозардинг мудом йўлимиз узра чоҳ,
У чоҳга йиқилдинг ўзинг, тортгил оҳ.
Қозар икки турли киши чоҳ, бил,
Бири элда бадном, бири покдил.
Бирин мақсади халқни сероб этиш,
Бирин мақсади халқни чоҳга тикиш.
Ёмонлик қилиб, яхшилиқ кутмагил,
Тиканзор узум бермагай, яхши бил.

Дилимга сира келмагай бу гумон,
Экиб арпа, буғдой урарсан дебон.
Агар бўлса аччиғданак хар ниҳол,
Ширин бўлмоғи тарбият-ла, маҳол.
Ҳеч унмайди толгул гули хурмода,
На эксанг олурсан шуни дунёда.

* * *

Деди кимса ўз ўғлига бир замон
(Унутма сен оқил сўзин ҳеч қачон):
«Бил, ўғлим, гўдакларга қилма ситам,
Ўзингдан улуғ жабр этар сенга ҳам.
Сен, э беақл бўри, ҳеч билмадинг,
Мени шер ёрар деб хаёл қилмадинг».
Эдим ёшлигимда ажаб зўравон,
Кичикларни ранжитган эрдим чунон.
Едим бир забардаст муштин, чунон,
Кичикка мушт урмасман ундан бўён.

* * *

Биқиб ётма ғафлатда, олиймақом,
Улуғларни кўзига уйку харом.
Мудом эл гамин еки, ожиз улар,
Замон ходисотидан айла ҳазар.
Ўгут беғараз бўлсаю бериё,
Булур аччиғ, аммо маразга даво.

ХИКОЯТ

Хикоят килур кимса бир шохдан,
Қотиб дук каби ришта¹ дарди билан,
Йиқилди чунон, ожиз ўлди жасад,
Ўз одамларига қиларди ҳасад.
Ер ўпди надимию деди шу он:
Жаҳон борича шох бўлсин омон,

¹ *Ришта* – юкумли касалликдир. Илгари Бухорода булар эди.

Бу шахр ичра бор битта кутлугнафас,
Бу хил покдил кам эрур, кўп эмас.
Чақиртирки, дам солса сенга агар,
Фалак авжидан ерга раҳмат ёғар.
Буюрди, югурдилар одамлари,
Муборак қадам чол уйига бори.
Бориб айтдилар, келди ул нотавон,
Тани кўркам, устида эски чапон.
У дам шоҳ деди, кил дуо, менга боқ,
Бу дард игна санчмоқда бошдан оёк.
Бу сўзни эшитганда ул қадди хам,
Чикиб жаҳли шоҳга бақирди шу дам.
Деди: «Фойда бермайди сенга дуо,
Чекар халқ зиндонда сендан жафо.
Сени халқ учун йўк сира шафкатинг,
Қачон сенга роҳат берур давлатинг?
Сени қарғиш урган, мудом қарғар эл,
Дуом бирла дардинг тузалмайди, бил».

ХИКОЯТ

Қизил Арслон қалъаси тоғдек –
Баланд эрди, маҳкам эдию йирик.
Йўк унда сира хавфу мухтожлик,
Йўли тор, буралган келин сочидек.
Бу қалъа ажойиб гўзал боғ аро
Зумуррад табақда тухумдек бино.
Эшитти азиз бир киши мўл юриб,
Шоҳ олдига келди узок йўл юриб.
Жуда кўпни кўрган, ҳақиқатчи хам,
Ҳунарманд, жаҳонгашта қутлугқадам.
Буюк, ишга мохир сўз устаси шул,
Билимдон, ширин нутқи ҳикматли ул.
Деди унга шоҳ: кездинг олам аро,
Бу хил пухта кўрдингму харгиз бино?
Кулиб деди: бу қалъа кўркам эрур,
Валекин деёлмамки маҳкам эрур.

У шохларки сендан бурун утдилар,
Бироз айш этиб қолдириб кетдилар.
Отанг даврини, мулкини эслагил,
Фурур бандидан дилни озод қил.
Улим тикди бир гурга, бермай омон,
Пучак пулча ҳам қўймай ундан нишон.
Ажам мулкида бир қаландарсимон,
Дер эркан: «Аё шох Нуширавон,
Отангга вафо қилганида бу бахт,
Қачон сенга теккай эди тожу тахт.
Сен олтинни Қорунча¹ йиғсанг битар,
Қолур хайринг-у, ўзгасин ер ютар».

* * *

Қилиб бир ҳаким Кайқубодни дуо,
Деди: Ўлма шохо, яша доимо.
Буюк бир киши тўхтатиб шул нафас,
Деди: Оқил одам, маҳол сўз демас.
Фаридуно Заххоку Жам давридан,
Билурсан бу шохлар аро кимни сан?
Биров қолдими, тахти кўрмай завол?
Ярашмас сўзинг, чунки амримахол.
Сира ўлмас орзуси, айт, кимда бор?
Сира ўлмаган борму, бер эътибор.
Бу сўзловчи хушёру доно эди,
«Демас маънисиз сўзни доно, деди».
Демасдим, жаҳон борича ўлмагил,
Етаклар эдим яхшиликка дадил.
Жаҳон ҳукми бир кимсада бўлса гар,
Улуғ дабдаба, аскару молу зар,
Ҳамиша унинг айшидир барқарор.
Агар нотавонларга зўрлик қилур,
Тирикликдаёқ у жазосин кўрур.
Агар этса Фиръавнча бетарк гуноҳ,
Фақат гурга киргунча бўлгуси шох.

¹ Қорун – афсонавий ҳасис бир подшо. Ҳасислиги сабабли уни ер ютган.

Ситамгар киши Ғур¹да зўрлик килиб,
 Бировнинг эшагини олди келиб.
 Юк оғир, унинг устига беқаров,
 Хароб бўдилар бирданига иков.
 Замон наҳсу номардга давлат берур,
 Ғарибларга қайғу-машаккат берур.
 Ситамгар, адоватли шох бир куни
 Чикиб борди овга, эшитдим уни.
 Чопиб кетди ов кетидан от солиб,
 Қўшиндан узоқлашди тунда қолиб.
 Адашди, йўқотди йўлин подшо,
 Кириб борди тун ичра қишлоқ аро.
 Шу қишлоқда турғувчи бир пухта чол,
 Хўп одамшунос эрди ғўёки Зол.
 Дер эрди ўз ўғлига, э Шоддил,
 Шаҳарга эшакни олиб бормагил.
 «У – номардни, яхши бўлгай эди,
 На тахт узра, тобутда кўрсам», – деди.
 У – нафс олдида бир белбоғли кул,
 Унинг зулмидан эл фиғонда нукул.
 Бу юртда киши кўрмас ободлик,
 Сира кўрмади. Кўрмагай шодлик.
 Агар ўлса, ул шуми кўнгли қаро,
 Ёғар анга лаънат жаҳаннам аро.
 Деди ўғли: Йўл оғиру ҳам узок,
 Яёв бормоқ оғир эрур, сол қулоқ.
 Бирор яхши йўл топгил, ўйла ўзинг,
 Баланд мандан ақлингу ўтқир кўзинг.
 Отаси дедиким: Мен айтганни қил,
 Қўлингга олиб катта тош, э ўғил,
 Гуноҳсиз эшакни шу тош бирла ур,
 Бу тош зарбидан эшшак оксоқланур.
 Ситамгар мабодо назар солмагай,

¹Ғур – Афғонистонда бир ўлка номи.

Бу эшшак чўлоқ-ку дебон олмагай.
Ўғил ота сўзин эшитган ҳамон
Қабул этди, килди на деса шу он.
Чунон урди эшакни қобил ўғил,
Бу зарб ила қаттиғ майиб бўлди ул.
Ота ўғлига айтди, энди йул ол,
Эшак юрганича, юриб, боракол.
Ўғил эргашиб кетди карвон билан,
Ҳақорат қиларди бор имкон билан.
Ота кўкка боқди ошиб ҳасрати,
Худоё деди, яхшилар хурмати,
Мени сақлагил, бер ажалдан амон,
Фалак айлагунча уни бенишон.
Уни кўрмасам ўлганин кўз билан,
Мудом тик турарман гўрим ичра ман.
Туғилса тузукдир хотиндан илон,
Туғилгунча деви лаиндек ёмон.
Ит аъло эрур мардумозордан,
Кишиларни қийновчи маккордан.
Бутунликча душманга ўтмай яроқ,
Қўлингда уни сингани яхшироқ.
Бунинг тинглагач, шоҳ отин боғлади,
Тўқум остида, уйқуни чоғлади.
Санаб юлдузу тун бўйи ухламай,
Суриб турли-турли хаёл бирталай,
Эшитти хўрозлар кичкирганини,
Унутди бутун тун азоб чекканини.
Тонг отгунча аскарлар от чопдилар,
Фақат тонгда отин изин топдилар.
Шоҳу отини кўрдилар шул замон,
Қўшинлар яёв чопдилар шоҳ томон.
Қўйиб ерга бош, қилдилар хурматин,
Уриб мавж дарёга ўхшаб қўшин.
Деди, эски бир мухлиси шул замон,
Эди кунда қул, тунда дарвозабон:
Қалай кутдилар сизни кишлоқда эл?
Бутун тунда қолди хавотирда дил.

Бирор сўз ҳам айтолмади шоҳ ҳеч,
Қаро бахтидан не кечирди у кеч.
Яқинроқ келиб бошини қилди ҳам,
Қулоғига айтди пичирлаб шу дам:
Товуқ гўшти қайда? Қасам жон учун,
Эшак қиссаси бўлди ҳаддан узун.
Амир, беглар ўлтирдилар шул замон,
Қилиб базм, ичиб бўлдилар шодмон.
Бирок кайф ошиб, шоҳ ғазабга тўлиб,
Эсига шу дам тунги деҳқон келиб,
Буюрди, топиб боғлашиб келдилар,
Уриб, қакшатиб кўп жафо қилдилар.
Суғурди у бадбахт ўткир қилич,
Қочар йўлни деҳқон билолмасди ҳеч.
Бу охирги умримми деб ўйлади,
На келса тилига уни сўйлади.
Қалам бошига келса ўткир пичоқ
Тили бўлгай ўткир, яна яхшироқ.
Қутулмаслигини билиб ёвидан,
Ўқин борин отди дадиллик билан.
Умидсиз кўтарди бошин, айтди чол –
Ки бўрига қишлоқда ётмоқ маҳол,
Буни ҳамма айтур, аё шоҳ, инон,
Емирсин сенинг давлатингни замон.
Бу номехрибонликки, даврингда бор,
Ситамгарлигингдан эл овора, хор.
Нечун бир ўзимга қилурсан ситам,
Мен олдинда, халқ бирга қўйди кадам.
Дилинг оғриган бўлса мендан ахир,
Қўлингдан келса бу халқни кир.
Сўзим тегса қаттиқ, бироз юмшагил,
Тубин юл ёмонликни, инсоф қил.
Зулмдан кечишдир иложинг сани,
Эмас ўлдириш битта бечорани.
Ситам айласанг, бўлма умидвор,
Тўлур яхши номим билан деб диёр.
Сўзимдан агар оғриган бўлса дил,
Дил оғригувчи ишни сен қилмагил.

Ситамгар ўзи махв ўлиб ҳам кетар,
Бирок лаънат унга ҳамеша етар.
Эшитсанг бу яхши насиҳат эрур,
Эшитмас эсанг, сўнг пушаймон берур.
Келур қандай уйқу кўзингга, қара!
Ўтолмайди зулмингдан эллар сира.
Югурдакларинг мактагай ҳар нафас,
У мақтовга сен ҳеч лойиқ эмас.
На фойда, улар деса минг офарин,
Бу ёқда сени қарғаса тул хотин...
Қилич бошда, сўзлар эди шул қадар,
Қилиб жонни тақдир ўкига сипар,
Кетиб мастлиги, шоҳга келди ақл,
Қулоғига овоз келди, бу хил:
У чолга азоб берма, кутқар, чикор,
Бунӣ сўйганинг бирла минг мунча бор.
Бироз тўхтади, бошини ҳам қилиб,
Гуноҳин шу он кечди раҳми келиб.
Ечиб ўз қўли бирла бандин кейин –
Кучоклаб, севиб ўпди пешонасин.
Бу сўз бўлди олам аро дoston,
Бўлур яхшилар яхшилар-ла равон.
Эшит душманингдан хатонгни бутун,
Кўрингай гўзал ҳар ишинг дўст учун.
Эмас мактаган – дўст, алдамчидир,
Маломатчилар сенга ёрдамчидир.
Ширин бўлса ҳам қанд, касалга зарар,
Даво бўлгай аччиқ, тахир дорилар.
Ширин сўзли улфатларингдан кўра
Хунук юзли танбиҳ берувчи сара.
На ҳожат бу яхши насиҳат, агар –
Сен оқил эсанг, бир ишорат етар.

ХИКОЯТ

Етиб салтанат даври Маъмунга¹ ҳам,
Канизак сотиб олди зебо санам.

¹Маъмун – ислом халифаларидан еттинчиси.

Юзи ою акли расо, гулбадан,
Ажаб шўху ўйноқио хушсухан,
Солар эрди ушшоқ конига чанг,
Қилур эди ўз панжасин лоларанг.
Фирибгар қоши ўсмаланган чунон,
Куёш узра гўёки тири камон.¹
Магар бир тун ул хури нозикбадан,
Якинлашмади ҳеч Маъмун билан.
Ғазаб ўтидан тошди Маъмун таъби,
Деди: Бошини олсам олма каби.
Деди: Қил бошимни танимдан жудо,
Ва лекин якинлашмагил мутлақо.
Деди: Ранжишингга не бўлди сабаб?
Сенга ёкмади қайси иш, қайси гап?

Деди: Ўлдиру энгил эт кулфатим,
Йўқ оғзинг хидига менинг тоқатим.
Зулм тиғи ўлдирса бир йўла, бас,
Бу оғзинг хиди ўлдирур хар нафас.
Бу сўзни эшитгач, улуғ подшоҳ,
Дили ранжиди. Қаттиқ этди нигоҳ.
Агарчи дили оғриди шу маҳал,
Даволаб йўқотди хидини тугал...
Пари чехрани ёру ҳамдам килиб,
Деди дўст экан, айтди айбим билиб.
Йўлинг устида чоҳ козилса агар,
Жаҳолат-ла айбингни дерсан хунар.
Дема қанд ҳам бўлғуси деб даво
Даво бўлгай гар унга сукмуниё²
Дер эди табиб, тўғри сўз очигин:
Даво бўлгай ич. Дорининг аччигин.
Шифо шарбатин истасанг ҳар қачон,
Ол аччиг ўгит шарбатин Саъдийдан.
Ўгит, маърифат элагидан ўтиб,
Тузилмиш, ширинсўз билан қўшилиб.

¹ *Тири камон* – камалак.

² *Сукмуниё* – бир дарахтнинг шираси, жуда аччик, даво учун ишлатилади.

ХИКОЯТ

Эшитдимки, бечора бир зотдан,
Улуғ шоҳнинг кўнгли ранжиб экан.
Демиш балки, шеҳига ҳаққоний гап,
Ўжарлик ўтиб шоҳ қилмиш ғазаб.
Саройдан юбормиш у зиндон аро,
Ҳамиша қилур шоҳ жабру жафо.
Пичирлаб деди дўстларидан бири:
Бу хил сўз эди маслаҳатдан нари.
Унга деди: Ҳақ сўз ибодат эрур,
Камоқ мен учун қиска фурсат эрур.
Чақимчи бу сир сўзни билган ҳамон,
Бориб шоҳ қулоғига айтди шу он.
Кулиб деди, беҳудадир – гумон,
У зиндон аро ўлгуси беамон.
Фарибга бориб айтди бир кул буни,
У дедики шоҳга бориб айт шуни:
Агар қўлласа ҳам дилим шод эмас,
Агар бошим олганда, дил ғам эмас.
Агар ундадир молу мулку қўшун,
Азобу алам гарчи менда бу кун,
Ўлим эшигига етишсак агар,
Ҳар икковни гўр баб-баробар этар.
Элин қилмади сенчалик поймол,
Бурун ҳеч ким йиғмади сенча мол,
Шу хил бўлки олам десин офарин,
Ёмон демасин ўлганингдан кейин.
Ёмонлик билан умр ўтказмагил,
Сенга токи ёғдирмасин лаънат эл.
Ажал ҳар қачонки бошингга келур,
Ишонгилки ерости жойинг бўлур.
Ҳазабланди шоҳу буюрди шу он,
«Суғур деб, тилин унга бермай омон».
Деди ул ҳақиқатчи – доно, асил,
Бу ҳукминг мени кўрқитолмайди, бил.
Бўлиб хору кўрсам жафою ситам,
Агар оқибат яхши бўлса не ғам.

Жуда камбағал эрди бир пахлавон,
 Емокка тополмасди бир парча нон.
 Азоб тортар эрди корин дардидан,
 Кун ўтмас эди пахлавонлик билан.
 Замоннинг ёмон ҳолатиндан мудом,
 Танида алам, ғам, дили худди шом.
 Қиларди фалак дастидан додлар,
 Ғазаб бирла айларди фарёдлар,
 Дили ўксиниб, эл ҳаётин кўриб,
 Ютарди заҳар у секин оҳ уриб.
 Иши келмай ўнгига, йиғлар эди,
 Унинг ҳаммадан ҳоли бадтар эди.
 Кишилар егай дерди гўшту асал,
 Менга кайда нон, тарра йўқ лоакал.
 Бу яхши эмас боккил инсоф-ла сен,
 Мушук кийди пўстин, яланғоч мен.
 Қани, бу замон ўзгарилса эди,
 Қўлимга пулу мол келса эди.
 Тўсатдан оёқ остидан, на бўлур,
 Топилса жавоҳир кўмилган чукур.
 Бадавлат яшардим, замонлар мудом,
 Қутулгай эдим ғам юкидан тамом.

* * *

Гар иш ақлу тадбир билан ҳал бўлур,
 Яраш ёв билан, жангдан афзал эрур.
 Енгиш ёвни зўр бирла бўлса кийин,
 Керак, зар-ла ёпмок уруш эшигин.
 Агар хавф эса сенга ёв зарбидан,
 Тилин боғлагил лутфу эҳсон билан.
 Зарар ўрнида ёвга соч сийму зар,
 Ёв ўткир тишин лутф ўтмас этар.
 Бўлур чалса тадбир нағорасини,
 Қилур ҳийла зўрларнинг чорасини.

Чунон айлагил душманинг хурматин,
Кейин пүстинин шил, топиб фурсатин.
Асир бўлди Рустам, қилиб хийла қор,
Қутулди асирликдан Исфандиёр.
Хушомадчининг макридан қил ҳазар,
Бўлур сел, йиғилса агар томчилар.
Қошинг керма мағрурланиб, урма дам,
Енгиб дўст, агар ёв енгилса ҳам.
Агар дўстдан душманинг кўп эрур,
Лчингай хама дўст, ёв шодланур.
Хужум этма душман зўр эрса агар,
Қиличнинг дамин ушлама, қўл кесар!
Зафар бўлса гар сен томонингда ҳам,
Эмас одамият – кичикка ситам.
Агарчи эсанг қанчалик паҳлавон,
Урушдан яраш яхшидир ҳар қачон.
Кучинг етмаса гар муросо билан,
Раводир кўтарсанг қилич унда сан.
Бўйин товлама, ёв яраш истагач,
Унинг-чун уруш эшиги ёпилур,
Сенинг қудратинг ҳам яна зўр бўлур.
Урушни бурун бошлаган чоқда ёв,
Гуноҳқор ўзи, қир уни беаёв.
Қиларкан адоват, уруш бенбо,
Адоватчига меҳрибонлик хато.
Агар меҳрибон бўлсангу раҳмдил,
Унинг кибри ортиб борар, яхши бил.
Миниб мард йиғитлар-ла учқур бедов,
Қириб ташла тортсин жазосини ёв.
Муроса қиларкан агар ишни хал,
Ғазаб қилма. Ўлдирма. Бўлма дағал.
Агар ёлвориб келса ёв ҳар қачон,
Дилингда олиб ташла кекни шу он.
Омон бер, деса бер омонлик, шу чоқ,
Бирок макридан эҳтиёт яхшироқ.
Бўйин товлама кекса тадбирилан,
Қариларда бор тажриба, фикру фан.

Темир қалъани оғдарур саъй этиб,
Қари фикру ёшлар қилич ишлатиб.
Филу шерни енгса ҳам ёшлар,
Қари тулки достонидан беҳабар.
Қочипи йўлини онгла майдон аро,
Зафар кимда, маълум эмас мутлақо.
Қочаркан агар лашкаринг қайрилиб.
Ўлиб кетмагил тўдадан айрилиб,
Агар четда бўлсанг қочиб қол омон –
Арода эсанг ўзни тут ёвсимон.
Агар ёвдан ортиқ эсанг қанча ҳам,
Тунаб қолма ёв юртида ҳеч дам.
Ҳужум қилса эллик киши тунда гар,
Қоронғуда беш юз кишини қирар.
Қуз оч, тунда гар йўлни тўсмоқчисан,
Ҳужум қилмасин, балки пистирмадан.
Агар ёвгача қолса бир кунли йўл,
Тикиб чодир, ул жойда ҳушёр бўл.
Ҳужум қилса сендан бурун ема ғам,
Бошин янч Афросиёб¹ бўлса ҳам.
Улар бирдан от қўйса бил, ул замон,
Кетибдир кучу қуввати бегумон.
Толиқмиш, у лашкарни қир бемалол.
Қилибдир ўзини ўзи поймол.
Қочиб кетса ёв, бир ўзинг қувмагил,
Узоклашма дўстдан, буни яхши бил.
Агар босса майдонни чангу тўзон,
Қурол бирла қуршаб олур ногаҳон.
Узок кетмасин ўлжа излаб қўшин,
Бўлур хавфли ушбу иш шох учун.
Агар паҳлавон, кўрсатур журъатин,
Оширмоқ керак кадру ҳам қийматин.
Қилур жон фидо шохига ҳар маҳал,
Келиб қолса ҳар қанча жангу жадал.
Ҳамеша баҳодирларинг шод қил,
Фақат жанг вақтида деб билмагил.

¹Афросиёб – Турондаги машҳур шохлардан.

Омонликда аскарни қил шодмон,
Уруш бўлса ишга ярар бегумон.
Элинг сақлагайсан-ку аскар билан,
Бу аскарни тут шафқату зар билан.
Топар душманин энгибон шоҳ зафар,
Унинг лашкари тўқу хурсанд агар.
Агар бўлмаса интизому вафо,
Урушда қачон айлагай жон фидо.
Сипоҳийки ўз хунабҳосин егай,
Эмас мард, агар жангда иш бермагай.
Берилмас экан зар қўшинга агар,
Қилич ушламай, жангни ташлаб кетар.
Уруш чоғида мардлик этмас аён
Агар бўлса бечорау нотавон.

* * *

Ёв устига мардона эрни юбор,
Билиб шер жангига шерни юбор.
Қариларни раъйича иш тут мудом,
Қари бўри овчан эрур, вассалом.
Қиличбоз йигитлардан кўркма асло,
Қари макридан кил ибо доимо.
Жаҳонгашта эр, марду окил бўлур,
Кўп иссик-совуқларни кўрган эрур.
Сира бахтли ёшлар ғурур этмагай,
Қарилар сўзидан узоқ кетмагай.
Гар обод бўлсин десанг юрту эл,
Улуғ ишни ҳар кимга топширмагил.
Уруш кўрган эр бўлмаса рахбари,
Қўшинни юборма сира илгари.
Кичикларга топширмагил катта иш,
Эзолмайди сандонни¹ мушт ёки тиш.
Қўмондонлигу халқпарвар бўлиш
Ўйинчоғу энгил эмас, офир иш.
Десангким, хароб бўлмасин бу жаҳон,
Синовсизга топширма иш ҳеч қачон.

¹ Сандон – темирчилар кундаси.

Чопар овчи ит шерга пайти билан,
Уруш кўрмаган шер қочар тулкидан.
Ўғил эркаликда ўсаркан агар,
Уруш келса бошига, қўрқар, писар.
Урушмоқ, қилич урмоқ, ов овламоқ,
Баходир қилиб ўстирур яхшироқ.
Йигит ўсса ҳаммому ишрат аро,
Уруш чоғида қўрқадир мутлако.
Агар икки турли киши от минар,
Иковини бир ёш бола ағдарар:
Қочар битгаси ёвни кўрган замон,
Ёв қочганлари ўлдирад шу он.
Бири занчалиш, беюрак, бедахан,
Хунаса тузукдир бу хил жангчидан.
Урушга агар жангчи орқа берур,
Ўзин ҳам, жасурларни ҳам ўлдирур.

* * *

Икки кимсани сақла, шоҳи жаҳон!
Бири окилу ул бири пахлавон.
Топар қатта шоҳларни енгиб зафар,
Бу иккини ўстирса ҳар шоҳ агар.
Киши гар туголмас қилич ё қалам,
Ўлиб кетганида еманг унга ғам.
Эмас мардлик – ёв босар чоғида
Қилиб базм ётсанг нишот боғида.
Ўйин, кулгига банд эса шоҳлар,
Бу ишрат-ла давлат қўлидан кетар.

* * *

Демасман ғаним жангидан ваҳм қил,
Омонликда ҳам сен ибo айлагил.
Кўпинча ёвинг кундузи дўстлашар,
Баногоҳ тун чоғи босиб келар.
Либосин ечиб жангчи чодирда кеч,
Биқиб ётмасин, у заифларча ҳеч.

Керак жангга тайёрланиш ёширун,
Босиб келгуси, балки, ёв кечкурун.
Булур эхтиёт марднинг иш билгани,
Қоровул – қушиннинг темир қурғони.

* * *

Туриш беғам икки заиф ёв аро –
Эмас мардлик, ушбу ишдир хато.
Агар тил бириктирсалар ҳар иков,
Булурлар жасоратли бир катта ёв.
Бирин макру найранг-ла овора қил,
Бирин янчибон, майли юз пора қил.
Агар сенга душман ўжарлик қилур,
Фириб тиғи-ла бошин олсанг булур.
Низоъ тушса ёв лашкарига, дам ол,
Қиличингни арту филофига сол.
Ёвинг душмани бирла дўстлик зарур,
Ўшанда жаҳон унга зиндон булур.
Ғажир бўрилар бир-бирини агар,
Шу фурсат аро қўйлар ором олар.
Агар икки ёв ичра тушса нифок,
Яша дўст билан хурраму иттифок.
Қилич қўлдаю жангда булганда ҳам,
Унутма яраш йўлини ҳеч дам.
Билимли, ҳунарманд баҳодир эли,
Қилур зоҳиран жанг, ярашда дили.
Дилин ёширин овласанг, мардлар
Оёғинг уза балки бошин қўяр.
Асир тушса лашкарбоши жанг аро,
Шошилма унинг қатлига мутлақо.
Унинг қўлига ҳам тушиб, эхтимол.
Бирор паҳлавонинг булур поймол.
Бу бечора бағрини этганда чок,
У ҳам паҳлавонингни этгай ҳалок.
Замон банд этар деб у ҳеч қўркмагай,
У қўркмай асирларга зулм айлагай.
Бошидан кечирган киши хўб билур,

У хам банди бўлганга шафқат қилур.
Бирор бек бўйинсунса сенга агар,
Уни кўлласанг, бошқаси ҳам сунар.
Дилин овласанг ўн кишини агар,
Бўлур юз хужумдан кура муътабар.

* * *

Агар ёв қариндоши дўстлик қилур,
Унинг макридан эҳтиёт эрур зарур
Ўч олмоқчи сендан, дилида алам,
Қариндошининг меҳри-ла дам-бадам.
Ширинсуз ғара зғўйдан этгил ҳазар,
Бўлур, эҳтимол, ул асалда захар.
Агар ҳар киши дўстни душман билур,
У ўз ёвидан оқибат енгилур.

* * *

Ўз шоҳига сипоҳ қарши чиқса агар,
Бундай сипоҳни олма, мумкин қадар.
Ўзин бошлиғин кадрили билмаган,
Сени ҳам омон қўймагай макридан.
Инонма, қасам бирла аҳд этса ҳам,
Назоратчи қўй, ёширин дам-бадам.
Узоқ ташла арқонни, у янгидир,
Бўшатма, қочар, топмагайсан ахир.

* * *

Уруш бирла олсанг бирор мамлакат,
У юртни асирларга топшир фақат.
Агар банди ичмоқчи бўлганда қон,
Ситамгарни қонин сўрар беамон.
Бир иқлимни гар ёвдан олсанг келиб,
Яшат халқин, ундан фаровон қилиб.
Уруш бошласа ёв агар қайтадан,
Уриб янчар эл бирлашиб сен билан.
Шаҳар халқига жабр этарсан агар,
Ёвингга эшик ёлма, бекор кетар.
Шаҳар халқи ҳам сенга бўлгач фаним,
Дема ташқарида эрур душманним.

Ёмон ёв учун жангда тадбир кил,
 Яшир, ниятингни яраш айлагил.
 Кишиларга билдирмагил ниятинг,
 Купинча бўлур гаптошар улфатинг.
 Урушганда Искандар ул шарқ билан,
 Эшик қўйди чодирга бил ғарбдан.
 Бериб чапдан овоза, ўнгдан келиб,
 Босиб олди Зобулни¹ Баҳман² келиб
 Сирингни билиб қолса сендан бўлак,
 У фикру у йўлдан кечишлик керак.
 Жаҳонни мусаххар килурман десанг,
 Халойиққа шафқат килу қилма жанг.
 Агар лутфу шафқат-ла иш бўлса хал,
 Ёмонлик керак бўлмагай ҳеч маҳал.
 Агар хохламассан дилинг оғришин,
 Дили оғриганларни соз эт ишин.
 Кучинг душманингдан агар кам эрур,
 Ғариблар дуосини олмок зарур.
 Нечунким улар охидир муътабар,
 Баҳодирларингдан қўра иш берар.

ИККИНЧИ БОБ

ЭҲСОН ҲАҚИДА

Эриш маънога, бўлса аклинг агар,
 Нечунким маъно қолар, сурат кетар.
 Ўлик тинч ётар гўрида муттасил,
 Агар тинч ётиб ухласа ундан эл.
 Тирикликда ғам е, сен ўлган кунок,
 Ўғил, қизда мерос бўлур иштиёк.

Бугун бойлигинг элга бергил, есин,
 Сеники эмас ўлганингдан кейин.

¹ *Зобулистон* – Афғонистондаги бир вилоят.

² *Баҳман* – қадим Эрон шохларидан.

Дилинг ранжишин хохламассан агар,
Олибтур дили парчалардан хабар.
Ўзинг соч хазинангни элга шу чок,
Калиди қўлингдан тушар эртаёк.
Менинг тирногимдан бўлак ҳеч қачон,
Ким орқамни қашлар, бўлиб меҳрибон?
Уйингдан ғариб кетмасин бенасиб,
Мабодо бўларсан ўзинг ҳам ғариб.
Етукларки муҳтож ғамини егай,
Мабодоки муҳтож бўлсам дегай.
Яланғочу очлар дилин шод қил.
Ўзинг оч қолиш кунларинг ёд қил.
Тиланмаслигинг шукрин эт доимо,
Қурук қўйма эшикка келса гадо...

* * *

Етимлар бошига мудом соя сол,
Арит гарду чангин, тикан кирса ол.
Етим турса олдингда маъюсдил,
Ўз ўғлингни ҳатто ўпиб суймагил.
Етим йиғласа, ким юпатгай уни?
Хафа бўлса, ким эркалатар уни?
Арит раҳм этиб оқса кўз ёшини,
Юзин чангин арту сила кўз ёшини.
Агар унда йўқдир қариндош-таниш,
Ўзинг парвариш қил, ўзинг парвариш.
У дамки бошимда отам бор эди,
Бошим узра тожим, на ғам бор эди.
Юзимга бирор пашша қўнса агар,
Қўну қўшну ҳам ранжигай эрдилар.
Гар энди асир этса душман мени,
Мадад қилгали менга бир дўст қани?
Гўдаклар ғами менга буткул аён,
Бошимдан кечирдим гўдаклик замон.
Фурурланма хайр айласанг бир нима,
Бўлақлар гадо, мен улуғман дема.
Қўлингдан агар келса ишла мудом,
Ки меҳнатчини эл қилур эҳтиром.

ХИКОЯТ

Деди бир акликка бир хийлакор:
Чукур лойга ботдим, кетибдир мадор.
Бир аблахдан олган эдим ўн дирам,
Юрак ичрадир неча ботмон бу ғам.
Туним доимо қайғу бирла ўтар,
У соям каби кундузи эргашар.
Кўнгил ранжитур ҳар гапи замон,
Юракни тешар сўзи ханжарсимон.
Худо унга бермади гўё кўмак,
Бутун умрида ўн дирамдан бўлак.
Кун ўтказмайин доимо ҳар саҳар,
Келиб беибо эшигимни қоқар.
Сурарман хаёл қайси ҳимматли эр
Дегайки: «Мана, олу қарзингга бер».
Бу сўзни эшитгач, у нуроний чол,
Бриб икки тилло деди, олақол.
У ёлғончи, пулни кўлига олиб,
Бадар кетди зардек юзи очилиб.
Биров чолга дедики билгил уни,
Киши йиғламайди у ўлган куни.
Эгарлаб минар шерни ҳам ул гадо,
Абузайдни ҳам мот этар мутлақо.
У дам обид аччиғланиб деди: Бас!
Бу ишнинг сири сенга маълум эмас.
Агар тўғри бўлса уни ёкладим,
Элу юрт аро ҳурматин сақладим.
Агар сўзи ёлғон, хийла эрур,
Ўзинг ўйла, охир пушаймон бўлур.
Мен ўз ҳурматим сақладим зар билан,
У ёлғончию хийлагар макридан.
Қил эҳсон ёмон бирла яхшига ҳам,
Ҳам эҳсон бўлур, ҳам бўлур дафъи ғам.
Агар ақлу хуш бўлса фикрин юрит,
Эшит Саъдий сўзин, кулофингда тут.
Кўпинча шу ҳақда сўзи баркамол,
Эмас кўзу кош таърифи ёки хол.

ХИКОЯТ

Биров қолдириб юз минг олтин сабил,
Вафот этдию қолди яхши ўғил.
Бахиллар каби соқламай пулни ул,
Сахийлар каби қилди эҳсон нукул.
Узулмас эди эшигидан гадо,
Саройида меҳмон тўла доимо.
У шод этмаган, балки, дил қолмади,
У пулга отадек қулф солмади.
Деди бир маломатчи, э соддадил,
Пулинг ҳаммасини тамом этмагил,
Керак хирмон этмоқ учун ёзу қиш,
Эмас мардлик лахзада ўт қўйиш.
Зару нози неъмат эмас пойдор,
Эшитмабмудинг ким бу хил кисса бор:

МАСАЛ

Қизига деди яхши дехқон аёл,
Туқинликда очликни қилгил хаёл.
Идишларни сув бирла тўлғаз тамом,
Ариқдан оқиб турмагай сув мудом.
Бутун давлатинг дўст учун сочмагил,
Зарар бергувчи ёвдан андеша қил.
Қуруқ қўл қилолмайди мушкулни хал,
Узун қўл ўяр дев қўзин ҳар маҳал.
Бору йўқни сарф этганингдан кейин,
Топилмас керак вақтида бир тийин.
Гадолар-ку тўймайди хайринг билан,
Ўзинг оч қолурсанми деб қўрқаман.

ХИКОЯТ

Баланд эрди бир марднинг ҳиммати,
Валекин етушмас эди давлати.

Нечун давлати борда йўқ химмати,
Нечун химмати борда йўқ давлати?!
Даромаддан эҳсони кўпроқ эди,
Шунинг-чун унинг чўнтаги қок эди
Унга хат ёзиб деди бир камбағал,
Эшит, э саодатли, бахти гўзал,
Бироз зар бериб хожатим қил раво,
Замонлар ётурман бу зиндон аро,
Кўзи илмас эрди жаҳон нарсасин,
Валекин йўқ эрди қўлида тийин.
Унинг ёвлари олдига, покдил,
Бориб айди: Эй яхшилар, мен кафил,
Қўлингизни тортинг у бечорадан,
Кафилман агар қочса бу орадан.
Кириб сўнгра зиндонга, тур, қоч деди,
Оёқ бўлса сенда, югур, қоч деди.
Қафасни очилган кўриб қуш мисол,
Чиқиб кетди ҳеч тўхтамасдан шу ҳол.
Шамолдек учиб сайр этарди чунон,
Етолмасди гардига ел ҳеч қачон.
Унинг ўрнига ушладилар буни,
Дедиларки «зар бер ва ё топ уни.
Учиб кетса қуш, қайта келмайди у,
У қочдию зиндон аро қолди бу.
Эшитгим қамокда эди ою йил,
На йиғларди, на шиква айларди, бил.
Ётар эрди кулфат чекиб кўп замон.
Ўтиб қолди бир покдил шу томон.
Деди ўйламасманки сен ўғрисан,
Ётурсан нега бунда гар тўғрисан?
Деди: Эй муборакнафас, меҳрибон,
Биров молини емадим ҳеч қачон.
Ётарди шу зиндонда бир нотавон,
Чиқордим, унинг ўрнин этдим макон.
Бу мардоналикдан эмас-ку, ахир,
Мен озод юриб, ўзга бўлса асир».
Вафот этди охир олиб яхши ном,

Уни ўлди дема, тирикдир мудом.
Тирикдил ўлик ётса тупрокда ҳам,
Ўликдил тирикдан кўра мухтарам.
Агар яхши ўлса дили ўлмагай,
Ёмон ўлса ҳам ҳеч зарар бўлмагай.

* * *

Узокни кўрувчи киши мутлако,
Ҳаётида кек сақламас дил аро.
Кўрар ул киши хирмонидан зарар.
Бошокчини қаҳр ила қувлар агар.
Агар ўлса бир золими нобакор,
Шу чоқда эзилган бўлур бахтиёр.
Ғариблар дилин эзмагил жабр этиб,
Мабодо бўлурсан ўзинг ҳам ғариб.

ҲИКОЯТ

Буюк мардлардан бирининг ишин
Агар мард бўлсанг, эшит, сўзлайин.
Дўкондан олиб Шиблий¹ бир халта дон,
Кўтарганча кишлокқа етди шу он.
Чумолини кўрдик сарсон бўлиб,
Юрар дони ичра паришон бўлиб.
Бутун тунда уйкуси келмас эди,
Олиб келди ўз жойига сўнг деди:
Мурувватдан эрмас чумолини, ман –
Айирсам, жудо қилсам ўз жойидан.
Эзилган кишилар дилин шод қил,
Ўшанда дилинг шод бўлур муттасил.
Эшит пок Фирдавсийдан сен буни,
(Худо ёрлақаб раҳмат этсин уни).
Чумолини ранжитма асло дилин,
У ҳам жонлидир, ҳаммага жон – ширин.
Босиб эзма ожизни, э паҳлавон,
Ўзинг ҳам бўлурсан бироқ нотавон.

¹ Шиблий – Шайх Шиблий, тасаввуф алломаси.

Ёмон холга тушганни шод эт дилин,
Унутма ёмон кун келиб қолмасин.
Қара шамъ парвонага ўт қўйиб,
Ўзи ҳам эл олдида битди куйиб.
Биров, балки, сендан кўра нотавон,
Биров балки, сендан кўра паҳлавон,
Керак, эй ўфил, ваҳши овига зўр,
Кўнгил овламоқликка эҳсон зарур.
Қилиб яхшилик, боғла ё бўйнидан,
Кесилмас бу занжир сира тиф билан.
Ёмонга ёмонлик қилур дўсти ҳам,
Экиб арпа ким қилди бугдой фарам.
Солурсан агар дўстга ранжу алам,
У келмайди. Бокмайди рангингга ҳам.
Агар ёвга ким шафқатин кўрсатар,
У ҳам охири балки, дўсти бўлар.

ҲИКОЯТ

Келарди йўл устида бир навқирон,
Унга эргашар эрди бир қўй равон.
Дедим: Бўйнидан боғламишсан буни,
Пишиқ чилвир эргаштирибдир уни.
Олиб бошбоғни бўйнидан ул замон,
Югурди ўзи ҳар тараф, ҳар томон.
Чопар эрди қўй қолмай ундан узок,
Қўлидан еган эрди думбул бошок.
Келишди улар ўйнашиб қанча дам,
Йигит деди: «Э пухта – доно хўжам,
Етакловчи чилвир эмас, э жаноб,
Бунинг бўйнида шафқатимдир таноб.
Кўриб ваҳши фил филбон эҳсонини,
Итоат қилиб олди фармонини.
Ёмонларга ҳам меҳрибон бўл мудом,
Тузинг оқлагай, итга берсанг таом».

ҲИКОЯТ

Қўриб қолди шал тулкини бир киши.
Дедиким қизикдир Худонинг иши.
Бу аҳволда қандай тириклик қилур,
Не ушлаб егай қўл, оёксиз эрур.
У одам турар эрди хайрат билан,
Чиқиб қолди бир шер шағол ушлаган.
Тўйиб едию қолганин ташлади,
У сарқитни тулки ея бошлади.
Тўйиб шердек, қолганин хайр қил,
Ема тулкидек сарқит, э соддадил.
Киши шер каби бўлса ҳам паҳлавон,
Агар тулкилик килса, итдан ёмон.
Ҳалол топгилу ёру дўст-ла егил,
Бировларнинг ҳеч сарқитин кутмагил.
Ҳалол ишла, мардларча айшингни сур,
Ўзи ишламай еса номард эрур.
Қариларни сен қўлла, э навқирон,
Ётиб олма сен, қўлла деб ҳар қачон.
Ақли кишида бўлур ҳиммати,
Ҳасисларда йўқ ақлию фикрати.

ҲИКОЯТ

Эшитдимки, бир марди покизадил,
Юрарди Рум атрофида муттасил.
Жаҳонгашталар-ла эдим ҳамсафар,
Зиёрат қилурмиз уни, дедилар.
Ўпиб юз-қўлин ҳар кишини у дам,
Қилиб ҳурмат ўтқизди – ўлтирди ҳам.
Бадавлат экан, бор экан унда бахт,
Валекин ўзи мевасиз бир дарахт.
Юзи иссиғу сўзда ҳўб меҳрибон,
Валекин ўчоғ музда, сувда қозон.
У уйғоқ бутун тунда тоат билан,
Биз уйғоқ, қорин оч қаноат билан.

Тонг отгач, эшик очди бел боғлабон,
Ўшал кечагидек ширин, меҳрибон.
Бор эрди ширин бир йигит шўхчан,
Мусофир шу манзилда у биз билан.
Деди бўса ҳарфин тузат, сўнгра бер,
Гадо бўсадан тўшани¹ яхши дер.
Қилиб эҳтиром кавшим артиш надур,
Бериб менга нон, майли, кавш ила ур,
Топар мардлар эҳсон билан кўп зафар,
Эмаслар улар сен каби беҳабар.
Кўрибман мўғул посбонин шу хил:
Бутун тунда уйғок ўзи мурдадил.
Каромат сахийлик-ла мардлик эрур,
Курук сўз ичи бўш нағора бўлур.

ХИКОЯТ

Эшитдимки, Ҳотамда бир тим-қаро
Оти бор экан учкуру бебаҳо.
Момагулдиракдек экан кишнаши,
Чақиндан ўзар унга минган киши.
Чопар тоғу сахрога у тер сочиб,
Булут дердинг ўтганда оғзин очиб.
У селдек борар чўлда борган сайин,
Қолур чанг каби ел ҳам ундан кейин.
Шаҳарларда Ҳотамни эл макташар,
Унинг мадҳи султони Румга етар.
Сахийликда ҳеч тенги йўқ дердилар,
Учар отини макташар эрдилар.
Оти, кема дарёда, чўл ичра сел,
У учганда шунқор учолмас дадил.
Деди шунда доно вазирига шох
Уятдир, адоват қилиш бегуноҳ,
Тилай зотли тулпорини бир сафар,
Мурувват-ла топширса Ҳотам агар,

¹ Бўса ҳарфини арабча ёзишда бироз ислоҳ билан «тўша» деб ўқиш мумкин, *тўша* – йўл озукаси, емак.

Билурман сахидир, агар рад килур –
Довул бонгидек шуҳрати пуч эрур.
Илмли бир оқилни Тайга¹ шу он,
Қўшиб ўн киши бирла қилди равон,
Булут ёш тўкарди ер ўлгансимон,
Шамол қайтадан келтирар эрди жон.
Юриб етди Ҳотам уйига алар,
Дегил сувга етди юриб ташналар.
Сўйиб оту қанду шакар тўкди у,
Этаклаб тўла нуқра зар тўкди у.
Тунаб ул кеча эртаси эрталаб,
Улар этдилар отни ундан талаб.
Паришонлик ўртарди Ҳотам дилин,
У ҳасрат тиши бирла тишлаб қўлин,
Дер эрди: Аё оқили зуфунун,
Бурунроқ менга айтмадинг не учун.
Мен ул учқур отимни сўйган эдим,
Пиширган эдим, сизга қўйган эдим.
Кеча ўлди-ку шунча бўрон-шамол,
Бориш қўрага бўлди амри маҳол.
Қўлимда йўқ эрди шу отдан бўлак,
Шуни ноилож кеча этдим газак.
Менимча, мурувват эмасди шу он,
Қараб турсаму ётса оч меҳмон.
Сахийлик-ла дунёда қолсин отим,
Агар кетса ҳам майли бундай отим.
Жўнатди бериб молу зар шул нафас,
Табиий эрур хулқу, касбий эмас.
Етиб Румга Тай мардидан хушхабар,
Деди шоҳ: «Яша, офарин, топ зафар».
Шу бирлан тугал дема Ҳотам ишин,
Эшит яхшироқ қиссасин айтайин.

¹ Тай – қабила исми.

ХИКОЯТ

Ҳотам туғрисида иккинчи ҳикоят
Унутдим, эшитган эдим кимсадан.
Яман шаҳрида кайсидир шоҳ бор экан.
Жаҳон шоҳларидан экан ғолиб ул,
Сахийлик мақомида оламшумул.
Десанг, бугай эҳсон булути уни,
Сочаркан у ёмғирча зар ҳар куни.
Биров тилга олганда Ҳотам отин,
Унинг рашки айлантирарди бошин.
Дер эрдик «на тахту на тожи бор,
Нечун унда бор бунчалик эътибор».
Эшитдимки шохона базм этди соз,
Йиғиб халқни айлади сарфароз.
Биров очса сўз Ҳотам эҳсонидан,
Бири офарин дерди шоҳ бировга шу он,
Олиб кел унинг бошини беомон.
Замонамда Ҳотам тирик бор экан
Танилмайман элда сахийлик билан.
Жунаб кетди жаллод Банитай¹ томон,
У Ҳотамни ўлдиргали беомон.
Йўлиқди йўл устида бир навқирон,
Эди ҳиммати чеҳрасидан аён.
Ширин сўзли, доно йигит дафъатан
Олиб кетди меҳмонни таклиф илан.
Уни қилди хўб иззату эҳтиром,
Фаразлик дилин лутф этиб қилди ром.
Оёғу қўлин ўпди эртан туриб,
Беш-ўн кун деди, кетма, ўйна юриб.
У меҳмон деди ҳеч мумкин эмас,
Кутар бир муҳим иш мени ҳар нафас.
Деди Ҳотам: «Айтгил ишингни, билай,
Бўлиб ҳамдаминг сенга ёрдам қилай».
Деди кел қулоғингни тутгил, эшит,
Билурманки сир соклагай мард йигит.

¹ Банитай – тай қабиласи.

Танийсанми Ҳотам деган бор экан,
Бу юрт ичра доною хушёр экан.
Яман шоҳига боши даркор эмиш,
Билолмамки кандай гуноҳ айламиш?
Маконин агар кўрсатарсан бу кун,
Сенинг дўстлигинг шул бўлур мен учун.
Кулиб у йигит айтди Ҳотам ўзим,
Мана кес бошим, чин эрур бу сўзим.
Агар тонг отиб қолса бўлгай ёмон,
Муродга етолмай кўрарсан зиён.
Бошин тутди Ҳотам сахийлик билан,
Йигит жони қийналди бу қиссадан.
Ўзин ерга ташлаб минг ўргилди у,
Ўпиб қўл-оёғини термилди у.
Отиб ерга шамширини шул замон,
Қўлин кўксига қўйди айлаб фиғон.
Деди: Хоҳласам сенга зарра зарар,
Бўлай мардлар олдида бир муштипар.
Қучоқлаб ўпиб иккала кўзидан,
Яманга жўнаб кетди тезлик билан.
Юзига боқиб англади подшо,
Ки ҳеч иш қилолмабди у мутлако.
Деди нега бошин кесиб келмадинг?
Нега қонжиғангга осиб келмадинг?
Ҳужум айладими бирор номдор,
Кучинг етмадиму, на сир бунда бор?
Ўпиб ерни мард довюрақ ушбу дам,
Дуо қилди шоҳни, тутиб бошини хам.
Деди мен уни кўрдим – одам экан,
Бутун яхшилик бирла Ҳотам экан.
Кўриб ҳиммату ақлин этдим писанд,
Экан мардликда у мендан баланд.
Эгилдим унинг ҳиммату лутфидан,
Бошим кесди эҳсон қиличи билан.
Баён этди у ҳамма кўрганларин,
Деди шоҳ Тай авлодига офарин.

ҲИКОЯТ

Биров эшаги лойга ботган эди,
Бу ишдан дили қонга ботган эди.
Ёғар эрди ёмғир, эди чўл совук,
Бутун ер юзида қаронғу қуюк.
Тонг отгунча аҳволи офир эди,
Сукунди, тилига не келса, деди.
Сўкар эрди шоҳу гадоларни ҳам,
Бутун душману ошноларни ҳам.
Келиб қолди шу лаҳзада подшо,
Бироқ сезмади у киши мутлақо.
Эшитгач унинг кўп ҳақоратларин,
Бирор сўз дейиш шоҳга бўлди қийин.
Уялдию боқди сипоҳлар томон,
Деди: Нега сўккай мени кўп ёмон?
Бири айди: «Э, шоҳ бошин кес шу дам,
Бу дард ўтмасин то булақларга ҳам».
Назар солди шоҳ унга ушбу маҳал,
Эшак лойда, кулфатдадир камбағал.
Шу дамда ғарибнинг гуноҳин ўтиб,
Унутди ҳақоратни жаҳлин ютиб.
Зару оту тўн берди ушбу маҳал,
Қасос вақтида меҳр қандай гўзал.
Бироқ деди, э беақл содда чол,
Тирик қолмоғинг эрди амри маҳол.
Деди шиква менга мувофиқ эди,
Шу қилган иши шоҳга лойиқ эди.
Ёмонликка осон ёмонлик қилиш,
Ёмонлик учун яхшилик офир иш.

ҲИКОЯТ

Биров сарф этишга ботинмас эди,
Пули кўпу ҳеч кўзи қиймас эди.
Емас эрди оч юрса ҳам туну кун,
На бергай эди хайру эҳсон учун.

Ўзи – зар асири кеча-кундузи,
Кишан солган олтинга ҳам шул ўзи.
Билиб олди ўз ўғли пойлаб секин,
У нокас кўп олтинларин кўмганин.
Эшитдим зар ўрнига тош беркитиб,
Совурмиш бутун зарни барбод этиб.
Сахий мардда у зар тура олмади,
Сал ўтмай қўлида сира қолмади.
Ўзини бўғарди ота дод этиб,
Ўғил базм этарди дилин шод этиб.
Ота ухламай, тунда йиғлар эди,
Ўғил эрталаб кулди, унга деди:
Ота! Зарни йиғманг-у, енг дейдилар,
Зару тошни кўмганда тенг дейдилар,
Қазиб конлар олтин олулар, нечун:
Маишат учун, хайру эҳсон учун,
Хасис илгида бўлса олтин, агар,
Ҳали ҳам у – тош бағри ичра ётар,
Ўғил-қиз билан емасанг зар туриб,
Сира нолима қарғача ох уриб.
Бахил бойда ҳар қанча ҳам бўлса зар,
Илондек бу ганж узра босиб ётар.
Зар устида титрар бахил,
Шунинг-чун турар олтини қанча йил.
Ажал тоши-ла янчадирлар уни,
Зарин таксим этгайлар ўлган куни.
Чумолига ўхшаб ташиб, е букун,
Сени гўрда қуртлар емасдан бурун.
Насиҳат эрур Саъдийнинг сўзлари,
Амал айласанг фойда бергай бари.
Буни билмаганлар пушаймон бўлур,
Эшитганни ризки фаровон бўлур.

ҲИКОЯТ

Қилиб битта дарвишга эҳсон йигит,
Чиқарган эди ҳожатини, эшит.
Қилиб қўйдими, билмадим, бир гуноҳ,

Буюрди осинг деб уни подшоҳ.
Сипоҳлар тўла халқ йиғилган бутун,
Куча-қўйда, томда томоша учун.
Бу ғавғода кўрди у кекса ғариб,
Йигит туткину ўлим унга насиб.
Дили куйди у мард йигитга шу дам,
Дилин овлаган эрди қай кун у ҳам.
Чунон йиғлади яхши шоҳ ўлди, деб,
Кетиб яхши, олам етим бўлди, деб.
Урарди ўзин доду фарёд этиб,
Шошиб қолди жаллод буни эшитиб.
Сипоҳлар килиб оху вою фиғон,
Юзу кўзларини юлиб шу замон,
Яёв шоҳ саройигача чопдилар,
Бирок шоҳни тахтда тирик топдилар.
Йигит қочди, аммо ғарибни шу он
Тутиб бордилар боғлашиб шоҳ томон.
Деди унга шоҳ дўғу хайбат билан,
Мени ўлмоғим хоҳладинг нега сан?
Кириб сўзга ботир ғариб шу замон,
Деди: Эйки ҳукмингдадир бу жаҳон.
Тириксан-ку, шоҳ ўлди деган билан,
Валекин омон қолди бир жону тан.
Бу сўзни эшитмоқ-ла шоҳ бўлди шод,
Унга лутфу эҳсонни қилди зиёд.
Йигит бир томонга қочарди шу дам,
Йиқилган, сурилганча ташлаб қадам.
Биров айтдики бу ўлим ҳукмидан,
Қутулдинг-у, қолдинг на ҳикмат билан?
Қулоғига деди, аё меҳрибон –
Мен эҳсон-ла топдим ўлимдан омон.
Биров ерга сочгай уруғ, бил шуни,
Берар унга ҳосиллар очлик куни.

* * *

Дедик яхшидир хайру лутфу карам,
Валекин қилаберма ҳар кимга ҳам.
Ситамгарни қил молу жондан жудо,

Ёмон қуш қанотини юл беибо.
Зарарли тиканни юл, э бахтиёр,
Дарахт экки, бўлсин ширин мевадор.
Улуғ тут шу одамниким ҳар қачон,
У бўлсин кичикларга хўб меҳрубон.
Ситамгарга шафқат қилурсан агар,
Шу ҳам эл учун зулму – бергай зарар.
Жаҳон куйдирувчи, куйиб кетса, бок,
Жаҳон куйганидан кўра яхшироқ.
Агар ўғрига кимки шафқат этар,
Ўзи ўғри бўлгай, ўзи йўлтўсар.
Ситам қилгувчиларни елга совур,
Ситамгарга қилмоқ ситам – адл эрур.

ҲИКОЯТ

Эшитдим: бировнинг уйига кириб,
Ари ин солибди халоқит бериб.
Ота дер қизигаки «Болта келтир,
Арининг уйин бузмоғимдир зарур».
Деди хотини: бузмагил мутлако,
Бу мискинни қилма ватандан жудо.
Чиқиб кетди эр шунда бузмай уни,
Хотинни ари чакди хўб, бир куни.
У нодон хотин чиқди фарёд уриб,
Шу дам деди эри бу холин кўриб:
Не фарёд этарсан? Фамин еб эдинг,
Бу мискин уйин бузмагил, деб эдинг.
Ёмонларга ким айласа яхшилик,
Ошиб боргай унда ёмонроқ килик.
Агар ҳар киши мардумозор эрур,
Унинг бошини кесмоғингдир зарур.
Билинг, найшакардан азизроқ эмиш,
Уруш пайтида найза бўлган камиш.
Бу ҳикматли сўзни деб эрди биров:
«Оғир юкни бос, бўлса отинг асов».
Мушук сақлама, чунки каптарни ер,
Агар сақласанг бўри, Юсуфни бер.

Эмас хар киши молу иззатга боб,
Бировга кил эхсон, бировга азоб.
Агар бўлмаса қайси уйда таянч,
Баландлатма, бўл эҳтиёт, йўк ишонч.
Йўлин боғлагил, сув агар кам экан,
Кўпайса ўтолмас киши фил билан.
Бўри тушса қалқонга ўлдир шу он,
Гар ўлдирмасанг қўйга бермас омон.
Ёғоч излама ўлдирай деб илон,
Тошинг қўлдами? Бошини янч шу он.
Ситамгар қўлида юраркан қалам,
Қўлини қилич бирла қилғил қалам.
Олур бахтиёр Саъдий пандин мудом,
Шудир ақлу ҳикмат, шудир интизом.

УЧИНЧИ БОБ

ИШҚ ҲАҚИДА

Ўзингдек бир одамнинг ишки бутун
Олиб сабру ороминг айлар забун.
Гар уйғок эсанг ҳуснидир фитнагар,
Хаёли сени уйкуда банд этар.
Қўярсан оёғига бошинг чунон,
Қўринмас кўзингга бу жону жаҳон.
Писанд бўлмагач унга минг сидку зар,
Кўз олдингда тупроғу зар тенглашар.
Бўлолмайсан ўзга билан ҳамнафас,
У бор жойда сифмайди бир ўзга кас.
Эл олдида расволиғингдан на ғам,
На сабр эткали тоқатинг бору дам.
Агар жон тилар, жон тутарсан шу он,
Агар тиг солур, бош эгарсан шу он.

ҲИКОЯТ

Эшитдимки, бир яллачи ялласин,
Эшитди-ю, рақс этди бир нозанин.

Жигарсўхталар куршаб эрди шу он,
Тегиб этаги шамга, куйди чунон.
Ки у қаҳр қилди, дили ранжиди,
Биров дўстларидан не гамдир, деди.
Бу ўтда фақат сенда куйди этак,
Куйиб битди-ку менда жону юрак.

ҲИКОЯТ

Ширин сўзли бир нозанин бор эди,
Самарқандда-ю, кимса хуштор эди.
Жамоли куёшдан кўра баркамол,
Қиё боқиши суфиликка завол.
У юрганда кўзлар ўпарди изин,
Қиларди унга садқа дўстлар ўзин.
У дўсти тикилди баланд иштиёк,
Келиб жаҳли, дилбар деди: Тут кулоқ,
Пайимдан юарсан ҳамиша менинг,
Тузоғингдаги куш эмасман сенинг.
Агар кўрсам иккинчи марта шу хил,
Кесай худди душманча бошингни, бил.
Биров дебди энди йўлинг ол, йўқол,
Ўзингни осонроқ бирор йўлга сол.
Демаки дилим мақсадига етар,
Мабодоки бу йўлда жонинг кетар.
Маломат эшитти чин ошиқ шу он,
Дилу жонидан чиқди аччиқ фиғон.
Деди: Майли ажралса жондан таним,
Унинг тиғи-ла яхшидир ўлганим.
Шарафдир менга дўсту душман кўриб,
Деса: Ёри ўлдирди шамшер уриб.
Узоклашга йўл бермагай ниятим,
Агар тўкса ҳам зулм этиб ҳурматим.
Дединг менга, э беҳабар! Тавба қил,
Бу сўздан ўзинг топ асар, тавба қил!
Кечиргил мени, ҳар наким у қилур,
Гар ўлдирса ҳам яхши қилган бўлур.
Агар ҳар кеча ўт қўйиб куйдирар,

Ҳидидан манга ҳар саҳар жон кирар.
Бу жангдан сира қайтма, қил мардлик,
Унинг ишқида ўлса Саъдий, тирик.

ҲИКОЯТ

Бир оқил кишига келинчак келиб,
Меҳрсиз эридан шикоят қилиб,
Дедики: Кулиб боқмагай бу йигит,
Ўтар турмуш аччиғ, сен арзим эшит.
Бу элда яшар қанча ёшу қари,
Паришон эмас бизчалик диллари.
Турарлар бўлиб эр-хотин меҳрибон,
Дегайсанки бир тан аро икки жон.
Ародан ўтиб кетди неча замон,
Кулиб боқмас эрим менга ҳеч қачон.
Бу сўзни эшитди ўшал пухта чол,
Эди сўзга усто, тетик, баркамол.
Ширин сўз билан берди унга жавоб:
Севиқли эса эр, чидаб чек азоб,
Кечиш бундай эрдан пушаймон берур,
Тополмайсан, дилда армон бўлур.
Жудо бўлма, чунки у бўлса жудо,
Ҳаётинг битар, бўлгай умринг адо.
Ақл қанча зўр бўлса-ю, номдор,
Уни ишқ зўри қилур тор-мор.
Жунун хуш қулоғини товлар экан,
Ўзига келолмас ақл қайтадан.

ҲИКОЯТ

Темирдан ясаб панжа бир навкирон,
Уни шерга урмоқчи эрди шу он.
Бирок панжаси бирла бир урди шер,
Қулидан тушиб панжаси, ўпди ер.
Биров деди: Э занчалиш, беюррак,
Темир панжани шерга отмоқ керак.
Эшитдим дер эрди боқиб ерга:
Бу хил панжа қор этмагай шерга.

Гар оқилнинг ақлига ишк чанг солур,
Темир панжаю шерга монанд эрур.
Ақлдан сен ишк олдида очма тил,
У чавгон-у, бу – туп эрур, яхши бил.

ҲИКОЯТ

Амакиваччалар эр-хотин бўлдилар,
Куёш юзли ҳар икки олий гуҳар.
Хотин эрини худди жондек севар,
Бироқ хотинидан у нафрат этар.
Йиғитга дедилар қарилар шу чок,
Тула маҳрини, севмасанг қил талоқ.
Деди у кулиб, майли юз қўй берай,
Шу бирлан қутулсам зиён бермагай.
Келинчак юзин юлди йиғлаб чунон,
Жудоликка йўқ тоқатим деб шу он.
На юз қўйки, юз мингини берса ҳам.
Чидолмасман асло уни қўрмасам.

ҲИКОЯТ

Деди кимса Мажнунга: Э нуктадон,
Нега келмагайсан сира Ҳай¹ томон?
Магар Лайли ишқин унутдингму сан?
Булак ёр йўлини кутдингму сан?
Эшитди-ю, бечора кон йиғлади,
Азизим, тилинг торт бу сўздан деди.
Дилим парча-парча тамоман яра,
Жароҳатга туз сепма, дўстим, сира.
Узоқ юргали тоқатим йўқ эрур,
Валекин узоқ йўл бўларкан зарур.
Деди: Э вафодору покиза дил,
Сўзинг бўлса Лайлига айтай, дегил.
Деди: Номим элтмоққа қилма хавас,
Бу номим у бор жойга лойиқ эмас.

¹ Ҳай – Лайли қабиласининг номи.

* * *

Араб ноласига туя рақс этар,
Курарсанми завқи дилин уйғотар.
Туяда шу хил завқ бўлгач, демак,
Гар одамда завқ бўлмаса, у – эшак.

ХИКОЯТ

Гузал бир йигит най чаларди мудом,
Килар эрди таъсири дилларни ром.
Солиб унга шовқин ота доимо
Дер эрдик: Ёкмас менга бу садо.
Бирок тинглади яхшилаб бир куни,
Уни беҳуш этди шу найнинг уни.
Юзин тер босиб дерди: Қилди асар,
Дилу жонга ўт ёқди най бу сафар.

* * *

Кўзимдан тамом уйқу қочган эди,
Эшитдимки парвона шамга деди:
Мен ошиқману менга куймоқ раво,
Куйиб йиғлагайсан нечун доимо?
Дедиким, шунинг-чун куйиб йиғлагум.
«Азалдан жудолик мени этди мум.
Гузал Ширинимдан бўлибман жудо,
Дилим ўтда, Фарҳоддек доимо».
Шу сўзларни деб йиғлар эрди тағин,
Сариф юз уза ёғдирарди ёғин.
Кўй, э муддаий¹, ишк ишингмас сани,
Дилингда чидам, сабру тоқат кани?
Қочарсан кичик шуъладан ҳам мудом,
Турарман куйиб бўлганимча тамом.
Куяр-ку фақат бир канотинг сенинг,
Бутунлай куяр бош-оёғим менинг.
Фақат боқма нурумга мажлис аро,
Куйиб йиғлашимга қара доимо.

¹ Муддаий – пасткаш.

Ҳануз тундан ўтмай деярли замон,
Ўчирди келиб бир гўзал ногаҳон.
Бошида тутун бирла кетди шу хил,
Эшит ишқ ахири шудир, э ўғил!
Билиш истасанг ишқ йўлини агар,
Ёнишдан, куйишдан ўлим кутқазар.
Гар ошиқ эсанг дарддан қочмагил,
Бу Саъдийча қўл юв ғараздан, ўғил.
Яқин борма тўлқинли дарёга ҳеч,
Борарсан агар, жондан албатта кеч.

ТЎРТИНЧИ БОБ

КАМТАРЛИК ҲАҚИДА

Булутдан томиб томчи сув ногаҳон,
Хижил бўлди дарёни кўрган замон.
Деди: «Дарё бор жойда кимман ўзим,
У бор жойда ўзликни илмас кўзим».
Ўзин камситиб бўлди камтар фақат,
Шунинг-чун садаф айлади тарбият.
Оширди чунон қийматини замон,
Унинг номини марварид дер жаҳон.

Азизликни топди, бўлиб хоксор,
Бўлиб камтарин, топди кўп эътибор.

* * *

Бўлай десанг иззатда боқма ёмон
Бошқаларга, нокас кишиларсимон.
Агар бўлса ҳар кимда тўғри хаёл
Демас кибр бирлан топарман камол.
Бўлак яхши ном истама. Шулар етар,
Сени яхши одам деса эл агар.
Агар тенгинг сенга кибр этар,
Билурсанки наздингда қадри кетар.
Агар сенда ҳам бўлса кибру ҳаво,
Кўрингайсан элга шу хил баднамо.

Ақлли, улуғлар жаҳонда сира
Ғарибларга кулмас, қилиб масхара.
Қўпинча улуғлар тушиб қолдилар,
Заифлар уларнинг ўрнин олдилар.
Фараз айладим: йўқдир айбинг санинг,
Сен айб этмагил, бўлса айбим менинг.
Агар мард эсанг ҳеч мақтанмагил,
Зафар топмади мақтаниб кимса. Бил.
Пиёз – пўст эрур, бошқа ҳеч нарса ўқ,
У ўйлар ўзин пистадек мағзи тўқ.
Сўз оқил элидан қолур ёдгор,
Буни Саъдийдан эсда тут зинҳор.

ҲИКОЯТ

Ғариб, эски тўн мулла бир онида,
Қаторда эди, қози айвонида.
Унга қози тез-тез қарарди шу дам,
Биров «тур бу жойдан» деб имларди ҳам.
Дер эрди бу жой сенга лойиқ эмас,
Тубан туш, кету хохи тур, бўлди, бас!
Эмас ҳар киши тўрга лойиқ мудом.
Топар ҳар киши фазлича эҳтиром.
Бўлак бир насиҳатчи ҳожат эмас,
Етар, ушбу шармандалиқ ўзи бас.
Тубан турса, ким сақлаб ўз иззатин
Йўқотмас, у пастга тушиб ҳурматин!
Улуғлар мақомин олурман дема,
Кучинг бўлмаса шерча, шерман дема.
Тутун чикди ўтдек ғариб бошидан,
Баланд ўрнидан турди, тушди тубан.
Шу мажлисда бошланди баҳсу жадал,
Бири «у», бири «бу» деди галма-гал.
Шу дам авж олиб фитнау можаро,
Бири «тўғри» дерди, бириси «хато».
Дер эрдинг хўрозларча айлаб юруш,
Қилар эрдилар қўлу тумшук уруш.

Жаҳолат бирин маст айлар эди,
Бири қаҳр илан ерни муштлар эди.
Келиб қолдилар бир тугун бирла дуч,
Ечишга топилмасди ҳеч кимда куч.
Қуйидан туриб шул дам эски чопон,
Хуруш этди ўрмондаги шерсимон.
Деди: Пухта хужжат ксрак бир талай,
Кекиртак чўзишлик далил бўлмагай.
Деди: Билганим мен ҳам айтсам бўлар,
Дедилар: Дегил яхши билсанг агар.
У иззат билан чўкка тушди шу ҳол,
Тил очган ҳамон этди тилларни лол.
Тили най қаламдек юриб, мақсадин
Узук нақшидек чизди дилларга чин.
У бахш этди суратга жон, маънидан
Йўқ этди у даъволарин шу билан.
Дедилар улар сенга минг офарин,
Баланд ақлу фикрингга минг офарин,
Сўз отини майдонда чопди чунон,
Ки қолди қози лойда эшаксимон.
Ўриндан туриб салла-тўндан кечиб,
Юборди унга ҳурмат айлаб, ечиб.
Минг афсуски, қадрингни мен билмадим,
Сенинг келганинг шукрини қилмадим.
Ачинтирди бу хилда ҳолинг мени,
Тубанда ғарибларча кўрмоқ сени.
Мулозим келиб ҳурмат ила яқин,
Узатди унга қозининг салласин.
Қабул этмадию қўлин силтади,
Мени банди қилма ғурурга деди.
Мени ҳам деганда ўзидан баланд,
Кўзимга кўринғуси эл нописанд.
Не фарқи бўлур сувга, бўлса зулол,
Эрур бош учун ақлу маъно ҳилол.
Не ҳожат менга салла бирла ғурур.
Киши қиймати катта бошда эмас,
Кўтармоқ учун ошқовоқ арзимас.
Соқол, салла бирлан ғурурланмагил,

Соколни кўкат, саллани пахта бил.
Факат сурати одам эрса агар,
Жим ўлтирса суратча яхши бўлар.
Ошир мартабанг илму фазлинг билан,
Зухалдек¹ юкорида бўлма тубан.
Минг ўсса қомиш бўлмагай лаззати,
Ширинлик – шакарнай хусусияти.
Шу ақлу шу ҳиммат-ла одам демам,
Агар юз кул орқангдан эргашса ҳам.
Эшак мўнчоқ айтарди бир яхши гап,
Уни хомтамаъ лойдан олгач ўраб:
Мени кимса бир пулга ҳам олмагай,
Ўраб, чирмаб, ўлтирмагил жиннидай.
Кўкат қиймати ошмагай ҳеч дам,
Агар лолалар ичра ўсганда ҳам.
Киши пул билан бўлмагай мухтарам,
Эшакдир – эшак, гар ипак кийса ҳам.
У доно шу хил пухта сўзлар билан
Ғуборин ювиб ташлади қалбидан.
Дили ранжиганлар дағал сўзлагай,
Ёви қўлга тушганда бўшашмагай.
Қўлингдан келур вақтда ёв бошин эз,
Дилинг равшан эт, ўтмайин ушбу кез.
Чунон қозининг бўлди холи хароб,
Қиёматми деди, бу қандай азоб.
Ики бармоғин тишлади шул замон,
Қараб қолди кўзи бўлиб фарқадон.
Ўшал дам йигит, бурди ҳиммат юзин,
Чиқиб кетди, ҳеч топмадилар изин.
Улуғлар аро тушди шовқин-сурон:
Бу хил марду доно қаерлик дебон.
Сўраб кезди тафтишчи, тафтиш килиб,
Сифатлаб шул одамни ким кўрди деб.
Бир одам деди: Бул ажойиб сифат
Бу шаҳр ичра Саъдийда бордир фақат.
Деди офарин унга, минг офарин,
Ширин, аччиғ ўрнида, қандай ширин.

¹Зухал – Наҳс деб саналган юлдузнинг номи.

Ширин сўзли шилгай фаним пўстини,
 Дағал сўзли душман килур дўстини.
 Юзин кимки сандон каби айламас,
 Боши болғадан ҳеч зарба емас.
 Зафар топса бўлгай ширин сўз билан,
 Азобда юрар ким дағалсўз экан.
 Ширин сўзни ўрган мудом Саъдийдан,
 Дағал сўзли одам ўтар ғам билан.

ҲИКОЯТ

Сотарди асал бир ширин сўзли ёр,
 Кўнгилларни ўртаб у ширин нигор.
 Ширинлар шакарнайча бел боғлабон,
 Харидор бўлиб ҳамма пашшасимон.
 Агар кўлида бўлса ҳатто захар,
 Қулидан асалдек олиб ердилар.
 Назар ташлади бадқовок бир дағал,
 Ҳасад килди савдосига шул маҳал.
 У ҳам кезди эрта туриб дарбадар,
 Бошида асал, чехрасида захар.
 Бақирди «асал кетди» деб дам-бадам,
 Бирок болига кўнмади пашша ҳам.
 Қилолмай бирор пулча савдо шу кун,
 Ўтирди келиб ғам чекиб, кечкурун.
 Ҳайит кунда махбуслар қошидек,
 Бурушди юзи, ғамли ўтирди тег.
 Кулиб хотин эрга деди ушбу дам,
 Ачиғдир, ачиғ сўзлининг боли ҳам.
 Шу хил кимса нонин емаклик ҳаром,
 Юзи сурпадек гар тиришса мудом.
 Ўзингга ёмонликни кўрма раво,
 Дағал сўзли бадбахт бўлур доимо.
 Агар йўқ экан сенда молу пулинг,
 Бу Саъдийча ҳам йўқми ширин тилинг.

ХИКОЯТ

Узиб олди ит битта дехқон путин,
Тиши захри этди жароҳат этин.
Унинг дардидан ухламай зор эди,
Уйида кичик бир қизи бор эди.
У киз дук уриб отасин қилди танг,
Деди: Сенда тиш йукмиди тишласанг?
Йиғисин қуйиб, бўлди бечора жим,
Бокиб кулди-ю, деди: Она кизим!
Бор эрди кучу қувватим менда ҳам,
Валекин тишим ҳайф уни тишласам.
Агар келса ҳам бошим узра қилич,
Тишим ит оёғига бормайди ҳеч.

ХИКОЯТ

Малик Солиҳ Шом шоҳларидан эди,
Кули бирла тонг чоғи чиққан эди.
Кезар эрди ҳар бир томон сайр этиб,
Арабдек юзин ярмисин беркитиб.
Ғарибпарвар эрдию одамшунос,
Бу ахлоқ солиҳ маликларга хос.
Қуриб қолди, масжидга ногаҳ кириб,
Ётарди парешондил икки ғариб.
Бирига бири дер эди, э жигар,
Қиёматда тингланса додим агар,
Фурури баланд шоҳларга қара:
Қилур базму ишрат дам олмай сира.
Улар гар биҳишт ичра бўлгай экан,
Кўтармайман асло бошим гўрдан.
Биҳишт бизники, тонг-ла бизнинг макон,
Шунинг-чун бугун ғамдамиз беомон.
Булардан қачон яхшилик кўрди дил?
Қиёматда ҳам қийналурми шу хил,
Кириб қолса Солиҳ биҳишт боғига,
Урай кафш бирлан унинг жоғига.

Эшитди бу сўзларни Солих шу чок,
 Деди турмоғим маслаҳатдан узок.
 Бориб кутди токи қуёш чикса деб,
 Ширин уйкудан халқ уйғонса деб.
 Буюрди олиб келдилар шул замон,
 Бахайбат турб, қилди хурмат аён.
 Карам ёмғирин ёғдириб бешумор,
 Ювиб ташлади дилларидан ғубор.
 Ўтиб кетди бир қанча ранжу алам,
 Улар бўлди ҳамдам улуғларга ҳам.
 Ёлонғочу оч эрдилар кўп замон,
 Улар эгнида энди шойи чапон.
 Бири шоҳга деди, аё меҳрибон!
 Сенинг ҳукминг остида буткул жаҳон.
 Улуғ бўлгуси шоҳга ёкқон киши,
 Ёкибдир бу қулларнинг қайси иши?
 Чамандек очилди шаҳаншаҳ лаби,
 Ғарибларга деди кулиб гул каби:
 Эмасманки давлат ғурури билан,
 Ўгирсам юзим хору бечорадан.
 Адоватни сен ҳам улоқтир, йўқот,
 Биҳишт нчра дўст бўлгин-у, бўлма, ёт!
 Яраш эшигин сенга очдим букун,
 Биҳишт эшигин ёпма менга у кун.
 Шу йўл бирла юр изласанг бахт агар,
 Гадоларни қўллаш қилур муътабар.
 Ироданг йўқ эрса, саодат қани?
 Қилур хизматинг ёвга ғолиб сани.
 Ичинг бўлса кандилча сувга тулуғ,
 Бера олмагайсан чироғдек ёруғ.

ҲИКОЯТ

Биров билган эрди нужумдан¹ биров,
 Шу бирла қилурди ўзи фахру ноз.
 Келиб топди Гушёрни², юргач узок,

¹ *Нужум* – астрономия илми.

² *Гушёр* – форс мамлакатадаги бир астроном.

Ғурур бошига сифмаган у саёк.
Юзига ҳаким бокмас эрди сира.
Сабак ўргатиш ёқмас эрди сира.
У қайтар эди, баҳрасиз қоқ-қурук,
Деди унга кўп билгувчи ул улуг:
Билурсан ўзингни жуда серақл,
Тўлиқ хумга не ҳам сифар, яхши бил!
Ғурур бирла тўлган бошинг бўш кетар,
Ғурурдан бўшат, сўнгра маъни сифар.
Йўқотсанг ғурурингни Саъдийсифат,
Йиғилгай дилиннга билим-маърифат.

ҲИКОЯТ

Эшитдимки Лукмон каропўст экан,
Эмаскан у танпарвару гулбадан.
Қулим деб биров ушлаб олди уни,
Иморат учун бойга сотди уни.
Азоб чекдию толди бир йилгача,
Унинг-чун сарой солди бир йилгача.
Келиб қолди қочган кули ногаҳон,
Хижолат чекиб қолди хожа шу он.
Узр айтди Лукмонга таъзим килиб,
Узр фойдасиз деди, Лукмон кулиб.
Жафонгдан дилим йил бўйи чекди ғам,
Осонлиқча чиқмас дилимдан бу дам.
Кечирсам бўлур, э азизим, шу он,
У фойданг менга бермади ҳеч зиён,
Уйинг шунчалик этдинг обод сан,
Ошиб борди менда билим, илму фан.
Менинг бир қулим бор аё бахтиёр,
Буюргайман унга оғир иш қатор.
Дилин энди ранжитмагайман уни,
Эсимга келур лой иши ҳар куни.
Улуғлар жафосини кўрмай киши,
Кичиклар азоб чекса ҳам йўқ иши.
Амирлар сўзи сенга малол,
Қўл остингдагиларга бўлма кўпол.

Бироз айтса айбинг хафа бўлмагил,
 Агар тухмат эса, «борақол», дегил.
 Деса мушкни сассик бир аблах агар,
 Хавотирланиб юрма ёлғон чиқар.
 Чунон яхшилик бирла қўйгил кадам,
 Ёмонлашга сўз топмасин муттахам.
 Оғир ботса душман сўзи онгла-бил,
 Не айбингни айтса, шуни қилмагил.
 Шу одам бўлур менга чин дўсту ёр,
 Ки айбим юзимга деса ошкор.
 Эл олдида бўлғунг азиз, муътабар,
 Ўзингни десанг ҳаммадан кам агар.
 Мазоримдан ўтсанг аё покдил,
 Азизлар ҳаққи бизни ҳам ёд қил.
 Агар Саъдий тупроқ бўлибдир, на ғам,
 Эди хоксор ул тирикликда ҳам.
 Танин тутди тупрокка, бўлгач тамом,
 Агарчи жаҳон кезди елдек мудом.
 Узок ўтмайин жисми тупроқ бўлур,
 Шамол гардин оламда айлантирур.
 Маоний гулистонида ою йил,
 Қачон сайради қайси булбул шу хил?
 Шу хил булбул ўлса, ажаблан нукул,
 Агар унмаса устухонида – гул.

БЕШИНЧИ БОБ

РОЗИЛИК ҲАҚИДА

Балоғат чароғин ёқиб бир кеча,
 Қилиб фикр, сўзлар эдим бир неча.
 Эшитди сўзим ўзбилармон киши,
 Фақат офарин айтмоқ эрди иши.
 Ғаризлик сўзин ҳам у қўшди шу он,
 Келур дард кучайганда ночор фиғон.

«Менинг хам, – деди, – аклу фикрим расо,
Валекин ибодат учун мутлақо.
Эмасдир амуд, гурзию найзадан,
Булаклар бу сўзни тамом айлаган».
У бирлан талашмоқчи эрмас эдим,
Талашганда сўз унга бермас эдим.
Тилим ханжарин ишга солсам агар,
Қилур ўзбилармонни зеру забар
Шу майдон аро жанг этармиз юриб,
Ғаним бошини тошга кўйсин кўриб.

ҲИКОЯТ

Сафохон¹ да бир дўстим бор эди,
Баҳодир эди, шўху хушёр эди.
Қўлу ханжари доимо қон эди,
Уни кўрса ёв бағри сўзон эди.
Сира кўрмаганман камонсиз уни,
Ўқидан чиқар эрди ўт ҳар куни.
Баҳодир, забардаст, эди пахлавон,
Унинг ваҳмидан шерлар бағриқон.
Агар қасд ила ўк отар қайси чок,
Тешар икки ёвни бир ўк бирланок.
Сипарларни тешган ўқидек дадил,
Тешолмас тикан ғунча баргини, бил.
Ғаним бошига урса мушт ҳар қачон,
Танига ботар боши бирдан шу он.
Бўғиб ташлар эрди паланг гарданин,
Эзарди уриб шер бошу танин.
Отар эрди кўкка, агар бўлса тоғ,
Белидан расо ушлаб олса шу чок.
Совутпўшга тиф солса у ҳар қачон,
Уни тимталаб отга босган шу он.
Шу хил мардлигу одамият билан,
Киши дунёда кимсани кўрмаган.

¹ Сафохон – Исфаҳон, Эрондаги бир шаҳар номи.

Айирмасди ҳаргиз мени ёнидан,
Севар қилдим у кетдим у юртдан.
Насибам у ердан узилган экан
Ирокдан ўтиб Шомда этдим сукун¹,
Хавоси ёкиб қолди турмоқ учун.
Неча йил туриб қолдим алқисса ман,
Ғаму роҳату хавфу умид илан.
У ердан насибам тугаб ногаҳон,
Ватан меҳри торғди ўзига томон.
Кезиб йўлда бир неча саҳрою чўл,
Яна Исфаҳонга тушиб қолди йўл.
Хаёл қуршади бир кеча ногаҳон,
Хаёлимга тушди ўшал паҳлавон.

Туз эслатди менга йигитнинг ўзин,
Нечунким еб эрдим у марднинг тузин.
Кезиб Исфаҳон ичра юрдим у кун,
Талабгор эдим они кўрмоқ учун.
Фалак гардишидан қарибдир йигит,
Қади ҳам, юзи сарғарибдир йигит.
Сочи қору оппоқ баланд тоғ – боши,
Юзига оқар кексалик кўз ёши.
Фалак унга қолиб келибдир чунон,
Эгилмиш – букулмиш қолиб нотавон.
Замона бошидан ғурурин олиб,
Боши кўксига тушмиш ожиз қолиб.
Дедим: Шерни ҳам енгган, э паҳлавон.
Сўлибсан нега кекса тулкисимон?
Кулиб деди: У паҳлавонлик тамом
Тугалди мўғул жангида, вассалом.
Қатор найзадан ер қамишзор эди,
Ёловлар оловдек намудор эди.
Тутундек бу майдонни босдим бутун,
Зафар топмадим толеим йўқ учун.
Ўшал манки душманга найза солиб,
Қўлидан олардим узукни юлиб.

¹ Сукун (соқит) – яшовчи, яшамок.

Бирок бермади манга бахтим мадад,
Узукдек ураб олди ёв беадад.
Қочиш бўлди менга ғанимат шу он,
Ажал қуршовида туришлик ёмон.
Мадад бермагач толеим юлдузи,
Не қилгайди зўру ярокнинг ўзи.
Зафарнинг калиди сенда йўқ экан,
Очилмайди бахт эшиги зўр билан.
Филу шердан зўр эди тўдамиз,
Темир кийдик отларгача ҳаммамиз,
Ўшал дамда кўрдик келур кўп сипоҳ,
Совут кийдигу ҳам пўлатдан кулоҳ.
Суриб от булут янглиғ икки томон,
Қилич-ўқ ёғар эрди ёмғирсимон.
Ўзин урди бир-бирга икки қўшин,
Дегайсан: фалак ерга урди ўзин.
Жаладек ёғиб турди ўқ ҳар томон,
Ўлим сели мавж урди тўфонсимон.
Баҳодир элин этгали қайду банд,
Бўлиб аждаҳо оғзочарди каманд.
Ер эрди ғубор босган осмон каби,
Қилич - найза эрди унинг кавкаби¹.
Бу майдонда душман билан тўкнашиб,
Сипарга сипарни уриб, дўклашиб,
Тешиб сийналарни ўқу найзамиз,
Кўмак бермади бахт, қочдик эсиз.
На фойда берур мардлар ғайрати,
Кўмак бермаса толеи давлати.
Бирор кимса бизнинг қўшиндан у кун
Омон чиқмади, қонга ботди бутун.
Узум бошидек ҳаммамиз ғуж эдик,
Чочилдик тўкилган узум донадек.

¹ Кавкаб – юлдуз.

ҲИКОЯТ

Деди калхат: «Э, кузгун, эшит сўзим:
Узокни кўришликда танҳо ўзим.
Деди унга кузгун Қани бир билай,
Бу чўлларга боқ-чи нелар учрагай?
Эшиттимки, бир неча тош йўлгача,
Қараб чиқди калхат тоғу чўлгача,
Деди: Э биродар, ишонсанг агар,
Шу чўл ичра бир дона буғдой ётар.
Тугаб битди кузгунда сабру қарор.
Куйи бокди иккиси беихтиёр.
Тушиб донани босди калхат шу чоқ,
Ўролди оёғига бирдан тузок.
У билмаски донни емасдан бурун,
Солур бўйнига дунё қаттиқ тугун.

Дема ҳар садаф корнидан дур чиқар,
Ва ё ўқ нишонга тегар ҳар сафар.
Деди кузгун: Эсиз бу ўткир кўзинг,
Емай дона, тушдинг тузокқа ўзинг.

* * *

Дедим: «Мардлик лофин урма бурун,
Суюқ бўлма лоф урганингдан сўгун.
Ўзига қараб иш қилур мардлар,
Уялмас киши, лоф урмас агар.
Омонат кийимни ечиб олсалар,
Яна устида эски тўни қолар.
Ёғочдан оёқ қилма зангвоз сифат,
Сени навча дерлар гўдақлар фақат.
Мисинг гарчи тиллога ўхшаш эрур,
Сотарсан, харидор агар бўлса кўр.
Чаканг устига берма олтин сувин,
Унинг қадри доно учун бир тийин.
Эса қалбаки ўтга солгай улар,
Бу олтинми, мисми билолгай улар.

Қароқчи эрур яхшироқ, э жиян,
Ўзин пок кўрсатган ифлосдан.
Риё сиртига бермагил эътибор,
Бу сув остида балчиғу лойқа бор.
Нихонинг ёмондир агар, э фалон,
Не фойда яширмоқдан, ўзинг ёмон.
Кўрингай кийим авраси ҳар қачон,
Шунинг-чун у яхши-ю, астар ёмон.
Керак бўлса сенга агар яхши ном.
Ясатма ташинг, дилни пок эт мудом».
Етар сенга Саъдий сўзи, э ўғил,
Агар ота пандича қилсанг қабул.
Эшитмас эсанг сўзимизни бугун,
Ишингдан пушаймон бўлурсан сўғун.
Бу янглиғ насиҳатчи ноёб эрур,
Бу боғ мевасидан емоқлик зарур.

ОЛТИНЧИ БОБ

ҚАНОАТ ҲАҚИДА

Кўп овора кезган хасисга дегил,
Ки давлат қаноатдадир, яхши бил!
Кел, э бекарор, сабр қил тоғдай,
Тегирмон тошидан гиёҳ унмагай.
Гар оқил эрурсан, семиртма танинг,
Танингни семиртсанг, ўлдирганинг.
Ақли кишилар хунар орттирар,
Қоринга кул эрса хунарсиз қолар.
Киши билса инсоният хислатин,
Урар аввал оғзига у нафс итин.
Емак, ухламак ваҳший ҳайвон иши,
Шу одатни қўллар ақлсиз киши.
Бўлур бахтиёр, кимки хилват аро,
Билимдан олур хиссасин доимо.
Биров нуру зулматни билмас экан,
У фарқ этмагай хурни девдан.
Қудукдан шунинг-чун йикилдинг ўзинг,

Оёк остини кўрмаганди кўзинг.
Сен одам эсанг кўп ема ҳирс илан,
У қорнинг-ла, одаммисан, хуммисан.
Буни билмагай нафсига бандалар,
Қорин тўлса, ҳикматдан ул бўш колар.
Қорин бирла кўз тўймагай ҳеч қачон,
Бўлуր яхшироқ қолса бўш ошқозон.
Буни билмагайсанми, шери жаён,
Тузокқа тушар нафс учун ногаҳон.
Палангдан-ку кўп ваҳшийлар енгилур,
Емок ҳирси-ла ўзни бандга солур.
Есанг сичқон каби биров нонини,
Тушарсан ахир, ўйла қопқонини.

ҲИКОЯТ

Менга берди ҳожи суякшона¹ син,
Ки ҳожилар ахлоқига офарин.
Эшиттим мени ит демиш бир куни,
Дили ранжиб эрмишми мендан уни.
Тарокни отиб мен дедим, ол суяк,
Ярашмайди асло мени ит демак.
Ўзимнинг аччиғ сиркам олдида – мен
Ширин демагум ҳалвогар ҳалвосин.
Қаноат қил, э нафс, кўзингга то –
Баробар кўринсин гадо бирла шоҳ.
Олиб борма шоҳга тамаъли сўзинг,
Тамаъни йўқотгин-да шахсан ўзинг.
Ёмон бўлса нафсинг, ёмон ҳирс ила,
Қоринни қилиб дунбира нон тила.

ҲИКОЯТ

Тамаъгир киши тонгда айлаб хиром,
Бориб Хева хонига бермиш салом.
Эгилмиш - букилмиш хушомад қилиб,
Юзин ерга суртмиш итоат билиб.

¹ Суякшона – суяқдан ясалган тарок.

Деди ўгли унга: Азиз отажон,
Недир бу, тушунмасман, этгил баён,
Ўзинг дер эдинг – қибла бизга Ҳижоз,
Қилурсан нечун бу тамонга намоз?
Қаноат билан кўкка етгай бошинг,
Тамаъ бирла кўкракка тушгай бошинг.
Бир арпага сотма шараф гавҳарин,
Тамаъ тўккуси ҳурматингнинг барин.
Тамаъга бўйинсунмаса ҳар киши,
У қул эрмас, озод ўтар турмуши.
Тамаъ жамиятдан чиқоргай сени,
Уни ҳайдагил, у чиқормай сени.

ХИКОЯТ

Бир оқил бўлиб эрди безгак касал,
Биров деди олгил фалондан асал.
Деди: «Бир хасис миннатидан ахир,
Ўлим аччиғи мен учун яхшидир».
Биров гар боқар хўмрайиб кибр илан,
Ҳеч оқил емас бол унинг қўлидан.
Дилинг истагин излама ҳаммасин,
Семирса танинг жон бўлур озгин.
Кишини бузук нафс этар хору зор,
Гар оқил эсанг сен уни айла хор.
Не е деса нафсинг, есанг ҳаммасин,
Умр ўтказиш сенга бўлгай кийин.
Қорин тандирин қиздириш дам-бадам,
Берур топмаган кун азобу алам.
Тўкин вақтда есанг овқатни кам,
Чидарсан камобликда очликка ҳам.
Қориннинг юкини тошур кўп еган,
Тошур нам юкин гар тополмас экан.
Кўпинча қорин бандасидир хижил,
Қорин тор қил, бўлмасин тор дил.

ҲИКОЯТ

Не келтирганим Басрадин айтайин,
Ширин сўзки бу хурмодин ҳам ширин.
Неча тан эдик биз каландарсимон,
Ўтардик, юриб хурмозордан равон.
Арода биров қорни анбор эди,
Жуда қўп емакла ўзи хор эди.
Дарахт устига чикди, нафси ёмон,
Йиқилдию тил тортмай ўлди шу он.
– Ким ўлдирди, – деб оксоқол урди дўқ,
Дедим урма дўқ, бизда ҳеч айб йўқ.
Қорин тортди шохдан тутиб этагин,
Қорин катта бўлгач, кўтармоқ қийин.
Чигиртка бошидан оёғи қорин,
Қоринсиз чумоли тошар путларин.
Кел энди, дилинг пок тут, тоза юр,
Факат гўрда тупрок-ла қорин тўюр.
На хил бўлса, оч қолганинга таом,
Уни иштаҳо бирла ерсан тамом.
Қўяр бошни болишга оқил шу чок
Асир айласа уйқу бошдан-оёқ.
Агар билмасанг сўзлама унча қўп,
Яланг жой агар бўлмаса, тепма тўп.
Илож бўлса дам урма, қўйма кадам,
Сен андозадан ташқари ёки кам.

ҲИКОЯТ

Бировнинг эди нон хуруши пиёз,
Эмасди бўлақларча овқоти соз.
Деди бир ақлсиз киши: «Э ғариб,
Келтир бир насиба шилонга бориб.
Уялма сира, қўркма ҳеч кимсадан,
Қуруқ қолғуси тортинишлик билан».
Бориб энг шимарди, талашди шилон,
Тўнин йиртдилар, илги синди шу он.

Эшитдимки йиғлаб дер эрди эсиз,
Ўзига ўзи қилгани чорасиз.
Тамаъ бандаси ғамга ботиб кетар,
Менга энди нону пиёзим етар.
Есам арпа нонини меҳнат билан,
Шириндир бировларнинг оқ нонидан.
Қорин бандаси ухлამас тун бўйи,
Биров жаз-жузида қулоғи, ўйи.

ҲИКОЯТ

Мушуги бор эрди қари беванинг,
Хароб эрди, оч эрди қорни анинг.
Ошиб тушди шоҳ тоmidан бир сафар,
Уни шоҳ соқчилари отдилар.
Танидан оқиб қон, кочар эрди у,
Ўлим ваҳми бирлан шуни дерди у:
Қутулсам қоровул қўлидан агар,
Менга тул ўйи бирла сичқон етар.
Бол излаб егунча ари наштарин,
Қаноат билан шинни есанг, ширин.

* * *

Эшиттимки, ўтган замонлар аро
Зар этмиш қаро тошни бир авлиё.
Бу сўз маъкул эрмас дема, қил назар,
Қаноатчи олдида тенг тошу зар.
Гўдақларча дил пок тутсанг агар,
Бўлур тенг кўз олдингда тупроғу зар.
Етур шоҳни севган гадога хабар:
Гадодан гадороқ эрур шоҳлар.
Туяр, тушса бир пул гадо илгига,
Фаридун¹ тўлмас, Ажам мулкига.
Мудом мулку давлатни сақлаш бало,
Гадонинг ўзи шоҳу номи гадо.

¹ Фаридун – Афсонавий Эрон шоҳларидан.

Дили ғамли шохдан жаҳонда ахир,
Дилида ғами йўқ гадо яхшидир.
Олур дехкон ором аёли билан,
Ки шох ухламас ўз хаёли билан.
Жаҳон шохими ё ямокчи эрур,
Факат ухлаган чоғида кун кўрур.
Худога шукур, сен эмас зўравон,
Кишиларга етказмагайсан зиён.
Узумни беравермагай тоқлар,
Ғахи мева бергай, ғахи барг тўқар.
Агар қолса зиндон аро поклар,
Булутдан чиқувчи куёшдек чиқар.
Ҳасадчи бориб қолса зиндон сари
Ўчар сувга тушган олов сингари.
Фалак айланиб ҳеч қарор топмади,
Жаҳон кезди Саъдий, барор топмади.
Дилинг куймасин ноумидлик билан,
Ёруғ кун туғилгай каро кечадан.

ЕТТИНЧИ БОБ

ТАРБИЯТ ҲАҚИДА

Бу боб – тарбият: хулку виждон сўзи,
На оту на жангу на майдон сўзи.
Ғаним – нафсингу доимо биргасан,
Нечун жанг этарсан бўлақлар билан?
Ҳаромдан тийиб нафсни мардлар,
Топишди Таҳамтанча фатху зафар.
Гўдакдек уриб ўз-ўзингни тузат,
Уриб эл бошин янчмоғинг уят.
Ўзингга кучинг етмагач, э асов,
Киши ғам емас сен каби бўлса ёв.
Танингдир – ёмон-яхшили бир шаҳар,
Ўзинг шоху ақлинг вазир – мўътабар.
Эрур яхшилар – розилик, тўғрилиқ,
Ёмонлар – такаббурлигу ўғрилиқ.
Ёмонларга шох бўлса гар меҳрибон,

Қачон оқил аҳли яшар тинч-омон?
 Сенга шахвату хирсу кин ҳар қачон
 Томир ичра кондек, танинг ичра жон.
 Бу душманларинг топсалар тарбият,
 Улар сенга ғолиб келурлар фақат.
 Сира ғинг этолмайди кибру хаво,
 Ақл мушт ўриб, берса тез-тез жазо.
 Бу тўғрида қўп сўзга хожат эмас,
 Тушунган кишиларга бир ҳарф бас.
 Етук дуршунослар садаф сингари,
 Очарлар оғиз келса сўз гавҳари.
 Сўзи бирла овора сергап бари,
 Насиҳат эшитмайди кар сингари.
 Агар сўзласанг бетиним, зўр бериб,
 Қолурсан биров сўзидан бенасиб.
 Дуруст-нодуруст сўзга сабр айлаган
 Эрур яхши ҳозиржавоб лақмадан.
 Сўз инсон камолотидир, яхши бил,
 Билиб сўзлагил, хурматинг тўкмагил.
 Якин бўлма сергап кишилар билан,
 Ақл ишлатиб озу соз сўзла сан.
 Юз ўк отдинг-у, ҳаммаси ҳам хато,
 Бир ўк бирла ур, бўлса ақлинг расо.
 Киши йўқда ҳам демас ул сўзни мард,
 Агар фош бўлганда келтирса дард.
 Биров ғийбатин қилмагил зинҳор,
 Девордан нари ҳам эшитгувчи бор.
 Дилинг – шаҳру сир – банди бу шаҳраро,
 Шахарни очик кўрмасин мутлақо.
 Тилидан ёнар шамъ мажлис аро,
 Шунинг-чун тилин йиғди ақли расо.

ХИКОЯТ

Такаш¹ бир кулига очиб ўз сирин,
 Деди айта кўрма бировга тағин.

¹ Такаш – Хоразм шоҳи. Номи Алоуддин.

Кулидан бири очди сирни магар,
Деди шох: Аё жоҳил ифлослар.
Йил ўтди-ю, тилга кетирди дилим,
Факат бир кун ичра эшитди элим.
Такаш берди жаллодга фармон шу он,
Деди: Кес булар бошини беамон.
Булардан бири шохга берди далил,
Ўзингда гуноҳ, бизни ўлдирмагил.
Булоқни бўғиб қўймадинг аввало,
Бу сел бўлди, боғлаш қийин мутлако.
Дилинг сиррин айтма, кишидан яшир,
У албатта ҳар кимга айтар, ахир.

Хазиначига топшир олтинларинг,
Валекин яшир дил уйида сиринг.
Агар айтмасанг, сўз сенга мубтало,
Гар айтсанг, у бўлгай бошингга бало.
Бўшатганда Рустам отин бир гўдак,
Уни тутгали юзта Рустам керак.
Бу хил сўзни айтмаки бўлганда фош,
Балога йўлиқса шу сўз бирла бош.
Деди бир хотин эрига яхши гап:
«Билиб сўзла гар билмасанг очма лаб».
Ўзингга ботар сўзни сен сўзлама,
Экиб бугдой, арпа ўриш кўзлама.
Ҳақорат қилиб олмагайсан дуо,
На эксанг ўрарсан шуни доимо.
Ажаб тотлидир Бараҳманнинг¹ сўзи:
«Ўзин ҳурматин сақлар одам ўзи».

ҲИКОЯТ

Миср ичра хушхулк, эски чопон
Бир одам, гапирмасди неча замон.
Чор атрофидан айланиб яхшилар,
Унинг худди парвонаси эрдилар.

¹ Бараҳман – бутпарастлар раҳбари.

Хаёл айлабон деди: бир кечкурун,
Эканман тилим остида ёширун.
Замонлар шу ҳолатда юрсам агар,
Ким олгай менинг донишимдан хабар?
У сўз сўзлагач, эл деди бирма-бир:
«Агар бўлса нодон Мисрда шудир».
Ҳама тарқалиб бўлди холи ёмон,
Ёзиб кетди масжидга кетган замон.
Боқиб кўзгуга кўрсам эрдим ўзим,
Ниқобимни йиртмасди тузсиз сўзим.
Хунук юздан олдим шунинг-чун никоб,
Ўзимни дер эрдим гўзал офтоб.
Жим ултирмоғинг савлатинг, э оғо,
Сиринг ёпуғидир бўлақлар аро.
Ўзинг хурматинг сақла оқил эсанг,
Очиб қўйма дил сиррини шошилиб,
Керак чоғда айтарсан ўзинг билиб.
Мабодо сиринг бўлса фош эл аро,
Ёпиш қайта мумкин эмас мутлақо.
Гапирмайди ҳайвон, гапиргай башар,
Шалок сўзли инсон ҳўкиздан баттар.
Кишилиқда ҳам ақлу ҳам сўз зарур,
Ақлсиз тўтидек сўз ўрганма гўр.
Киши ваҳшдан сўз билан фарқ этар,
Хато сўзласанг сен ҳўкиздан баттар.

ҲИКОЯТ

Ёмон сўзлади жангда бир паҳлавон,
Ёқосин бўғиб йиртдилар шу замон.
Ебон бўйнига мушт, у йиғлар эди,
Жаҳон кўрган оқил шу чоқда деди:
Ёпардинг гар оғзингни гунчасимон,
Ёқанг парчаланмасди гулдек шу он.
Киши сўзласа ўйламай беасос,
Сўзи худди танбур – лофдир халос.
Алангаки бошдан-оёк тил эрур,
Бироз сув билан ўчирилса бўлур.

Хунарманд киши мен хунарманд демас,
Уни таъриф айлар хунар ҳар нафас.
Агар сенда мушк йўқ, жим ўлтир ахир,
Агар бўлса, хиднинг ўзи айтадир.
Не даркор қасам бирла «ғарб олтини»
Демаклик, маҳак¹ яхши айтар уни.
Сўзим камлигини кўриб ҳар нафас,
Дегай соддалар, Саъдий улфат эмас.
Ризоман агар пўстиним йиртсалар,
Сира тоқатим йўқки куп айтсалар.

ҲИКОЯТ

Бўлибдир Азуд² ўғли қаттиқ касал,
Ота тоқати тоқ эди ул маҳал.
Деди бир азиз сўзлайин, тинглагил,
Қафасдан у кушларни озод қил.
Қафасларни синдирди бир-бир шу он,
Қочар банди зиндон очилган ҳамон.
Улардан бири эрди хўб хушнаво,
Қафасда уни асради боғ аро.
Келиб кўрди ўғли сахар чоғида,
Қолибдир шу булбул фақат боғида.
Боқиб шунда булбулга деди кулиб:
Тилингдан тутилдинг-ку, банди бўлиб.
Гапирмас эсанг йўқ бировнинг иши,
Далилин келтиргай гапирган киши.
Гапирмас эди Саъдий неча замон,
Шунинг чун маломатдан эрди амон.
Ёмон сўзга солма кулоқ ҳеч қачон,
Кўзинг юм, ялонғочни кўрган ҳамон.

¹ Маҳак – олтинни ўзига тортадиган қора тош.

² Азуд – Азудиддавла, қадимий Рой подшоларидан.

ҲИКОЯТ

Кириб шўхлар базмига бир лаин,
Уриб ёрди созанда чилдирмасин.
Сақолидан они тутиб олдилар,
Бетин худди чирмандадек ёрдилар.
Ётолмас эди тарсаки зарбидан,
Пири эртаси деди таълим билан:
Десанг ёрмасин бетни чилдирмадек,
Мудом чанг каби ерга бошингни эг.
Ўзини тутар яхши доно киши,
Бировнинг иши бирла бўлмас иши.
Бошингда қулоғу кўзингдир бутун.
Оғиз сўз учун, дил эса хуш учун.
Кўзинг олдига келса пасту баланд,
Бу паст, бу баланддир, демоқ нописанд.

ҲИКОЯТ

Деди менга бир кексаи муътабар,
(Азиз кексалар сўзи дилга ёқар)
«Кўзим кўрди Ҳинд ичра тун рангини,
Адир устида қоп-қора зангини.
Кучоғида бир қиз ой каби,
Ўшал қиз лабида у девнинг лаби.
Чунон бағрига босган эрди бутун,
Дегайсанки қоплаб эди кунни тун.
Менинг ғайратим кўзғади шу замон,
Ғазаб ўти ёндирди дилни ёмон.
Дедим сен худобехабарга ўлим,
Кесак, тошу калтакка чўздим қўлим,
Қувиб девни мажбур этиб дўк билан,
Шу дам тундан ажратдим ул кунни ман.
Булут кетди гўёки боғ устидан,
Тухум чикди гўёки зоғ остидан.
Туриб қочди дев катта кўрқинч билан,
Париваш осилди манга дафъатан.

Деди, э гадо, хийлакор, жандапуш,
Бузуқ нияту бетамиз динфуруш,
Мен ошиқ эдим унга бир қанча йил,
Қачонларда берган эдим унга дил.
Менинг оғзим ошга етиб эрди ҳам,
Ошимни тукиб маҳрум этдинг шу дам.
Қилиб доду фарёду оху фиғон,
Дер эрди: Қани меҳру шафқат шу он.
Ақлли бирор мард йигит йўқмикан,
Қасосимни олса бу шум кексадан.
Уялмайди бу кексалиқ чоғда ҳам,
Узатди қўлин кўкрагимга шу дам.
Осилди этакка шу хил сўз билан,
Уялдим, қолиб зўр хижолатда ман.
Ечиб тунни самсоқ пиёзисимон,
Босиб ваҳми катта-кичикнинг шу он,
Яланғоч қочардим у киздан узок,
Эди мандан унга тўним яхширок.
Ўтиб неча муддат, келиб урди дўк,
Танийсанми деди, мен айтдимки, йўқ.
Қўлингда у кун тавба қилган эдим,
Бу хил фойдасиз ишни қилмам дедим.
Бу хил ишга дуч келмасин ҳеч киши,
Ўзи бирла бўлмоқдир оқил иши.
Ўшал воқеадан очилди кўзим,
Бировнинг ишидан узокман ўзим.
Агар бўлса бошингда ақлу билим,
Бу Саъдий каби сўзлагил, йўқса жим».

ҲИКОЯТ

Ҳазилми дедим, кимса сўзлар эди,
Ўғирликни ғийбатдан аъло деди.
Дедим унга: Э фикри хом, беақл,
Ишонмайди бу қиссага ақлу дил.
Ўғирликда не фазл кўрган эдинг?
Ўғирликни ғийбатдан афзал дединг.

Деди: Чунки ўғри жасорат қилур,
У мардлик кучи-ла қорин тўйғазур.
Не ортгирди ғийбатчи ғийбат қилиб,
Фақат қолди ўзи хижолат бўлиб.

* * *

Вазифа ер эрдим Низомиядан¹.
Ўтарди куним дарсу такрор билан.
Мударрисга бир кун аёний дедим:
Хасад қилди менга фалоний дедим.
Қачонким сўзим маъни додин берур,
Негадир унинг қорни тарс ёрилур.
Мударрис сўзимни эшитган эди,
Келиб аччиғи анча афсус еди.
Дедиким: Сенингча, хасад-ку хунук,
Дегил сенга ким айтди – ғийбат тузук?

* * *

Кишиларни ҳар кимки деркан ёмон,
Сени ҳам у яхши демас ҳеч қачон.
Ёмонлайди ҳар жойда оркангдан у,
Бировларни ҳам у ёмонларди-ку!

* * *

Демишларки, уч шахсга ғийбат раво,
Ошиб кетса, тўртинчисига хато.
Бири подшоҳу жафокор эрур,
Эл ундан ҳамма вақт безор эрур.
Унинг зулмин айтмоқ ҳалол дам-бадам,
Билиб эҳтиёт бўлгуси халқ ҳам.
Иккинчи – ҳаёсиз, яширма уни,
Ўзин пардасин йиртади ҳар куни.
Ҳавузга тушишдан уни тўсмагил,
Қудукқа йиқилгай ахир, яхши бил.
Учинчи – тарозуда алдоқчидир,
Ёмон феълидан қанча билсанг гапир.

¹ Низомия – Бағдодда бир мадраса номи.

ҲИКОЯТ

Эшитдимки, бир ўғри чўлдан келиб
Сейистонга¹ кирди саёҳат қилиб.
Ўзига керакли емак-ичмакин,
Сотиб олди баққолдан у қанчасин.
Тарозуда баққол ўғирлаб эди,
Солиб шовқин ул ўғри шундай деди:

Агар тунда йўлни тўсар ўғрилар,
Сейистонлик кундуздаёқ йўл тўсар.
Ёмон феъл учун тунда ҳам кўркаман,
Бу кундуз куни кўркамагай кимсадан.

* * *

Кишиларки душман сўзин келтирур,
Улар душманингдан ёмонроқ эрур.
Киши элтса дўстига душман сўзин,
Қилибдир у душманга чин дўст ўзин.
Туриб юзма-юз сўз деёлмайди ёв,
Мени сўз билан кўрқитолмайди ёв,
Ёв айтолмаган сўзни менга аён,
Дегайсан, шунинг-чун сен ундан ёмон.
Чақимчи, яна эски кек қўзғатар.
У зиндон аро гар кишанда ётур,
Чақиб юрганидан шу ҳам яхшидур.
Уруш икки тан ўртасида олов,
Чақимчи ўтин тошигувчи, мохов.

* * *

Эрур ҳаммадан ҳам чақимчи ёмон,
Унингдек разил кўрмадим ҳеч қачон.
Бузуқ фикру нодонлиги бирлан ул,
Бузар икки дўст ўртасини нуқул.

¹ Сейистон – Афғонистондаги бир вилоят номи.

Булар дўстлашурлар бўлиб жону дил,
Уятга колур ўртада ул разил.
Ики тан аро кимки ўтлар ёқар,
Ақлдан эмас бу, ўзи ҳам ёнар.
Бу Саъдийча хилватда ким завқ олур,
Тилин икки оламдан ул тортадур.
Дегил фойдали сўзни билган кадар,
Қабул этмаса ҳам уни кимсалар.
Пушаймон билан оху вой айлагай,
Нега тингламабман дебон йиғлагай.

* * *

Хотин бўлса гар поку акли расо,
Эрин шох этар, гарчи бўлса гадо.
Кўнгилга мувофик эса ёр агар,
Зафар созини чалки, топдинг зафар.
Агар ғамгусор эрса ёр тун бўйи,
У ғамни дема ғам, есанг кун бўйи.
Агар бўлса ёринг иноку гўзал,
Муродингга етдинг – муродинг ушал.
У бўлса ширинсўзлию покдил,
Уни ё хунук ё гўзал демагил.
Дили пок хотин агарчи хунук,
Ёмон хулкли хушнаmodан тузук.
Эри сирка берса, у ҳалво дегай,
На ҳалво ебон эрга аччиғлагай.
Дил оромидир яхши бўлса хотин,
Ёмон бўлса ундан Худо сакласин.
Эса тўти бир зоғ билан ҳамқафас,
Қафасдан қочиш истагай ҳар нафас.
Бошингни олиб кетгил оворавор,
Ва ё бўйнинг эг унга бечоравор.
Кавуш тор эса киймаган яхшидир,
Уруш бўлса уй, турмаган яхшидир.
Ёмон хотини бўлса уйда агар,
Ҳайитдек бўлур ул кишига сафар.
Ул уй ичра ёп шодлик эшигин,

Уруш бирла шовкин чиқарса хотин.
Хотин бўлса нодону ҳам кирюрак,
Хотинмас, бошингга балодан дарак.
Хотиннинг ёмони оғир бир азоб,
Хотин яхшиси ёру олижаноб.
Агар бўлса хотинга эр мубтало,
Маломат қилиб юрмагил, Саъдиё.
Ўзинг ҳам жафосини хўб тортасан,
Қучоғингга бир йўл агар тортасан.

ҲИКОЯТ

Биров хотини бирла носоз эди,
Келиб кекса донога нолиб деди:
Юким кўп оғир душманам дастидан,
Чунонки тегирмон тошин остиман.
У доно дедиким, керакдир чидам,
Чидам берса эр бўлмагай бўйни хам.
Тегирмон тошисан-ку кирганда тун,
Тонг отганда бўлмайсан ости нечун?
Узиб гулни бўлган эсанг шодмон,
Тикан дардини тортасан бегумон.
Есанг бир дарахт мевасин муттасил,
Тикан санчилиб қолса дод демагил.
Қуча севгиси уйни барбод этар,
Уйингни хотин меҳри обод этар.
Юмук ғунча бўл, гул каби кулмагил,
Сенга эргашиб қолгай, этсанг ҳазил.
Кўнгил боғлама гулга бекор эрур,
Унга ҳар сахар бошқа булбул келур.
У ҳар базм аро бўлса ёнган чироғ,
Унинг бўлма парвонаси, қоч йирок.
Сен олданма ҳур деб уни ҳеч қачон.
Юзи ҳурга ўхшар дили девсимон.
Аёгини ўпсанг-да, солмас назар,
Писанд айламас тупроғ ўлсанг агар.
Севиб қолсанг эл нуридидаларин,

Нисор эт зару ақлу хушинг барин.
Десанг бўлмасин нуридийдам разил.
Уларга ёмон кўз билан боқмагил.

* * *

Ўтай яхши ном бирла десанг агар,
Сен ўғлингга ўргатгил илму хунар.
Агар бўлмаса ақлу фикри унинг
Нишон қолмагай сендан ўлган кунинг.
Ота-онаси эркалатса нуқул,
Жуда кўп қийинликни кўргай ўғил.
Ақл ўргату тўғрилик, поклик,
Севиб эркалатма, қил идроклик.
Кичикликда таълимни мажбури қил,
Уни кўрқиту ҳам ширин сўзлагил.
Ҳаваскор учун балли-балли демок,
Бўлур домланинг дўкидан яхширок.
Агар сенда Қорунча¹ ҳам бўлса зар,
Ўз ўғлингни колдирмагил беҳунар.
Суянма бу давлатгаким сенда бор,
Кетар балки, у бўлмайин барқарор.
Бўшаб қолгай олтин, кумуш ҳамёни,
Бўшалмас хунарманднинг кармони.
На билғунг фалак гардиши айланур,
Ғарибликка солганда сарсон қилур?
Қўлида хунар бўлса, бўлмас гадо,
Тиланмас у ҳажот билан эл аро.
Мурод топди Саъдий қаерни кезиб,
На дарё кезиб топди, на кон казиб.
Улуғларга бош эгди ёшлиқдан ул,
Уни ҳақ улуғликка этди қабул.
Кишиким итоат-ла хизмат этар,
Сал ўтмай унга эл итоат этар.
Бўлур эл ичида у шогирд хароб,
Агар чекмас устоз қўлида азоб.
Кўмак бергил ўғлингга, у толмасин,

¹ Қорун – афсонавий бой.

Кишилар кўлига қараб қолмасин.
Ҳар одамки фарзанд ғамин емагай,
Бировларнинг илгида хор айлагай.
Ёмон устага берма шогирд этиб,
Бузар у бузуқ феълени ўргатиб.
Ўғил бўлса улфат саёқлар билан,
Умид узсин у ота бу ўғлидан
Ўғил бўлса нодону аблах, саёқ,
Отадан бурун ўлгани яхшироқ.

ХИКОЯТ

Биров кўрди бир сурат ўбдон – гўзал,
Унинг кетди ақлу хуши шул маҳал.
Кетиб холидан босди тер ончунон,
Эди худди гул узра шабнамсимон.
Келиб қолди от узра Букрот¹ ҳаким,
Деди, бунга не бўлди, бечора ким?
Биров дедиким, бу киши хўп асил,
Хатога қадам кўймаган покдил.
Халойиқ ичида сиқилган учун
Юрар тоғу саҳро аро туну кун.
Дилин айламиш сайд бир дилрабо,
Оёғи ботибдир шу болчик аро.
Қулоғига элдан етар таъна, гап,
Бу йиғлаб дегай таъначиларга, хап –
Сен айб этмагил йиғласам доимо,
Сабабсиз эмас нолишим мутлақо.
Менинг кўнглим олган у сурат эмас,
Шу суратни чизган олур ҳар нафас.
Бу сўзни эшитди у мардона чол,
Етук фикрли олиму баркамол,
Деди, «гарчи бу яхши овозадир»,
Дема ҳамманинг фикри ҳам тозадир.
Гўзал уста чизмиш экан хўп гўзал,
Берибдир дилин унга кўрган маҳал,

¹ Букрот – кадим Юнон олимларидан. Бизнинг эрамиздан 460 йил бурун туғилиб, 80 ёки 100 йил умр кўрган Гиппократ.

Нега янги гўдакка дил бермади,
Кичик-катта санъатда фарк бормиди?
Ҳақиқат кўзин олдида доимо,
Туя бирла тенгдир гўзал дилрабо,
Китобимдаги ҳамма хатлар ниқоб,
Тутибдир бу хатдан гўзаллар хижоб.

Қаро харфлар остида бир маъни бор,
Булут ичра ою ниқоб ичра ёр.
Бу Саъдий ҳаётига сиғмас малол,
Турар парда орқасида кўп жамол.
Менинг сўзларим мажлис аро эрур,
Бир ўтдир сочар, нуру ҳам куйдирур.
Не ғам гар ғанимлар куяр ҳар маҳал,
Улар форс ўтида иситма касал.

* * *

Жаҳонда кечиб ғорда жой топса ҳам,
Бутун эл юзига эшик ёпса ҳам,
Қутулмас киши айб изловчидан,
Тузукми, бузукми ёшинган билан.
Бўлур куч билан тўсса дарё йўлин,
Тўсиш мумкин эрмас чақимчи тилин.
Ва ё тулкилик, хоҳ шерлик билан,
Қутулмайсан асло улар дастидан.
Агар кирса хилват аро ҳар киши,
Унинг бўлмаса кимса бирлан иши,
Маломат қилурларки айлаб риё,
Қочар халқдан дев каби доимо.
Агар бўлса хушсухбату покдил,
Демаслар бу покиза ёки асил.
Қийин кунга қолса бирор камбағал,
Дегайлар: Бу бадбахт эрур ҳар маҳал.
Куйиб йиғласа бир ғарибу гадо,
Дегайлар: Бу кашшоқ, бу бахтиқаро.
Келиб қолса бир бой ва ё подшоҳ,

Дегайлар: Буни бизга берди Худо.
Бу манманлигу кибр токай бўлур,
Бу шодликни орқосидан ғам келур.
Бирор камбағалга келаркан агар,
Шараф омаду бахту толе, зафар.
Адоватли тиш қайрашурлар ҳадеб,
Ки дунё боқар пасту номардга деб.
Ишинг унг келибок юришса агар,
Ҳарис ёки дунёпараст дейдилар.
Қўл урмас эсанг ишга ҳиммат қилиб,
Текинхўр дейишгай маломат қилиб,
Бу эзма дегайлар гапирсанг сени,
Бу сурат дегайлар жим эрсанг сени.
Демаслар: Чидамлини бу мард экан,
Дегайлар бошин эгди қўрқув билан.
Агар бўлса бошида мардоналик,
Қочарлар, дебон бу не девоналик.
Агар кам еса таъна этиб дейдилар:
«Бўлақлар унинг молини ейдилар».
Агар ул топиб еса яхши таом,
Қорин бандаси бўлди дерлар мудом.
Қилиб балки, ортиқча зийнатдан ор,
Кийиб юрса оддий либос молдор,
Ўзидан аяр пулни, бадбахт дебон.
Қилурлар унга тилни ханжарсимон,
Уйини агар ранг-баранг накш этар,
Танига агар тоза шохи кияр,
Фаразгўлари таън этиб ҳар куни,
Ясангай хотинларча, дерлар уни.
Сафар килмаса гар дили пок эр,
Сафар килгувчи они номард дер,
Дегайким хотин олдидан чикмагай,
Ўзин ақлини то хануз йиғмагай,
Жаҳонгаштанинг ҳам шилиб терисин,
Дегайлар у сарсону бадбахт лаин,
Унинг бўлса бахтдан насиби агар,
У бўлмас эди дарбадар дейдилар.

Хотинсиз йигитни ғажиб бирталай,
Дегайлар гунохига ер титрагай.
Хотин олса дерларки нафси учун,
Эшакдек ботиб қолди лойга бу кун.
Ғажирлар кўримсизни ҳам ҳар нафас.
Гўзалларни қандай улар чайнамас.
Агар чиқса жаҳлинг бирор он сени,
Дегайлар: Бу жоҳил, паришон сени.
Биров бирла қилсанг муроса агар,
Бунинг ғайрати асли йўқ дейдилар.
Дегайлар: Сахийга насихат қилиб,
Пулнинг қолмагай, сарф қилгил билиб.
Қаноат била юрса, кўйса қадам,
Маломатда қолгай у бечора ҳам,
Дегайлар: У нокас отадек ўлар,
Кегар қайғу тортиб, бу дунё қолар.
Кишидан киши ҳеч қутулмас экан.
Асир ўз иложин топар сабрдан.

ҲИКОЯТ

Бир оқил хунарманд йигит бор эди,
Жуда нотику марду хушёр эди.
Художую покизадил, хушқилик,
Қаро мўйлаби – ҳусни хатдан силлик.
Луғатдон, билимдону илми етук,
Деёлмасди «шин» ҳарфин аммо тузук.
Бир оқил кишига дедим бир куни,
Тиши йўқми олдин қаторда уни?
Менинг бу сўзимдан қизарди шу он,
Деди: Бу каби сўзни айтмоқ ёмон.
Кўзингни юмиб бирталай фазлидан,
Кўриб биргина айбини айтасан.

* * *

Етук ақлу фикр эгаси – нуктадон,
Тойиб қолса ўз йўлидан ногаҳон,

Кичик бир гуноҳ бирла берма жазо,
Улуғлар дегайларки, хузмосафо¹.

Тикан гул била бирга, э покдил,
Тикан боғлама, балки, гул боғлагил.
Агар излашинг айб эрур, э етук,
Курарсанми товус оёғи нечук?
Дилинг тоза тут, босмасин гарду чанг,
Не курсатгай, ойнани босса занг?
Биров айбини пеш қилиб юрмагил,
У ҳам пеш қилур сенга айбингни, бил.
Гуноҳкорни мунча урарсан, гапир,
Қара, ўз гуноҳинг оз эрмас ахир.
Ёмонликни севмас эсанг, қилмагил,
Кейин кўшнига яхши юргил дегил.
Ёмонманми ё яхшими – ўз ишим,
Сени босмагай ҳеч қачон ташвишим.
Ёмон кўз билан кир юраклар ҳамон
Боқар Саъдий шеърига душмансимон.
Гўзал маъниларга назар солмагай,
Бироз топса айбин ҳужум айлагай.
У мағрурда иллат шудирким, факат,
Ҳақиқат кўзин ундан ўйди ҳасад.
Ҳама кўзу қош ҳам гўзал демагил,
Пучоғин чақиб писта мағзин егил.

САККИЗИНЧИ БОБ

ШУКР ВА ОМОНЛИК ҲҲАҚҚИДА

На тил бор эдию на гўдак эдинг,
Она қорнида келди ризкинг, единг.
Кесилгач сенинг киндигинг, э ширин,
Қўлинг тутди маҳкам она кўкрагин.
Ушал икки кўкракки сенга ёқар,
Сени кондиришга булоғдек оқар.

¹ *Хузмосафо* – ҳар нарсаки, соф, беғубор бўлса қабул кил.
Ҳар нарсаки, ғуборлик, занг босган бўлса, унга карама.

Кучоғи ёқимли биҳишт онанинг,
Сут окқан ариқ унда жонкуяр қомаги,
Бола – мевадир, умрнинг лаззати.
Дема дилда бўлмайди кукрактомир,
Қара оқ сутига, юрак қонидир.

ҲИКОЯТ

Она сўзига кирмади бир йигит,
Бу куйган она қалбини сен эшит.
Олиб келди бешикни дилда алам,
Эмиздим, кичикликда йиғлатмадим,
Сени деб бутун тунлар уйғок эдим.
Имирға эдинг, тебратардим сани,
Юзингдан қуволмас эдинг пашшани.
Сени пашша енгар эди ул замон,
Бу кун сен забардаст, етук пахлавон.
Гўр ичра келур санга қайта у хол,
Танинг қурт егай, сенда қолмас мажол.
Бу кун кўрга ўшарсан-у, ўргилай,
Йўлида чуқур бўлса кўр билмагай.
Шукур айлагилким, кўзингдир очик,
Шукур этмасанг икки кўзинг юмик.
Агар тош билан ёвни янчолмасанг,
Болам, лоақал дўст билан қилма жанг.
Туз оқловчи оқил не иш айлагай?
Шукур миҳида ризкин бойлагай.

ҲИКОЯТ

Йикитди чўчиб оти шахзодани,
Танига ботиб кетди бўйни ани.
Тану бўйни бир бўлди филдек шу дам,
Тан айланмай, айланмагай калла ҳам.
Табиблар турар эрди ҳайратда жим,
Факат шунда юнонлик доно ҳаким.

Томирларни ишқаб, бошин тиклади,
Йўқ эрса у гўрга тикилгай эди.
Эшитти унутмиш унинг хизматин,
Гапирмас эмиш ҳеч унинг қийматин.
Шоҳ олдига келди яна бир маҳал,
У пасткаш назар солмади лоакал.
Уялди у доною эгди бошин,
Эшитдим ўзича дер эрди секин:
«Бураб бўйнин ул кун илож қилмасам,
Бу кун юз ўгирмасди мендан бу ҳам».
Кулидан юборди у бир доруни,
Солиб ўтга ҳидлаш керак деб уни.
Шоҳ олдига етказди қул ҳам шу он,
Уни айтганин қилди шоҳ шул замон.
У дам шоҳни чучқуртди хидли тутун,
Танига яна ботди бошу бўйин.
Ҳакимга узр айтгали ул куни,
Кўп ахтардилар топмадилар уни.
Киши яхши кун кадрини билмагай,
Ёмон кун агар бошига келмагай.
Совуқ йилда қишлаш ғарибга оғир,
Бадавлат киши қайда сезгай ахир.
Агар йўлда чакқонсану довярак,
Шукр қил, юролмасга бергил кўмак.
Қариларга ёшлар кўмак айласин,
Ғарибларни давлатлилар қўлласин.
Сув кадрини сен кемачидан кўра
Қурук чўлдаги ташналардан сўра,
Киши дард чекиб то касал бўлмагай,
Танисоғлик кадрини билмагай.
Қоронғу кеча кўп узайган билан
На билсин уйида қотиб ухлаган.
Иситма азобида ўтқарса тун,
Шу одам билурким тун эрмиш узун.
Хўжа энди турди, чалинғач довул,
На билгайки, қандай тун ўтказди қул.

ҲИКОЯТ

Кўриб колди Туғрул¹ чикиб бир туни,
Сарой соқчиси – посбон хиндуни.
Совук, изғиринда тани қалтирар,
Унинг устига қору ёмғир ёғар.
Ачинди дили, бўлди у меҳрибон,
Деди пўстинимни юборгум шу он.
Кутиб тур, йўлакка томон кўз солиб,
Қулум келтирур сенга пўстин олиб.
Шамол турди қаттиқ шу дамда чунон,
Қочиб кетди Туғрул саройи томон.
Саройда канизи бор эрди, гўзал,
Севар эрди, кўрди уни шул маҳал.
Чиройи уни мафтун этди чунон,
Эсидан чикиб колди у посбон.
Қоровул эшитганди пўстин сўзин,
Бирок кўрмади пўстиннинг ўзин.
Бас эрмасмиди у совук шиддати,
Фалақдан етишди кутиш кулфати.
Ётар, шохни кўргилки ғафлат олиб,
Қоровул дер эрди нағора чолиб:
Тунинг сенгадир айшу ишрат учун,
На билдинг, наҳолда ўтар бизни тун.
Емас чўлда қолган ғамин қарвон,
Ўзи манзилида қурибдир қазон.
Қойиқчи, кутиб тур, кўп этма шитоб,
У бечоралар ботди – холи хароб.
Шошилмангиз, илдам йигитлар, қаранг,
Қаторда қарилар келурлар аранг.
Тагингда сенинг тулпоринг бор, учар,
Яёв холи не кечди, сен – беҳабар.
Улар ким ётар тахтида боҳузур.
Қачон корни очларнинг ҳолин билур.

¹ Туғрул – салжукий подшоларидан бири.

ҲИКОЯТ

Бир одамни миршаб қўлин боғлади,
Бу холат дилин тун бўйи доғлади.
Етушди қулоғига мунгли садо,
Қилур кимса йўқликда нола-наво,
Қўли боғли ўғри эшитгач буни,
Деди, нола тоқай, бор ол уйқуни.
Худога шукр қилгил, э камбағал,
Қўлинг боғламабдир-ку миршаб дағал.
Фигон этма бечоралиқдан сира,
Ўзингдан ҳам ожиз киши бор, қара.

ҲИКОЯТ

Билар эрди бир мулла хуп пок ўзин,
Кўриб йўлда бадмастни, юмди кўзин.
Ўтиб кибр ила, боқмади лоақал,
Йигит турди, унга деди шул маҳал:
Шукр кил, ҳамеша бу неъматга сан,
Бўлиб қолма маҳрум ғуруринг билан.
Биров банди бўлса сира кулмагил,
Ўзинг ҳам мабодо асир бўлмагил.
Буни ким билур, эртага сен ичиб –
Кўчада ётурсанми мендек учиб.
Сенга току масжид бўлибдир макон,
Биров бутпараст бўлса, дема ёмон.

ҲИКОЯТ

Гўзал бут қадим бутларидан ажиб,
Буни Суманот¹ ичра кўрдим кириб.
Чизилмиш унинг сурати ончунон,
Чизилмас – чизолмас киши ҳеч қачон.
Келур ҳар тарафдан тўлиб қарвон,
У жонсиз жамолини кўрсак дебон.

¹ Суманот – Ҳиндистоннинг Гужарот вилоятидаги бутхона.

Бу бутдан Хитою Чигил шоҳлари,
Вафожӯ эди Саъдий янглиғ бари.
Ширин сӯзлилар хар тарафдан келур,
У тилсизнинг олдида нола қилур.
Толиқтирди фикримни бу можаро,
Ки жонсизни жонли нечун дер Худо.
Бир оташпарасти мен билан бор эди.
Ширин сӯзу хамхужраю ёр эди,
Мулойим сӯз ила дедим: Менга айт,
Таажжубда қолдим бу жойда шу пайт.
Нечун ушбу ҳайкални дерлар Худо,
Залолат чаҳига бўлиб мубтало?
Юролмас оёғи, қўли ушлолмас,
Йикитсанг туролмас, ололмас нафас.
Кўзини кўрарсанки бир қаҳрабо,
Вафо кўзламоқ, кўзи тошдан хато.
Сўзимдан у дўст менга душман бўлиб,
Ёнар эрди ўтдек ғазабга тўлиб.
Йиғиб келди муғларнию¹ пирларин,
Эди мен учун катта хавфли йиғин.
Хужум этди бир қанча позандхон,
Суякни талашиб бўлиб итсимон.
Улар наздида эгри йўл тўғридек,
Кўринмиш бу ҳақ тўғри йўл эгридек.
Киши гарчи хўб поку оқил эрур,
У аблаҳлар олдида жоҳил эрур.
Иложим йўқ эрди, қолиб нотавон,
Мураса керак бўлди менга шу он.
Агар сенга жоҳил адоват қилур,
Унга таслим ўлмоқ мувофиқ келур.
Уларнинг улуғроғини мақтадим,
Сен Асастову Зандхонга раҳбар дедим.
Бунинг нақши ёкқан жуда менга хам,
Чиройли, гўзал бўйлидир бу санам.
Бадиий эрур сурати бегумон,
Бироқ менга мазмуни эрмас аён.

¹ Муе – зардуштийлар, «Занд» – маздопарастиларнинг китоби

Йўловчиман-у, тезда килгум сафар,
Эрурман ёмон-яхшидан беҳабар,
Билурман, бу шахматда фарзин ўзинг,
Бу юрт шохигадир насиҳат сўзинг.
Йўқотгай йўлин таклид этган киши,
Билиб юрган одамнинг ўнгдир иши.
Бу суратни мазмунидан бер дарак,
Тушунгач берай унга мен ҳам юрак.
Брахман¹ бўлиб шоду хуррам шу он,
Ишонди, деди: Э азиз нуктадон,
Саволинг хақиқат, сўзинг мўътабар,
Далил истаган – мақсадига етар.
Шаҳарлар кезиб, сен каби, беадад,
Неча бутни кўрдимки жонсиз жасад.
Валекин бу ҳар тонг қилиб баҳраманд
Адолат кўлини кўтаргай баланд.
Туна бу кеча хоҳласанг, э азиз,
Бу сирни кўрарсан ўзинг, шубҳасиз,
Қолиб у билан тун бўйи мунтазир,
Қудук ичра Бежан² каби мен асир.
Қиёмат кунидек узун бўлди тун,
Ювуксиз намоз ўкишарди бутун.
Гуноҳ қилган эрканми ман мубтало,
Дилимда азобу тилимда дуо.
Чалинди нағора – ўкинг деб намоз,
Брахман ўлур деб чақирди хўроз.
Қаро тўнли туннинг имоми шу чок
Қинидан суғурди қилич ярқирок.
Тушиб тонг чўғи сўхтага ушбу дам,
Жаҳонни ўт олди бўлиб субҳидам.
Дегайсан бу ҳолатда беихтиёр:

«Кириб келдими Зангборга³ тотор».
Ювуксиз мўғуллар, йўлин билмаган.

¹ *Брахман* – будда мазҳабидаги руҳоний.

² *Бежан* – «Шоҳнома» қаҳрамони.

³ *Зангбор* – Қадимий Хабашистоннинг маркази.

Чиқиб келди атрофу ҳар кўчадан.
Йиғилди у бутхонага барча эр,
Тарик сикқудек қолмади унда ер.
Мен уйқусизу қайғу-ғам бирла банд,
У бут ногаҳон қўл кўтарди баланд.
Улар нола-фарёд кўтарди чунон,
Тошиб кетди гўски дарё шу он.
Кетиб ҳамма бутхона авлоқ эди,
Брахман кулиб боқди менга, деди:
«Мана энди ҳеч қолмади махфий сир.
Хатосиз ҳақиқатнинг ўзи шудир».
У жоҳилни билдимки қайсар экан,
Маҳол фикрини дилга маҳкамлаган.
Ҳақиқатни айтолмадим шул замон,
Керак ҳақни ботилдан этмоқ ниҳон.
Забардаст киши ёвга бўлса асир,
Ўзин сақламас эрса, дема далер.
Қилиб хийла шул дам чунон йиғладим,
Пушаймонман айтган сўзимга дедим.
Йиғимни кўриб майл этиб қолдилар,
Тегирмон тоши сув билан айланар.
Чопиб келдилар ҳамма ҳурмат қилиб,
Қўлим тутдилар ҳамма иззат қилиб.
Суяк тахти устидаги бут томон
Бориб айладим арзу узрим баён.
У бут илгин ўпдим қилиб эҳтиром,
Буту бутпарастларга лаънат мудом.
Бўлиб неча кун бутпарастларча ман,
Улар наздида гўйё брахман.
Ишончли киши бўлдим аста-секин.
Бўлиб шоду хуррам мен ундан кейин.
Солиб танба бир кеча бутхонага,
Чиёндек югурдим ман ул хонага,
Бориб тахтни синчикладим ончунон,
Кўзим тушди бир пардага ногаҳон.
Биров парда ортида турган экан,
Қўлига бир ипнинг учин ушлаган.

Тамоман аён бўлди менга бу сир,
Довуд¹ илгида мум бўлди темир.
Муғ ипнинг учин аста тортган ҳамон,
Кўтаргай экан бут кўлин шул замон.
Брахман уялди юзимдан шу дам,
Уялгай очилганда сир ҳамма ҳам.
У кочди-ю, кувдим етиб унга ман,
Йиқитдим қудук ичра боши билан.
Билурман тирик қолса, бўлса халос,
Брахман чикиб мандан олгай қасос.
Мани ўлдириб айлагай тору мор,
Сирим бўлмасин элга деб ошқор.
Бузуқвошни теп қўлга тушган ҳамон,
Жазосини бермоқ керак беомон.
Агарда тирик қолдирарсан уни,
Сени бегумон ўлдирар бир куни.
Агар сенга қулларча хизмат килур,
Топиб вақтин, албатта, бошинг олур.
Ёмон кетидан тушмагил аввало,
Тушибсанми, маҳв эт уни мутлако.
Бошин тош билан янчидим шул нафас,
Бу ҳақда ўлик ҳеч қачон сўзламас.
Тушундимки, гавғо зўрайгай шу чок,
Уни қолдириб тунда қочдим узок.
Қамишзор аро ўт кўярсан агар,
Жуда эҳтиёт бўл, чиқар шерлар.
Ғаним бўлса сендан кўра устарок,
Ўқ отма унга ё отиб, қоч йирок.

Сен ўлдирма афъий² илон боласин,
Ғар ўлдирсанг ул уйда бўлма кейин.
Арилар инин қўзғасанг, қоч шу он,
Яқинрокда турма, у бергай зиён.

¹ Довуд пайғамбар. Унинг қўлида темир мумдек мулойим бўлар экан.

² Афъий – захарли.

Бу Саъдий сўзи ичра энг яхширок,
Девор остини кавласанг, қоч йирок!
Ушандан кейин Хиндга қилдим сафар,
У ердан Яманга, Хижозга қадар.
Ютардим захар бир неча ою кун,
Ширин бўлди комим фақат ушбу кун.
Бунинг шукри бўлмас адо ҳеч дам,
Бошим хизматида оёқ бўлса ҳам.
У бандлар ечилди-ю, топдим нажот,
Менинг-чун ўгит бўлди то мен ҳаёт.

ТУҲҚЗИНЧИ БОБ

ТАВБА ҲАҚИДА

Етиб қолди етмишга умринг бу кун,
Сен уйқуда, умрни совурдинг бутун.
Гар эллик дирамдан камир беш дирам
Дилинг тирнагай беш қўли бирла ғам.
Бекор ўтди эллик йил умринг қани,
Ғанимат бу беш кун сенга қолгани.
Тили бўлса эрди ўликда агар,
Дер эрди қилиб доду фарёдлар:
Умр ўтди бизларда ғафлат билан,
Қўлингдан бу фурсатни бой берма сан.

ҲИКОЯТ

Йигитлик ажаб шодлик пайт экан,
Кечин базм қурдик йигитлар билан.
Қилиб ялла, юзлар очик гул каби,
Эдик ҳаммамиз шўх булбул каби.
Нарирокда бир чол ўтирган эди,
Сочи кексаликдан оқарган эди.
Юмилган эди оғзи фундук¹ каби,
Эмас биз каби писта янглиғ лаби.
Бориб бир йигит деди: Э отажон,
Нечун ғам чекиб ўлтирибсан бу он?

¹ Фундук – тошёнғок.

Бошингни кутар кайғу-ғамдан бироз,
Йигитлар билан ұлтириб дилни ёз.
Кутарди бошини шу он пухта чол,
Жавобига бок, маънилик, баркамол:
«Чаманда агар тонг насими эсар,
Нихолларни хўп яшнатар, ўстирар.
Кўкат чоғида яшнагай ҳар бошок,
У сарғайса, сингай эгилгандаёк,
Баҳорда кўкаргаи дарахт улғайиб,
Тукар баргини кузда у сарғайиб.
Ярашмайди ёшлар-ла мен ўйнасам,
Юзим кексалик тонгидир ўйласам.
Бугун сизгадир базмнинг навбати,
Ўтиб кетди биздан ҳузур фурсати.
Қарилик ғубори бошимда, шу бас,
Йигитларча юрмоқни қилмам ҳавас.
Сочим зоғини қор босиб бу кун,
Уят, боғда булбул бўлиш, мен учун.
Қилур жилва товус гўзаллик билан,
Не келгай бу паррехта шунқордан.
Ҳаёт ғалласини ўриш бизники,
Ҳаёт ичра яйраб ўсиш сизники.
Гулистонимиз бўлди сўлғин нукул,
Ким ундан теролгай эди энди гул.
Асога суяндим, болам, мен бу кун,
Ҳаётга ишонмоқ хато мен учун.
Бўлибдир кизил гул юзим заъфарон,
Куёш сарғаяркан ботар шу замон.
Оёқ бирла юрмоқ йигитлар иши,
Асога суянгувси кекса киши.
Гўдак мен йигит деса ҳам айб эмас,
Қарига уят ёшлик этса ҳавас.
Йигитда оқаргунча сочу соқол,
Гуноҳин олиб гўрга етгуси чол».

ХИКОЯТ

Табиб олдига келди бир хаста чол,
Ўларман дебон йиғлади бемажол.
Табибга деди: Томирим ушлагил,
Оёқда мадор йўқ, иложин дегил.
Бу оғир жасад шунга ўхшайдиким,
Дегайсанки лойга ботибдир таним.
Табиб деди: «Оламдан этгил сафар,
Оёғинг қиёматда лойдан чиқар.
Йигитлик қариликда келмас сира,
Оқиб кетса сув қайта келмас сира.
Шошилган эсанг ҳам йигитликда сан,
Қариликда иш қил, эсу ҳуш билан.
Ҳаёт даври ошганда қирқдан нари,
Уринмаки гирдобга чўқди бари.
Ҳавасни бошингдан чиқоргил тамом,
Ҳавас пайти ўтди, тамом, вассалом.
Қаро шомим окликқа қўйгач кадам,
Қоча бошлади шодлигим дам-бадам.
Нечук сабза бирла очилсин димок?
Унар сабза қабримда эртагаёқ.
Фурур бирла сайру томоша қилиб,
Босиб қанчалар қабрин ўтдик елиб.
Кейин келгувчи наслимиз ҳам шу хил,
Ўтарлар босиб қабримиз муттасил.
Юз афсус, ўтиб кетди ёшлик замон,
Умр ўтди беҳудага, минг фиғон!
Минг афсуски, шундай ажойиб ҳаёт,
Яшиндек ўтиб кетди тез, бесабот.
Деди уста шогирдига яхши сўз,
Умр ўтди бир иш килолмай ҳануз.
Минг афсус, азиз умр ўтди шу хил,
Бу қолган нафас ҳам ўтар, худди ел.
Саодат уйида киши бор агар,
Бу Саъдий сўзин битта харфи етар.

Кучинг бору майдон агар бўлса кенг,
 Бу майдонда хунар қил мардларга тенг.
 Фалак олди давримниким, ҳар куни,
 Эди Лайлатул кадрнинг бир туни.
 У кунлар ғанимат экан, билмадим,
 Билинди-ю, аммо йўқотган эдим.
 От устидасан, бор, ишинг бўлмасин,
 Юк остида кекса эшак найласин.
 Пиёла синиб унга тушса қадоқ,
 Унинг нархи тушгай ўшал ондаёқ,
 Тушиб ерга синди қўлингдан санинг,
 Қадоқдан бўлак йўқ иложи анинг.
 Ким айтиб эди, дарёга ташлагил,
 Ўзинг ташладинг, ўз иложингни қил.
 Ўзолмас эсанг ҳам югур пойгада,
 Умид узма, чоп гарчи сен орқада.

ҲИКОЯТ

Эдим Файд¹ чўлида карвон билан,
 Оёғимга бўлганди уйқу кишан.
 Туячи, мени қаҳр илан тур дебон,
 Туя буйдаси бирла урди шу он.
 Деди жон керак бўлса, тур, менга боқ,
 Сен уйғанмадинг чалса ҳам кўнғирок.
 Ширин уйқу сендек келур менга ҳам,
 Валекин узок чўлга қўйдик кадам.
 Бу шовқинда уйғонмас эрсанг, гапир,
 Қачон манзилингга етарсан, ахир?
 Довулни эшитдингми, билким шу он,
 Етиб қолди манзилга илк карвон.
 Киши йўлда ётса, кетиб ҳамсафар,
 Бу тургунча қолмас улардан асар.
 Йигитлик юзини босибдир ажин,
 Оқарди сочинг уйқудан, тур, ачин.

¹ Файд – Макка йўлидаги чўл.

Ҳаётдан умид уздим ул кундаёк,
Соколим каросига тушганда оқ,
Умидинг агар эрса хирмон қилиш,
Экинни қил ўз вақтида парвариш.
Белингдан-ку сув ошди, кўзингни оч,
Агар бошдан ошса топилмас илож.
Маломат билан қилма умрингни ҳайф,
Шу фурсат ғаниматдир, «Алвакту – сайф»¹.

* * *

Ўтирган эдинг бошқалар ўрнига,
Биров ҳам ўтиргай сенинг ўрнинга.
Кеча ўтдию эрта маълум эмас,
Ҳисоб эт шу кунни – ғанимат нафас.

ХИКОЯТ

Вафот этди Жамшеднинг бир хотини,
Ипакка ўраб кўйди қуртдек уни.
Мазорига келди ўтиб қанча кун,
Унинг мотами бирла йиғлаш учун.
Қўрарким чирибдир у шоҳи кафан,
Ўзича деди – охири шул экан,
Буни қуртдан олган эдим зўрлаб,
Лаҳад қуртлари қайта олмиш ялаб.
Бу боғ сарви қанча баланд бўлса ҳам,
Бошини ажал ели этгувси ҳам.
Топар воя ўттиз йил ичра ниҳол,
Емиргуси бир зумда қаттиқ шамол.
Жигарни кабоб этди бу икки байт,
Рубобчи ўқирди эсимда у пайт:
Минг афсуски, бизсиз келур қўп баҳор,
Очилгай кулиб, яшнагай лолазор.
Келур фасллар қанча йиллар, эсиз,
У вақтларда биз гишту тупрок биз.

¹ Бу арабча мақолнинг маъноси: Умр – ўткир қилич. Яъни, умр ўткир қилич каби тез ўтади, демакдир.

ҲИКОЯТ

Топиб олди бир тилло ғишт бир киши,
Ҳамиша художўйлик эрди иши.
Тўсиб ақлини қилди тилло гаранг,
Бу савдо билан қалбини босди занг.
Бутун тун бўйи ўзича дер эди,
Туганмас умр бўйича, дер эди.
Ялинмоқ, тиланмоқ билан қоматим
Бировга эгилмас, кетиб ҳурматим.
Солай ости мраммар ажойиб бино,
Тўсин, васса, шамшоду уд, хоказо.
Солай бир гўзал хужра дўстларга хос,
Очай богдан эшик, ёзай соз палос.
Зерикдим бу йиртиқ-ямоқ дастидан,
Ўчоқ тафтида ёнди-ку жону тан.
Пиширсин таомларни ошпаз келиб,
Қилай парвариш жонни, роҳат қилиб,
Жуда қийнади жонни қаттиқ наमत,
Ётай парқу шоҳида энди фақат.
Кетиб ақли бўлди ўзи телбатоб,
Бошин мағзи ҳирс панжасида хароб.
Чиқиб кетди сахрога мағрурланиб,
На турди, на ўлтирди у айланиб.
Биров гўр ўйиб лой қиларди шу кун,
Бу гўр лойидан ғишт қуймоқ учун.
Чуқур ўйга ботди ўшал дамда чол,
Деди нафсига кўргилу ибрат ол.
У ғиштга дилинг бердинг, э беҳабар,
Сени лой қилиб бир куни ғишт қуяр.
Тамаъ оғзи очик эрур доимо,
Юмилмайди бир лукмадан мутлако.
Кеч, э ҳиммати паст, бу ғишт билан.
Тўсолғунгми дарёни бир ғишт билан.
Пулу мол йиғишни қилурсан хаёл,
Этиб умр сармоясин поймол.
Фурур санги ақлинг кўзини тўсар,
Қибр ўти умр хирмонига тушар.

Фурур сурмасидан пок этгил кўзинг,
Ўтиб гўр аро сурма бўлгунг ўзинг.

ҲИКОЯТ

Уришганди икки йигит худди ёв,
Такаббурда шердек эди ҳар икков.
Қочарди улар бир-биридан чунон,
Улар кўзига тор эди кенг жаҳон.
Ажал келтириб биттасига завол,
Олиб кетди айшин этиб поймол,
Бўлиб бошқаси шод, у ўлган учун,
Мазорига борди ўтиб неча кун.
Гўрин устини кўрдиким лойшувок,
Эди жойи аввалда заррин равок.
Юриб келди бошига хурсанд чунон,
Дер эрди кулиб ўзича шодмон.
Бу қандай севинчли у одам учун,
Ўлиб душмани, ёри ҳамдам бу кун.
Ўлиб душмани, у қолиб бир нафас –
Кейин ўлса, йиғлаш керак ҳам эмас.
Дилида адоват тўла куч билан,
Очиб гўрни кўрди, чирибдир кафан.
Бошида тож ўрнида тупрок ётар,
Кўзида нур ўрнида тупрок ётар.
Лаҳад худди зиндон, у бандасимон
Ер эрди кумурска танин беомон.
Фалак айламиш ой юзини ҳилол,
Танин қилтириқдек қилиб бемажол.
У кучли қўлин, кафту бармоқларин –
Ўлим ажратибдир бўғиндан, бўғин.
Жуда раҳми келди, деди оҳу вой,
Кўзин ёшидан қилди ул гўрни лой.
Пушаймон бўлиб қилмишидан шу он,
Ўзи тошга ёздирди шундай дебон:
Биров маргидан бўлмагил шодмон,
Сени ҳам тирик қўймагай бу жаҳон.

Бу бош охири бўлгусидир фано,
Дегайсан кўзи йўк эди мутлако.
Чопардим баланд тепани бир замон,
Қулоғимга етди бу оху фиғон:
Ҳушинг бирла тешангни оҳиста ур,
Юзу кўзу бошу қулок шундадир.
У кун шоҳ эдим, мулким эрди жаҳон,
Қаро ерга тенгман, қара, бу замон.

ҲИКОЯТ

Менинг бир кеча қасдим эрди сафар,
Туриб катта карвон-ла юрдим сахар.
Шамол турди, кўркинчли ўйнар куюн,
Қоронғу эди кўзга олам бутун.
Йўл устида бир қиз ота кўзидан,
Чангин артар эрди рўмоли билан.
Деди отаси, э кизим, жонгинам,
Мени ҳўп севарсан-да, чакқонгинам!
Бу кўзларга тупроқ тўлуру ончунон,
Уни тозалаб бўлмагай ҳеч қачон.
Ғариб қабримизда шамоллар эсар,
Бу тупроғимиз ҳар томон тарқатар.
Сени нафсинг ул сургучи отсимон,
Олиб боргуси тез суриб гўр томон.
Узангидан олса оёғинг ажал,
Жиловини тортиш маҳол ул маҳал.

ТАНБЕҲ

Жаҳон бир нафас, сақлагил ҳар нафас,
Етук олдида бир жаҳондир нафас.
Жаҳон шоҳи Искандари ҳукмрон,
Ўтарда ўзи, қолдирарда жаҳон,
Бир олам берай бир нафас-чун деди,
Бу мақсад сира мумкин эрмас эди.
Ўриб экканин кетди ҳар қайси жон,
Фақат қолди ном, яхшидир, хоҳ ёмон.

Бу бўстон ҳамеша шу хил гул берур,
Мудом ўлтириб дўстлар гул терур.

ҲИКОЯТ

Отам даври ёдимдадир доимо,
Уни ёрлакаб, раҳмат этсин Худо.
Олиб берди ул, ёш эдим, мен учун
Бир олтин узук, лавҳу дафтар у кун.
Биров битта хурмо бериб ногахон,
Узукни олиб қўйди мендан шу он.
Бола билмагайким узук на эрур,
Бериб битта канд ҳар киши ҳам олур.
Гўдакларча сен ҳам умр қийматин,
Билолмай олардинг, деса канд ширин.

ҲИКОЯТ

Боқарди биров бўрининг боласин,
Бироқ улғайиб ёрди ўз хожасин.
Ётиб жон бериш ҳолатида эди,
Ширин сўзли бир кимса шундай деди:
Шу хил сийласанг душманингни агар,
Билиб қўйки, пайт топса қорнинг ёрар.

ҲИКОЯТ

Биров шоҳни ранжитди, бирдан уни –
Деди душманига сен ўлдир буни.
Қолиб душманин илгида у асир,
Ўзича дер эрди: Нетарман ахир.
Ўзимдан агар дўстни ранжитмасам,
Кўрардимми, мен душманимдан ситам.
Гар оқил эсанг, дўстдан кечмагил,
Ўшанда ғаним кўз очолмайди, бил.
Агар дўстини ҳар киши ранжитар,
Унинг душмани балки, пўстин шилар.

Агар сен эсанг дўст билан жону тан,
Ғаним емрилур шоҳу илдизи билан.

ҲИКОЯТ

Бир аблаҳ ўзи эл ҳакин ер эди,
У ҳар дамда шайтон лаин дер эди.
Кўриб йўлда шайтон унга дедиким:
Сенингдек разил дунёда кўрмадим,
Ахир, дилда-ку иккимиз дўст биз,
Нега тиф кўтардинг менга, бетамиз?!

ҲИКОЯТ

Унутмасман асло у ёшликда мен,
Ҳайитга бориб эрдим отам билан.
Аланглаб томоша билан мен шу он,
Отамдан адашдим, боқиб ҳар томон.
Бироқ ваҳму даҳшатда қилдим говуш,
Қулоғимни чўзди отам, кирди хуш.
Деди: Неча марта дедим-ку, ахир
Бўшатма қўлингни этакдан тақир.
Бола якка ҳеч қолмаса яхшидир,
Кўрмаган йўлни топиш мушкул эрур.
Югурмок керак яхшилар ортидан,
Топар бу саодатни чин истаган.
Разиллар билан бўлмагил ҳамтовок,
Йўқ эрса тўкилгуси обрў бироқ.
Бошок тер юриб Саъдийдек тинмайин,
Йиғарсан бутун маърифат хирманин.

ҲИКОЯТ

Биров ғамлади ғалла ёз фаслиёк,
Дилин киш ғамидан бўшатди шу чок.
Тамом ғаллага қўйди ўт бир кеча,
У аблаҳ ёмон маст эди ўлгунча.

Кулида сира ғалласи йўқ учун,
Бошоқ тергали чиқди иккинчи кун.
Уни кўрдилар кўчада дарбадар,
Биров дерди: Ўз ўғлига, э жигар,
Қаро кунга қолмай десанг ушбу хил,
Булиб жинни, ғаллангга ўт қўймагил.
Ёмон ўтса умринг агар, э осов,
Кўйибсан узинг хирмонингга олов.
Ўзин хирманин куйдириб аввало,
Бошоқ ахтариш, жиннилик мутлақо.
Дили титрагай дехқон ўйланиб,
Ниҳолим менинг мева бермасми деб.
Уруғ сочмайин хирмон олмоқ маҳол,
Тамаълик кишилар бўлур хомхаёл.
Ниҳол эккан одам егай мевасин,
Уруғ сочган одам терар донасин.

Адабий-бадний нашр

Саъдий

**ГУЛИСТОН
БЎСТОН**

Туплам

Мухаррир *Ж.Яхшибоев*
Бадний мухаррир *И.Йўлдошев*
Техник мухаррир *Е.Толочко*
Мусаххих *У.Сапарова*
Компьютерда саҳифаловчи
У. Валижонова.

Нашриёт лицензия раками АІ № 290.04.11.2016

2021 йил 10 февралда босишга рухсат этилди.

Бичими 84x108 $\frac{1}{32}$. Times New Roman гарнитураси.

Офсет босма. 14,07 шартли босма тобок. 11,53 нашр тобоғи.

Адади 5000 нусха. 41-рақамли буюртма.

Баҳоси шартнома асосида.

Гафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйида чоп этилди.

100128. Тошкент. Лабзак кўчаси, 86.

Телефон: (371) 241-25-24, 241-83-29, 241-19-42

Факс: (371) 241-82-69

www.gglit.uz info@gglit.uz

Саъдий.

Гулистон. Бўстон: тўплам /Саъдий; нашрга тайёрловчи Ҳ.Ҳомидий; таржимонлар: Ғ.Ғулом, Ш.Шомухамедов, Р.Комилов, Чустий. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2021. – 264 б.

УЎК 821.512.133-1
КБК 84(0)9



Саъдий Шерозий

Гулистон бустон

16+



ISBN 978-9943-03-572-0



9 789943 035720